Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“Суғурта иши” кафедраси

“СУҒУРТА ИШИ”
фанидан

2013/2014 ўқув йили учун тайёрланган

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳалари:	100 000 – Таълим; 300 000 – Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ.
Таълим соҳалари:	140 000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани; 340 000 – Иқтисод ва бизнес.
Таълим йўналишлари:	5140900 – Касб таълими (бакалавриат таълим йўналишлари бўйича); 5340600 – Молия; 5340700 – Банк иши; 5340800 – Солиқлар ва солиққа тортиш; 5340900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича); 5340200 – Менежмент; 5341200 – Инвестицияларни молиялаштириш; 5341500 – Молия инжиниринги; 5341600 – Бозорлардаги фаолият ва операциялар; 5341700 – Ғазначилик иши; 5341800 – Бюджет ҳисоби ва назорат; 5341900 – Банк ҳисоби ва аудит.

Тузувчилар: И.К.Очилов, И.Ғ.Кенжаев.

Тошкент – 2013

“Суғурта иши” фанидан тайёрланган ўқув-услубий комплекс кафедранинг йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2013 йил “ __ ” _____ , ___ - сонли баённома).

Кафедра мудири доц.И.К.Очилов

“Суғурта иши” фанидан тайёрланган ўқув-услубий комплекс Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент молия институти Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган (2013 йил “ __ ” _____ , ___ - сонли баённома).

Кенгаш раиси проф. А.А.Каримов

“Суғурта иши” фани бўйича ўқув-услубий мажмуасидаги материаллар РЎЙХАТИ

1 Ўқув дастури
2 Ишчи дастур
3 Таълим технологияси
4 Масалалар ва машқлар тўплами
5 Тестлар
6 Назорат учун саволлар(ЖН,ОН,ЯН)
7 Умумий саволлар
8 Тарқатма материаллар
9 Глоссарий
10 Реферат мавзулари
11 Адабиётлар рўйхати
12 Таянч конспект
13 Ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланмалар)
14 Хорижий манбалар
15 Курс ишлари мавзулари
16 Аннотациялар
17 Муаллифлар хақида маълумот
18 Фойдали маслахатлар
19 Норматив хужжатлар
20 Бахолаш мезонлари

ФАННИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

«Рўйхатга олинди»

№_____

2012 йил «____» _____

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил «___» _____ даги «____»-сонли буйруғи билан тасдиқланган

СУҒУРТА ИШИ
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳалари: 100 000 – Гуманитар соҳа;
200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ.

Таълим соҳалари: 110 000 –Педагогика;
230 000 – Иқтисод.

Таълим йўналишлари: 5111000 – Касб таълими (5230600-Молия);
5111000 – Касб таълими (5230700-Банк иши);
5111000 – Касб таълими (5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит);
5111000 – Касб таълими (5231200-Суғурта иши);
5230600 – Молия;
5230700 – Банк иши;
5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиш;
5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит(тармоқлар бўйича);
5231200 – Суғурта иши;
5231300 – Пенсия иши;
5231500 – Баҳолаш иши.

Тошкент – 2012

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил «___» _____ даги «___»-сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:	Шеннаев Х.	ТМИ, «Суғурта иши» кафедраси мудири, и.ф.н., доц.
	Баймуратов Т.	ТМИ, «Суғурта иши» кафедраси доценти, и.ф.н.
	Кенжаев И.	ТМИ, «Суғурта иши» кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар:	Худойқулов С.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Молия ва солиқлар» кафедраси мудири, и.ф.н., доц. *(Турдош ОТМ дан)*
	Райимжонов Р.	“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бош менежери *(Кадрлар буюртмачиси)*

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институти Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва тавсия қилинган (2 -сонли баённома, 2011 йил 26 октябрь).

Кириш

Иқтисодиётни модернизация ва ислоҳ қилиш Ўзбекистон Республикасининг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифаси ҳисобланади. Мазкур вазифани изчил бажариш, шубҳасиз иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, молия-кредит тизимини замон талабига мос равишда такомиллаштириб боришни талаб этади. Молия-кредит тизими ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган суғурта миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ва барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу фанда суғуртанинг иқтисодий моҳияти, суғурта соҳасида қўлланиладиган атама ва тушунчалар каби долзарб масалалар ўз аксини топган. Мазкур фан Ўзбекистонда иқтисодий ислдоҳотларни амалга ошириш жараёнида суғурта иши асосларини бозор муносабатлари тамойиллари асосида ўрганади ва бу ҳолат фаннинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади.

“Суғурта иши” фани талабаларга суғурта соҳаси бўйича назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаб олиш имкониятини беради. Ушбу фанда суғурта ишини амалга оширишнинг шакллари, мулкий суғурта, шахсий суғурта, жавобгарлик суғуртаси ва бошқа шунга ўхшаш масалалар ўз аксини топган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

“Суғурта иши” фанининг асосий мақсади талабаларга соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини, ривожланиш тенденцияларини ва истиқболларини ўргатишдан иборат.

“Суғурта иши” фанининг вазифаси талабаларга қуйидагиларни ўргатишдан иборат: суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва фунциялари, суғуртада тариф сиёсати, ҳаёт суғуртаси, қурилиш-монтаж, тадбиркорлик ва молиявий рискларни суғуртаси каби мавзулар бўйича кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Фан бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

Мазкур фан бўйича бакалавр:

- суғурта компанияси фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини;
-суғурта масалалари бўйича қонунчилик ҳужжатларини;
-суғурта шартномаси тузиш услубларини;
-суғуртада иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;
-амалдаги суғурта қонунчилиги асосида суғурта даъволарини кўриб чиқиш механизмини *билиши ва улардан фойдалана олиши лозим*;
- суғурта бозори ривожланиши тенденцияларини аниқлаш мақсадида илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш;
-ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига суғурта полисларини сотиш;
-халқаро йўналишдаги юкларни суғурталаш;

- суғурта бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан етарли фойдаланиш ҳақида *кўникмага эга бўлиши лозим*;

- суғурта ишини ташкил этиш;
- суғурта шартномасини тузилиши ва асосий шартлари;
- суғурта шартномаларида тариф ставкаларини шакллантириш ва амалиётда қўллаш;
- суғурта воситачилари фаолиятини юритиш ва улар билан ишлаш;
- қайта суғурталашни ташкил этишнинг зарурлиги ва моҳияти;
- суғурта ташкилотининг молиявий фаолиятини юритиш;
- суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган солиқларни ҳисоблаш ва уни тўлаш тартиби;
- суғурта портфелини мувозонатлаштириш ва рискларни тақсимлашда қайта суғурталашнинг роли;
- қайта суғурталаш шартномасининг тузилиши ва асосий шартлари бўйича *малакага эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Суғурта иши” фани асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (олий математика, математик программалаштириш, иқтисодий география ва экология), умумкасбий (статистика, молия, пул, кредит ва банклар, молиявий менежмент, солиқлар ва солиққа тортиш ва ҳ.к.) ва ихтисослик (суғурта назарияси, суғурта ҳуқуқи, ташқи иқтисодий фаолият суғуртаси) фанларидан етарли билими ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Суғурта жамиятдаги иқтисодий зарарларни камайтириш ва бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бугунги миллий иқтисодиётимизда табиий ва стихияли кучлар таъсири натижасида юзага келадиган ҳар хил нохуш етказилган зарарларни қоплаш мақсадида ўзларининг пул фондларини ташкил этиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ муносабатларни ташкил этади.

Шунинг учун бугунги кунда суғурта муносабатларига ҳукумат томонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида етук суғурталовчиларни тайёрлашни тақазо этмоқда. Ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, суғурта фаолиятини жадал ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Суғурта иши” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усусларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда миллий

ва халқаро суғурта компанияларининг web-сайтлари маълумотларидан ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий қисм (маъруза)

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти, функциялари ҳамда асосий атама ва тушунчалар

Суғуртанинг келиб чиқиши. Суғурта иқтисодий категориясининг муҳим белгилари. Суғурта бозор инфратузилмасининг таркибий қисми. Суғурта фондлари ҳақида тушунча. Суғурта захираларини шаклланиш усуллари. Марказлашган суғурта фондлари. Ўз-ўзини суғурталаш фондлари. Ўз-ўзини суғурталаш фондларининг афзаллик ва камчилик томонлари. Суғурта фондларини суғурталаш йўли билан шакллантириш.

Суғуртанинг функциялари. Суғурта фанини ўрганишда ибора ва тушунчалар. Суғурта захираларини шаклланиши билан боғлиқ атамалар. Суғурталовчи ва суғурталанувчи. Суғурта шартномаси ва суғурта полиси. Суғурта объекти ва субъекти. Суғурта тарифи ва суғурта мукофоти. Суғурта муносабатларида қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Суғурта захираларидан фойдаланиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар. Суғурта ҳодисаси. Суғурта суммаси ва суғурта қопламаси. Суғурта жавобгарлиги ҳажми. Суғурта риски. Суғурта далолатномаси. Франшиза. Чет мамлакатларда суғурта иши. Халқаро суғурта ташкилотлари орқали киритилган атамалар: “Яшил карта”, “СИФ”, “КОФ” ва бошқа атамалар.

Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Суғурта ҳуқуқи ва унинг мазмуни. Суғурта қонунчилиги ва унинг таркибига кирувчи асосий қонунчилик ҳужжатлари. Умумий суғурта қонунчилиги. Махсус суғурта қонунчилиги. Суғурта қонунчилигида Фуқаролик Кодексининг тутган ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни: унинг тузилиши ва мазмуни. Давлат суғурта назоратининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, уларнинг қабул қилиниш тартиби ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олиниши. Суғурта ташкилотларининг устав капитали. Акциядорлик суғурта ташкилотлари ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби. Акциядорлик суғурта ташкилотларининг Низоми. Хусусий ва бошқа мулк шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотлари. Уларнинг рўйхатга олиниши ва бошқарув тузилмаси.

Суғуртада тариф сиёсати

Рақобат шароитида суғурта хизматларига нарх-навонинг шаклланиш хусусиятлари. Суғурта ҳодисасини рўй бериш эҳтимоли ва кутилаётган суғурта қопламалари ҳажмини аниқлаш. Актуар ҳисоб-китоблар. Суғурта тарифи ва унга таъсир этувчи омиллар. Суғурта тариф ставкаси. Брутто ва нетто-ставка. Суғурта суммаларининг зарарлилик кўрсаткичи. Риск устамаси. Суғурта тарифига юклама ва унинг мазмуни. Ҳудудлар ва объектларга қараб суғурта тарифларини табақалаштириш.

Суғурта фаолияти классификатори ва унга оид суғурта класслари

Суғурта фаолияти классификатори ҳақида тушунча. Суғурта фаолияти классификаторига умумий тавсиф. Умумий суғурта тармоғи ва унга оид асосий суғурта класслари. Ҳаётни суғурта қилиш тармоғи ва унга оид асосий суғурта класслари. Суғурта классларининг мазмуни ҳамда улар бўйича суғурталаш шартларига қўйиладиган талаблар.

Ҳаёт суғуртаси

Ҳаёт суғуртаси ҳақида тушунча. Ҳаёт суғуртасининг жамғарилиш функцияси. Ҳаёт суғуртасининг асосий турлари: фуқароларни маълум бир ёшгача яшашини суғурта қилиш; ўлим ҳодисасидан суғурта қилиш; ўлим ва соғликни йўқотиш ҳодисасидан суғурта қилиш; ҳаётни аралаш суғуртаси; туғилиш ва никоҳ суғуртаси. Ҳаёт суғуртаси шартномаларини тузиш. Аннуитет ва рента. Ҳаёт суғуртасида тарифларни ҳисоблаш методикаси ва суғурта тарифларини табақалаштириш. Суғурта тарифларини ҳисоблашда актуар ҳисоб-китоблар. Ҳаётийлик жадвали. Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш муаммолари.

Шахсий суғурта

Бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарни қоплашда суғурта. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш шартлари. Суғуртага олинмайдиган ҳолатлар. Суғурта объекти ва субъекти. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича шартнома тузиш. Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурталашда суғурта тарифларининг шаклланиши. Тариф ставкаси. Тиббий суғурталашнинг асосий шартлари: суғурта муддати ва ҳудуди; суғурта ҳодисалари; томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; умумий истиснолар; тиббий хизмат ҳақини тўлаш ва уни ташкил этиш. Мажбурий давлат суғуртаси ҳақида тушунча. Ҳарбий хизматчиларни мажбурий давлат суғуртаси–ижтимоий муҳофазанинг муҳим воситаси. Суғурта объекти ва субъектлари. Суғурта тарифи ва суғурта суммаси. Суғурта мукофотини ҳисоблаш ва суғурталовчига тўлаш муддати. Суғурта полисини расмийлаштириш. Умумий истиснолар. Суғурта суммаларини тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш.

Мулкий суғурта

Мулкий суғуртанинг моҳияти. Суғурта объекти ва субъектлари. Корхона мол-мулкини суғурталашнинг асосий шартлари. Суғурта тарифини ҳисоблаш. Суғурта мукофотини тўлаш. Суғурта полисини расмийлаштириш. Суғурта шартномасини кучга кириши ва ижро этилиши. Шартли ва шартсиз франшиза. Суғурта мониторинги. Умумий истиснолар. Суброгация ва регресс. Суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва тартибга солиш механизми. Автотранспорт воситаларини суғурталашнинг зарурлиги. Суғурта манфаати. Автотранспорт воситаларини суғуртаси бўйича суғурта шартномалари тузиш. Суғурта рисклари. Автотранспорт воситаларини суғуртаси бўйича тариф ставкаларини

аниқланиши. Суғурта мукофотини ҳисоблаш ва тўлаш. Автотранспорт суғуртасида франшиза. Суғурта полисларини расимийлаштириш ва тақдим этиш. Автотранспорт суғуртасида йўл қўйиладиган умумий истиснолар. Ҳаво транспортини суғуртаси. Юкларни суғуртаси. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси.

Қурилиш-монтаж, тадбиркорлик ва молиявий рискларни суғурта қилиш

Қурилиш-монтаж, тадбиркорлик ва молиявий рисклар. Суғурта объекти ва субъектлари. Суғурта объектларини баҳолаш, суғурта суммасини аниқлаш. Суғурталашнинг асосий шартлари: суғурта муддати ва ҳудуди; суғурта рисклари; томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; умумий истиснолар; регресс ва суброгация. Суғурта тарифи ва суғурта мукофотини ҳисоблаш. Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш. Суғурта шартномасининг тузилиши ва уни ижроси жараёнида мониторинг. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталовчи томонидан суғурта даъволарини кўриб чиқилиши.

Жавобгарликни суғурта қилиш

Фуқаролик жавобгарлиги ҳақида тушунча. Суғурта объектлари ва субъектлари. 2008 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ”Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонуни. 2009 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ”Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонуни. Хорижий автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш. Касбий жавобгарлик суғуртаси. Суғурта тарифи ва суғурта суммаси. Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш. Суғурталашнинг асосий шартлари: суғурта рисклари; томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; умумий истиснолар; суғурта муддати; регресс ва суброгация. Суғурта шартномасини бекор этиш ва тугатиш. Суғурта ҳодисаси рўй берганда тақдим этиладиган ҳужжатлар. Етказилган зарарларни аниқлаш, тўланадиган суғурта суммаларини ҳисоблаш ва уларни суғурта далолатномасида акс эттирилиши.

Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурта ва инвестицияларни сиёсий рисклардан суғурта қилиш

Халқаро иқтисодий фаолиятда рисклар ва уларни бошқаришда суғурта. Халқаро йўналишдаги транспорт воситалари юкларини суғурталаш. Халқаро савдо юкларини суғурталашда ИНКОТЕРМС талаблари. Транспорт воситалари эгаларининг юк эгалари олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси. Экспорт шартномаларини комплекс суғуртаси. Туристларни суғурталаш. Экспорт кредитлари суғуртаси. Сиёсий рисклар тушунчаси. Инвестицияларни сиёсий рисклардан суғурталаш бўйича халқаро институтлар, йирик суғурта компаниялари: МИГА (Бутунжаҳон банки гуруҳи, АҚШ), ЭКСИМБАНК (АҚШ), Гермес (Германия), Кофасе (Франция), САЧЕ (Италия) ва бошқалар.

Инвестицияларни сиёсий рисклардан суғурталаш шартлари: суғурта объекти, суғурта тарифи, суғурта мукофоти, суғурта жавобгарлиги, суғурта муддати. Суғурта даъволарини кўриб чиқилиши.

Қайта суғурта қилиш асослари

Қайта суғурталашнинг моҳияти. Қайта суғурталаш шартномасининг тузилиши. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Қайта суғурталаш соҳасида қўлланиладиган асосий ибора ва атамалар. Қайта суғурталаш шакллари: квотали қайта суғурталаш, нисбий ва нонисбий қайта суғурталаш. Факультатив ва облигаторли қайта суғурталаш. Чет мамлакатларда қайта суғурталашнинг ташкил этилиши.

Суғурта компаниясининг молиявий асослари

Суғурталовчи молияси; суғурта ташкилоти айланма маблағларининг ўзига хос хусусиятлари; суғурталовчи молиявий барқарорлигининг асоси; устав капитали ва уни шакллантириш тамойиллари; суғурталовчи ўз капитали тушунчаси; қарз капиталлар ва унинг таркиби; суғурта ташкилотлари ресурслари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари; суғурта ташкилоти молиявий натижаси шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари. Суғурта захираларини инвестиция объектларига жойлаштириш. Суғурта захираларини айрим объектларга инвестиция қилишга йўл қўйилмаслиги. Суғурталовчининг инвестиция портфели. Суғурта захираларини жойлаштириш қоидалари. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.

Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолияти

Суғурта захиралари ва бошқа вақтинча бўш турган маблағларни инвестиция қилишнинг зарурлиги. Инвестицияларнинг объектлари ва турлари. Суғурта захираларини инвестиция объектларига жойлаштиришнинг асосий тамойиллари. Суғурта захираларини айрим объектларга инвестиция қилишга йўл қўйилмаслиги. Суғурталовчининг инвестиция портфели ва унинг оқилона мувозонатлашувини таъминлаш. Суғурта захираларини жойлаштириш қоидалари. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.

Ўзбекистон суғурта бозори ва уни давлат томонидан тартибга солиш

Суғурта бозори тушунчаси ва унинг иштирокчилари. Суғурта бозорининг профессионал ва профессионал бўлмаган иштирокчилари. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар. Суғурта бозорининг турлари. Минтақавий суғурта бозори ва уни ташкил этилиши. Халқаро суғурта бозори ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари. Суғурта бозори инфратузилмасининг суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти. Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси ва унинг вазифалари. Актуарийлар маркази ва консалтинг фирмалари. Суғурта бозорида

монополистик фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш ва барҳам бериш. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакллари. Суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколатига эга бўлган давлат органлари. Давлат суғурта назорати органи: унинг функция ва вазифалари. Суғурта фаолиятини тартибга солишга қаратилган асосий меъёрий ҳужжатлар. Суғурта фаолиятини лицензиялашда зарур бўладиган ҳужжатлар ва уларни экспертизадан ўтказиш тартиби. Лицензияни чақириб олиш ва вақтинчалик тўхтатиш шартлари.

Мажбурий суғурта турлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари

Мажбурий суғурта ҳақида тушунча ва уни ўтказишдаги асосий шартлар. Мажбурий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. Йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш: суғурта тарифлари ва суммаси, шартлари. Суғурта ҳодисаси рўй берганда томонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларини мажбурий давлат суғуртаси. Ушбу суғуртани амалга ошириш шартлари, суғурта тарифлари ва суммалари. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта суммаларини тўлаш тартиби. Давлат божхона ва солиқ органлари ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртасига олиш тартиби.

Чет мамлакатларда суғурта ишининг ўзига хос хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти ривожланган чет мамлакатларда суғуртани ривожланишнинг асосий тенденциялари. Халқаро даражада суғуртанинг ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар. Жаҳон суғурта бозорининг таркиби ва тузилиши.

Буюк британия суғурта бозори ва уни давлат томонидан тартибга солиш. АҚШда суғурта ишини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. АҚШ иқтисодиётини ривожланишида суғуртанинг тутган ўрни. АҚШда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида суғурта бозорининг ривожланиши.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулот мавзулари:

1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти, функциялари ҳамда асосий атама ва тушунчалар.

2. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

3. Суғуртада тариф сиёсати.

4. Суғурта фаолияти классификатори ва унга оид суғурта класслари.

5. Ҳаёт суғуртаси.
6. Шахсий суғурта.
7. Мулкий суғурта.
8. Қурилиш-монтаж, тадбиркорлик ва молиявий рискларни суғурта қилиш.
9. Жавобгарликни суғурта қилиш.
10. Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурта ва инвестицияларни сиёсий рисклардан суғурта қилиш.
11. Қайта суғурта қилиш асослари.
12. Суғурта компаниясининг молиявий асослари.
13. Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолияти.
14. Ўзбекистон суғурта бозори ва уни давлат томонидан тартибга солиш.
15. Мажбурий суғурта турлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари.
16. Чет мамлакатларда суғурта ишининг ўзига хос хусусиятлари.

Амалий машғулотларни бажариш жараёнида мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Мавзуни ёритиш жараёнида суғурта муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ўрганишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларининг асосий мазмуни талабаларга етказилиши, уларнинг мавзуга оид қисмларидан кўчирмалар тарқатма материал сифатида ўрганилиши тавсия этилади. Қонун ҳужжатларини ўрганишда ахборот тизимларидан фойдаланиш мумкин. Интернет сайтлари маълумотларидан самарали фойдаланиш, суғурта ташкилотларининг фаолияти, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суғурта соҳасидаги ислоҳотлар, суғурта ташкилотлари томонидан суғурталанаётган лойиҳалар тўғрисида уларнинг расмий сайтларидан янги маълумотларни олиб фойдаланиш лозим.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талабалар мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: мазкур фан мавзулари бўйича тарқатма материаллар тайёрлаш; тегишли мавзулар бўйича рефератлар ёзиш; фан мазмунини бойитиш ва унинг маълумотларини янгилаб боришда ахборот ресурсларидан фойдаланишни йўлга қўйиш; фаннинг мазмунини янада такомиллаштириш мақсадида тавсия этилган чет эл адабиётлари маълумотларини таржима қилиш ва фанга татбиқ этиш; талабалар фанни мукаммал ўзлаштириш мақсадида мазкур фанга оид муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излаб топиш ва муаммоларни мақолалар орқали ёритиш.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустақил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган курс ишлари ва битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари.

2. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирларига оид қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар.

3. Халқаро амалиётда қўлланиладиган атама ва тушунчалар.

4. Умумий суғурта тармоғида суғурта заҳираларини шаклланиш муаммолари.

5. Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари.

6. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

7. Инвестиция рисклари ва уни суғурталаш йўллари.

8. Ўзбекистонда шахсий суғурта ва уни ривожлантириш масалалари.

9. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми.

10. Умумий суғуртада тариф сиёсати ва уни такомиллаштириш.

11. Ўзбекистон суғурта бозори ва уни ривожлантириш йўллари.

12. Ўзбекистонда тиббий суғуртани ташкил этиш муаммолари.

13. Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш масалалари.

14. Ўзбекистонда суғурта тармоқлари ва уларни самарали ташкил этиш йўллари.

15. Ўзбекистонда ҳудудий суғурта хизматлари бозорларини ривожлантириш йўллари.

16. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолияти ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

17. Ўзбекистонда суғурта бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

18. Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси тармоғини ривожлантириш йўналишлари.

19. Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси.

20. Ўзбекистонда мажбурий давлат суғуртасини ривожлантириш.

21. Ўзбекистонда экспорт суғуртаси ривожланишининг истиқболлари.

Курс иши бўйича услубий кўрсатмалар

5231200 – “Суғурта иши” бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режасида “Суғурта иши” ихтисослик фанидан курс иши ёзиш режалаштирилган.

Курс ишларини бажариш талабаларда суғурта ишини амалиёт бўйича тегишли билимларни мустаҳкамлаш билан бирга, аниқ бир муаммоли мавзуни атрофлича ўрганиб чиқишга муваффақ бўлади. Курс ишида суғурта фаолиятига оид мавжуд муаммолари бўйича назарий-ҳуқуқий асослар ўрганилади, услубиёт муаммолари тадқиқ этилади, аналитик жадваллар тузиб таҳлил қилинади, мавзу бўйича тегишли хулосалар ва улар асосидаги таклифлар назарий жиҳатдан асослаб берилади. Умуман, суғурта иши фанидан курс ишини ёзишнинг яна бир хусусиятли томони шундаки, ҳар бир талаба ўқув жараёни тугаши арафасида битирув малакавий ишини ёзади. Курс иши айни шу ўқув тадбирининг дастлабки пойдевори бўлиб ҳисобланади.

Қуйида курс иши бўйича намунавий мавзуларининг рўйхати келтирилган:

1. Автотранспорт суғуртаси.
2. Суғурта фаолиятининг ривожланиши ҳамда унга талаб ва таклиф механизмининг таъсири.
3. Суғурта рисклари ва уларни суғурталаш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш.
4. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.
5. Ўзбекистонда тиббий суғуртани ташкил этилиши.
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғурта ташкилотларининг молиявий фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш масалалари.
7. Суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китоблар ва уларни такомиллаштириш.
8. Суғурта тарифи ва уни ҳаёт суғуртасида аниқлаш мезонлари.
9. Умумий суғурта тармоғи ва унинг класслари бўйича шартнома тузишнинг ўзига хос хусусиятлари
10. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг зарурлиги ва аҳамияти.
11. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги суғурта компаниялари.
12. Суғурта ташкилотларининг устав фонди ва уни шакллантиришга бўлган талаблар.
13. Суғурталовчининг иш юритиш харажатлари ва уларни аниқлаштириш услубияти.
14. Суғурта захираси ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш.
15. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ва уларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш.
16. Суғурта бозорида воситачилар ва уларнинг фаолиятини ташкил этилиши.
17. Давлат суғурта назорати ва уни ташкил этиш тамойиллари.
18. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва унинг ривожланиши кўрсаткичлари.
19. Ўзбекистонда тадбиркорлик рискларини суғурталаш ва уни такомиллаштириш.
20. Ўзбекистонда тижорат банклари рискларини суғурталаш ва уни такомиллаштириш.
21. Ривожланган мамлакатлар суғурта тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
22. Суғурта ташкилотларининг тўлов қобилияти ва уни таъминлаш масалалари.
23. Европа Иттифоқи давлатларида суғурта бозорини ташкил этилиши.
24. Суғурта қилиш шартлари ва уларга қўйиладиган талаблар.
25. Суғурта класслари бўйича суғурталашни самарали ташкил этиш йўллари.
26. Суғурта фаолиятини солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш
27. АҚШ суғурта тизими ва уни давлат томонидан тартибга солиниши.
28. Мажбурий суғурта ва уни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
29. Ўзбекистон суғурта бозорида қайта суғурталашни ташкил этиш.

30. Суғурта қопламаси ва унинг молиявий таъминоти.
31. Суғурта ташкилоти даромадлари ва уни ошириш йўллари.
32. Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкларни суғуртаси.
33. Суғурта компаниясининг тўлов қобилияти ва уни баҳолаш услубияти.
34. Қишлоқ хўжалик чорва молларини суғурта қилиш.
35. Суғурта тарифлари ва уларни моделлаштириш
36. Суғуртада тарификация тизими ва уни шакллантириш услубияти
37. Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.
38. Суғуртавий жавобгарлик ва уни такомиллаштириш тамойиллари.
39. Суғурта ҳодисаси рўй берганда томонлар ўртасидаги муносабатларни тартиб солиш тартиби.
40. Корхоналарга тегишли мол-мулкни суғуртаси.
41. Сиёсий рисклар ва инвестицияларни суғурталашда унинг аҳамияти.
42. Суғурталовчининг бизнес-режаси ва уни тузишнинг ўзига хослиги
43. Юк ташувчиларнинг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси.
44. Ўзбекистонда суғурта бозорининг ҳуқуқий асослари.
45. Суғурта қонунчилиги ва унинг таркиби.
46. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни: мазмуни ва таркиби.
47. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик Кодекси”да суғурта муносабатларининг акс эттирилиши.
48. Ўзбекистонда суғурта соҳаси монополиясининг тугатилиши, турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотларининг вужудга келиши.
49. Давлат акциядорлик суғурта компаниялари фаолиятининг ўзига ҳос ҳусусиятлари.
50. Хусусий суғурта ташкилотлари тузишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибга солиниши.
51. Ўзбекистонда суғурта бозорини бошқарилиши тартиби ва ўзига хос хусусиятлари.
52. Суғурта назорати давлат инспекциясининг функцияси, вазифалари ва суғурта ташкилотларини лицензиялаш тартиби.
53. Суғурта шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби.
54. Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг моҳияти ва ўзига ҳос ҳусусиятлари.
55. Суғурта ташкилотларида узоқ муддатли молиявий қўйилмалари билан боғлиқ операциялар.
56. Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта тизимида рўй берган асосий ўзгаришлар.
57. Суғурта ташкилотларида бухгалтерия балансининг тузилиши.
58. Суғурта тарифи тузилишининг назарий асослари.
59. Суғурта соҳасида қўлланиладиган атама ва тушунчалар.
60. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва уни ўтказиш тартиби.

61. Ўзбекистонда мажбурий давлат суғуртасининг жорий этилиш сабаблари ва турлари.
62. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти.
63. Хорижий суғурта атамалари ва тушунчалари.
64. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш босқичлари.
65. Суғурта фаолияти классификатори ва унинг тузилиши.
66. Суғуртада маркетингни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
67. Суғуртада менежмент.
68. “Ўзагросуғурта” ДАСК ва унинг қишлоқ хўжалик тармоғини суғурталашдаги аҳамияти.
69. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг мулкий манфаатларини суғурталашнинг зарурлиги ва аҳамияти.
70. “Кафолат” ДАСК фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.
71. Мол-мулк суғуртаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
72. “Ўзбекинвест” ЭИМСК фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.
73. Огоҳлантириш тадбирларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланиш.
74. “Мадад” суғурта агентлигининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.
75. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда “Мадад” суғурта агентлигининг тутган ўрни ва аҳамияти.
76. Транспорт суғуртаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
77. Қайта суғурта қилишнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги.
78. Актуар ҳисоб-китобларнинг зарурлиги, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.
79. Халқаро “Яшил карта” тизими ва унинг мазмуни.
80. Йўловчиларни мажбурий суғуртаси ва уни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.
81. Шахсий суғуртанинг зарурлиги, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари
82. Кредит риски суғуртаси.
83. Суғурта бозори ҳақида тушунча, унинг таркибий тузилиши.
84. Жавобгарлик суғуртасининг ўзига хос хусусиятлари.
85. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғуртаси.
86. Қурилиш-монтаж рискларини суғуртаси.
87. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш тартиби.

Дастурнинг информацион-услубий таъминот

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий (хусусан, интерфаол) методлари, педогогик ва ахборот-коммуникация (медиатаълим, амалий дастур пакетлари, презентацион, электрон дидактик) технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям “Финансы и кредит”, «Бухгалтерский учет, анализ и аудит» /под ред.В.В.Шахова, Ю.Т.Ахвледиани. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010 г. – 511 стр.
2. Страхование: учебник/под. ред. Т.А. Федоровой.- 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Магистр, 2008.-1006 стр.
3. Абрамов В.Ю. Страхование теория и практика. Учебник. – М.: Волтерс Клувер. 2007 г. – 512 стр.
4. Никулина Н.Н. Страхование. Учебное пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008 г. 511 стр.

Қўшимча адабиётлар:

5. Гвозденко А.А. Страхование: Учебник. – М.: Проспект, 2008. – 464 стр.
6. Веселовский М. Страховой сервис: учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009 г. – 288 стр.
7. Денисова И. Страхование. Учебник. – М.: МарТ, 2009 г. – 240 стр.
8. Короткова Ю.Е. Краткий курс по страхованию. Учебное пособие. - М.: Окей-книга, 2010. - 176 стр.
9. Шеннаев Х. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: InfoCom.Uz, 2010 й.
10. Интернет сайтлари:
    www.mf.uz.
    www.UzReport.com.
    www.alscom.uz.
    www.uzbekinvest.uz.
    www.kafolat.uz.
    www.sug’urta.uz.
    www.kapitalsug’urta.uz.
    www.asiainsurance.uz.
    www.allinsurance.ru.

ФАННИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

O’quv-uslubiy boshqarma tomonidan ro’yxatga olindi	**Rektorning ___- sonli buyrug’i bilan TASDIQLANGAN**
№ _____	(2013 yil iyun)
2013 yil iyun	

SUG’URTA ISHI

ISHCHI O‘QUV DASTURI

Bilim sohalari:	100 000–Ta’lim; 300 000–Ijtimoiy fanlar, iqtisod va huquq.
Ta’lim sohalari:	140 000–O‘qituvchilar tayyorlash va pedagogika fani; 340 000–Iqtisod va biznes.
Ta’lim yo‘nalishlari:	5140900–Kasb ta’lim (5340600-Moliya); 5140900–Kasb ta’limi (5340700-Bank ishi); 5140900–Kasb ta’limi (5340900-Buxgalteriya hisobi va audit); 5340200-Menejment; 5340400–Biznesni boshqarish(tarmoqlar va sohalar bo’yicha) 5340600- Moliya; 5340700-Bank ishi; 5340800-Soliqlar va soliqqa tortish; 5340900-Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo’yicha); 5341200-Investitsiyalarni moliyalashtirish; 5341500-Moliya injiniringi; 5341600 –Qimmatli qog’ozlar; 5341700-Gaznachilik ishi; 5341800-Byudjet hisobi va nazorati; 5341900-Bank hisobi va audit. 5342700–Baholash ishi.

Toshkent – 2013

Fanning ishchi o‘quv dasturi o‘quv, ishchi o‘quv reja va o‘quv dasturiga muoviq ishlab chiqildi.

Tuzuvchilar:	X.Shennaev	–TMI, “Sug’urta ishi” kafedrasi dotsenti
	I.Kenjaev	–TMI, “Sug’urta ishi” kafedrasi katta o‘qituvchisi
Taqrizchilar:	S.Xudoyqulov	–TDIU, “Moliya va soliqlar kafedrasi mudiri, i.f.n. dots.
	O.Kamolov	–TMI, “Moliya” kafedrasi kafedrasi mudiri, i.f.n. dots.

Fanning ishchi o‘quv dasturi kafedraning 2013 yil 8 iyundagi 19-sonli majlisida muhokama etilib, fakul’tet Kengashida ko’rib chiqishga tavsiya qilingan.

Kafedra mudiri: **dots.Ochilov I.K**

Fanning ishchi o‘quv dasturi Sug’urta fakulteti Kengashida muhokama qilingan va tavsiya etilgan (2013 yil “__” iyundagi__- sonli qarori)

Kengash raisi: **dots. Radjabov U.O**

Kelishildi:

O’quv ishlari bo’yicha
prorektor: **prof.Karimov A.A**

KIRISh

1.1. Fanning maqsadi va vazifalari

“Sug’urta ishi” fanini o’rganish bozor iqtisodiyoti sharoitida sug’urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o’rni va huquqiy asoslari hamda sug’urta bozori va uni davlat tomonidan tartibga solish to’g’risida tushunish va nazariy va amaliy bilimlari bilan boyitishni vazifa qilib qo’yadi. “Sug’urta ishi” fani hozirgi rivojlangan iqtisodiyotda sug’urtaning tutgan o’rni va ahamiyati, sug’urta sohasida qo’llaniladigan asosiy atama va tushunchalarning mazmuni hamda sug’urtada tarif siyosatini sug’urta faoliyatida yuritilishi va sug’urta tashkiloti moliyasini tarkibiy tuzulishiga oid iqtisodiy ma’lumotlarni umumlashtirib, tahlil qilib, real ma’lumotlarga ega bo’lish, iqtisodiy ko’rsatkichlar bo’yicha xulosa va takliflar berishda etarli darajada bilimlarni beradi.

Uning asosiy maqsadi-sug’urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o’rnini tahlil qilish, sug’urtada tarif siyosatini yurg’izish bo’yucha maslahatlar berish va boshqalardan iborat. “Sug’urta ishi” fanini sug’urta faoliyatini na faqat milliy iqtisodiyotdagi sug’urtalash mezonlari asosida balki kengroq va chuqurroq chet el davlatlari tajribasi asosida o’rgatadi. “Sug’urta ishi” fanini o’rganish mavjud risklarni sug’urtalash va boshqarishda tutgan o’rnini tushunish va nazariy bilimlarni amaliy bilimlar bilan boyitishni vazifa qilib qo’yadi.

Har bir mavzu yakunida ta’lim texnologiyalari keltirilgan va ularni qo’llash yuzasidan aniq tavsiyalar mazkur fandan ishlab chiqilgan o’quv-uslubiy majmua(O’UM)da bayon etilgan.

1.2. Fanni o’zlashtirgan talabaning malakaviy darajasi:

- **S**ug’urtaning mohiyati, funktsiyalari haqidagi;

- Sug’urta faoliyatini amalga oshirishning huquqiy asoslari haqidagi;

- Sug’urtada tarif siyosati haqidagi;
- Sug’urta bozori va uni davlat tomonidan tartibga solish haqidagi tasavvur va malakaga ega bo’ladi.

1.3. Fanning o’quv rejasidagi fanlar bilan bog’liqligi

Mazkur fanni o’rganish uchun bakalavriat ta’lim yo’nalishi davlat ta’lim standartlarida ko’zda tutilgan iqtisodiy fanlar bilan bevosita aloqada bo’ladi.

1.4. Fanni o’qitishda qo’llaniladigan yangi pedagogik texnologiyalar va ularning mazmun-mohiyati

“Sug’urta ishi” fanining ***ma’ruza mashg’ulotlarida*** ma’lumotlarni ko’rgazmali taqdim etish usullari va vositalari:

insert jadvali:

- mustaqil o’qish, ma’ruza tinglash jarayonida olinadigan ma’lumotlarni yaxlit bir tizimga keltirishga imkoniyat yaratadi.
- oldindan olingan ma’lumotni yangisi bilan o’zaro bog’lash qobiliyatini shakllantirishga imkon beradi.

Klaster (Klaster - tutam, bog’lash):

Ma’lumot xaritasini tuzish va vositasi-barcha fikr konstitutsiyasini fokuslash va aniqlash uchun asosiy omil atrofida g’oyalarni yig’ish.

Toifali jadval:

Toifa - mavjud holat va munosabatlarni aks ettiradigan belgi (umumiy).

- ajratilgan belgilarga ko’ra olingan ma’lumotlarni birlashtirishni ta’minlaydi;
- tizimli mushohada qilish, ma’lumotlarni tarkiblashtirish va tizimlashtirish ko’nikmasini rivojlantiradi.

Kontseptual jadval:

O’rganilayotgan xodisa tushuncha, qarash, mavzu va shu kabilarni ikki va undan ortiq jihat bo’yicha taqqoslash imkonini beradi. Tizimli mushohada qilish, ma’lumotlarni tarkiblashtirish va tizimlashtirish ko’nikmasini rivojlantiradi.

BBB jadvali:

Bilaman, Bilishni xoxlayman, Bildim

- matn (mavzu, bo’lim) bo’yicha tadqiqot ishlari olib borish imkonini beradi;
- tizimli mulohaza kilish, tarkibga ajratish ko’nikmalarini beradi.

T –jadval:

Bita kontseptsiya (ma’lumot)ning jihati o’zaro solishtirish (ha/yuk, ha/qarshi). Tanqidiy mushohada rivojlantiradi.

BLOT-tahlil jadvali:

Sug’urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o’rni va sug’urta faoliyatini amalga oshirish tizimi. Bu kabi tahlilni iqtisodiyot bo’yicha umumiy tarzda yoki alohida muammo yoki loyiha bo’yicha ham amalga oshirish mumkin. Tizimli mushohada qilish, taqqoslash, solishtirish, tahlil va sintezni amalga oshirish ko’nikmalarini rivojlantiradi.

Loyihalash metodi:

Kelajakda amalga oshiriladigan ishlarni rejalashtirish bo’lib, loyiha, ma’lum bir hisob-kitob, chizma va boshqalarga asoslangan holda tavsiflash, bayon qilish shaklida mujassamlashgan g’oya, fikr.

“Sug’urta ishi” fanining amaliyot mashg’ulotlarida muammoni jamoali tarzda hal etishning usullari va vositalari:

Aqliy hujum:

Bu uslubda qo’yilgan savol, maummo, masalani butun guruh bilan birgalikda muhokama kilinadi. U talabalarni o’quv jarayonida mashg’ulotlar faol qatnashishlarini topish va bayon qilish chog’ida boshqalarni ham fikrini jalb qilish, o’z fikrlarini aytishga yo’naltiruvchi metoddir.

Bahs:

O’z fikrini ifoda etishni xoxlovchilar orasida biron bir munozarali masalani muhokama kilish, xaqiqatni aniqlash va to’g’ri qarorni qabul qilish.

Muzokaralar:

Eshitish aniq tashkil etilgan ikki tomon fikrlari almashinuvi.

Pinbord texnikasi:

Muammoni xal etish buyicha g’oyalarni tizimlashtirish va guruhlashtirish va yagona nuqtai nazarni ishlab chiqish imkonini beradi.

Delfin texnikasi:

Muammoni xal etishning jamoali baholash va tanlash imkonini beradi.

***6-6** texnikasi:*

Qo’yilgan muammoni xal etish buyicha jamoa tomonidan ifodalangan variantlardan eng yaxshisi baholanadi va tanlanadi, keyin quyidagi xarakatlar algoritmga muvofiq ma’lum belgilar bo’yicha guruhlanadi.

Keys stadi.:

Talabalarni qaror qabul qilishga o’rgatishda muammoli vaziyat hosil kilib, uni echishni o’rganish metodi.

Shuningdek “Sug’urta ishi” fanining amaliyot mashgulotlarida Mikrasoft Excel, Mikrasoft PowerPoint, Web Trust, SYS Trust), slaydlardan, multimediata’lim vositalaridan, INTERNET sahifalari va tizimlaridan foydalanish tavsiya etiladi.

Talabalarga ushbu fanni o’zlashtirishda mavjud o’quv adabiyotlaridan, elektron darslik, teslar majmuasi va boshqa manbalardan foydalanish tavsiya etiladi.

5340600- Moliya, 5340700-Bank ishi, 5340900-Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo'yicha), 5341200-Investitsiyalarni moliyalashtirish, 5341500-Moliya injiniringi, 5341600 – Qimmatli qog'ozlar, 5341700-Gaznachilik ishi, 5341800-Byudjet hisobi va nazorati, 5341900-Bank hisobi va audit, 5342700 – Baholash ishi bakalavriat ta'lim yo'nalishlarida "Sug'urta ishi" fanidan o'tiladigan mavzular va ular bo'yicha mashg'ulot turlariga ajratilgan soatlar hajmining taqsimoti

n\r	Mavzular	Jami soatlar	Ma'ruza	Amaliy mashg'ulot	Mustaqil ta'lim
1	2	3	4	5	6
1.	Sug'urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o'rni	10	2	2	6
2.	Sug'urta sohasida qo'llaniladigan asosiy atama va tushunchalar	10	2	2	6
3.	Sug'urta faoliyatini amalga oshirishning huquqiy asoslari	10	2	2	6
4.	Sug'urtada tarif siyosati	8	2	2	4
5.	Sug'urta bozori va uni davlat tomonidan tartibga solish	10	2	4	4
6.	Sug'urta tashkiloti moliyasi	8	2	2	4
7.	Shaxsiy sug'urtaning mazmuni va turlari	10	2	2	6
8.	Mol-mulk sug'urtasi	10	2	2	6
9.	Javobgarlikni sug'urta qilish	10	2	2	6
10.	Qayta sug'urta	8	2	2	4
	Jami:	**94**	**20**	**22**	**52**

5340800–Soliqlar va soliqqa tortish bakalavriat ta’lim yo‘nalishida “Sug’urta ishi” fanidan o‘tiladigan mavzular va ular bo‘yicha mashg‘ulot turlariga ajratilgan soatlar hajmining taqsimoti

n\r	Mavzular	Jami soatlar	Ma’ruza	Amaliy mashg‘ulot	Mustaqil ta’lim
1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**
1.	Sug’urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o’rni	12	2	2	8
2.	Sug’urta sohasida qo’llaniladigan asosiy atama va tushunchalar	12	2	2	8
3.	Sug’urta faoliyatini amalga oshirishning huquqiy asoslari	16	2	4	10
4.	Sug’urtada tarif siyosati	14	2	2	10
5.	Sug’urta bozori va uni davlat tomonidan tartibga solish	12	2	2	8
6.	Sug’urta tashkiloti moliyasi	12	2	2	8
7.	Shaxsiy sug’urtaning mazmuni va turlari	12	2	2	8
8.	Mol-mulk sug’urtasi	12	2	2	8
9.	Javobgarlikni sug’urta qilish	14	2	2	10
10.	Qayta sug’urta	12	2	2	8
	Jami:	**128**	**20**	**22**	**86**

5340200–Menejment bakalavriat ta’lim yo‘nalishida “Sug’urta ishi” fanidan o‘tiladigan mavzular va ular bo‘yicha mashg‘ulot turlariga ajratilgan soatlar hajmining taqsimoti

n\r	Mavzular	Jami soatlar	Ma’ruza	Amaliy mashg‘ulot	Mustaqil ta’lim
1	2	3	4	5	6
1.	Sug’urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o’rni	8	4	2	2
2.	Sug’urta sohasida qo’llaniladigan asosiy atama va tushunchalar	4	2	2	-
3.	Sug’urta faoliyatini amalga oshirishning huquqiy asoslari	6	2	2	2
4.	Sug’urtada tarif siyosati	4	2	2	-
5.	Sug’urta bozori va uni davlat tomonidan tartibga solish	4	2	2	-
6.	Sug’urta tashkiloti moliyasi	4	2	2	-
7.	Shaxsiy sug’urtaning mazmuni va turlari	6	2	2	2
8.	Mol-mulk sug’urtasi	4	2	2	-

9.	Javobgarlikni sug'urta qilish	4	2	2	-
10.	Qayta sug'urta	4	2	2	-
	Jami:	**48**	**22**	**20**	**6**

5140900–Kasb ta'limi (buxgalteriya hisobi va audit), (bank ishi), (moliya) bakalavriat ta'lim yo'nalishida "Sug'urta ishi" fanidan o'tiladigan mavzular va ular bo'yicha mashg'ulot turlariga ajratilgan soatlar hajmining taqsimoti

n\r	**Mavzular**	**Jami soatlar**	**Ma'ruza**	**Amaliy mashg'ulot**	**Mustaqil ta'lim**
1	2	3	4	5	6
1.	Sug'urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o'rni	6	2	2	2
2.	Sug'urta sohasida qo'llaniladigan asosiy atama va tushunchalar	6	2	2	2
3.	Sug'urta faoliyatini amalga oshirishning huquqiy asoslari	6	2	2	2
4.	Sug'urtada tarif siyosati	6	2	2	2
5.	Sug'urta bozori va uni davlat tomonidan tartibga solish	10	2	4	4
6.	Sug'urta tashkiloti moliyasi	6	2	2	2
7.	Shaxsiy sug'urtaning mazmuni va turlari	6	2	2	2
8.	Mol-mulk sug'urtasi	6	2	2	2
9.	Javobgarlikni sug'urta qilish	6	2	2	2
10.	Qayta sug'urta	6	2	2	2
	Jami:	**64**	**20**	**22**	**22**

5340400–Biznesni boshqarish (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) bakalavriat ta'lim yo'nalishida "Sug'urta ishi" fanidan o'tiladigan mavzular va ular bo'yicha mashg'ulot turlariga ajratilgan soatlar hajmining taqsimoti

n\r	**Mavzular**	**Jami soatlar**	**Ma'ruza**	**Amaliy mashg'ulot**	**Mustaqil ta'lim**
1	2	3	4	5	6
1.	Sug'urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o'rni	6	2	2	5
2.	Sug'urta sohasida qo'llaniladigan asosiy atama va tushunchalar	6	2	2	6
3.	Sug'urta faoliyatini amalga oshirishning huquqiy asoslari	6	2	2	6
4.	Sug'urtada tarif siyosati	6	2	2	5
5.	Sug'urta bozori va uni davlat tomonidan tartibga solish	10	2	4	6

6.	Sug’urta tashkiloti moliyasi	6	2	2	5
7.	Shaxsiy sug’urtaning mazmuni va turlari	6	2	2	5
8.	Mol-mulk sug’urtasi	6	2	2	5
9.	Javobgarlikni sug’urta qilish	6	2	2	6
10.	Qayta sug’urta	6	2	2	5
	Jami:	**96**	**20**	**22**	**54**

II. Ma’ruza mashg‘ulotlari

1-mavzu: Sug’urtaning mohiyati, funktsiyalari va bozor munosabatlaridagi o’rni (2 soat)

Sug’urtaning kelib chiqishi. Sug’urta iqtisodiy kategoriya sifatida. Sug’urta iqtisodiy kategoriyasining muhim belgilari. Sug’urta jarayonida paydo bo’ladigan iqtisodiy munosabatlar. Sug’urta bozor infratuzilmasining tarkibiy qismi.

Sug’urta fondlari haqida tushuncha. Sug’urta zahiralarini shakllanish usullari. Markazlashgan sug’urta fondlari, ularning shakllanish manbalari, turlari va shakllari hamda foydalanish yo’nalishlari. O’z-o’zini sug’urtalash fondlari va korxonaning moliyaviy barqaror faoliyat ko’rsatishida uning ahamiyati. O’z-o’zini sug’urtalash fondlarining afzallik va kamchilik tomonlari. Sug’urta fondlarini sug’urtalash yo’li bilan shakllantirish.

Sug’urtaning funktsiyalari. Ularni turli o’quv qo’llanmalari va darsliklarda talqin etilishi.

Qo’llaniladigan ta’lim texnologiyalari**:** *insert jadvali, toifali jadval, kontseptual jadval.*

[A1, A2, A3,A5,A6, A8,A9, A10, A11, Q1, Q4, Q5, Q6, Q7, Q9, Q11, Q12]

2-mavzu: Sug’urta sohasida qo’llaniladigan asosiy atama va tushunchalar (2 soat)

Sug’urta fanini o’rganishda ibora va tushunchalarning ahamiyati. Sug’urta zahiralarini shakllanishi bilan bog’liq atama va tushunchalar. Sug’urtalovchi va sug’urtalanuvchi. Sug’urta shartnomasi va sug’urta polisi. Sug’urta ob’ekti va sub’ekti. Sug’urta tarifi va sug’urta mukofoti. Sug’urta munosabatlarida qatnashuvchi tomonlarning huquq va majburiyatlarini anglatuvchi iboralar. Sug’urta zahiralaridan foydalanish bilan bog’liq atama va tushunchalar. Sug’urta hodisasi. Sug’urta summasi va sug’urta qoplamasi. Sug’urta javobgarlik hajmi. Sug’urta riski. Sug’urta dalolatnomasi. Franshiza.

Chet mamlakatlarda sug’urta ishini tashkil etish bilan bog’liq tushunchalar. Xalqaro sug’urta tashkilotlari orqali kiritilgan atamalar: “Yashil karta”, “SIF”, “KOF” va boshqa atamalar.

Qo’llaniladigan ta’lim texnologiyalari**:** *insert jadvali, toifali jadval, kontseptual jadval.*

[A1,A2,A3,A4,A9,A10,A11,A12,Q1,Q2,Q3,Q4,Q5,Q6,Q7, Q8, Q9, Q11]

3-mavzu: Sug'urta faoliyatini amalga oshirishning huquqiy asoslari (2 soat)

Sug'urta munosabatlarini tartibga solishda huquqning ahamiyati. Sug'urta huquqi va uning mazmuni. Sug'urta qonunchiligi va uning tarkibiga kiruvchi asosiy qonunchilik hujjatlari. Umumiy sug'urta qonunchiligi. Maxsus sug'urta qonunchiligi.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida sug'urta munosabatlarining aks ettirilishi. Sug'urta qonunchiligida Fuqarolik kodeksining tutgan o'rni va ahamiyati. Fuqarolik kodeksi 52-bobidagi ayrim moddalarning talqini va amaliyotda qo'llanilishi.

O'zbekiston Respublikasining "Sug'urta faoliyati to'g'risida"gi Qonuni: uning tuzilishi va mazmuni. Ushbu qonunda sug'urta tashkilotlari va maxsus vakolatli davlat organi o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni yoritilishi.

Sug'urtani klassifikatsiyalashning zarurligi. Sug'urta tarmoqlari: mulk sug'urtasi, shaxsiy sug'urta, javobgarlik sug'urtasi. Sug'urta klassifika-torining mazmuni va tarkibi. Sug'urta klasslari.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari**:** *insert jadvali, toifali jadval, kontseptual jadval.*

[A1,A2,A3,A6,A8,A9,A10,A11,A12,Q1,Q2,Q3,Q4,Q5,Q6,Q7,Q8,Q9,Q10]

4-mavzu: Sug'urtada tarif siyosati (2 soat)

Raqobat sharoitida sug'urta xizmatlariga narx-navoni shakllanish xususiyatlari. Sug'urta hodisasini ro'y berish ehtimoli va kutilayotgan sug'urta qoplamalari hajmini aniqlash. Aktuar hisob-kitoblar.

Sug'urta tarifi tushunchasi va unga ta'sir etuvchi omillar. Sug'urta tarif stavkasining tuzilishi va tarkibi. Brutto va netto-stavkani hisoblashning o'ziga xos xususiyatlari va umumiy tamoyillari. Sug'urta summalarining zararlilik ko'rsatkichi. Risk ustamasi.

Sug'urta tarifiga yuklama va uning mazmuni. Ish yuritish xarajatlari sug'urta tarifiga yuklamaning tarkibiy qismi ekanligi. Hududlar va ob'ektlarga qarab sug'urta tariflarini tabaqalashtirish.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari**:** *insert jadvali, toifali jadval, kontseptual jadval.*

[A1,A2,A3,A6,A8,A9,A10,A11,A12,Q1,Q4,Q5,Q6,Q7,Q8,Q9, Q13, Q15]

5-mavzu: Sug'urta bozori va uni davlat tomonidan tartibga solish (2 soat)

Sug'urta bozori tushunchasi va uning ishtirokchilari. Sug'urta bozorining professional va professional bo'lmagan ishtirokchilari. Sug'urta bozorining boshqa bozorlar bilan o'zaro aloqasi. O'zbekiston sug'urta bozori rivojlanishini aks ettiruvchi asosiy ko'rsatkichlar.

Sug'urta faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish zarurligi va ahamiyati. Sug'urta faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish shakllari. Sug'urta faoliyatini tartibga solish vakolatiga ega bo'lgan davlat organlari.

	Amaliy mashg'ulot mazvusi bo'yicha tayyorlanib kelish uchun savollar beradi 1.Qayta sug'urtalashni tashkil etishning zarurligi va mohiyati. 2.Sug'urta portfelini muvozonatlashti-rishda va risklarni taqsimlashda qayta sug'urtalashning roli. 3.Qayta sug'urtalash sohasida qo'llaniladigan asosiy ibora va atamalar. 4.Fakultativ va obligatorli qayta sug'urtalash.	Yozadilar

1-ilova

Bilimlarni jonlantirish uchun savollar (blits-so'rov)

1. Qayta sug'urta qilishning mohiyatini tushuntiring?
2. Qayta sug'urtalash jarayonida qaysi sub'ektlar ishtirok etadi?
3 Qayta sug'urtalash shartnomasida nimalar ko'rsatiladi?
4. Qayta sug'urtalash jarayonida vositachilar ishtirok etishi mumkinmi?
5. Sedent tushunchasi nimani anglatadi?
6. Sug'urta kompaniyalarining moliyaviy barqaror faoliyat ko'rsatishida qayta sug'urtaning rolini tushuntirib bering?
7. Hozirgi paytda O'zbekistonda qayta sug'urtaning holati qanday?
8. Retrotsessiya tushunchasining ma'nosini tushuntirib bering?
9. Fakultativ qayta sug'urtalash bilan obligatorli qayta sug'urtalashning farqi nimada?

2-ilova

Ma'ruzaning mazmuni bo'yicha ko'rgazmali slaydlari

PARADOKSLAR USULI

O'qituvchi savollar tizimini ketma-ket berib tinglovchilarning fikrlarini o'rganadi

Diagnostika natijalariga ko'ra ma'ruzani olib borish jarayonida tinglovchilarning qarama-qarshilikka (tushunchalardagi, bilimlardagi) kelishlarini ta'minlaydi. Bunday vaziyat asosan tinglovchining tushunchalaridagi adashishlar va xatoliklar bilan bog'liq. Demak, bu muammoviy vaziyat tinglovchilarning oldingi fikr, tushunchalari va xulosalariga qarama-qarshi, paradoksal bo'lgan vaziyatdir.

Tinglovchilar muammoviy vaziyatni yuzaga keltirgan amallardagi xatolikni izlaydilar (lekin amallarda xotolik yo'q)

Ijodiy fikrlay oladigan tinglovchi amallarning bajarilishi jarayoni emas, balki mazkur amalning o'zi xato ekanligini aniqlay oladi (bunday tinglovchi topilmasa o'qituvchining o'zi buni oshkor qilishiga to'g'ri keladi).

Amalli (protseduraviy) xatolik – noto'g'ri amalni to'g'ri bajarilishdir.

Paradokslar usulini qo’llash qoidalari

Tinglovchilar bilimlarini faollashtirib olish zarur.

Tinglovchilar paradoks ob’ekti sifatida olinayotgan jarayon xaqida o’z fikrlarini (qaysiki xato bo’lgan) to’g’ri degan xulosaga kelgan bo’lishlari kerak.

Tinglovchilar muammoviy vaziyatga o’zlari duch kelishlari kerak va to’g’ri deb bilgan narsalarining xato bo’lib chiqganidan tushunmovchilikda qolishlari (xayron bo’lishlari) kerak. Bu o’ta muxim, chunki aynan shu sabab ular aktiv fikrlay boshlaydilar, xatolikni topishga xarakat qiladilar.

Paradoksni, qarama-qarshilikni qandaydir bir qiyinchiliklar bilan adashtirmaslik lozim.

Paradokslar usuli – bu avvaldan bilganlari bilan yangi bilimlar o’rtasidagi ko’prikdir. Shu tarzda yangi bilimning avvaldan ma’lum bilim bilan o’zaro bog’lanishi va bu ***jarayonni xis qilishga*** tinglovchini «majbur» qilinishi uni xotirada mustahkamlanib qolishiga yordam beradi.

10.2.Amaliy mashg’ulotni olib borish texnologiyasi

Talaba soni 25-50ta	**O’quv soati 2 soat**
Mashg’ulot shakli	Individual topshiriqlarni bajarishga asoslangan amaliy mashg’ulot
Mashg’ulot rejasi	1.Qayta sug’urtalashni tashkil etishning zarurligi va mohiyati. 2. Qayta sug’urtalash shartnomasining tuzilishi va asosiy shartlari. 3.Qayta sug’urtalash sohasida qo’llaniladigan asosiy ibora va atamalar. 4.Fakultativ va obligatorli qayta sug’urtalash.
O’quv mashg’ulotining maqsadi	**Mavzu bo’yicha bilimlarni chuqur o’zlashtirishni ta’minlash**
Pedagogik vazifalar:	***O’quv faoliyati natijalari:***
Qayta sug’urta haqida tushuncha beriladi	Qayta sug’urta haqida tushunchaga ega bo’ladi
Qayta sug’urtaning turlari va shakllariga izoh berish	Qayta sug’urtaning turlari va shakllari haqida tushunchaga ega bo’aldi
Qayta sug’urtalashning sug’urta tashkilotlari moliyaviy barqarorligini ta’minlashdagi rolini ochib berish	Qayta sug’urtalashning sug’urta tashkilotlari moliyaviy barqarorligini ta’minlashdagi rolini ochib beradi
O’qitish usullari-texnikasi	*topshiriqlar, amaliy ishlash usuli, suhbat*
O’qitish vositalari	Ma’ruza matni, tarqatma materiallar, slaydlar, proyektor.
O’qitish shakllari	Jamoa, to’g’ridan-to’g’ri va guruhlarda ishlash.
O’qitish sharoiti	Texnik vositalar bilan ta’minlangan auditoriya.
Monitoring va baholash	*Og’zaki nazorat, savol-javob, o’z-o’zini nazorat qilish, reyting tizimi asosida baholash.*

Amaliy mashg'ulot texnologik karta

Ish bosqichlari	O'qituvchi faoliyatining mazmuni	Tinglovchi faoliyatining mazmuni
1-bosqich. Mavzuga kirish. (10 min)	O'quv mashg'uloti 1-4 savolni, tahlil qiladi va o'quv faoliyati natijalarini aytadi.	Mavzu nomini yozib oladilar
2-bosqich. Asosiy bo'lim. (60 min)	2.1.Qayta sug'urtalashni tashkil etishning zarurligi va mohiyatiga doir tarqatmalar tarqatadi. Masalalar mazmunini tushuntiradi va bajarish bo'yicha maslahatlar beradi. Kuzatib boradi. 2.2 Taqdimot e'lon qiladi va baholanadi. Umumiy xulosa qiladi.	Individual tarzda bajaradilar. qo'yilgan savollarga javob tayyorlaydilar.
	2.3 Masalalar mazmunini tushuntiradi va bajarish bo'yicha maslahatlar beradi. Kuzatib boradi. (2-ilova) 2.4 Taqdimot e'lon qiladi va baholanadi. Umumiy xulosa qiladi.	Individual tarzda bajaradilar. qo'yilgan savollarga javob tayyorlaydilar**.**
3-bosqich. Yakunlov-chi (10 min)	3.1. Mavzu bo'yicha yakunlovchi xulosalar qiladi.	Savollar beradilar
	3.2.Mavzuning oldiga qo'ygan maqsadiga erishish jarayonida tinglovchilar faoliyati tahlil qilinadi va baholanadi.(3-ilova)	
	3.3. Mavzu bo'yicha bilimlarni chuqurlashtirish uchun adabiyotlar beradi.	Yozib oladilar.

1-ilova.

Amaliy mashg'ulotni tahlil qilish varag'i

Tahlil bosqichi nomi	Tahlil bosqichi Mazmuni	Tahlil natijasi	Baholash ko'r. va mezoni	
			Ko'rsatkichi	Mezoni
1.Savollarga javob berish.	Mavzu bo'yicha bilimlarni jonlantirish uchun beril-gan savollarga javob berish.		Aniq va lo'nda	25%
2. Masalani kompyuter dasturida yechish.	Imkoniyatlardan foyda-langan holda amalga oshirish.		To'g'ri va aniq	25%
3.Natijalar tahlili.	Olingan natijalarni tah-lil qilish, shu asosda xu-losa va tavsiyalar berish.		Aniqlik, qarorni asoslanganligi	25%
4. Mustaqil bajara olish.	Topshiriqlarni mustaqil bajarish.		Namunaviy misolni tushuntirishdan so'ng o'ziga berilgan topshiriqni mustaqil bajarishi	25%

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАСАЛАЛАР ВА МАШҚЛАР ТЎПЛАМИ

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
__ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц. Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

“Суғурта иши” фанидан

1-масала

Суғурта ташкилоти 2000 йилда 125 млн сўм суғурта мукофоти йиғди. Унинг 25 фоизи суғурта қопламаси сифатида суғурталанувчиларга қайтариб берилди. Қолган қисми бўйича суғурта даромадлари бўйича инвестиция фаолиятидан олинган даромад йилига 30 фоиз омонатдан 2 йил даромад қилинган. Суғурта ташкилотининг фойда солиғини ҳисобланг.

2-масала

А суғурта компанияси йилига 20 фоиз тушган суғурта мукофотидан даромад кўради. Агар у 5 йил давомида жами йиққан суғурта мукофоти 500 млн сўм бўлса, тўлаган солиғи 20 фоизни ташкил этса фойда нечага тенг?

3-масала

2000 йилда суғурта ташкилоти РНП захираси жами суғурта мукофотларининг 60 фоизини ташкил этади.
Жами суғурта мукофоти – 5000 минг доллар.
РЗУ захираси – 30 фоиз
Олинган даромад – 40000 доллар
Қайта суғуртага ажратилган сумма РНП захирасининг 10 фоизини ташил этади.
Фойда солиғини ҳисобланг.

4-масала

В суғурта компанияси устав капитали 750 минг еврога тенг. Олган жавобгарлиги 1000 минг еврога тенг.
Йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми ва инвестиция даромади 2/3 нисбатда бўлса, ҳамда суғурта мукофоти ва суғурта жавобгарлиги нисбати тариф ставкаси 0,5 фоиз бўлса, суғурта мукофоти ҳажми ва инвестиция суммаси нимага тенг.

5- масала

“АЛСКОМ” суғурта компанияси ўз агентларига қуйидагича шартнома асосида ҳақ тўлайди:

Агентлар тартиби	Оладиган улуши фоизда	Топган суғурта мукофотлари, сўмда	Оладиган ҳақлари, сўмда	Тўлайдиган солиқлари ҳақига нисбатан 10 фоиз
1-агент	23%	200 минг		
2-агент	24%	300 минг		
3-агент	20%	400 минг		
4-агент	21%	250 минг		
5-агент	18%	300 минг		

6-масала

“Капитал суғурта” суғурта компанияси ходимлари иш ҳақи қуйидагича ҳисобланган:
Раҳбар – 500 минг сўм;
Бош менежер – 400 минг сўм;
Катта андеррайтер – 350 минг сўм;
Менежер – 300 минг сўм;
Андеррайтер – 200 минг сўм; Пенсияга - 25 фоиз, бандлик фондига - 2 фоиз, касаба уюшмасига – 3 фоиз.
Юқорида берилган иш ҳақи миқдорларини жадвал асосида даромад солиғини ҳисобланг.

№	Лавозимлар	Ҳисоблан-ган сумма	Даромад солиғи	1 фоиз ИНПС	2,5 фоиз суғурта	Касаба уюшмасига 1 фоиз	Жами ушлан-ма	Жами берилди
1	Раҳбар							
2	Бош менежер							
3	Катта андеррайтер							
4	Менежер							
5	Андеррайтер							
6	Курьер							

7-масала

“Ўзагросуғурта” ДАСК бир йил давомида ўртача 200 млн сўм суғурта мукофоти тўплайди. У бўйича умумий суғурта жавобгарлиги 300 млрд сўмни ташкил этади. Шартномалар сони 3000 та. Ўртача ҳар бир шартнома бўйича суғурта тариф ставкаси қанча бўлади?

8-масала

Мамлакат миқёсида жами суғурта мукофоти 49,7 млрд сўм. Жами суғурта қопламаси 6,9 млрд сўм.

№	Суғурта шакллари	Суғурта мукофоти (%)	Суғурта қопламаси (%)	Суғурта жавобгарлиги (%)
1	Ихтиёрий суғурта	94,4	86,3	93,8
1.1	Шахсий суғурта	7,5	11,8	55,2
1.2	Мулкий суғурта	73,9	73,1	38
1.3	Жавобгарлик суғуртаси	13	1,4	0,6
2	Мажбурий суғурта	5,6	13,7	6,2
	Жами	100	100	100

Жадвал маълумотларида кўрсатилган фоиз кўрсаткичларини сумма ҳисобида акс эттиринг.

9-масала

Мамлакат миқёсида жами суғурта мукофоти 49,7 млрд сўм. Жами суғурта қопламаси 6,9 млрд сўм.

№	Суғурта компаниялари номи	Суғурта мукофоти (%)	Суғурта қопламаси (%)
1	“Ўзбекинвест” ЭИМСК	23,5	37,5
2	“Ўзагросуғурта” ДАСК	19,5	33,3
3	“Кафолат” ДАСК	6,8	3,3
4	“UVT Insurance” СК	14,9	9,8
5	“Standart Insurance” СК	16,5	0,1

Жадвал маълумотларида кўрсатилган фоиз кўрсаткичларини сумма ҳисобида акс эттиринг.

10-масала

Суғурта ташкилотининг активи 1 млн евро эквивалент суммадаги маблағни ташкил этади. Суғурта ташкилоти қуйидаги инвестиция объектларига ўз маблағини йўналтирди:

№	Инвестиция объектлари	Активга нисбатан % да	Йиллик даромади %да	Тўлайдиган солиғи
1	Давлат қимматли қоғозларига	20	20	
2	Қимматли қоғозлар(акциялар)га	30	15	
3	Устав капиталдаги улуши	10	50	
4	Банк депозитларига	40	40	

Қимматли қоғозлардан тушган даромаддан солиқ 10 %;
Банк депозитларидан тушган даромаддан 10%;
Устав капиталга қатнашиш солиқ йўқ
Давлатга йўқ
Суғурта компанияси инвестиция фаолиятидан қанча солиқ тўлайди?

10-масала

Хўжалик субъекти ўз мол-мулкини бузиб кириб ўғирлик қилишдан 600 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 1% миқдорида шартли франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 2% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 3 млн.сўмга тенг.

Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топинг.

11-масала

Хўжалик субъекти ўз мол-мулкини бузиб кириб ўғирлик қилишдан 800 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 1% миқдорида шартли франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 2% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 12,5 млн.сўмга тенг.

Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топин

12-масала

Суғурталанган объектнинг қиймати 8,400 сум, суғурта суммаси 3,360 сўм, шикастланиш натижасида кўрилган зарар 4,840 сўм.

Суғурта таъминлаш тизимининг нисбий жавобгарлги қоидаларига асосан суғурта қопламасини ҳисобланг.

13-масала

Объект 18 000 сўмга баҳоланган, унинг 80% суғурталанган, зарар миқдори 6 200 сўм.

Нисбий жавобгарлик тизими асосида суғурта қопламасини хисобланг.

14-масала

Автомобил биринчи таваккалчилик тизими асосида 75 000 сўмга суғурталанган, унинг ҳақиқий баҳоси 89 000 сўм, суғурталанувчи 32 000 сўм миқдорида зарар кўрган.

Биринчи ва иккинчи таваккал миқдорини белгиланг.

15-масала

Уй жихозлари 90 000 сўм миқдорида суғурталанган. Ёнғин натижасида уй анжомларига 120 000 сўм миқдорида зарар етган.

Биринчи ва иккинчи таваккал таъминоти қандай миқдорларда ҳисобланади.

16-масала

Объектнинг баҳоси 30 000 сўм, суғурта суммаси 12 000 сўм. Объект 100% зараланган.

Суғурта қопламасининг биринчи ва иккинчи таваккал ҳамда нисбий миқдорини аниқланг.

17 масала

3 йиллик ўртача ҳосил ернингҳар гектаридан 32 центнер, табиий офат натижасида бу йилги ҳақиқий ҳосил гектаридан 27 центнер. Бир гектар ердан терилган пахтанинг сотиш баҳоси 50 000 сўм, умумий экин майдони 300 га. Суғурта қопламаси умумий зарарнинг 70% миқдорини ташкил қилади.

Чегараланган жавобгарлик тизими асосида етказилган зарар миқдорини аниқланг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

ТЕСТЛАР

Кафедранинг 2013 йил “___” _____ ___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2012

1-вариант

1) Қуйидагилардан қайси бири суғуртанинг характерли белгисини билдиради?
А) ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлаш;
Б) инвестиция фаолиятини амалга ошириш;
В) ижтимоий суғурта фондининг шаклланишида иштирок этиш;
Г) ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш.

2) Қуйидагилардан қайси бири суғуртавий риск ҳисобланиши мумкин?
А) бирор бир шахснинг қасддан иккинчи бир шахсга зарар етказиши;
Б) мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан совуққонлик билан муносабатда бўлиши натижасида мазкур мулкнинг шикастланиши;
В) ёнғин чиқиши натижасида ишлаб чиқариш воситасининг яроқсиз ҳолатга келиши;
Г) ҳайдовчининг айби билан автомобилнинг зарарланиши.

3) Шахсий суғуртанинг қайси турлари ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий шаклда ўтказилишини кўрсатинг?
А) фуқаролар ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.
Б) тиббиёт ходимлари ҳаётини суғуртаси.
В) транспортдаги йўловчиларнинг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.
Г) ишлаб чиқаришда банд бўлган фуқароларнинг ҳаётини суғуртаси.

4) Суғурта нечта тармоққа эга? (қуйидаги бандларни бирини кўрсатиш билан бир қаторда, жавобни қисқача ёзма ҳолатда асосланг).
А) 2 та;
Б) 4 та;
В) 3 та;
Г) 5 та;

5) Қуйидагилардан қайси бири мажбурий суғуртани ихтиёрий суғуртадан фарқини тўлароқ англатади?
А) суғурта тарифи ставкаларини томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланиши.
Б) суғурта тарифи ставкаларини томонларнинг иштирокисиз қонун чиқарувчи ёки ижроия орган томонидан белгиланиши.
В) суғурта суммаларини суғурта ташкилоти томонидан юқори даражада белгиланиши.
Г) суғурта шартномасининг ўзига хослиги.

6) «Мадад» суғурта агентлигининг асосий вазифасини кўрсатинг?
А) фуқароларнинг мол-мулкини табиий офатлардан суғурта йўли билан ҳимоялаш.

Б) транспорт воситаси эгаларининг учинчи шахсга зарар етказиш жавобгарлигини суғурталаш.

В) кичик бизнес рискларини суғурталаш.
Г) юкларни суғурталаш.

7) “Мадад» суғурта агентлиги қайси мулк шаклига асосланган ҳолда ташкил этилганлигини аниқланг?
А) масъулияти чекланган жамият шаклида.
Б) ўзаро суғурталаш жамияти шаклида.
В) давлат мулкига асосланган.
Г) акциядорлик шаклида.

8) Суғурта бозори қайси бозорнинг таркибига киришини аниқланг? (Жавоб кўрсатилгандан сўнг унинг тўғрилигини асосланг).
А) инвестициялар бозори.
Б) ссуда капиталлари бозори.
В) қимматли қоғозлар бозори.
Г) товарлар ва хизматлар бозори.

9) Ўзбекистонда суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия керакми? (Жавобни тўғрилигини ёзма шаклда асосланг).
А) ҳа.
Б) йўқ.
В) фақат мажбурий суғурталаш учун талаби этилади;
Г) юқоридаги жавобларни ҳаммаси нотўғри.

10) Фуқаролар ихтиёридаги мол-мулклар қайси тартибда суғурталанишини кўрсатинг?
А) мажбурий тартибда.
Б) ихтиёрий тартибда.
В) мажбурий ҳамда ихтиёрий тартибда.
Г) юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси нотўғри.

11) Суғурта шартномаси кимлар ўртасида тузилади?
А) суғурта брокери ва мижоз ўртасида.
Б) суғурталанувчи ва суғурта назорати ўртасида.
В) суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида.
Г) юқоридаги жавобларни ҳаммаси нотўғри.

12) Ҳаётни суғурталашда суғурта мукофоти қайси муддатларда тўланиши мумкин?
А) суғурта шартномаси тузилмасдан олдин.
Б) суғурта шартномаси тузилгандан кейин то шартнома муддати тугагунга қадар.

В) суғурта ҳодисаси рўй бергандан сўнг.
Г) суғурта шартномаси бекор этилгандан сўнг.

13) Суғурта мукофоти қайси усулда тўланмайди?
А) натура ҳисобида.
Б) нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан.
В) нақд пул билан.
Г) омонат дафтарчаси орқали пул ўтказиш йўли билан.

14) Қуйидаги тоифадаги қайси фуқаролар билан ҳаётни суғурталаш бўйича шартномалар тузилмайди?

А) 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролар билан.
Б) ишламайдиган 1- гуруҳ ногиронлари билан.
В) мактаб ўқувчилари билан.
Г) юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси нотўғри.

15) Солиқ ходимларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш қайси суғурта ташкилоти томонидан ўтказилади?

А) «Мадад» суғурта Агентлиги томонидан.
Б) «Ўзбекинвест» Миллий экспорт-импорт суғурта компанияси томонидан.
В) «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан.
Г) «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан.

16) Қуйидаги суғурта ташкилотларидан қайси бири ҳукумат қарорига мувофиқ ташкил этилган?

А) «АЛСКОМ» суғурта компанияси.
Б) «ЎзАИГ» қўшма суғурта компанияси.
В) «Тошкент-суғурта» суғурта компанияси.
Г) Осиё темир йўл суғурта компанияси.

17) Ҳаётни суғурталашда суғурта суммаси қандай аниқланади?
А) суғурталанувчининг ташаббуси асосида.
Б) суғурталовчининг фикри билан.
В) суғурталовчи ва суғурталанувчи ўзаро келишган ҳолда.
Г) юқоридагиларнинг ҳаммаси нотўғри.

18) Қуйидагилардан қайси бири мулкий суғурта тармоғига мансуб?

А) йўловчиларнинг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.
Б) аудиторларнинг хўжалик субъектларига зарар келтириш масъулиятини суғуртаси.
В) фуқароларнинг шахсий автомобилларини ихтиёрий суғурталаш.
Г) қарз олувчиларнинг банк кредитини ўз вақтида қайтариб бермаслик масъулиятини суғурталаш.

19) Ллойд суғурта бозори қайси давлатда жойлашган?

А) Таиландда.
Б) АҚШда.
В) Англияда.
Г) Японияда.

20) Суғурта заҳирасини ташкил топиш манбасини аниқланг?

А) банк кредитлари.
Б) давлат бюджетининг маблағлари.
В) суғурта мукофотининг бир қисми.
Г) юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси нотўғри.

21) Суғурта тарифи ставкасига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

А) суғурта бозоридаги рақобат.
Б) аҳолининг зичлиги.
В) бюджет камомади.
Г) Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати.

22) Шаҳар жойдаги корхона ва ташкилотлар, аҳолининг мол-мулки, ҳаётини қайси суғурта ташкилоти суғурталайди?

А) «Юниполис» компанияси.
Б) «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси.
В) «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси.
Г) «Ишонч» суғурта компанияси.

23) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қайси қонунларда суғуртага тааллуқли модда ёки боблар мавжуд?

А) «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда.
Б) «Савдо ва саноат палатаси» тўғрисидаги Қонунда.
В) “Таълим тўғрисида»ги Қонунда.
Г) тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

24) Қуйидагилардан қайси бири марказлашган суғурта фондининг манбалари ҳисобланади?

А) тижорат банкларининг кредитлари.
Б) аҳолининг вақтинча бўш маблағлари.
В) умумдавлат ресурслари.
Г) хорижий мамлакатлардан жалб қилинган маблағлар.

25) Суғурта тарифи ставкаси нима?

А) суғурта рискининг баҳоси.

Б) банк фоизи.
В) суғурта компаниясининг мажбурияти.
Г) суғурта шартномасини тузиш.

26) Қуйидагилардан қайси бири цессия ҳисобланади?

А) рискни тақсимлаш.
Б) рискни қайта суғурталаш компаниясига узатиш.
В) рискни бошқа компаниялардан қабул қилиб олиш.
Г) юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси нотўғри.

27) Қуйидагилардан қайси бири суғурта портфели тушунчасини англатади?

А) суғурталаш тартиби.
Б) инвестиция фаолиятини олиб бориш.
В) суғурталанган объектларнинг миқдори.
Г) объектларни суғуртавий баҳолаш.

28) Андеррайтер нима?

А) суғурта зарарларини аниқлайдиган шахс.
Б) суғурта рискини қабул қилиб олувчи суғурта компаниясининг тегишли ваколатига эга шахс.
В) суғурта шартномасини тузувчи шахс.
Г) қайта суғурталовчи компания.

29) Қуйидагилардан қайси бири ихтиёрий суғурталаш шартномасининг зарурий шартларидан бири ҳисобланади?

А) суғурта заҳирасини шакллантириш тартиби.
Б) суғурта компаниясини бошқариш.
В) суғурталанадиган объект.
Г) юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси нотўғри.

30) Суғурта маркетингининг асосий функцияси нималардан иборат?

А) суғурта компаниясининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш.
Б) янги суғурта хизматларига бўлган талабни шакллантириш.
В) суғурта тарифи ставкасини белгилаш.
Г) суғурта ҳодисаси рўй бериш эҳтимолийлигини аниқлаш.

31) Суғурталанувчи қуйидаги қайси ҳуқуқга эга?
А) суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш.
Б) суғурталаш қоидалари билан танишиш.
В) суғурта қопламасини олишдан воз кечиш.
Г) юқорида аралаш жавоблар кўрсатилган.

32) Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?
А) 1993 йилнинг 6 майида.
Б) 1994 йилнинг 12 декабрида.
В) 2001 йилнинг 8 декабрида.
Г) 2002 йилнинг 5 апрелида.

33) Суғурта агенти –бу:
А) суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги воситачидир.
Б) суғурталовчининг топшириғига ва у берган ваколатлар доирасида фаолият юритувчи шахс.
В) ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс.
Г) суғурталовчининг штатида турадиган ва келиб тушган суғурта мукофотларининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга юридик шахс.

34) Суғурта шартномаси қачон юридик кучга киради?
А) шартнома иштирокчилар томонидан имзоланганидан сўнг.
Б) суғурталанувчига суғурта полиси берилгандан сўнг.
В) шартнома тузиш учун ҳамма ҳужжатлар тайёр бўлгандан сўнг.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

35) Суғурталовчининг мажбуриятини кўрсатинг?
А) суғурта мукофотини ўз вақтида тушишини таъминлаш.
Б) суғурталанаётган объектни текшириш.
В) суғурта шартномасини бекор қилиш.
Г) суғурта қопламасини тўлаш.

36) «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси қачон қайта ташкил этилган?
А) 1994 йилда.
Б) 1995 йилда.
В) 1997 йилда.
Г) 2001 йилда.

“Суғурта иши” фанидан тест саволлари

2-вариант

1) Суғурта ташкилоти қуйидаги қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши мумкин (аниқ жавобни кўрсатинг)?
А) акциядорлик жамияти шаклида.
Б) масъулияти чекланган жамият шаклида.
В) хусусий тадбиркорлик шаклида.
Г) ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда.

2) Нетто-ставка деганда нимани тушунасиз?
А) суғурта шартномасини.
Б) суғурта тариф ставкасининг бир қисмини.
В) суғурта мукофотини.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари қуйидаги қайси муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилган эди?
А) 2002 йилнинг 1 февралидан 2005 йилнинг 1 февралигача.
Б) 2001 йилнинг 1 январидан 2005 йилнинг 1 январигача.
В) 2003 йилнинг 1 февралидан 2006 йилнинг 1 февралигача.
Г) 2002 йилнинг 1 январидан 2005 йилнинг 1 январигача.

4) Суғурта объекти нима?
А) суғурталовчи.
Б) суғурталанувчи.
В) суғурта агенти.
Г) мулкий манфаат.

5) Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини суғурталаш нима асосида амалга оширилади?
А) суғурталовчининг ташаббуси асосида.
Б) «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда.
В) жисмоний шахсларнинг ёзма аризаси асосида.
Г) жисмоний шахсларнинг ёзма аризаси асосида тузилган шартномага мувофиқ.

6) Мол-мулкларни суғурта қилишда:
А) суғурта суммаси унинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаслиги зарур.
Б) суғурта суммаси унинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетишига йўл қўйилади.
В) суғурта суммаси унинг ҳақиқий қийматидан 5 фоиз атрофида ошиб кетишига йўл қўйилади.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.
7) Ҳарбий хизматчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш қайси манба ҳисобидан амалга оширилади?
А) ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошларини бир қисмини суғурта ташкилотига ўтказиш ҳисобига.
Б) Мудофаа Вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.
В) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Г) суғурта ташкилотлари ва ҳарбий қисмлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

8) Суғурталовчининг иш юритиш харажатларига қуйидагилардан қайси бири киради?
А) иш ҳақини тўлаш харажатлари.
Б) суғурта ҳодисалари рўй бериши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш харажатлари.
В) суғурта заҳирасини шакллантириш билан боғлиқ харажатлар.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

9) Актуар ҳисоб-китоблар нима мақсадда ишлатилади?
А) зарар миқдорларини аниқлаш мақсадида.
Б) суғурта тариф ставкаларини аниқлаш мақсадида.
В) суғурта амалиётларини таҳлил этишда.
Г) суғурта ташкилотининг рақобатбардошлигини аниқлашда.

10) Автотранспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш:
А) суғурта ташкилотларини ҳимоя этишга йўналтирилган.
Б) давлат манфаатларини ҳимоя этишга йўналтирилган.
В) йўл-транспорт ҳодисалари рўй бериши натижасида жабрланганларни ҳимоя этишга йўналтирилган.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

11) Давлат суғурта назорати органининг асосий вазифасини кўрсатинг?
А) суғурталовчиларнинг манфаатларини ҳимоя этиш.
Б) суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя этиш.
В) Давлат бюджетига мажбурий тўловларни ўз вақтида тушишини таъминлаш.
Г) суғурталовчиларнинг молиявий жиҳатдан барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш.

12) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги Фармонига мувофиқ, суғурта ташкилотларининг даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилиши натижасида бўшаб қолган пул маблағлари қуйидаги қайси йўналишга сарфланиши белгиланган?
А) суғурта заҳираларини кўпайтиришга.
Б) инвестиция фаолиятини амалга оширишга.
В) минтақаларда агентлик тармоқларини ривожлантиришга.
Г) суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминлашга.

13) Суғурталовчилар уюшмасининг функцияси нимадан иборат?
А) суғурталовчилар фаолияти устидан назорат қилиш.
Б) суғурта ташкилотларининг манфаатини ҳимоя этиш.
В) алоҳида суғурта ташкилотларига солиқ имтиёзларини бериш.
Г) янги суғурта турларини ишлаб чиқиш.

14) Қуйидагилардан қайси бири суғурталовчилар тўлов қобилиятини таъминлайди?
А) қайта суғурта қилиш.
Б) зарарларни қоплаш.
В) суғурта заҳираларини жойлаштириш.
Г) мажбуриятларни қабул қилиш.

15) Суғурта ташкилотлари қачон юридик шахс мақомини олади?
А) Молия Вазирлигидан лицензия олганларидан сўнг.
Б) Адлия Вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганларидан сўнг.
В) Акциядорлар умумий йиғилишидан сўнг.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

16) Суғурта фаолиятини назорат этиш ҳуқуқига эга бўлган махсус ваколатли орган ким томонидан ташкил этилади?
А) Адлия Вазирлиги томонидан.
Б) Олий Мажлис томонидан.
В) ҳукумат томонидан.
Г) Молия вазирлиги томонидан.

17) Қуйидагилардан қайси бири суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланади?
А) суғурта компанияларининг ассосиацияси.
Б) актуарлар маркази.
В) давлат суғурта назорати органи.
Г) суғурта агентлари.

18) Ковернота – бу:
А) суғурта брокери томонидан жисмоний ва юридик шахсларга бериладиган ҳужжат.
Б) суғурталовчи томонидан мижозларга бериладиган ҳужжат.
В) суғурталовчи ва суғурталанувчи ҳатти-ҳаракатларини тартибга солувчи ҳужжат.
Г) суғурта агентига суғурта ташкилоти томонидан бериладиган ҳужжат.

19) Суғурта суммаси нимага нисбатан аниқланади?
А) суғурта мукофотига нисабатан.
Б) суғурта объектига нисбатан.
В) суғурталовчининг молиявий имкониятини ҳисобга олган ҳолда.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

20) Суғурта ташкилоти ўз фаолиятини қандай ҳужжат асосида амалга оширади?
А) акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида.
Б) тасдиқланган Низом асосида.

В) таъсисчиларнинг кўрсатмаси асосида.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

21) Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳосилини суғурта қилиш:
А) ихтиёрий тартибда ўтказилади.
Б) мажбурий тартибда ўтказилади.
В) мажбурий-ихтиёрий тартибда ўтказилади.
Г) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

22) Амалда бўлган суғурта шартномасига қуйидаги қайси ҳолатларда ўзгартиришлар киритилиши мумкин?
А) ўзгартиришлар киритилиши мумкин эмас.
Б) суғурта объектининг қиймати ўзгарганда.
В) «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

23) Суғурта шартномаси ўз кучини йўқотади:
А) суғурталанувчининг ташаббуси билан.
Б) суғурталовчининг ташаббуси билан.
В) суғурталовчи суғурталанувчи олдида тўлиқ ўз мажбуриятини бажаргандан сўнг.
Г) суғурта шартномаси ҳокимият қарори билан ўз кучини йўқотади.

24) Суғурта ташкилотлари савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлими?
А) ҳақли.
Б) қисман ҳақли.
В) ҳақли эмас.
Г) қисман ҳақли эмас.

25) Суғурта заҳиралари инвестиция объектларига қандай шартларда жойлаштирилади?
А) диверсификация шартларида.
Б) фақат савдо-воситачилик битимларини молиялаштириш шартларида.
В) суғурта заҳиралари 100 фоиз давлат қимматли қоғозларига жойлаштириши шарти билан.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

26) Суғурта ҳодисаси рўй бериши туфайли кўрилган зарар қайси ҳужжат асосида суғурталанувчига қопланади?
А) суғурта полиси асосида.
Б) суғурта шартномаси асосида.
В) суғурта далолатномаси асосида.
Г) суғурта суммаси асосида.

27) Қайси ҳолатларда суғурта шартномаси бекор этилиши мумкин?
А) Суғурталанувчи томонидан суғурталовчига нотўғри маълумотлар берилган тақдирда.
Б) Суғурта шартномасида орфографик хатолар бўлганда.
В) суғурталовчи устав капитали миқдорини оширганда.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

28) Ҳаво кемаси йўловчиларини суғурта қилиш:
А) ихтиёрий тарзда амалга оширилади.
Б) мажбурий тарзда амалга оширилади.
В) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Г) авиакомпания маблағлари ҳисобидан амалга ошрилади.

29) Ўзаро суғурталаш жамияти қандай асосда ташкил этилади?
А) тижорат асосида ташкил этилади.
Б) қисман тижорат асосида ташкил этилади.
В) нотижорат асосида ташкил этилади.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

30) Огоҳлантириш тадбирларини молиялаштириш учун мўлжалланган заҳира маблағлари нима мақсадда ишлатилади?
А) суғурта қопламаларини тўлаш мақсадида.
Б) иш юритиш харажатларини молиялаштириш учун.
В) суғурталанган мол-мулкни нобуд бўлиши ва шикастланиши, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга.
Г) зарарларни ўзгариши бўйича заҳираларни шакллантириш учун.

31) Ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдорини кўрсатинг?
А) 750 минг евро
Б) 1 млн евро
В) 1.5 млн евро
Г) 4 млн евро

32) Суғурта иқтисодий категория сифатида қуйидаги қайси функцияни бажаради?
А) ҳимоя функциясини.
Б) назорат функциясини.
В) ЯИМни тақсимлаш.
Г) суғурта қопламаларини тўлаш функциясини.

33) Суғурталовчи – бу:
А) суғурта фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахс.
Б) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва суғурта фаолиятини амалга ошириш учун Молия вазирлигидан лицензия олган юридик шахс.

В) Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган ҳар қандай юридик шахс.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

34) Суғурта мукофоти аниқланади:
А) объектнинг бозор баҳосига нисбатан.
Б) объектнинг баланс қийматига нисбатан.
В) объектнинг суғурта суммасига нисбатан.
Г) объектнинг ҳақиқий қийматига нисбатан.

35) Қуйидаги манфаатлардан қайси бири суғурта ҳимоясига олиниши мумкин эмас?
А) гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши зарур бўлган харажатларни суғурта ҳимоясига олиш.
Б) гаровга қўйилган мол-мулкларни.
В) жисмоний шахсларнинг хизмат муддатини ўтаган мол-мулкларини суғурта ҳимоясига олиш.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

36) Қуйидагилардан қайси бири сиёсий риск таркибига киради?
А) ёнғин.
Б) зилзила.
В) иш ташлашлар.
Г) сув тошқини.

«Суғурта иши» фанидан тест саволлари

3-вариант

1) «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг асосий фаолият йўналишини кўрсатинг?
А) Экспортерларнинг ташқи бозорлардаги мулкий манфаатларини суғурталаш.
Б) авторанспорт воситаларини суғурталаш.
В) фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.
Г) тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

2) Касбий жавобгарликни суғурта қилишда суғурта мукофоти нимага нисбатан аниқланади?
А) суғурта суммасига нисбатан фоизларда.
Б) суғурта тарифига нисбатан.
В) суғурта баҳосига нисабатан.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

3) Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш қандай шаклда амалга оширилади?

А) ихтиёрий шаклда.
Б) мажбурий шаклда.
В) ихтиёрий-мажбурий шаклда.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

4) «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси қачон қайта ташкил этилган?
А) 1998 йил 8 февралда.
Б) 1997 йил 18 февралда.
В) 1997 йил 25 февралда.
Г) 1993 йилда.

5) Қуйидагилардан қайси бири суғурта шартномасининг муҳим шарти ҳисобланади?
А) суғурталанувчининг молиявий ҳужжатлари билан танишиш.
Б) суғурта суммаси.
В) суғурта ҳодисаси рўй берганда уни аниқлаш учун жалб этиладиган экспертга ҳақ тўлаш шартлари.
Г) суғурта мукофотини натурал кўринишда тўлаш мумкинлиги.

6) Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини амалга ошириш тартибини қайси орган белгилайди?
А) суғурта ташкилотининг ўзи белгилайди.
Б) давлат суғурта назорати органи белгилайди.
В) Адлия вазирлиги белгилайди.
Г) Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

7) Суғурталовчиларнинг заҳира маблағлари қайси мақсадда ишлатилади?
А) суғурта ташкилоти жойлашган бинони сақлаш харажатларини молиялаштиришга.
Б) суғурта ҳодисаси рўй берганда юзага келадиган зарарларни қоплашга.
В) суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирларини молиялаштиришига.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

8) Суғурта ташкилотининг заҳирадаги маблағлари давлат томонидан олиб қўйилиши мумкинми?
А) олиб қўйилиши мумкин.
Б) қисман олиб қўйилиши мумкин.
В) умуман олиб қўйилиши мумкин эмас.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

9) Қишлоқ хўжалик ҳосилини суғурталашда:
А) суғурта жавобгарлиги ҳажми сўнги уч йилда 1 га ердан олинган ўртача ҳосилдорлик қийматидан ошиб кетмаслиги зарур.

Б) суғурта жавобгарлиги ҳажми жорий йилда 1 га ердан олиниши режалаштирилган ҳосил қийматидан юқори бўлиши мумкин.
В) суғурта жавобгарлиги ҳажми жорий йилда 1 га ердан олиниши режалаштирилган ҳосил қийматидан юқори бўлиши мумкин.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

10) Суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида кўрилган зарарни аниқлашда юзага келган низолар қандай ҳал этилади?
А) ўзаро келишув йўли билан ҳал этилиши мумкин.
Б) Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган тартибда ҳал этилиши мумкин.
В) суғурталовчи томонидан ҳал этилади.
Г) суғурталанувчи томонидан ҳал этилади.

11) Суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига тўлиқ келиб тушмаса, у ҳолда:
А) суғурта жавобгарлиги тушган суғурта мукофотига нисбатан мутаносиб равишда олиб борилади.
Б) суғурта жавобгарлиги тўлиқ олиб борилади.
В) суғурта жавобгарлиги олиб борилмайди.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

12) Суғурта мукофоти қандай тартибда тўланади?
А) суғурта шартнома муддати тугагандан сўнг.
Б) суғурта шартномасида кўрсатилган шартларда ва муддатда.
В) суғурталанувчига суғурта полиси берилгандан сўнг.
Г) суғурта шартномаси тузилмасдан олдин тўланади.

13) Суғурталовчининг суғурталанувчи олдидаги суғурта жавобгарлиги қачон бошланади?
А) суғурта шартномаси тузилгандан сўнг.
Б) суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг.
В) суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан ва суғурталанувчига суғурта полиси берилгандан сўнг.
Г) суғурталанувчига тегишли хабар берилгандан сўнг.

14) Қайси ҳолатларда суғурта ташкилоти суғурта қопламасини тўламасликка ҳақли?
А) суғурта ҳодисаси атайин содир этилганлиги аниқланганда.
Б) суғурта ҳодисаси шартномада кўрсатилган рисклар рўй бериши натижасида содир бўлганлиги аниқланганда.
В) суғурта ҳодисаси шартнома амалда бўлган даврда содир бўлганлиги аниқланганда.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

15) Суброгация нима?
А) суғурталанувчининг суғурта суммасини олиш мақсадида суғурталанган мол-мулкдан тўлиқ воз кечиши.
Б) суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида бўладиган ўзаро муносабатлар мажмуи.
В) суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этиш шакли.
Г) суғурталанувчининг суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида кўрилган зарарни айбдорлардан ундириб олиш ҳуқуқини суғурталовчига ўтиши.

16) Суғурта агентига тўланадиган воситачилик ҳақи унинг иштирокида тузилган суғурта шартномасига мувофиқ келиб тушган суғурта мукофотларининг неча фоизидан ошиб кетмаслиги лозим?
А) 15 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
Б) 25 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
В) 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.
Г) 30 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

17) Мажбурий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдори қанча бўлиши шарт?
А) 250 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммада.
Б) 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммада.
В) 750 минг АҚШ долларига тенг суммада.
Г) тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

18) Ўзбекистонда давлат суғурта назорати органи қачон ташкил этилган?
А) 1993 йилда.
Б) 1997 йилда.
В) 1998 йилда.
Г) 2002 йилда.

19) Корхоналарнинг суғурта мукофотини тўлаш билан боғлиқ харажатлари солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланадими?
А) ҳа, фақат корхоналар йиллик товар айланмасининг 2 фоизи миқдорида.
Б) йўқ.
В) ҳа, тўлиқ чиқариб ташланади.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

20) Суғурта полиси - бу:
А) суғурталовчига суғурта шартномаси тузишдан олдин бериладиган ҳужжат.
Б) суғурталанувчига суғурта ҳодисаси рўй беришидан қатьий назар суғурта суммасини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

В) суғурта шартномасига мувофиқ, суғурталовчининг мажбурияти бошланганлигини тасдиқловчи хужжат.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

21) Франшиза тушунчасига берилган тўғри жавобни топинг?
А) суғурта объектини баҳолаш услуби.
Б) суғурта шартномасига асосан суғурталовчининг маълум маблағ ҳажмида ёки фоиз ҳисобида суғурта суммасини тўлашдан озод этилиши.
В) суғурталанувчининг суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида кўрган зарар миқдорини аниқлашга бўлган ҳуқуқи.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

22) Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурталашда суғурта мукофоти бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши мумкинми?
А) Тўланиши мумкин.
Б) қисман тўланиши мумкин.
В) тўланиши қатьиян маън этилади.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

23) Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурта қилиш суғурта фаолияти классификаторига мувофиқ, умумий суғуртанинг қайси классига тааллуқли?
А) VIII класс.
Б) I класс.
В) V класс.
Г) II класс.

24) Мол-мулкларни ихтиёрий суғуртаси бўйича суғурта ҳодисаси рўй берганда, бу ҳақда суғурталанувчи:
А) суғурта ташкилотига истаган вақтда хабар бериши мумкин.
Б) суғурта ташкилотига шартномада кўрсатилган муддатда хабар бериши шарт.
В) суғурта ташкилотига 2 кун муддатда хабар бериши шарт.
Г) суғурталовчига 1 кун муддатда хабар бериши шарт.

25) Суғурталанувчи қуйидаги қандай ҳуқуқга эга?
А) суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилишга.
Б) суғурта мукофоти миқдорини мустақил белгилашга.
В) суғурта объектини суғурталовчининг иштирокисиз аниқлашга.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

26) Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш шартлари бузилса, суғурталанувчига нисбатан қандай жавобгарлик бўлиши мумкин?

А) суғурталовчи томонидан суғурталанувчига нисбатан жарима қўлланиши мумкин.
Б) ҳеч қандай жазо қўлланилмайди.
В) суғурта мукофотини тўлаш муддати кечиккан ҳар бир кун учун пеня қўлланиши мумкин.
Г) юқорида тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

27) Суғурта фаолияти деганда нимани тушунасиз?
А) суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабатни.
Б) суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти.
В) суғурта хизматларини кўрсатиш санъати.
Г) суғурта шартномаларини тузиш тушунилади.

28) Суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдори қайси орган томонидан белгиланади?
А) Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси томонидан.
Б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан.
В) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан.
Г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан.

29) Мажбурий суғурта турлари бўйича тариф ставкалари белгиланади:
А) суғурта ташкилоти томонидан.
Б) ҳукумат томонидан.
В) суғурта назорати органи томонидан.
Г) тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

30) Нетто-тарифга юклама –бу:
А) суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган.
Б) суғурта заҳираларини шакллантиришга мўлжалланган.
В) суғурталовчи иш юритиш харажатларини молиялаштиришга мўлжалланган.
Г) огоҳлантириш тадбирларини молиялаштиришга мўлжалланган.

31) Сюрвейер тушунчасига мос келадиган жавобни аниқланг?
А) суғурта фаолиятини таҳлил этувчи шахс.
Б) суғурта агенти.
В) суғурталовчининг бухгалтерия ҳисоботини тузувчи шахс.
Г) суғурталанган мулкни кўрикдан ўтказувчи мутахассис.

32) Суғурта ташкилотлари суғурта фаолиятидан бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлими?

А) суғурта ташкилотлари суғурта фаолиятидан бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.
Б) суғурта ташкилотлари суғурта фаолиятидан бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли.
В) суғурта ташкилотлари суғурта фаолиятидан бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, аммо қонун ҳужжатларида белгиланганлардан ташқари.
Г) тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

33) Акциядорлик жамияти шаклида барпо этилган суғурталовчиларнинг энг олий бошқарув органи:
А) акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади.
Б) акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши ҳисобланади.
В) суғурта ташкилотининг ижроия органи ҳисобланади.
Г) тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

34) Жавобгарликни суғурталашда суғурта объекти бўлиб нима ҳисобланади?
А) суғурталанувчининг мол-мулки.
Б) суғурталанувчининг шахсий манфаати.
В) суғурталанувчининг учинчи шахсларга келтирган зарарини қоплаш билан боғлиқ мулкий манфаатлари.
Г) тўғри жавоблар кўрсатилмаган.

35) Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кириб келаётган хорижий автотранспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш қандай тарзда амалга оширилади?
А) умуман амалга оширилмайди.
Б) қисман амалга оширилади.
В) мажбурий тарзда амалга оширилади.
Г) ихтиёрий тарзда амалга оширилади.

36) Суғурта фаолияти классификатори:
А) суғурта фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.
Б) барча суғурта классларини ўз ичига олади.
В) суғурта агентлари фаолиятини тартибга солади.
Г) суғурта шартномасини тузиш тартибини белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

НАЗОРАТ УЧУН
САВОЛЛАР

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - __ йиғилиш баённомаси билан
тасдиқланган
Каф.муд._____доц. Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О

Тошкент - 2013

Вариант №1

1. Суғурта фонди, унинг ташкил топиш манбалари ва фойдаланиш йўналишлари.
2. Асосий воситаларни суғурта қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ҳаётни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишда тариф ставкаларини аниқлаш методологияси.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №2

1. Суғурта муносабатларини махсус ибора ва атамлар билан ифодалашнинг зарурлиги.
2. Транспорт воситаларини суғурталашда зарарни аниқлаш ва суғурта қопламаларини тўлаш.
3. Суғурта портфели тушунчаси.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №3

1. Суғурта тарифи ҳақида тушунча, унинг таркиби ва структураси.
2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича аванс тариқасида бериладиган маблағларни суғурта қилиш.
3. Транспортдаги йўловчиларни мажбурий суғурта қилишда суғурта бадалларини тўлаш тартиби.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №4

1. Суғурта ташкилотининг иш юритиш харажатлари.
2. Қайта суғурта қилишнинг мазмуни ва зарурлиги.
3. Мактаб ўқувчиларининг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №5

1. Суғурта таваккалчилиги ҳақида тушунча ва унинг турлари.
2. Чет эл инвестицияларини сиёсий таваккалчиликлардан суғурта қилиш.
3. Кичик ва ўрта бизнесни суғурта йўли билан қўллаб-қувватлаш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №6

1. Суғурта шартномаси, унинг муҳим ва муҳим бўлмаган шартлари.
2. Ҳаётни суғурта қилишда суғурта тарифи ставкасини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллар.
3. Қишлоқ хўжалиги экинлари зарарланганда кўрилган зарар миқдорини аниқлаш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №7

1. Жавобгарликни суғурта қилишнинг мажбурий шакллари.
2. Юкларни суғурта қилиш бўйича суғурта қопламларини тўлаш.
3. Корхона ишчи-хизматчиларининг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишда суғурта таърифини аниқлаш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №8

1. Суғурта баҳоси ва суғурта суммаси, уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари.
2. Автомобил эгаларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш.
3. Қишлоқ хўжалигида чорва молларини суғуртавий баҳолаш усуллари.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №9

1. Тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳақида тушунча ва унинг турлари.
2. Фуқароларга тегишли мол-мулкларни суғурта қилишда суғурта қопламаларини тўлаш.
3. Факультатив ва облигаторли қайта суғурта қилиш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №10

1. Огоҳлантириш тадбирларини маблағ билан таъминлаш учун ташкил қилинадиган фондлар.
2. Мажбурий давлат шахсий суғуртасининг турлари.
3. “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг ташкилий тузилиши ва вазифалари.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №11

1. Қайта суғурталаш шартномаларини кучга киритиш ва бекор этиш тартиби.
2. Суғурта шартномаларини ҳуқуқий кучга эга эмаслик ҳолатлари.
3. Суғурта ташкилотини лицензиялашда қўйиладиган талаблар.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №12

1. Фуқароларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.
2. Гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий суғурта қилишда суғурта бадалларини аниқлаш.
3. Фуқаролар томорқасидаги экинларни ихтиёрий суғурта қилиш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №13

1. Суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш кўрсаткичлари.
2. Нетто-ставка ва унинг аҳамияти.
3. Суғурта шартномаларини тузишда франшизанинг аҳамияти.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №14

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишда “Ўзагросуғурта” компаниясининг роли.
2. Суғурта маркетингининг асосий вазифалари.
3. Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини суғурта қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №15

1. Экспорт-импорт операцияларини суғурта қилиш.
2. Суғурта ташкилотлари фаолиятини солиққа тортиш.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №16

1. Суғурта бозори ҳақида тушунча ва унга хос бўлган белгилар.
2.Халқаро “Яшил карта” тизими.
3. Деҳқон, фермер хўжаликларининг мол-мулкини ихтиёрий суғурта қилиш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №17

1. Сиёсий таваккалчиликлар, унинг суғурта таваккалчиликларидан фарқ қилувчи томонлари.
2. Жавобгарликни суғурта қилиш юзасидан суғурта шартномаларини тузиш.
3. Суғурта ташкилотининг даромадлари.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №18

1. Акциядорлик жамиятларининг мол-мулкини суғуртасида томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
2. Ҳаётни аралаш суғуртаси.
3. Нетто-ставкага юклама ва унинг суғурта тарифи ставкасига таъсири.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №19

1. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари.
2. Хорижий транспорт ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг зарурлиги.
3. Давлат солиқ хизматчиларини мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта шартномаларини тузиш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №20

1. Суғурта заҳираларидан инвестиция мақсадларида фойдаланишнинг аҳамияти.
2. Хорижий транспорт воситалари ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурта тариф ставкалари ва суғурта қопламаларини тўлаш.

3. Юридик шахслар мол-мулкини суғурталашнинг зарурлиги.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №21

1. Суғурта бозорининг турлари.
2. Суғурта заҳираларини инвестиция қилишнинг асосий принциплари.
3. Ҳарбий хизматчиларни мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта шартномасини тузиш тартиби.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №22

1. Ҳарбий хизматчиларни мажбурий давлат суғуртасига олинишининг сабаблари.
2. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашнинг ҳуқуқий асослари.
3. Автомобиль эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда суғурта суммаларини тўлаш тартиби.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №23

1. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашда суғурта мукофотлари ва қопламаларини тўлаш.
2. Давлат солиқ хизматчиларини мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта суммаларини тўлаш.
3. Суғурта бозорида суғурта брокерларининг ўрни.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №24

1. Минтақавий суғурта бозори.
2. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти.
3. Ҳарбий хизматчиларини мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари миқдорини аниқлаш ва тўлаш тартиби.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №25

1. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.
2. Транспортдаги йўловчиларни мажбурий суғурта қилишда суғурта суммаларини тўлаш тартиби.
3. Автомобиль эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталовчи томонидан суғурта суммаларини тўламаслик шартлари.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №26

1. Юридик шахслар мол-мулкини суғурталашнинг зарурлиги.
2. Транспортдаги йўловчиларни мажбурий суғурта қилишда суғурта суммаларини тўлаш тартиби.
3. Ҳарбий хизматчиларини мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари миқдорини аниқлаш ва тўлаш тартиби.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №27

1. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти.
2. Гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий суғурта қилишда суғурта бадалларини аниқлаш.
3. Фуқаролар томорқасидаги экинларни ихтиёрий суғурта қилиш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №28

1. Қайта суғурталаш шартномаларини кучга киритиш ва бекор этиш тартиби.
2. Хорижий транспорт воситалари ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурта тариф ставкалари ва суғурта қопламаларини тўлаш.
3. Суғурта ташкилотини лицензиялашда қўйиладиган талаблар.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №29

1. Жавобгарликни суғурта қилишнинг мажбурий шакллари.
2. Юкларни суғурта қилиш бўйича суғурта қопламларини тўлаш.

3. Корхона ишчи-хизматчиларининг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишда суғурта таърифини аниқлаш.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

Вариант №30

1. Суғурта муносабатларини махсус ибора ва атамалар билан ифодалашнинг зарурлиги.
2. Суғурта бозорида суғурта брокерларининг ўрни.
3. Суғурта ташкилотини лицензиялашда қўйиладиган талаблар.

Кафедра мудири доц. Х.Шеннаев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

УМУМИЙ САВОЛНОМАЛАР

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан
тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кежаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент - 2013

Мавзу: Суғуртанинг моҳияти, функциялари ва бозор муносабатларидаги ўрни

1. Суғуртанинг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Суғурта фаолияти деганда нимани тушунасиз?
3. «Суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси» эканлигини изоҳлаб беринг?
4. Суғурта қандай функцияларни бажаради?
5. Суғуртанинг инвестиция функциясини қандай тушуниш мумкин?
6. Суғуртага бўлган талаб қандай аниқланади?
7. Суғурта хизматларига бўлган талабни ошишида қандай омиллар таъсир қилмоқда?
8. Суғурта полиси тушунчаси қандай маънони англатади?
9. Суғурта хизматининг маҳсулот ишлаб чиқаришдан фарқини тушунтириб беринг?

Мавзу: Суғурта соҳасида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчалар

1. Суғурталовчига таъриф беринг?
2. Риск тушунчаси нимани англатади?
3. Мулкий суғурта нима?
4. Суғурта пули нима сабабдан тузилади?
5. Суғурта рискига таъриф беринг?
6. Қайси рискларни суғурта ҳимоясига олиш мумкин эмас?
7. Актуарийларнинг асосий вазифаси нималардан иборат?
8. Суғурта объекти ва субъектининг бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларини кўрсатинг?
9. Суғурта далолатномаси нима сабабдан тузилади ва уни тузишда кимлар иштирок этади?
10. Европолис ҳақида сўзлаб беринг?
11. Ковернота деганда нимани тушунасиз?

Мавзу: Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

1. Суғурта соҳасида давлат монополиясини тугатилишига сабаб бўлган омиллар нима?
2. Суғурта бозорининг қатнашчилари ҳақида сўзлаб беринг?
3. Суғурта ташкилоти қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда барпо этилиши мумкин?
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қачон қабул қилинган?
5. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, унинг тузилиши ва мазмунини нимада даб ўйлайсиз?
6. Суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай?
7. Суғурта фаолияти классификатори қачон қабул қилинган?

8. Суғурта фаолияти классификатори нечта тармоққа эга ва уларнинг мохияти нимада?

Мавзу: Суғуртада тариф сиёсати

1. Суғурта тарифи нима?
2. Суғурта тарифини ҳисоблашга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Суғуртани амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш нима асосида амалга оширилади?
4. Суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китобларнинг ўзига хос томонларини ёритиб беринг?
5. Актуарийнинг асосий вазифаси нимадан иборат?
6. Тариф ставкаси ёрдамида нимани аниқлаш мумкин бўлади?
7. Брутто-тариф қандай қисмлардан ташкил топади?
8. Нетто-тарифга юкламани маъносини тушунтириб беринг?
9. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичини тушунтириб беринг?
10. Нетто-ставкани ҳисоблаш амалиёти қандай амалга оширилади?

Мавзу: Суғурта бозори ва уни давлат томонидан тартибга солиш

1. Суғурта бозори деганда нимани тушунасиз?
2. Суғурта бозорида рақобат қандай амалга оширилади?
3. Суғурта бозорида хизматларни сотиб олишнинг ўзига хос хусусиятларини курсатинг?
4. Суғурта бозори қатнашчиларига таъриф беринг?
5. Суғурта брокери нима ва унинг функциялари хақида тушунтириш беринг?
6. Қайта суғурталовчи компанияларни оддий суғурта компаниялардан қандай фарқ қилиш мумкин?
7. Суғурта бозорини суғурта операциялари турига қараб қандай гурухлаш мумкин?
8. Халқаро суғурта бозори ва унинг қатнашчилари ким?
9. Миллий суғурта бозорини минтақавий суғурта бозоридан қайси хусусиятларига кўра ажратиш мумкин?
10. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги нимади?
11. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг қандай шаклларини биласиз?
12. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда махсус ваколатли давлат органининг вазифалари нималардан иборат?
13. Суғурта ташкилотлари фаолиятини солиқ орқали тартибга солишнинг зарурлигини тушунтириб беринг?
14. Суғурта фаолиятини мажбурий суғурта турларини жорий этиш воситасида тартибга солишга муносабатингиз қандай?
15. Хорижий мамлакатларда ҳам суғурта фаолияти назорат қилинадими?

Мавзу: Суғурта ташкилоти молияси

1. Суғурта ташкилотининг даромадлари қайси манбалар ҳисобидан ташкил топади?
2. Суғурта ташкилоти даромадларини ташкил топишига кўра нечта гуруҳга бўлиш мумкин?
3. Суғурта фаолиятидан олинган даромадни ва инвестиция фаолиятидан олинган даромаддан нима фарқи бор?
4. Суғурта ташкилотининг харажатлари таркибини тушунтириб беринг?
5. Суғурта ташкилотининг харажатлари қандай гуруҳларга бўлинади?
6. Суғурта ташкилотининг иш юритиш харажатлари деганда нимани тушунасиз?
7. Суғурта ташкилотларида молиявий натижа қандай шаклланади?
8. Суғурта хизматини кўрсатишдан ялпи фойда қандай тартибда ҳисобланади?
9. Суғурта ташкилотларида молиявий натижани шаклланиш тартибини бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқи нимада деб уйлайсиз?
10. Суғурта ташкилотларининг операция харажатларини санаб беринг?

Мавзу: Шахсий суғуртанинг мазмуни ва турлари.

1. Шахсий суғуртанинг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Шахсий суғуртани тарихий ривожланишини сўзлаб беринг?
3. Шахсий суғуртанинг қандай мажбурий турлари мавжуд?
4. Шахсий суғурта қандай гуруҳларга бўлинади?
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида шахсий суғурта хусусида нималар дейилган?
6. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда мажбурий давлат суғурта турларини қайси суғурта компанияси амалга оширади?
7. Ихтиёрий тиббий суғуртанинг аҳамиятини тушунтириб беринг?
8. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг зарурияти нимада?
9. Қандай фуқароларга нисбатан бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича шартнома тузилмайди?
10. Ўзбекистонда шахсий суғуртани амалга ошириш юзасидан қандай муаммолар мавжуд?

Мавзу: Мол-мулк суғуртаси

1. Юридик шахслар мол-мулкини суғуртасида суғурта объекти бўлиб нима хизмат қилади?
2. Юридик шахслар мол-мулкини суғурталаш бўйича шартнома нима асосида тузилади?
3. Юридик шахсларнинг мол-мулки қандай ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарардан суғурта қилинади?
4. Мол-мулкларни суғурта қилиш суғурта фаолияти классификаторининг қайси классларида кўрсатилган?

5. Юридик шахслар мол-мулкини суғуртаси бўйича тузилган суғурта шартномасига мувофиқ суғурталанувчи қандай ҳуқуқларга эга?

6. Юридик шахслар мол-мулкини суғуртаси бўйича тузилган шартнома қайси ҳолатларда бекор этилиши мумкин?

7. Юридик шахслар мол-мулкини суғуртасида суғуртачининг суғурта қопламасини тўлаш бўйича мажбурияти қачон бошланади?

8. Суғурта ҳодисаси рўй берганда корхона қандай чора-тадбирларни амалга оширади?

9. Суғурта қопламаси юридик шахсга қайси ҳужжатлар асосида тўланади?

10. Юридик шахслар мол-мулкини суғуртасини ривожлантириш муаммолари ҳақида сўзлаб беринг?

Мавзу: Жавобгарликни суғурта қилиш

1. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурий тарзда ўтказиладими ёки ихтиёрий?

2. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш кимларни ҳимоя этишга қаратилган?

3. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурий суғурта қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қачон жорий этилган?

4. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишда тариф ставкалари нимага асосланган ҳолда тадбиқ этилади?

5. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаларига кўра фуқаро саломатлигига шикаст етказилганда суғурта суммаси қанча миқдорни ташкил этади?

6. Автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаларига кўра юридик ёки жисмоний шахслар мол-мулкига зарар етказилганда қанча миқдорда суғурта суммаси тўланади?

7. Автотранспорт воситаси эгаларига суғурта полиси қачон тақдим этилади?

8. Хорижий автотраспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш нима сабабдан жорий этилган?

9. Хорижий автотраспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича суғурта тариф ставкалари қандай ҳисобланади?

10. Хорижий автотраспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишда тўланадиган суғурта суммалари миқдори Қозоғистон Республикаси учун қанча миқдорда белгиланган?

11. Хорижий автотраспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишда фуқароларга

саломатлигига етказилган зарар жами суғурта суммасининг (Қозоғистон Республикаси учун) неча фоизини ташкил этади?

Мавзу: Қайта суғурта

1. Қайта суғурта қилишнинг моҳиятини тушунтиринг?
2. Қайта суғурталаш жараёнида қайси субъектлар иштирок этади?
3. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда қайта суғурталаш ҳақида нима дейилган?
4. Қайта суғурталаш шартномасида нималар кўрсатилади?
5. Қайта суғурталаш жараёнида воситачилар иштирок этиши мумкинми?
6. Цедент тушунчаси нимани англатади?
7. Суғурта компанияларининг молиявий барқарор фаолият кўрсатишида қайта суғуртанинг ролини тушунтириб беринг?
8. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қайта суғуртанинг ҳолати қандай?
9. Ретроцессия тушунчасининг маъносини тушунтириб беринг?
10. Факультатив қайта суғурталаш билан облигаторли қайта суғурталашнинг фарқи нимада?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Кафедранинг 2013 йил “___” _____ ___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К., Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц.Камолов О.

Тошкент-2013

2010-2011 йил якунлари буйича сугурта мукофотлари хажмининг сугурта турлари буйича булиниши



Сугурта мукофотлари туплаш буйича бозор етакчилари



2005-2011 йиллардаги сугурта бозори етакчилари (сугурта мукофотлари буйича)

№	Компаниялар	Бозордаги улуши, %						
		2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
1	«Узагросугурта»	18,6	19,5	18,2	26,4	18,5	16,5	16,2
2	«Узбекинвест»	16,7	23,5	22,3	12,1	14,6	13,6	13,8
3	«Asia inshurans»	1,9	2,3	2,8	3,3	4,2	5	8,4
4	«Кафолат»	7,0	6,8	6,6	7,3	7,0	6,8	7,2
5	«UVT Inshurans»	29,6	14,9	12,9	11,8	8,3	10	6,1
6	«Alfa invest»	1,0	1,5	1,9	2,9	5,8	5,4	5,1
7	«Инго-Узбекистан»	13,1	16,5	12,9	11,1	7,7	7,7	3,3
	Жами: (7 та компания)	87,9	85,0	77,6	74,8	66,1	65,0	60,1
	Бошка компаниялар	12,1	15,0	22,4	25,2	33,9	35,0	39,9

Сугурта мукофотлари хажмининг юридик ва жисмоний шахслар кесимида булиниши



2011 йил якунлари бўйича юридик шахслардан келиб тушган суғурта мукофотлари (компаниялар кесимида)



2011 йил якунлари бўйича жисмрний шахслардан келиб тушган суғурта мукофотлари (компаниялар кесимида)



Суғурта мажбуриятлари динамикаси (трлн.сўм)



Суғурта мажбуриятларини мижозлар орасида тақсимланиши (2010-2011 йиллар)



Суғурта мукофотлари ва суғурта мажбуриятлари динамикаси (млрд. сўм)



Суғурта қопламаларини тўлаш бўйича бозор етакчилари



Инвестициялар бўйича бозор етакчилари

№	Компаниялар	Улуши
1	Узбекинвест	45,4%
2	Узагросугурта	7,1%
3	Кафолат	4,7%
4	Alfa Invest	4,5%
5	Transinsurance	4,1%
6	Алеком	2,9%
7	Темирйул-сугурта	2,6%
8	Ingo-Uzbekistan	2,4%
9	Asia Inshurans	2,2%
10	Узбекинвест Хает	1,9%
11	Transinsurance Plus	1,9%
12	Агро Инвест Сугурта	1,6%
13	Капитал Сугурта	1,5%
14	Standard Insurance	1,5%
15	Ишонч	1,4%
	Бошқа суғурта ташкилотлари	14,4%

ФЖМС бвйича тузилган сугурта шартномалар сонини регионлар кесимида булиниши



ФЖМС буйича сугурта ташкилотларнинг шартномалар сони буйича улуши



ФЖМС буйича шартномалар сонининг сугурта ташкилотлари кесимидаги улуши (юридик шахслар сегментида)



ФЖМС буйича шартномалар сонининг сугурта ташкилотлари кесимидаги улуши (жисмоний шахслар сегментида)



ФЖМС буйича сугурта мукофотлари хажми регионлар кесимидаги булиниши (2011 йил, млн.сум)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

ГЛОССАРИЙ

Кафедранинг 2013 йил “__” _____ ___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О

Тошкент-2013

Абандон - тўлиқ миқдордаги суғурта суммасини олиш учун суғурталанувчининг суғурталанган мол-мулкдан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши (суғурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк қароқчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа-ходиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон суғурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Фақат, Англия қонунчилигида абандон учун суғурталовчининг розилиги талаб этилади.

Авария комиссари - суғурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Суғурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг характери ва миқдорини аниқлайди, ҳодиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Суғурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва телекс рақамлари суғурта компанияси томонидан бериладиган суғурта полисида кўрсатилади. Суғурталанувчи суғурта ходисаси рўй бериши заҳоти авария комиссарига мурожаат қилиши зарур. Авария комиссари мол-мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва суғурта компаниясининг топшириғига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида суғурта компанияси учун авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди.

Авария сертификати - мол-мулк суғурта ходисаси туфайли зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва характерини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли комиссия хақи ҳисобига суғурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати суғурталанувчининг суғурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда суғурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади.

Аддендум - илгари тузилган суғурта ва кайта суғурталаш шартномасига томонларнинг ўзаро келишуви билан қўшимчалар киритиш.

Аджастер - суғурта ходисаси рўй бериши муносабати билан суғурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки хуқуқий шахс. У суғурталанувчи билан унга тўланадиган суғурта қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер суғурта ходисасини рўй бериш сабабларини ўрганади ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари бўйича суғурта компаниясига эксперт хулосасини тузади ҳамда авария комиссари функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтиссослашган ташкилот амалга ошириши мумкин.

Актуарий - лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб-китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта заҳираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар

институти фаолият кўрсатмоқда. Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд.

Актуар ҳисоб-китоблар - суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб-китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб-китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига асосланади, тариф ставкасини миқдори суғурта ҳодисалари рўй беришининг эҳтимолийлигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узоқ муддатли ҳаётни суғуртаси бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондини шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимолийлигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси хақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги жадвални тузиш мумкин. Бу жадвал асосида нафақани ва ҳаётни суғурталаш бўйича тариф ставкаларни ҳисоблаш мумкин.

Андеррайтер - 1) турли рискларни суғурталаш ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясининг суғурта портфелини шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясини аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан шуғулланадиган ёки манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс.

Андеррайтер сиёсати- суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида хулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат.

Андерайтинг - 1) суғурталаш мақсадида рискни баҳолаш; 2) суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш; 3) суғурта.

Аннуитет - 1) рента ва нафақаларни суғурталашнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. Аннуитетнинг бир тури ҳисобланадиган фуқароларнинг йиллик даромадини суғуртаси бугунги кунда Буюк британияда, Францияда ва АҚШда кенг ривожланган.

Аудит - суғурта компаниясининг молиявий ҳисоботи тўғрилигини ёзма равишда тасдиқлаш ва текшириш. Аудит ишини махсус малакага эга бўлган аудиторлар амалга оширади. Аудиторлик фирмаси билан суғурта компанияси ўртасида шартнома тузилади. Ўзбекистон Республикасида аудит ишини Молия вазирлигининг лицензиясига эга бўлган шахслар амалга ошириши

мумкин. Суғурта компаниясининг баланси аудиторлар томонидан текширилгандан сўнг матбуотда эълон қилинади.

Бонус - суғурта компанияси ўзи учун қулай шартларда суғурта шартномасини тузганлиги учун суғурталанувчига, у тўлайдиган суғурта мукофоти миқдоридан чегирмалар белгилайди.

Брутто-мукофот - суғурта шартномаларини тузиш, иш юритиш харажатларини ҳисобга олган холдаги суғурта мукофотлари суммаси.

Бош полис- суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим «очиқ полис» ёки «полис-абонамент» дейилади. Мазкур бош полис асосида суғурталаш ташқи савдо юклари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатилган юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жунатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари) баён этилган аризани тақдим этса етарли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади.

Биргаликда суғурта қилиш - битта суғурта шартномаси доирасида рискни икки ёки ундан ортиқ суғурта компаниялари ўртасида тақсимланиши. Ушбу шартномада ҳар бир суғурталовчининг хуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади. Биргаликда суғурта қилишда суғурталанувчига қўшма полис ёки ҳар бир суғурта компанияси ўз зиммасига олган риск ҳиссасига мувофиқ алоҳида полис берилади.

Брутто - ставка - суғурта қопламасини (суғурта суммасини) тўлашга мўлжалланган нетто-ставка ва иш юритиш харажатларини қоплашга мўлжалланган нетто-ставкага юклама суммаларини ўз ичига олган суғурта мукофотларининг тариф ставкасини билдиради. Кўпгина адабиётларда ушбу ибора суғурта тарифи маъносида ҳам ишлатилади.

Денонсация - шартномадан воз кечиш. Агар суғурта муносабатларида томонлардан бири ёзма равишда шартномадан воз кечиши тўғрисида иккинчи томонга маълум қилмаса, шартнома унда кўрсатилган муддатгача кучда бўлади.

Депозит - 1) суғурта компаниясининг банк муассасасида сақланадиган пул маблағи ёки қимматли қоғозлари. Банк, одатда, суғурта компаниясига ўз пулини банкда сақлагани учун фоиз тўлайди; 2) айрим мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ, чет мамлакат суғурта компанияси, агар, бирор бошқа мамлакатда суғурта фаолиятини амалга оширмоқчи бўлса, дастлаб у ўша мамлакат банк муассасасига тегишли пул маблағини депозитга қўяди. Мазкур депозит, чет давлат суғурта компаниясининг бошқа мамлакат худудида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Диверсификация - йирик суғурта компанияларининг асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан ҳам шуғулланиши. Масалан, суғурта воситачилиги, қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси, кўчмас мулк билан шуғулланиш ва хакозо.

Депозитларни суғурта қилиш - банклар банкрот деб эълон қилинганда ёки тўлов қобилияти йўқолганда, омонатчиларнинг банкдаги пул маблағларини уларга қайтарилишини суғурталаш. Бунда банклар суғурталанувчилар ҳисобланади. Суғуртани махсус суғурта ташкилотлари амалга оширади. Депозитларни суғурталаш чет мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, АҚШда депозит суғуртасини депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси амалга оширади. АҚШда ҳар бир омонатчига тўғри келадиган 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги депозитни банклар мажбурий суғурталайди.

Диспашер - денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда кўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб-китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун хақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди.

Европолис - европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси.

Заҳира фонди - жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан суғурта қопламасини тўлаш имконияти бўлмаганда, ушбу суғурта қопламасини тўлаш учун фойдаланиладиган пул маблағлари фонди. Маълумки, суғурта ходисалари туфайли кўрилган йўқотишлар ва зарарлар миқдори ҳар йили ҳар-хил бўлади. Айрим йиллари суғурта ходисалари кам, бошқа йили эса кўпроқ бўлиши мумкин. Агар суғурта ходисалари сони кўп бўлиб, кўрилган зарар миқдори жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотларидан бир неча марта кўп бўлса, уларнинг фарқи заҳира фонди ҳисобидан қопланади.

Карго - транспорт воситасида ташиладиган ва суғурталаниши мумкин бўлган юкнинг номланиши.

Каско - транспорт воситасининг борти. Каско суғуртаси транспорт воситасини нобуд бўлиши ёки шикастланиши ўз ичига олади.

Каф - ташқи савдо шартномаси бўйича юкларни белгиланган портгача (жойгача) етказиб бериш шарти. Бунда ташилаётган товарнинг қийматига денгиз транспортида ташиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Ушбу шарт бўйича товарларни суғурта қилиш товар етказиб берувчининг (сотувчи) мажбуриятига кирмайди.

Касбий жавобгарлик- чет эл тажрибасида врачларнинг, адвокатларнинг, аудиторларнинг, нотариусларнинг, бухгалтер, архитектор ва бошқа касб эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тасдиқлайдиган суғурта полисининг аталиши. Ушбу касб эгалари хусусий амалиёт билан шуғулланганларида, уларда суғурта полисининг бўлиши мажбурийдир.

Квота - 1) бир неча суғурта компанияси томонидан биргаликда тегишли объект суғурталанаётганда, битта суғурта компаниясига тўғри келадиган ҳисса. Бундай холатда ҳар бир суғурта компаниясига тегишли квота ягона

суғурта полисида ўз аксини топади; 2) қайта суғурталаш компаниясини қайта суғурталашда қатнашиш ҳиссаси.

Квотали қайта суғурталаш - суғурта компанияси қайта суғурталовчи компания билан келишган ҳолда унга рискларни бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали расмийлаштирилади. Қайта суғурталовчи компанияга суғурта мукофотини тегишли қисми берилади ва қайта суғурталовчи компания пропорционал равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади.

Ковернота - суғурта воситачиси томонидан суғурталанувчига бериладиган ва суғурталанувчининг суғурта шартномаси тузишини тасдиқловчи хужжат. Ушбу хужжатда кўрсатилган муддат мобайнида суғурта брокери суғурталанувчига суғурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота суғурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган хужжат ҳисобланмайди.

Комбинацияли суғурта - бир неча суғурта турлари бўйича суғурта қопламаси шарти.

Комиссия ҳақи - мижозларни суғуртага тортганлиги учун суғурта компанияси томонидан воситачиларга (суғурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Комиссия ҳақининг миқдори суғуртанинг турига ва келиб тушган бадалнинг хажмига боғлиқ ҳолда суғурта бадалига нисбатан фоизларда тўланади.

Коносамент - денгиз транспортида юкларни ташиш шартларини ифодаловчи хужжат. Коносамент шартнома мавжудлиги фактини ва юк ташувчини юкни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи хўжжат. Коносаментга имзо чекиши билан юкни сақлаш, уни тегишли манзилга етказиш масъулияти тўлалигига юк ташувчи кема зиммасига ўтади. Имзоланган коносаментнинг асл нусхаси сотиб олувчига юборилади ва ушбу хўжжат унга тегиши билан сотиб олувчи юкнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади.

Кумуляция- бир қанча йирик суғурта суммали объектларнинг битта суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўриши эхтимоллигини назарда тутувчи суғурта рискларини йиғиндиси.

Кэптив суғурта компанияси- таъсисчиларнинг манфаатларини суғурта ҳимоясига оладиган ёки йирик концерн, корпорациялар, йирик саноат-молия гуруҳлари таркибига кирувчи суғурта компанияси. Рақобатдаги бошқа суғурта компанияларини кэптив суғурта компанияси мавжуд бўлган тармоққа кириши мураккаброқ ҳисобланади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кэптив суғурта компанияларига - «АЛСКОМ», «Универсал суғурта» суғурта компанияларини мисол келтириш мумкин.

Ллойд- 1) Англиядаги халқаро суғурта бозори; Англиядаги суғурталовчиларнинг корпорацияси, тахминан 1734 йилда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда Ллойдга 22000 дан ортиқ аъзо бор. Унинг фаолияти Англия парламенти қабул қилган махсус қонун билан тартибга солинади. Ллойд суғуртани барча турларини амалга оширади. Ллойд аъзолари 279 синдикатга бирлашган бўлиб, синдикат фаолияти учун андеррайтерлар жавоб беради. Андеррайтерлар билан сугурталанувчиларни сугурта воситачилари

бирлаштиради. Сугурта воситачилари Ллойд бозорида рискларни жойлаштиради. Андеррайтерлар сугурта шартномаси буйича жавоб бериш учун йирик миқдордаги пул маблағларини корпорацияга депозит сифатида қўяди.

Тиббий суғурта- аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки ихтиёрий бўлади.

Мулкий суғурта - турли кўринишдаги мол-мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланган, суғуртанинг мустақил тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол-мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол-мулкнинг соҳиблари, балки мол-мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Нетто-ставка- брутто-ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто-ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари ресурслари бўлиб, у брутто-ставканинг 90 фоизигача миқдорини ташкил этади.

Облигаторли қайта суғурталаш- 1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат худудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора кайта суғурталаш орқали чет элга валютани чиқиб кетишини олдини олади; 2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси.

Мажбурий суғурта- суғурта муносабатлариннинг қонун кучига эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик хужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу хужжатда суғуртага тортиладиган объектлар сони, суғурта жавобгарлигининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий суғуртани тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта компанияси ўтказиши мумкин.

Оферта- асосий шартлар кўрсатилган ҳолда суғурта шартномасини тузиш таклифи. Суғурта компанияси офертани конкрет юридик ёки жисмоний шахсга йўллаши мумкин.

Оффшор суғурта компанияси- махсус мақомга эга бўлган суғурта компанияси. Оффшор суғурта компаниялари солиқ тўлаш ставкалари энг кам булган оффшор зоналарда (Бермуд ороли, Гернси, Мэн ва Кэйманов ороллари) ташкил этилади. Оффшор зоналарда амалга ошириладиган суғурта операциялари суғурта компаниясини ташкил этишда қатнашган таъсисчилар жойлашган давлати органлари томонидан назорат этилмайди.

Пролонгация- ўзаро келишган ҳолда суғурта шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш. Пролонгация ёзма кўринишда тасдиқланиши мумкин.

Пропорционал қайта суғурталаш- қайта суғурталаш шартномасини тузиш шакли. Бу ерда қайта суғурталаш компанияси суғурта мукофотларини умумий тушумидаги ва суғурта копламаларини тўлашда ўз улушига эга. Пропорционал қайта суғурталаш шартномалари квотали, экцедентли ва квота-экцедентли шартномаларини ўз ичига олади.

Рискларни жойлаштириш-1) суғурта манфаати туфайли юзага келадиган суғуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Рискларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш, тенг равишда суғурталаш, қайта суғурталаш ва ретроцессияга тўғри келади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рискларни жойлаштириш суғурта воситачилари орқали суғурта бозорида амалга оширилади; 2) суғурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли рискларни қисмларга бўлиб, бир нечта суғурта компаниясида суғурталаш услуби. Бир қанча суғурта компаниялари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқади ва у суғурта шартномасидаги шартларни маъқуллаб, рискнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади. Кейин, брокер бошқа суғурта компанияларига мурожаат қилиб, рискнинг қолган қисмини ҳам жойлаштиради.

Рақобат - суғурта компанияларининг суғурта бозоридаги ўз улушини эгаллаши учун ўзаро иқтисодий мусобақаси. Рақобат суғурталанувчи учун суғурта компанияларини танлаб олишларида кўмак беради. Рақобат суғурта хизматини кенгайишида ва уларнинг сифатини ошишида муҳим аҳамиятга эга. Бир суғурта хизматини кўрсатаётган бир неча суғурта компаниялари рақобат шароитида мижозларни жалб этиш учун уларга суғурта шартномаларини тузишда, суғурта мукофотларини тўлашда ва суғурта қопламаларини қисқа муддатларда тўлашда имконият яратади.

Ретроцедент- қабул қилиб олинган қайта суғурталаш рискини ретроцессияга (иккинчи қайта суғурталаш) берувчи суғурта ёки қайта суғурталовчи компания.

Ретроцессионарий-ретроцедентдан рискни қабул қилиб олувчи қайта суғурталовчи компания.

Ретроцессия- 1) қайта суғурталашга илгари қабул қилиб олинган рискларни яна қайта суғурталашга бериш; 2) рискларни учламчи жойлаштириш.

Риск- 1) битта кутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Риск тушунчаси кўринишларининг хилма-хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, рискни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатишни имконияти бўлмаганлиги суғурта ишини ташкил этиш учун асос яратади. Шундай қилиб, риск суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт-шароит яратади. Риск-рискли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир. Суғурта фанида риск тушунчасига турлича тарифлар берилган. Жумладан, риск-бу

конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Риск суғурта объекти билан тўғридан тўғри боғланган. Объектга риск салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд нобуд қилиши мумкин. Шу туфайли риск - бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта рискларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади. Риск баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; 2) суғурта объекти: 3) суғурта жавобгарлигининг тури.

Риск менежменти - рискни камайтириш ёки чегаралаш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган ҳаракати. Риск менежментининг таркибий элементига қуйидагилар киради: рискни аниқлаш, рискни баҳолаш, рискни назорат қилиш ва рискни молиялаштириш.

Рискли ҳолатлар - риск даражасига таъсир қилувчи омиллар. Суғурталанувчига маълум бўлган барча рискли ҳолатлар суғурта компаниясига хабар қилинади. Бу рискни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Рискли ҳолатларни таҳлил этиш сюрвейер ёки аджастернинг функциясига киради. Бу суғурта компаниясини суғурта шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласи бўйича қарор қабул қилишида ҳамда суғурта қопламалари ва суммаларини тўлашда муҳим ўрин тутади. Рискли ҳолатлар: шахсий ва ашёвий; тўғри ва эгри; тасдиқланадиган ва инкор қилинадиган: объектив ва субъектив турларга бўлинади.

Рискларни танлаш - суғурта шартномасини тузиш бўйича мижозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолияти. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида рискларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида рискларни танлаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. Рискларни танлаш - бу риск менежмент соҳасида олиб бориладиган чора - тадбирларнинг бир қисмидир.

Рискни баҳолаш - риск параметрларини характерловчи барча рискли ҳолатларни натура ва қиймат кўринишида таҳлил этиш. Энг аҳамиятли белгисига қараб тегишли рисклар гуруҳи ажратилган ҳамда у рискни баҳолаш мезони ҳисобланади. Масалан, шахсий суғурта шартномасини тузишда инсоннинг ёшига эътибор берилади. Суғурта шартномаси тузилган моментдан, суғурталанувчининг ўлимига ёки ногирон бўлиб қолишига олиб келувчи хавфли касалликларни аниқлаш мақсадида мижоз қўшимча равишда дастлабки тиббий текширувдан ўтказилиши мумкин. Суғурта компанияларида рискни баҳолаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. У суғурта объекти билан жиддий танишади, ҳар томонлама таҳлил этади. Таҳлил натижаларига мувофиқ суғурталанувчи билан суғуртавий ҳуқуқий муносабатларга киришишини мақсадга мувофиқлиги тўғрисида суғурта компаниясига ёзма хулоса беради.

Суғурта мукофотлари заҳираси- ҳаётни ва нафақани узоқ муддатли суғурталаш бўйича тўловларни олдиндан тўлаш учун суғурта компаниясида ташкил этиладиган фонд. Бу фонд суғурта операцияларини молиявий

барқарорлигини таъминлашда ҳамда суғурталовчи зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда муҳим ўрин тутади. Ҳаёт суғуртаси шартномалари, одатда, бир неча йилга тузилади. Суғурта мукофтларини келиб тушиш ва суғурта суммасини тўлаш вақтлари ўзаро тўғри келмаганлиги учун, суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофоти маълум вақт мобайнида унинг ихтиёрида бўш холда бўлади. Келиб тушган суғурта мукофотларининг бир қисми жорий тўловлар учун сарфланади, қолган қисми эса заҳира фондини шакллантириш учун йуналтирилади. Узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича заҳира фондининг маблағлари кредит ресурси сифатида фойдаланилиши мумкин.

Суғурта заҳиралари – суғурта суммаларини тўлашни кафолатлаш мақсадида суғурта компаниялари ташкил этган фондлар. Агар, маълум бир вақтда суғурта қопламаларини тўлаш учун жорий суғурта мукофотлари етмаса, суғурта компанияси заҳира фондларидан фойдаланиши мумкин. Суғурта заҳираларига қуйидагилар киради: ҳаётни суғуртаси бўйича заҳира фондлари, рўй берган, аммо арз қилмаган зарарларни қоплаш заҳиралари ва бошқалар. Ушбу заҳира фондларининг маблағлари вақтинча бўш бўлгани учун инвестиция мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Бунинг натижасида суғурта компанияси қўшимча даромад олади.

Суғурта полиси- суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи хужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.

Суғуртада тариф сиёсати- суғурта операцияларини зарарсиз ўтказилишини ва суғурталанувчиларнинг манфаати йўлида суғурта тарифларини белгилаш, аниқлаш, тартибга солиш ва табақалаштириш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган фаолияти. Суғуртада тариф сиёсати қуйидаги асосий принципларга асосланади:

1. Нетто-мукофотлар ва суғурта қопламаси ўртасидаги эквивалентлик. Ҳар бир суғурта тури бўйича нетто-ставка зарарларнинг эҳтимол тутилган миқдорига максимал даражада тўғри келиши зарур.
2. Суғурталанувчиларнинг асосий қисми учун суғурта тарифи миқдорининг қулайлиги. Тариф ставкаларини юқори даражада белгиланиши суғурта ишини ривожланиши учун тўсиқ бўлади.
3. Суғурта тарифи ставкаларининг барқарорлиги. Агар узоқ йиллар мобайнида тариф ставкалари ўзгармаса, бу ҳолат суғурталовчининг нуфузини оширади. Суғурта суммаларининг зарарлилик кўрсаткичи камайса, суғурталанувчиларнинг манфаати учун суғурта тарифи ставкасини ўзгартирмасдан жавобгарлик хажмини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.
4. Суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминлаш.

Сиёсий риск- давлат органларининг ҳатти-харакати ёхуд уюшган шахслар гуруҳининг сиёсий талаб бўйича чиқиши натижасида вужудга келадиган хавф. Сиёсий рискга уруш харакатлари, сиёсий ҳокимиятнинг ёки

тузумнинг ўзгариши, қонун хужжатларидаги ўзгаришлар, фуқароларнинг оммавий чиқишлари ва иш ташлашлари, миллийлаштириш, конфискация киради. Сиёсий риск рўй берган вақтда суғурта компанияси жавобгарликдан озод бўлади. Чунки сиёсий рисклар, фақат, давлатга қарашли махсус суғурта компаниялари томонидан суғурталаниши мумкин.

Суғурта портфели -суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофотларининг йиғиндиси. Суғурталанган объектлар сони, суғурта шартномаларининг миқдори ҳам суғурта портфели тушунчасини англатади. Чет мамлакатлар суғурта амалиётида ушбу ибора ишлаб топилган суғурта мукофотининг ҳажми тушунчасига тўғри келади.

Суғурта далолатномаси - суғурта ходисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган хужжат. Далолатномада мол-мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда суғурта ҳодисаси ва мол-мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнғинга қарши кураш, давлат автомобиль назорати, қишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма ҳулосаси илова этилади. Халқаро суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер тузади ва моҳиятан авария сертификатига яқинлашади.

Суғурта мукофоти- суғурта мукофотининг миқдори суғурта суммасига нисбатан фоизларда аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори аниқ суммаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, автомобиль эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида суғурта мукофоти аниқ пул бирлигида кўрсатилади.

Суғуртавий фойда- суғурта хизматининг баҳоси ва таннархи ўртасидаги фарқ. Суғуртавий фойда суғурта операцияларини амалга ошириш натижасида шаклланади. Суғуртавий фойда баланс услуби асосида суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта операциялари таннархини ўзаро таққослаш натижасида аниқланади. Суғурта операцияларининг таннархи бу, суғурта компаниясининг суғурта ҳимоясини таъминлашга қаратилган тўғри ва эгри, (шу жумладан заҳира фондларига ажратмалар) харажатларнинг йиғиндисидир. Одатда, суғурта тарифини ҳисоблашда нетто-ставкага юкламада фойда улуши ҳам кўрсатилади. Шаклланиш манбаига кўра, ҳақиқатдаги суғуртавий фойда ўз ичига қуйидаги фойда турларини олади: суғурта суммаси зарарлик кўрсаткичини камайтиришдан олинган фойда, бошқарув харажатларини иқтисод қилиш натижасида олинган фойда, инвестициядан олинган фойда ва суғурта тарифида белгиланган фойда.

Суғурта пули- суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта компанияларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. Ҳар қайси компания ўз суғурталанган рискни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади. Олинган суғурта мукофотлари ҳажмида суғурта копламасини тўлаш бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига

олади. Хорижий мамлакатларда авиация, атом, харбий рискларни суғурталаш учун суғурта пули ташкил этилган.

Суғурта объекти - шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти: мулкий суғуртада бинолар, қурилмалар, транспорт воситалари, уй-жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик масъулияти - масъулиятни суғурталашда суғурта объектлари бўлиб ҳисобланади. Рискни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассислари томонидан экспертиза қилиниши мумкин.

Суғурта шартномаси - икки томонлама ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.

Суғурта - ҳар хил нохуш ходисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқороларнинг ҳаётида тегишли суғурта ходисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. Ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкий, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта - бу рискни тақсимлаш усулидир.

Суғурталанувчи - қонун асосида ёки икки томонлама шартнома асосида суғурта компанияси билан фуқоралик-ҳуқуқий муносабатларга кирувчи юридик ёки жисмоний шахс. Суғурталанувчи учинчи шахс фойдасига суғурта шартномасини тузишга хақли. Суғурталанувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шарт. Суғурта шартномасини тузиш жараёнида суғурталанувчи суғурта объектига тааллуқли бўлган барча маълумотларни суғурта компаниясига маълум қилиши шарт.

Суғурта қопламаси - мулкий суғуртада ва суғурталанувчининг учинчи шахс олдида фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида зарарни қоплаш учун суғурта фондидан тўланадиган пул маблағи. Суғурта қопламаси суғурта суммасига тенг ёки ундан кам бўлиши мумкин. Суғурта ҳодисаси рўй берганлик холати ва шакли бўйича аджастер ёки авария комиссарининг хулосаси суғурта компанияси томонидан суғурта қопламаси тўланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Суғурта манфаати - суғуртада моддий манфаатдорлик чораси. Суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида суғурталанувчига моддий зарар келтирувчи предметлар - мол-мулк ёки суғурталанувчининг учинчи шахсга зарар келтириш холатлари. Масалан, суғурталанувчининг автомобиль транспорти йўл-транспорт ҳодисалари туфайли шикастланганда,

суғурталанувчида ушбу мулкка нисбатан манфаатдорлик юзага келади ва суғурта моддий манфаатдорлик чораси сифатида майдонга чиқади.

Суғурта йиғими - Жисмоний шахснинг йўловчиларнинг мажбурий суғурта бўйича бир марта тўланадиган суғурта мукофоти. Одатда, суғурта йиғими йўл ҳақи таркибида бўлади ва чиптада суғурта йиғими «киритилган» деган сўз бўлади.

Слип - рискни характерловчи хужжат. Слип суғурта брокери томонидан тузилади ва андеррайтерга берилади. Слипда суғурта компаниясининг рискни суғурталашдаги ҳиссаси кўрсатилади. Англияда слип суғурта полисига тенглаштирилади. Айрим ҳолатларда слип суғурта қопламасини тўлашда асосий хужжат ҳисобланади.

Суғурта компанияси- суғурта шартномасини тузиш ва унга хизмат қилишни амалга оширувчи, суғурталанувчи билан ҳуқуқий муносабатда бўлувчи юридик шахс. У ўз Низоми асосида фаолият юритувчи мустақил хўжалик субъектидир. Тегишли иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи суғурта компанияларининг йиғиндиси суғурта тузимини ташкил этади. Суғурта компаниялари бажарадиган суғурта операцияларига кўра, улар универсал ва ихтисослашган бўлади. Устав капитали миқдори ҳамда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажмига мувофиқ, суғурта компанияларини йирик, ўрта ва кичик гурухларга бўлиш мумкин.

Суғуртавий тиббиёт- турли касалликлардан мажбурий суғуртани назарда тутувчи соғлиқни сақлаш ишини ташкил этиш шакли. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурта фонди ишчи-ходимларнинг иш ҳақидан, тадбиркорларнинг фойдасидан, давлат дотацияси ҳисобидан ҳамда хайр-эҳсон фондларининг мажбурий ажратмаси ҳисобидан шаклланади. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурталанган контингентга тиббий суғурта полиси берилади. Суғурталанувчига тиббий суғурта полиси бўлган тақдирда тиббий хизмат кўрсатилади. Бунда тиббий суғурта компанияси, бир томондан суғурталанувчилар билан, иккинчи томондан тиббиёт муассасалари билан шартнома тузади.

Суғурта баҳоси - суғурталаш мақсадида аниқланадиган мол-мулкнинг қиймати. Амалиётда мол-мулклар ҳақиқий қиймати, бозор қиймати ва бошқа қийматлар воситасида баҳоланади. Зарур ҳолларда суғурта баҳосини тўғри ҳисоблаш учун малакали экспертлар жалб этилади. Суғурта баҳоси тўғрисидаги ҳақиқий маълумот таъриф ставкаси ва суғурта мукофоти миқдорини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги қонунчиликка биноан, суғурта суммаси мол-мулкнинг суғурта баҳосидан ошиб кетмаслиги зарур.

Суғурта тизими - 1) турли хил суғурта компаниялари ва уларни суғурта назорати билан алоқадорлигини йиғиндиси: 2) суғурта ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишнинг давлат - ҳуқуқий шакли.

Суғурта суммаси - суғурта манфаати ва суғурта рискига мос келувчи пул маблағи. Халқаро амалиётда суғурта суммаси суғурта қопламаси дейилади. Суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофоти аниқланади ва суғурта қопламаси тўланади. Суғурта суммаси ибораси, кўпроқ, шахсий суғуртада - фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғини суғурталашда ишлатилади.

Суғурта майдони - суғуртага тортилиши зарур бўлган объектларнинг энг катта сони. Айрим экспертлар хулосасига кўра, Ўзбекистонда суғурта майдони ҳали тўла ўзлаштирилмаган. Фақат мол-мулкларнинг 20-30 фоизигина суғуртага тортилган.

Суғурта суммасининг зарарлилиги - суғурта суммаси ва суғурта копламаси тўлови ўртасидаги нисбатни характерловчи иқтисодий кўрсаткич. Бу кўрсаткич зарар миқдори эҳтимоллигини кўрсатади ва ундан рискни ўзгариши устидан назорат ўрнатишда фойдаланилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади: суғурталанган объектлар сони ва уларнинг суғурта суммаси, суғурта ходисаларининг сони, зарар кўрган объектлар сони ва суғурта қопламаси. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи нетто-ставка тузилишига қараб ҳар бир суғурта тури ёки жавобгарлик тури бўйича аниқланади. Агар зарарлилик кўрсаткичи нетто-ставкага яқинлашса ёки ундан ошиб кетса, бу ҳолда суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи юқори даражада эканлилигидан далолат беради.

Суғурта ҳуқуқи- суғурталовчилар, суғурталанувчилар ва улар ўртасидаги воситачиларнинг ҳатти-ҳаракати қоидалари йиғиндиси. Суғурта хуқуқи қонун ва қонун хужжатларида ўз аксини топади. Суғурта ҳуқуқи молиявий ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаси - стихияли, табиий ёки олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа-ҳодисаларнинг амалда юз бериши. Суғурта ҳодисаси юзага келган зарар суғурта компанияси томонидан шартномага мувофиқ қопланади. Мулкий суғуртада суғурта ҳодисаси дейилганда, стихияли ҳодисалар, ёнғин, авария, портлаш, зилзила, довул ва бошқалар тушунилади. Шахсий суғуртада эса суғурта ҳодисасига фуқароларнинг маълум бир муддатгача яшаши, уларнинг хаётида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши ёки ўлими киради. Халқаро амалиётда суғурта ҳодисаси баъзан «форс-мажор» деб юритилади.

Суғурта ҳодисалари частотаси - иншоотларни ёниш даражасини, транспорт воситаларини авария бўлиш даражасини, аҳоли ногиронлиги даражаси ва шунга ўхшаш даражаларни ифодаловчи кўрсаткич. Суғурта ҳодисалари сонини суғурта қопламалари миқдорига ёки суғурталанган объектлар миқдорига нисбати суғурта ҳодисалари частотасини аниқлайди.

Суғурталовчилар уюшмаси - суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш, уюшма аъзоларининг манфаатини давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органлари олдида ҳимоя этиш ҳамда маҳаллий суғурта компаниялари ва хорижий суғурта компаниялари ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида ташкил этиладиган суғурта компанияларининг уюшмаси. Бунга ўзаро суғурталаш жамиятларини халқаро уюшмасини, техник рискларни суғурталовчи компаниялар иттифоқини, Буюк Британия суғурталовчилар уюшмасини мисол келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда суғурталовчилар уюшмаси ташкил этилмаган. Фақат, автосуғурталовчилар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда.

Суғурта қопламаси лимити - суғурта компаниясининг филиали, бўлими, шуъба корхонаси томонидан битта суғурта ҳодисаси бўйича

мустақил тўланадиган суғурта қопламасининг энг юқори миқдори. Бу миқдорни суғурта компанияси бошқаруви жойлардаги суғурта суммасининг зарарлилик даражасидан, кадрларнинг малакасидан ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Суғурталовчининг жавобгарлик лимити - тузилган суғурта шартномасидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган суғурта компаниясининг мумкин бўлган энг юқори даражадаги жавобгарлиги. Суғурталовчининг жавобгарлик лимити суғурта полисида ўз аксини топади.

Суғуртани туркумлаш (классификациялаш) - 1) суғурта турларини иерархия кўринишида тармоқларга, тармоқчаларга ва турларга бўлиниши. Бунда ҳар бир кейинги бўғин олдинги бўғиннинг бир қисми шаклида ифодаланади. Суғурта объекти суғуртанинг тоифаси, суғурта жавобгарлигининг ҳажми ва суғурта қисмининг шакли суғуртани туркумлашнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади. 2) хориж амалиётида суғурта турларини тартиблаштирилган тизими. Ҳозирги вақтда Европа Иттифоқи давлатларида суғуртанинг ягона классификацияси ишлаб чиқилган ва ҳаётга жорий этилган.

Европа иттифоқида суғурта турларини туркумлаш

Узоқ муддатли суғурта		**Умумий суғурта**	
I	Ҳаёт ва аннуитетлар суғуртаси	I	Бахтсиз ҳодисалардан суғурта
II	Болаларни туғилиш ва никоҳини суғуртаси	II	Касаллик ҳодисасини суғуртаси
III	Боғланган узоқ муддатли суғурта	III	Автомобилларни суғурталаш
IV	Соғликни узлуксиз суғурталаш	IV	Темир йўл составини суғуртаси
V	Тонтинлар	V	Ҳаво кемаларини суғуртаси
VI	Капиталларни қоплашни суғурталаш	VI	Денгиз кемаларини суғуртаси
VII	Нафақаларни суғуртаси	VII	Йўлдаги юкларни суғуртаси
		VII	Ёнғиндан ва стихияли ҳодисалардан суғурта
		IX	Мулкни зарар етказишдан суғуртаси
		X	Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш масъулиятини суғуртаси

	XI	Ҳаво кемалари эгаларининг 3-чи шахсга зарар етказиш масъулиятини суғуртаси
	XII	Кема эгаларини фуқаролик жавобгарлигини суғуртаси
	XIII	Умумий жавобгарликни суғуртаси

Сюрвейер - суғуртага тортиладиган мол-мулкни кўрикдан ўтказувчи суғурта компаниясининг ходими. Суғурта компанияси сюрвейернинг хулосаси асосида суғурта шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Чет эл амалиётида ёнғин ҳавфсизлигини таъминловчи ихтисослашган фирмалар, меҳнат муҳофазаси бўйича ташкилотлар сюрвейер функциясини бажаради.

Тариф ставкаси - суғурта рискини бахоси; суғурта суммасига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган брутто-ставка. Тариф ставкаси (брутто-ставка) икки қисмдан иборат: нетто-ставка ва нетто-ставкага юклама. Нетто-ставка суғурта компаниясининг суғурта фондидан қиладиган харажатларини ифодалайди. Нетто-ставкага юклама суғурта компаниясининг иш юритиш харажатларини, комиссия ҳақини ва бошқа харажатларини ўз ичига олади. Шахсий суғурта буйича тариф ставкаси мол-мулк суғуртасининг тариф ставкасидан кескин фарқ қилади. Ҳаёт суғуртасидаги тариф ставкаси ҳаётийлик жадвали ва даромад нормасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Эҳтимоллар назарияси - тасодифий ҳодисаларнинг эҳтимоллиги бўйича ўзаро алоқада бўлган бошқа ҳодисаларнинг эҳтимоллигини аниқлаш билан боғлиқ математика фани. Эҳтимоллар назарияси асосида тасодифий ҳодисаларнинг руй бериш эҳтимоллиги катта ёки кичик эканлиги аниқланади. Эҳтимоллар назарияси актуар ҳисоб-китобларни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади.

Қайта суғурталаш - суғурталашга рискни қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш); суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш). Қайта суғурталаш операцияларини суғурта компаниялар билан бир қаторда асосан, ихтисослашган қайта суғурталаш компаниялари амалга оширади. Қайта суғурталаш актив (рискни бериш) ва пассив (рискни қабул қилиб олиш) кўринишда бўлади. Бундан ташқари, қайта суғурталаш пропорционал ва нопропорционал бўлади. Пропорционал қайта суғурталашда, қайта суғурталовчининг берилган риск бўйича улуши цедентнинг ўз жавобгарлигига қоладиган қисми аниқ бўлгандан сўнг аниқланади. Нопропорционал қайта суғурталашда рискни бериш тегишли лимит доирасида амалга оширилади. Бу ҳолда қайта суғурталовчи цедентдан

суғурта мукофотининг бир қисмини олади (пропорционал қайта суғурталашдагидек суғурта суммасига мувофиқ келадиган суғурта мукофотини эмас).

Қайта суғурталовчи брокер - иккита суғурта компанияси ўртасидаги профессионал воситачи.

Қайта суғурталовчи - суғурта брокери ёрдамида қайта суғурталаш учун рискни қабул қилиб оладиган жисмоний ёки юридик шахс. Қайта суғурталовчи ёрдамида рискни иккиламчи тақсимлаш амалга оширилади. Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик қайта суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради.

Факультатив қайта суғурталаш - пропорционал қайта суғурталаш шартномасининг тури. Факультатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган риск бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск бўйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.

Факультатив облигатор шартномаси - цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискини бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси.

Франшиза - суғурта шартномаси шартларида кўзда тутиладиган суғурталовчининг зарарни қоплашдан озод этиладиган қисми. Франшиза суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланадиган шартли ва шартсиз франшизаларга бўлинади. Шартли франшизада суғурталовчи белгиланган франшиза суммасидан ошмайдиган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этилади. Бу ҳолда, агар кўрилган зарар миқдори франшиза суммаси миқдоридан ошиб кетса, суғурта компанияси зарарни тўлиқ қоплайди. Шартсиз франшизада кўрилган зарар франшиза суммасидан чегирилиб қопланади.

Фрахт - денгиз ёки ҳаво йўллари орқали юкни ташишда тўланадиган ҳақ. Ушбу ҳақ тариф ёки юкни ташиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўзаро келишилган нарх асосида тўланади. Денгиз суғуртасида юкларни ташишда фрахт полиси ёзилади ва фрахт қилувчига берилади.

Фронтлаштирувчи компания - бошқа суғурта компаниясининг илтимосига кўра, ўз номидан суғурта полиси берувчи суғурта компанияси. Фронтлаштирувчи суғурта компанияси қабул қилиб олинган рискни юз фоиз миқдорида илтимос қилган суғурта компанияси ҳисобига ўтказади ва бунинг учун ундан комиссион ҳақ олади. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда бир нечта фронтлаштирувчи компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Масалан, “Англо-Ташкент”, “УзАИГ” суғурта компаниялари.

Фронтинг - қабул қилиб олинган рискни тегишли комиссия ҳақи эвазига тўлалигича бошқа суғурта ёки қайта қайта суғурталовчи компанияларига бериш.

Цедент - рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади.

Цессия - 1) суғурта рискини қайта суғурталашга бериш жараёни. Цедент ва қайта суғурталовчи ўртасидан ҳуқуқий муносабатларда ишлатилади. 2) Хориж амалиётида цедентнинг олинган суғурта мукофоти маъносини билдиради.

Шомаж - суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши билан боғлиқ фойда олмаслик рискини суғуртаси.

Эксцедент риски - мазкур тоифадаги риск бўйича зарарни қайта суғурталаш тўғрисидаги келишув.

Эксцедент зарари - нопропорционл қайта суғурталаш шакли. Бунда цедентга ўз зиммасида ушлаб қолинган зарардан ошган қисми қайта суғурталовчи компания томонидан қопланади.

Ўзаро суғурталаш жамияти - фойда олишни кўзламайдиган нотижорат шаклидаги суғурта компанияси. Суғурта қилишнинг ташкилий шакли. Ўзларининг мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоялаш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий битим асосида бирлашуви. Ўзаро суғурталаш жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ҳар бир суғурталанувчи ушбу жамиятнинг аъзоси бўлади. АҚШ ва Японияда асосан, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар ўзаро суғурталаш жамияти шаклидадир. Ҳозирги пайтда Японияда ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳаётни суғурталаш бозорининг 89,4%ни ташкил этади.

Шахсий суғурта - суғурта объекти сифатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва меҳнат қобилиятини сақлаш билан боғлиқ манфаатлар мажмуаси шаклидаги суғурта тармоғи. Шахсий суғурта ҳаёт суғуртасига ва бахтсиз ҳодисалардан суғуртага ва тиббий суғуртага бўлинади. У рискли ва жамғарма функцияларига эга. Чет эл тажрибасида шахсий суғурта тўртта суғурта классидан иборат бўлиб, инсон ҳаётидаги рўй бериш мумкин бўлган ҳодисалар (туғилиш, ўлим, вояга етиш, никоҳдан ўтиш, маълум бир ёшгача яшаш) эҳтимоллиги билан боғлиқ барча суғурта турларини ўз ичига олади. Кенг маънода шахсий суғурта-бу узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси, аралаш суғурта ва аннуитетлардир.

Яшил карта - автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисидаги халқаро шартномалар тизими. Мазкур суғурта тури бўйича шартнома тузилганлик фактини тасдиқловчи полис. 1949 йилда Европанинг 13та давлати ўртасида яшил карта тўғрисида шартнома тузилган. Ҳозирги пайтда яшил картага аъзо мамлакатлар 30 дан зиёдни ташкил этади. Яшил картага аъзо бўлган мамлакатларда тегишли миллий бюролар ташкил этилган ва у мазкур давлат ҳудудида яшил карта билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб туради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

1. Суғуртанинг келиб чиқиши.
2. Суғуртанинг функциялари.
3. Суғурта фанини ўрганишда атама ва тушунчаларнинг аҳамияти.
4. Суғурта соҳасида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчалар.
5. Суғурталовчи ва суғурталанувчи тушунчалари.
6. Суғурта шартномаси ва суғурта полиси.
7. Суғурта объекти ва суғурта субъекти.
8. Суғурта мукофоти ва суғурта суммаси.
9. Ҳалқаро амалиётда қўлланиладиган атама ва тушунчалар.
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида суғурта муносабатларини акс эттирилиши.
11. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва унинг мазмуни.
12. Суғурта фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий хужжатлар.
13. Суғурталовчининг устав капиталига ўрнатилагн талаблар.
14. Суғурта фаолиятини классификациялашнинг зарурлиги ва аҳамияти.
15. Суғурта назорати давлат органи: унинг вазифалари ва функциялари.
16. Суғурталовчининг даромадлари.
17. Суғурта компаниясининг харажатлари.
18. Нетто-ставка ва унинг аҳамияти.
19. Суғурта шартномаларини тузишда франшизанинг аҳамияти.
20. Суғурта ташкилотлари фаолиятини солиққа тортиш.
21. Хорижий транспорт хайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг зарурлиги.
22. Суғурта бозорида суғурта брокерларининг ўрни.
23. Суғурта операцияларини режалаштириш.
24. Суғурта класслари ва уларнинг моҳияти.
25. Суғурта компанияларида иш юритиш харажатлари.
26. Фуқароларни бахтсиз ходисалардан суғурталашда тариф ставкаси ва суғурта суммаси.
27. Суғурта шартномасида иштирок этган томонларнинг хуқуқлари.
28. Суғурта шартномасида иштирок этган томонларнинг мажбуриятлари.
29. Суғурта бозорида талаб ва таклифнинг шаклланиши.
30. Қўшма суғурта компаниялари ва уларнинг фаолият кўрсатиш асослари.
31. Халқаро амалиётда қўлланиладиган атама ва тушунчалар.
32. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида суғурта муносабатларининг ёритилиши.
33. Суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда суғурта шартномаларининг роли.
34. Марказлашган суғурта фондларни: уларнинг шаклланиши ва фойдаланиш йўналишлари.
35. Ўзаро суғурталаш жамиятлари-суғурта компанияларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида.
36. Суғурта компаниясини ташкил этиш асослари.
37. Умумий суғурта тармоғининг I –IV класслари ва уларнинг моҳияти.

38. Умумий суғурта тармоғининг V-X класслари ва уларнинг моҳияти.
39. Ҳаёт суғурта тармоғининг класслари ва уларга қўйилган талаблар.
40. Умумий суғурта тармоғида суғурта тарифларини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари.
41. Суғурта рисклари ва уларни бошқариш.
42. Ҳаёт суғурта тармоғида тарифларни ҳисоблаш методикаси.
43. Ўзбекистон суғурта бозорида қайта суғурталаш тизимини йўлга қўйиш муаммолари.
44. Суғурта компаниялари фаолиятини солиқ орқали тартибга солиш.
45. Суғурта компанияларининг даромадлари ва харажатларининг таркибий тузилиши.
46. Суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва унга таъсир этувчи омиллар.
47. Ҳаёт суғуртасидан ташқари, бошқа суғурта турлари бўйича суғурта заҳираларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўллари.
48. Чет мамлакатларда суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти.
49. Ўзбекистонда ихтиёрий тиббий суғуртани амалга оширилиши.
50. Автомобиль суғуртаси.
51. Жисмоний шахслар мол-мулкини суғурталаш масалалари.
52. Суғурта фаолиятини солиққа тортишнинг зарурлиги ва аҳамияти.
53. Суғурта ташкилотлари даромадини солиққа тортиш бўйича имтиёзлар.
54. Суғурта ташкилотларининг қайта суғурталаш бўйича амалга оширган операцияларини солиққа тортиш.
55. Суғурта заҳираси ва уларни солиққа тортиш муаммолари.
56. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти ва уни солиққа тортиш.
57. Суғурта агентлари фаолиятини солиққа тортиш.
58. Суғурта фаолияти бўйича ҚҚСни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш механизми.
59. Суғурта ташкилотлари мол-мулкини солиққа тортишдаги муаммолар.
60. Чет мамлакатларда суғурта фаолиятини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
61. Суғурта ташкилотининг солиқ тўловчи сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
62. Суғурта ташкилотлари томонидан ер солиғини ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши.
63. Суғурта ташкилотларининг даромад солиғи базасидан чиқариб ташланадиган харажатлари.
64. Суғурта ташкилотлари томонидан солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий санкцияларни қўлланилиши.
65. Суғурта ташкилотларининг пул айланмаси ва уни солиқларга таъсири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент - 2013

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва асарлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003.-496 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». Т.: 2002 й., 5 апрел. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 28 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада еркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3022-сон Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 1 феврал.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 286-сонли Қарори. 1998 йил 8 июл. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари, 4-илова, - Т.: 2000.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекинвест» експорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил етиш тўғрисида»ги 113-сонли Қарори. 1997 йил 28 феврал.Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, 1997, 2-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли Қарори.“Банк ахборотномаси” 2007 йил 6 июн.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни. – Халқ сўзи, 2008 йил 21 апрел.
10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2008 йил 22 май.
11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. “2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг енг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”, 2009 йил 13 феврал.
12.Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчиларнинг фуқоролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни. – Халқ сўзи, 2009 йил 17 апрел.
13.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом еттириш-давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлактимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 14 феврал.
14.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010.- 67 б.
15. Каримов И. А.Президентининг 2011-2015 йилларда республикмолия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги қарори. //Халқ сўзи, 2010 йил 26 ноябр ПҚ-1438-сонли
16. Каримов И. А. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15-18-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни. //Халқ сўзи , 2010 йил 16 ноябр, 33-сонли.
17. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида.// Халқ сўзи, 2011 йил 16 апрел №ЎРҚ-283.

Karimov I. A. “Sug’urta faoliyati to’g’risida”gi qonunniga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish to’g’risidagi qonuni. //Xalq so’zi , 2012 yil 12 апрел.
14. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning 2012 yil 19 январdagi 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузаси. Тошкент-“Ўзбекистон”-2012.

II. Дарсликлар

15.Гушченко Н.Б. Основи страховой деятелности: Учебное пособие.-М.: Финанси и статистика, 2007.
16. Рябикин В.И. Страхование и актуарние расчети. Учебник. - М.: Економистъ, 2007 г.
17.Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика.-М.; Волстер Клувер, 2007.
18.Под редакцией проф.Т.А.Федоровой, Страхование. Учебник.-М.:Магистр.2008 г.
19. Гвозденко А.А. Страхование. Учебник для вузов. - М.: Проспект, 2008 г.
20.Чернова Г.В., Базанов А.Н. Страхование. Учебник для студентов. - М.: Проспект, 2008 г.
21.Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование. Учебник для вузов. - М.: Дашков и К., 2009.
22. Галаганов В.П. Страховое дело. – М.: Академия, 2009 г.
23. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование, 2-е издание. Учебник для вузов. - М.: Висшее образование, 2009.
24.Под.ред. В.В.Шахова, Ю.Т.Ахвледиани. Страхование 3-е издание. Учебник для студентов вузов. - М.: Юнити, 2009 г.
25. Гомеля В.Б. Страхование. Учебник. Маркет ДС-2010.

26.Годин А.М. Страхование. Учебник. Маркет ДС-2010.
27.Нор-Аревян О. Социалное страхование. Учебник. Дашков и К,2011.
28. Ермасов С.В. Страхование. Учебник. Юрайт,2011.
29. Л.А.Орланюк-Малицкой. . Страхование. Учебник. Юрайт,2011.

III. Ўқув қўлланмалари

30.Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. Т. инфоСОМ.УЗ МЧЖ.-2010 й.
31.Архипов А.П. Андеррайтинг в страхование. Теоретический курс и практикум. Учебное пособие.-М.: Юнити, 2009г
32.Зайцева М.А., Болибока В.Д. Страхование ва внешнеекономической деятелности. Учебное пособие для вузов.-БГЕУ, 2009г.
33. Просветов Г.И. Страхование: задачи и решения. -М.: Алфа-пресс, 2009г.
34.Андреев Ю.И. Имушчественное страхование. Учебное пособие - М.: Ос-89, 2009г.
35. Хейдема Джеймс М.Увлеченний агент: практическое пособие для страхових агентов. -М.: Волтерс-Клувер, 2009г.
36.Ю.Т.Ахвледиани. Страхование внешнеекономической деятелности. Учебное пособие для вузов.- М.: Юнити, 2010г.
37. Адамчук Н.Г. Международная практика страхования жизни. Учебное пособие.- М.: АНКИЛ, 2009 г.
38. Аникин П.В., Русецкая Е.А. Учебное пособие для вузов.- М.: Финанси и статистика, 2008г.
39. Малкова О.В. Страхование в системе международних економических отношений. Учебное пособие для економических специалностей. - М.: Феникс, 2009г.
40. Кузнецова И.А. Страхование жизни и имушчества граждан. Практическое пособие. - М.: Дашков и К., 2009.
41. Дюжиков Е.Ф., Сплетухов Ю.А. Страхование. Учебное пособие. - М.: Инфра-М., 2009г.
42.Ивасенко А.Г. Страхование. Учебное пособие. - М.: КноРус, 2009г.
43.Самаров Е.К. Страховая математика: практический курс. Учебное пособие. - М.: Алфа, 2009 г.
44. Веселовский М.Я. Страховой сервис. Учебное пособие для студентов вузов - М.: Алфа, 2009 г.
45. Шихов А.К. Страховое право (пер.). 6-е издание. Учебное пособие для студентов вузов - М.: Юриспруденция, 2009 г.
46. Пименва Е.Н. Страховое право. Учебное пособие. - М.: Форум, 2009 г.
47. Игошин Н.А. Страховое право. Учебное пособие. - М.: Юнити. 2010 г.
48.Под редакцией Л.А.Орланюк-Малийкой, С.Ю.Яновой. Страхование. - М.: Юрайт, 2010г.
49. Ермасов С.В. Страхование. Учебник. 3–е издание, перераб. и доп - М.: Юрайт, 2010г.
50. Худяков А.И. Теория страхования, М.: Статус, 2010 г.
51. Никулина Н.Н.. Страховой менеджмент. Учебное пособие. ЮНИТИ, 2011

V. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

52. Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2004.

53. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2005 й.

54.Абдурахмонов И.Х. Ўзбекистонда жавобгарлик суғуртасининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари. Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2005.

55.Тошбеков М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурталашни такомиллаштириш масалалари. Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2005.

56.Саидов Т.М. Международная практика медицинского страхования и вопроси ее применения в Узбекистане. Диссертация на соискание степени магистра економики.-Т.: 2005 г.

57.Халматов М.М. Ўзбекистонда қайта суғурталаш ва уни ривожлантириш йўллари. Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2005.

58.Нуриллаев А.С. Ўзбекистонда фрмер ва дехқон хўжалклари фаолиятини суғурталаш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2007.

59.Қобилова Умида. Суғурта ва ижтимоий суғурта ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш. Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2010 г.

60.Халилов Санжар. Жахон молиявий иқтисодий инқирози шароитида суғурта хизматларини такомиллаштириш. Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2010 г.

61.Абдуллаева Шаҳзода. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда мажбурий суғуртанинг роли. . Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2011.

62.Расулова Ирода. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик суғуртасини самарали ташкил етиш йўллари. . Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2011.

63.Дадажонов Жаҳонгир. Замонавий шароитда суғурта менежментини такомиллаштириш масалалари. . Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2011.

64.Ғайратов Жаҳонгир. Суғурта ташкилотлари фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш масалари. . Иқтисод магистри даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.: 2011.

VI. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари

65.Шеннаев Х.М. «Ўзбекистонда аҳолининг банкдаги жамғармаларини суғурталаш хусусида». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2007 йил 30 май.-Тошкент, ТМИ («Банк иши» кафедраси), 30 апрел.
66.Шеннаев Х.М. “Миллий иқтисодиёт ўсишини рағбатлантиришда суғуртанинг роли”. “Ўзбекистон Республикасида барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантириш механизмлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. ТДИУ. 2008 йил 6 апрел.-Т.: ТДИУ, апрел 2008 й.
67.Тезиси и доклади международной научно-практической конференции на тему: «Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобалного финансово-экономического кризиса», Москва.2010г.
68.Баркамол авлоднинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни. Республика илмй амалий анжуманининг тезислар тўплами. Тошкент-2010.
69.Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароиида бюджет-солиқ сиёсатити такомиллаштириш муаммолари. Республика илмй амалий конференция материаллари. Тошкент-2010.
70.Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари. Республика илмий-амалий конференциясининг тезислар тўплами. Тошкент-2011.
71.Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. Тошкент-2011.
72.Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашда солиқ сиёсатининг ўрни ва аҳамияти. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент-2011.
73. “Ёш олимлар ва талабалар тадқиқотларида солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг илмий асослари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. Солиқ академияси, 2012 йил 27 апрель
74. “Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси, Тошкент молия институти, 2012 йил 28 февраль.

VII. Интернет сайтлари

- www.expert.ru.
- www.ankil.ru.
- www.znay.ru.
- www.strahovka.ru.
- www.agros.uz.
- www.kafolatdask.uz.
- www.alskom.uz.
- www.UzReport.com.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент - 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу: Суғуртанинг моҳияти, функциялари ва бозор муносабатларидаги ўрни

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент - 2013

РЕЖА:

1. Суғурта ҳақида тушунча ва унга хос бўлган асосий белгилар.
2. Суғурта иқтисодий категория сифатида.
3. Суғурта фондлари, уларнинг шаклланиши ва фойдаланиш йўналишлари.
4. Суғуртанинг функциялари.

1. Табиий ва бошқа стихияли кучлар таъсири натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш, олдини олиш ҳамда огоҳлантириш учун мақсадли йўналишдаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисига суғурта дейилади.

Суғуртанинг характерли белгилари қуйидагилардан иборат:

-Суғурта рискини мавжудлиги. Риск-суғурта муносабатлари пайдо бўлишининг асосий шартидир. Риск бўлмас экан, суғуртанинг бўлиши мумкин эмас. Рискнинг ҳажми, миқдори эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари ёрдамида аниқланади. Суғурта рискларини таҳлил килиш уларни 2 та йирик гуруҳга бўлишни тақозо этади. Яъни, риск суғуртавий ва суғуртасиз бўлади. Суғурта шартномаларида ўз аксини топган рисклар суғуртавий рисклар дейилади. Риск баҳосини пулда ифодаланиши суғурта ставкасини ташкил этади. Риск доимий кўрсаткич эмас, балки у доимо ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар иқтисоддаги ва бошқа соҳадаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғликдир. Суғурта ташкилоти рискни ривожланишини, ҳолатини доимо кузатиши лозим, яъни тегишли статистик ҳисоб олиб бориши, йиғилган маълумотларни қайта ишлаши ва таҳлил қилиши керак.

Рискни баҳолаш учун уни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) Суғурталаниши мумкин бўлган рисклар.

2) Суғурталаниши мумкин бўлмаган рисклар.

Рискнинг энг катта гуруҳини суғурталаниши мумкин бўлган рисклар ташкил этади. Қуйида келтирилган мезонлар асосида суғурта рискини суғуртасиз рисклардан фарқ қилиш мумкин.

а) Риск тасодифий характерга эга бўлмоғи керак ;

б) Суғурта ҳодисаларини рўй бериш фактининг вақти ва маконининг номаълум бўлиши;

в) Хавф солиш манбасига кўра рисклар табиатнинг стихик кучлари билан боғлиқ рисклари ва моддий бойликни ўзлаштириш оқибатида инсониятни табиатга таъсири билан боғлиқ рисклар. Рискларни туркумлашда катта ҳалокатли рисклар алоҳида ўрин тутади. Чунки бундай рисклар рўй бериши натижасида кўплаб объектлар йирик миқдорда зарар кўриши мумкин. Катта ҳалокатли рискларга зилзила, цунами, кучли шамол мисол бўлиши мумкин. Юқорида айтилган рисклардан ташқари экологик, сиёсий ва махсус рисклар бўлиши мумкин.

Риск менежмент (рискни бошқариш) - рискни чегаралаш ёки камайтириш билан боғлиқ тадбирлар йиғиндиси. Амалиётда рискни бошқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



Рискни аниқлаш, масалан ссуда олувчиларнинг ссудани ўз вақтида қайтариб бера олмаслик риски суғурталанади, риск даражаси аниқланади. Кредит олувчи шахснинг молиявий ҳолати қандай активларга эга эканлиги, лойиҳада ҳисоб-китоб қанчалик асосланганлиги ва хакозо.

Рискни баҳолаш - рискни ҳолатлари аниқланади, рискни содир бўлиш эҳтимолийлиги, актуар ҳисоб-китоблар, статистик кузатувлар, эҳтимоллар назарияси асосида баҳоланади ва суғурталанаётган объектга нисбатан риск даражаси аниқланиб суғурта тарифи ҳисобланади. Суғурта тарифининг ставкаси - бу риск баҳосидир.

Рискни назорат этиш - бу суғурта компаниясининг вакили томонидан суғурталанган объект ҳолатини, унинг сақланиш устидан кузатув ишларини олиб бориши. Шунингдек, унинг сақлаш хавфлилиги талабларига жавоб бериши текширилади. Қатор объектларни яхши саклаш учун зарур тавсия ва маслахатлар берилади.

Рискни молиялаштириш - бу рискни аниқлаш, баҳолаш ва назорат этиш билан боғлиқ ҳамма харажатларни қоплаш.

-Суғурта муносабатларининг тақсимлаш характерига эга эканлиги. Молия тушунчаси каби, суғурта ҳам ялпи ички маҳсулотни ва миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этади.

-Суғуртада зарарларни ҳудудлар бўйича ва муайян бир вақтда тақсимланиши. Бу суғуртанинг асосий белгиси бўлиб, ҳудудлар бўйича суғурта фондини суғурталанган хўжаликлар ўртасида тақсимлаш учун катта ҳудуд ва кўплаб суғурталаниши мумкин бўлган объектлар зарур бўлиши талаб этилади. Зарарларни маълум бир вақтда тақсимланиши суғурта ҳодисаларини тасодифий рўй бериш характерига эга эканлигидан келиб чиқади. Қатор йиллар мобайнида фавқулодда ҳодисалар эҳтимол рўй бермаслиги мумкин. Бу ҳолат суғурта ҳодисалари содир бўлмаган вақтда тегишли миқдорда суғурта заҳираларини ташкил этишни талаб қилади.

-Суғурта фондларига жалб этилган суғурта мукофотларини қайтариб бериш. Суғурта мукофотлари суғурта тарифи асосида аниқланади. Суғурта тарифи икки қисмдан иборат бўлиб, нетто-ставка (суғурта ҳодисалари рўй берганда зарарларни қоплашга ишлатилади) ва нетто-ставкага устамалардир (суғурта компанияси ишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қопланади). Нетто-ставка, асосан, суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталанувчига қайтариб берилади.

ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ, мажбурий суғурта турларига доир суғурта шартлари қонун ҳужжатларида

белгилаб қўйилади. Ихтиёрий суғурталашга доир суғурта тарифларининг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

-Суғурта фонди маблағларининг, фақат, шу фондни ташкил этишда қатнашган субъектлар ўртасида тақсимланиши.

Суғурта муносабатларида қуйидаги томонлар қатнашадилар:

Суғурталовчи – суғурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ва тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар. Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим бўғини. ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунига кўра, суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс суғурталовчи деб ҳисобланади.

Суғурталовчилар турли мулк шаклига эга бўлиши мумкин (давлат суғурта ташкилотлари, акционерлик суғурта ташкилотлари ҳамда ўзаро суғурталаш жамиятлари). Суғурта фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар давлат органларининг тегишли лицензиясига эга бўлиши зарур.

Суғурталанувчи – суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабати ўрнатган ва тегишли суғурта мукофотларини тўловчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурта воситачилари – суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи юридик шахс. Мақоми бўйича воситачи суғурталанувчининг манфаатларини ҳимоя қилади. Кўрсатган хизматлари учун воситачи суғурталанувчидан эмас, балки суғурта компаниясидан тегишли воситачилик ҳақини олади.

2. Бозор муносабатлари такомиллашуви иқтисодий инфратузилманинг қарор топиши билан биргаликда кечадиган жараёндир. Суғурта фаолияти иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида бир томондан, ижтимоий кафолатни таъминласа, иккинчи томондан, шартномавий мажбурият ва тарифлар механизми орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизида иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимоясини ҳам ўз зиммасига олади.

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ҳамда ривожланди. Шундай англанилган зарурат - аниқ суғурта манфаатлари негизида суғурта муносабатлари юзага келди.

Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъи назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Таъкидлаш лозимки, суғурта муносабатлари - мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривож топиши жараёнида турли рискларнинг юз бериши эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзида намоён бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар субъектларнинг суғурта фаолиятига, хусусан, рисклар трансферига бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди.

Суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди. «Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади»[1]. «Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар... суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас»[2].

Шу ўринда, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да узлуксизликни таъминлаш имкониятини яратиш мақсадига йўналтирилган, мулкчилик шаклларига кўра, махсус қайта тақсимлаш муносабатлари тизими мавжудлиги иқтисодиёт субъектлари равнақига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда уларнинг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда даромад олишлари каби манфаатлари юзага чиқади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта фаолиятида талаб даражасидаги риск трансфери шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уни илмий асосда ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодиёт субъектларининг эркинликлари кенгайиб бораётган, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг янги турлари ўзлаштирилиши суғурта фаолиятида риск трансферининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда.

Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлиқроқ очиб бериш учун илмий адабиётларда бу масалага бўлган ёндашувларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уларда «суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси»[3] эканлиги қайд этилган, шунга асосланиб, кейинги йилларда халқаро иқтисодий атамашуносликда «хизматлар иқтисодиёти назарияси» қарор топаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Суғурта фаолиятида ўз моҳияти нуқтаи назаридан, айнан «хизмат» тушунчаси фундаментал ҳисобланади. Суғуртачи томонидан таклиф этилаётган «хизмат» ўзида дастлаб моддийликни акс эттирмайди, яъни у ўз мижозига фақат «ваъдани сотади». Шу нуқтаи назардан халқаро савдода унга «кўринмайдиган фаолият»[1] деб ҳам тасниф берилади. Суғурталанувчига шартнома тузилганлигини тасдиқловчи далил-ҳужжат сифатида «полис»[2] берилади холос. Суғурта шартномасида суғурталанувчига суғурта воқеасига кўра, кўриши эҳтимол бўлган зарарининг эквивалент қийматидаги пул тўлови (айрим ҳолларда мол-мулк кўринишида) таъминланиши назарда тутилади. Шартноманинг бажарилиши унда қайд этилган маълум давр оралиғида амалга оширилади.

Мамлакатимизда босқичма - босқич бозор муносабатлари шаклланиши

---

[1]Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

[3]Қаранг: Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 16 февраль.

[3] Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p. 1 b. 3.

[1]Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p.1 b. 4.

[2]Қаранг: Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих -ПЭЛ, 1996. I-X, с. 347.

[3] Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

ва ривожланиши, иқтисодиёт субъектларининг юксак даражадаги иқтисодий мустақиллиги, эркинлиги даражаси ортиб бораётган жараёнда доимо рисклар мавжуд бўлиши кузатилади. Улар манфаатларига зарар келтириши мумкин бўлган ва доимий такрорланиб турадиган рискларни қайта тақсимлаш, яъни ўзига хос бўлган махсус хизмат билан суғурта шуғулланади.

«Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда, ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади»[3].

3. Табиий ва бошқа стихияли ҳодисалар содир бўлиши натижасида келтирилган зарарларни қоплаш учун суғурта фондлари ташкил этилади. Суғурта фондлари ташкил этиш манбасига ва фойдаланиш йўналишига қараб, уч кўринишда бўлади:

-ўз-ўзини суғурталаш фондлари. Бу фонд ҳар бир хўжалик субъектида ташкил этилади ва ишлаб чиқаришда вақтинча юзага келган қийинчиликларни олдини олишга хизмат қилади;

-давлатнинг марказлашган суғурта фондлари. Марказлашган суғурта фондлари умумдавлат ресурслари ҳисобидан ташкил этилади. Бу фонддан асосан фавқулодда ҳодисалар рўй берганда пайдо бўлган зарарларни қоплашга ишлатилади;

-суғурта йўли билан ташкил этиладиган суғурта фондлари. Бу фонд суғурталанувчилар томонидан тўланган мукофотлар ҳисобидан ташкил этилади. Суғурта фонди фақат пулли шаклда ва у қатъий мақсадли йўналишда фойдаланилади, яъни суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлашга ишлатилади.

4. Суғуртанинг иқтисодий табиати унинг функцияларида ўз аксини топади. Молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан бир қаторда суғурта ҳам бир қатор функцияларни бажаради. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда суғуртанинг функциялари бир неча кўринишда талқин этилади. Масалан, и.ф.д., проф. В.М.Родионова раҳбарлигида чоп этилган “Финансы” ўқув қўлланмасида суғурта иккита функцияни бажариши кўрсатиб ўтилган. Бу функциялар қуйидагилардан иборат: қайта тақсимлаш ва назорат функцияси. И.ф.д., проф. Ҳ.Р.Собиров суғурта қуйидаги функцияларни бажаришини қайд этади: “хавф-хатар; огоҳлантириш; инвестиция; омонат; ахборот”.

Кўриниб турибдики, проф. Ҳ.Р.Собиров суғуртанинг 5 та функцияга эга эканлигини қайд этади. Фикримизча, бу функцияларнинг баъзилари тегишли баҳс-мунозарани талаб этади. Хусусан, суғуртанинг инвестиция функцияси. Инвестиция – суғурта ташкилотлари учун функция эмас, балки асосий суғурта фаолиятига қўшимча равишда амалга ошириладиган фаолиятдир. Инвестициясиз ҳам суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатишлари мумкин. Аммо, суғурта ташкилотлари вақтинча бўш турган маблағларини инвестиция қилиш орқали қўшимча даромад олади. Функция

доимийлик характерига эга ва у ўзгармасдир. Собиқ совет ҳокимияти даврида давлат суғурта органларининг маблағлари инвестиция қилинмас эди. Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан суғурта ташкилотларида инвестиция фаолияти билан шуғулланишга имконият туғилди. Шунинг учун биз инвестицияни суғуртанинг функцияси бўла олмайди, деб тасдиқлашимиз мумкин.

Айни шундай фикрларни ахборот функцияси ҳақида ҳам гапириш мумкин. Суғурталанувчиларга суғурта ташкилотлари ҳақида маълумот бериш бу суғуртанинг ахборот функцияси мавжудлигини англатмайди. Суғурта ташкилотларининг тижорат сирига кирувчи маълумотлари умуман ахборот сифатида берилмайди. Суғуртага ахборот функцияси хослиги унчалик ҳам ўз исботини топмаган.

Бизнинг фикримизча, суғурта қуйидаги функцияларни бажаради:

- Суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ функция.
- Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ функция.
- Назорат функцияси.

Юқорида қайд этилган функциялар суғурта фаолиятида доимий ҳисобланади ва ҳар қандай шароитда ўзгармасдир. Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун, албатта, суғурта ташкилотида етарли миқдорда пул маблағлари фонди бўлиши лозим. Агар, суғурталовчи пул фондини, яъни суғурта фондини ташкил этмаса, унинг молиявий аҳволи мураккаблашиши мумкин. Ташкил этилган суғурта фондининг маблағлари қатъий мақсадли характерга эга бўлиб, у фақат суғурта ҳодисалари рўй берганда қоплама бериш учун ишлатилади. Суғурта фондининг маблағларини бошқа мақсадларда ишлатиш мумкин эмас. Суғурта фонди маблағлари давлат томонидан олиб қўйилиши ва солиққа тортилиши мумкин эмас.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу : Суғурта соҳасида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчалар

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент - 2013

РЕЖА:

1. Суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ атамалар.
2. Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар.
3. Халқаро суғурта амалиётида ишлатиладиган атама ва тушунчалар.

1. Суғуртада фондини шаклланиши билан боғлиқ атама ва тушунчаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Суғурта муносабатларида қуйидаги томонлар қатнашадилар:

Суғурталовчи – суғурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ва тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар. Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим бўғини. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунига кўра, суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс суғурталовчи деб ҳисобланади.

Суғурталовчилар турли мулк шаклига эга бўлиши мумкин (давлат суғурта ташкилотлари, акционерлик суғурта ташкилотлари ҳамда ўзаро суғурталаш жамиятлари). Суғурта фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар махсус давлат органининг тегишли лицензиясига эга бўлиши зарур.

Суғурталанувчи – суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабати ўрнатган ва тегишли суғурта мукофотларини тўловчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурта воситачилари – суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи юридик шахс. Мақоми бўйича воситачи суғурталанувчининг манфаатларини ҳимоя қилади. Кўрсатган хизматлари учун воситачи тегишли воситачилик ҳақини олади.

Риск- битта кутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Риск тушунчаси кўринишларининг хилма-хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, рискни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатишни имконияти бўлмаганлиги суғурта ишини ташкил этиш учун асос яратди. Шундай қилиб, риск суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт-шароит яратади. Риск-рискли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир.

Суғурта фанида риск тушунчасига турлича тарифлар берилган. Жумладан, риск-бу конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Риск суғурта объекти билан тўғридан тўғри боғланган. Объектга риск салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд нобуд қилиши мумкин. Шу туфайли риск - бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта рискларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади.

Риск баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; суғурта объекти; суғурта жавобгарлигининг тури.

Тиббий суғурта- аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали

бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки ихтиёрий бўлади.

Мулкий суғурта - турли кўринишдаги мол-мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланган, суғуртанинг мустақил тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол-мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол-мулкнинг соҳиблари, балки мол-мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Нетто-ставка - брутто-ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто-ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари ресурслари бўлиб, у брутто-ставканинг 90 фоизигача миқдорини ташкил этиши мумкин.

Мажбурий суғурта - суғурта муносабатлариннинг қонун кучига эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда суғуртага тортиладиган объектлар сони, суғурта жавобгарлигининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий суғуртани тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта компанияси ўтказиши мумкин. Шунингдек, мажбурий давлат суғурта турлари ҳам мавжуд. Масалан, ҳарбий хизматчилар, давлат божхона ва солиқ хизмати ходимлари ҳамда бир қаторда шундай тоифадаги шахслар бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртасига тортилади. Бу суғурта тури бўйича суғурта мукофотлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Рискларни жойлаштириш:

1) суғурта манфаати туфайли юзага келадиган суғуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Рискларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш мос равишда тўғридан тўғри суғурталаш, қайта суғурталаш ва ретроцессияни англатади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рискларни жойлаштириш суғурта воситачилари орқали суғурта бозорида амалга оширилади;

2) суғурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли рискларни қисмларга бўлиб бир нечта суғурта компаниясида суғурталаш услуби. Бир қанча суғурта компаниялари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқади ва у суғурта шартномасидаги шартларни маъқуллаб, рискнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади. Кейин, брокер бошқа суғурта компанияларига мурожаат қилиб, рискнинг қолган қисмини ҳам жойлаштиради.

Суғурта - ҳар хил нохуш ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқароларнинг ҳаётида тегишли суғурта ҳодисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий

муносабатлар йиғиндиси. ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкий, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта - бу рискни тақсимлаш усулидир.

2. Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ атамаларга қуйидагилар киради:

Бош полис- суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим «очиқ полис» ёки «полис-абонамент» дейилади. Мазкур бош полис асосида суғурталаш ташқи савдо юклари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатилган юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари) баён этилган аризани тақдим этса етарли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади.

Квотали қайта суғурталаш - суғурта компанияси қайта суғурталовчи компания билан келишган ҳолда унга рискларни бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали расмийлаштирилади. Қайта суғурталовчи компанияга суғурта мукофотини тегишли қисми берилади ва қайта суғурталовчи компания мутаносиб равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади.

Воситачилик ҳақи - мижозларни суғуртага тортганлиги учун суғурта компанияси томонидан воситачиларга (суғурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Воситачилик ҳақининг миқдори суғуртанинг турига ва келиб тушган мукофотнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда суғурта мукофотига нисбатан фоизларда тўланади.

Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.

Суғурта далолатномаси - суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган ҳужжат. Далолатномада мол-мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда суғурта ҳодисаси ва мол-мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнғинга қарши кураш, давлат автомобиль назорати, қишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма хулосаси илова этилади. Халқаро суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер ёки авария комиссари тузади ва моҳиятан авария сертификатига яқинлашади.

Суғурта мукофоти- суғурта хизматини кўрсатганлик учун тўланадиган ҳақ. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта суммасига нисбатан фоизларда аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори аниқ

суммаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, автомобиль эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида суғурта мукофоти аниқ пул бирлигида кўрсатилади.

Суғурта пули - суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта компанияларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. ҳар қайси компания ўз суғурталанган рискни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади.

Суғурта объекти - шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти билан боғлиқ манфаати; мулкий суғуртада бинолар, қурилмалар, транспорт воситалари уй-жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлашга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаати; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик масъулияти - масъулиятни суғурталашда суғурта объектлари бўлиб ҳисобланади. Рискни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассислари томонидан экспертиза қилиниши мумкин.

Суғурта шартномаси - икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида тузиладиган ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.

3. Халқаро даражада қўлланиладиган суғуртага оид атамаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Абандон - тўлиқ миқдордаги суғурта суммасини олиш учун суғурталанувчининг суғурталанган мол-мулкдан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши (суғурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк қароқчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа-ҳодиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон суғурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Фақат, Англия қонунчилигида абандон учун суғурталовчининг розилиги талаб этилади.

Авария комиссари - суғурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Суғурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг характери ва миқдорини аниқлайди, ҳодиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Суғурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва телекс рақамлари суғурта компанияси

томонидан бериладиган суғурта полисида кўрсатилади. Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси рўй бериши заҳоти авария комиссарига мурожаат қилиши зарур. Авария комиссари мол-мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва суғурта компаниясининг топшириғига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида суғурта компанияси учун авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди.

Авария сертификати - мол-мулк суғурта ҳодисаси туфайли зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва характерини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли воситачилик ҳақи ҳисобига суғурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати суғурталанувчининг суғурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда суғурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади.

Аджастер - суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан суғурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки юридик шахс. У суғурталанувчи билан унга тўланадиган суғурта қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер суғурта ҳодисасини рўй бериш сабабларини ўрганади ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари бўйича суғурта компаниясига эксперт хулосасини тузади ҳамда авария комиссари функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтисослашган ташкилот амалга ошириши мумкин.

Актуарий - лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб-китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта заҳираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар институти фаолият кўрсатмоқда. Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд.

Актуар ҳисоб-китоблар - суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб-китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб-китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига асосланади, тариф ставкасини миқдори суғурта ҳодисалари рўй беришининг эҳтимолийлигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узоқ муддатли ҳаётни суғуртаси бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондини шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимолийлигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси ҳақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги

жадвални тузиш мумкин. Бу жадвал асосида нафақани ва ҳаётни суғурталаш бўйича тариф ставкаларни ҳисоблаш мумкин.

Андеррайтер – 1) турли рискларни суғурталаш ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясини суғурта портфели шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясини аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан шуғулланадиган ёки манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс.

Андеррайтер сиёсати- суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида хулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат.

Аннуитет – рента ва нафақаларни суғурталашнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. Аннуитетнинг бир тури ҳисобланадиган фуқароларнинг йиллик даромадини суғуртаси бугунги кунда Буюк британияда, Францияда ва АҚШда кенг ривожланган.

Диспашер – денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда кўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб-китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун ҳақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди.

Европолис – Европа Иттифоқи мамлакатларида суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси.

Ковернота – суғурта воситачиси томонидан суғурталанувчига бериладиган ва суғурталанувчининг суғурта шартномаси тузишини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу ҳужжатда кўрсатилган муддат мобайнида суғурта брокери суғурталанувчига суғурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота суғурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу : Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент - 2013

РЕЖА:

1. Суғурта муносабатларини тартибга солишда ҳуқуқнинг аҳамияти, суғурта ҳуқуқи ва унинг мазмуни.
2. Суғурта қонунчилиги, суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунлар.
3. Суғурта фаолиятини қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солиш.
4. Суғурта фаолияти классификаторининг тасдиқланиши.
5. Суғурта фаолияти классификаторининг таркиби.

1. Жамиятда фуқаролар ва уларнинг жамоаси ўз фаолиятлари жараёнида бир-бирлари билан тегишли ижтимоий муносабатда бўладилар. Ушбу муносабатларни бир қолипга солиш учун уларни тартибга келтириш зарур, яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳатти-ҳаракат қилиш доирасини белгилаш зарур. Баён этилганлар тўлалигача суғуртага ҳам тааллуқлидир. Суғурта ижтимоий-иқтисодий қонуният сифатида ҳуқуқий томондан мустаҳкамланишни талаб этади. Суғурта фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади.

Суғурта соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киради. Бундай муносабатлар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, шартнома мажбуриятларини, шунингдек мулкий ҳамда шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Суғурта соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида шаклланадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар;
- фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.

Фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тегишли шартнома қоидаларига асосланади. Бунда бир томондан суғурта ташкилотининг фуқаро олдида, иккинчи томондан фуқаронинг суғурта ташкилоти олдидаги бурч ва мажбуриятлари пайдо бўлади. Яъни, тузилган шартномага кўра, фуқаро ўз вақтида суғурта мукофотини тўлаши шарт. Суғурта ҳодисаси рўй берганда эса, суғурта ташкилоти суғурта шартномасида қайд этилган шарт ва муддатларда суғурта қопламаси (суммасини) фуқарога тўлаб бериши лозим. Кўриниб турибдики, шартнома –фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжат сифатида тарафларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий тартибга соляпти.

Суғурта ташкилотларининг бир-бирлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари суғурта пулини ва қайта суғурта қилиш билан боғлиқ тузилган шартномалар доирасида шаклланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, суғурта ташкилоти молиявий барқарорликни таъминлаш,

бинобарин, суғурталанувчилар олдида ўз мажбуриятини бажаришини таъминлаш мақсадида суғурта пулида иштирок этиши ёхуд бошқа суғурта ташкилотлари ёки ихтисослашган қайта суғурта ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга кириши мумкин. ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 959-моддасида «суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин» деб алоҳида қайд этилган.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар махсус ваколатли давлат органининг суғурталанувчилар бўлган – фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш билан боғлиқдир. Амалиётда шундай ҳолатлар бўладики, суғурта ташкилоти суғурталанувчига суғурта ҳодисаси туфайли кўрилган зарарни қоплашдан асоссиз воз кечиши мумкин. Бундай пайтда ўз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя этиш мақсадида суғурталанувчи махсус ваколатли давлат органига мурожаат этиши мумкин.

Суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Махсус ваколатли органнинг суғурта ташкилотларига нисбатан пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Суғурта фаолияти» тўғрисидаги Қонунда ўз аксини топган. Махсус ваколатли давлат органи қонунда белгиланган тартибда суғурта ташкилотларининг фаолиятини назорат этиб боради. Зарурият бўлганда эса, суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя этиш мақсадида ундан суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш давлат томонидан суғурта муносабати қатнашчиларининг ҳатти-ҳаракатини ҳуқуқий нормалар воситасида амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳар хил олдиндан кўриб бўлмайдиган суғуртавий ҳимоя қилиш учун кўпчилик шахслар томонидан ташкил этиладиган махсус фонд ҳисобидан амалга ошириладиган суғурта фаолияти жараёнида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар мавжуд. Ушбу муносабатларни тартибга соладиган нормалар йиғиндисига суғурта ҳуқуқи дейилади.

2. Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини икки турга бўлиш мумкин:

- суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар;
- суғурта фаолиятини тартибга солувчи умумий қонунлар

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган ва шу йилнинг 28 майида амалиётга жорий этилган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги Қонуни суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида 1993 йили Олий Мажлис "Суғурта тўғрисида" Қонун қабул қилган эди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур қонунга икки марта қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Табиийки, бу қонун ўша пайтда мавжуд бўлган иқтисодий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу қонун суғурта муносабатлари қатнашчилари учун бироз юмшатилган ҳолатда амал қилди. Жумладан, унда суғурта ташкилотлари тугатилган тақдирда уларнинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятини бажариш тартиби тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, бу қонунда қонунчилик талабларини бузганлик учун томонларнинг жавобгарлиги ўз аксини топмаган ҳамда давлат суғурта назорати органининг суғурта ташкилотларига нисбатан таъсир қилиш имконияти кескин чегараланган эди.

Баён этилган ҳолатлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги "Суғурта тўғрисида"ги Қонунни янгилаш ва такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Шуни эътиборга олиб, 2002 йилнинг 4-5 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги янгидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва қабул қилинди.

Маълумки, суғурта соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи 2002 йил апрель ойигача амалда бўлган қонун "Суғурта тўғрисида" деб аталади. ҳолбуки, биз фикр-мулоҳаза юритмоқчи бўлган қонуннинг номи эса "Суғурта фаолияти тўғрисида" дейилади ва шубҳасиз, бу ҳолат диққатимизни ўзига жалб этди. Кўпчилик муҳтарам талабаларимизда ҳақли савол туғилиши мумкин: суғурта ва суғурта фаолияти тушунчалари ўртасида фарқ борми? Саволга жавобан биз мутахассислар айтамизки: фарқ бор. Суғуртанинг моҳиятини оддий тил билан ифодалайдиган бўлсак, олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳар хил ҳодисалар рўй бериши оқибатида юридик ва жисмоний шахслар кўрадиган зарарларни суғурта ташкилоти томонидан қоплаш билан боғлиқ муносабат. Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, суғурта ташкилоти ўз хизматини мижозларга тегишли ҳақ - суғурта мукофоти тўлаш эвазига кўрсатади. Суғурталовчи мижозлардан келиб тушган суғурта мукофотлари

ҳисобидан мақсадли пул жамғармаларини ташкил этади ва бу жамғарма маблағлари фақат суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарларни қоплайди. Эътибор берган бўлсангиз, суғурта муносабатларида иккита томон иштирок этяпди: суғурта ташкилоти (суғурталовчи) ва юридик ҳамда жисмоний шахслар (суғурталанувчилар). Энди, суғурта фаолияти тушунчасига келсак, қонунда таъкидланишича, у суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фақатгина суғурталовчи ва суғурталанувчидан иборат эмас. Унда қайта суғурталовчилар, қайта суғурталанувчилар, суғурта брокерлари ва агентлари ҳам иштирок этади.

Янги қонуннинг эътиборга молик томонларидан бири, унда, аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг 4-моддасида суғурталовчиларнинг суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги қайд этилган. Қайд этиш жоизки, суғурта фаолияти ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари кечаётган ва тадбиркорлик ҳаракатларига кенг йўл очилаётган бир пайтда, тадбиркорлик тизимининг муҳим бўғинларидан бўлган-суғурталовчилар учун бундай чекловнинг қонун йўли билан белгиланишига сабаб нима? ўтган йиллар тажрибаси шундан далолат беради, кўпгина суғурта ташкилотлари “суғурталовчи” ниқоби остида турли тижорат операцияларини, хусусан, савдо-воситачилик ишларини амалга оширдилар. Юридик ва жисмоний шахсларни суғурта қилиш ҳисобига келиб тушган суғурта мукофотлари, қоидага кўра, суғурта қопламаларини тўлашга мўлжалланган заҳира жамғармаларини ташкил этишга сарфланмасдан, балки суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга сарфланган ҳолатлар ҳам бўлган. Суғуртанинг энг асосий принципларидан бири-суғурталовчиларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлайдиган суғурта заҳираларига эга бўлишидир. Таассуфки, баъзи суғурталовчиларимиз, бундай заҳираларни шакллантирмаганликлари оқибатида мураккаб молиявий ҳолатни бошидан кечирганлиги сир эмас. Айниқса, бу кўп минг сонли суғурталанувчилар учун ноқулай вазиятни вужудга келтириши мумкин.

«Суғурта фаолияти тўғрисида» Қонуннинг диққатга сазовор жойларидан яна бири, унинг 10-моддасида суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини аниқ кўрсатиб қўйилганлигидир. Маълумки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотлари ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинганлар. Аммо, узоқ вақт, аниқроғи, 1998 йилнинг биринчи ярмигача суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколати берилган давлат суғурта назорати органининг ташкил этилмаганлиги ва илгари Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган ташкилотларнинг фаолияти ҳеч ким томонидан назорат қилинмаганлиги оқибатида янги ташкил этилган суғурта ташкилотларини давлат рўйхатига олишда муаммолар пайдо бўлган.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун 29 та моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби суғуртавий ҳуқуқий муносабатларга бағишланган. Унда жами 47 та модда мавжуд. Кодекс суғурта ташилотлари билан суғурталанувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солса, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун суғурта ташкилотлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

3. Қонун ости ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари киради.

Мустақиллик даврида суғурта фаолияти билан боғлиқ бир қанча Президент фармонлари қабул қилинган. Улардан бири 1995 йилнинг 26 июлида ташкил этилган «Мадад» суғурта агентлиги фаолияти билан боғлиқ Президент фармонидир. Ушбу фармонга кўра, агентликнинг фаолият йўналишлари кўрсатилган ҳамда уни 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилганлиги таъкидланган. Шу ерда қайд этиш керакки, «Мадад» суғурта агентилигини ташкил этиш билан боғлиқ Президент Фармонини ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилган.

Шу билан бир қаторда 1997 йил 18 февралда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, 1997 йилнинг 25 февралида эса «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш бўйича Президент фармонлари қабул қилинган. Бу фармонларда қайд этилган компаниялар 5 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилган.

ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йил 31 январида «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу фармон суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, фармонда 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилиниши ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда мазкур ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шахобчаларини ташкил этишга, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Шуниси эътиборлики, солиқ олишдан бўшайдиган маблағларни таркибида давлат улуши бўлган суғурта ташкилотлари устав жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш чоғида мазкур маблағлар давлатга тегишли улуш миқдорига қўшиб ҳисоблайди. 2002 йилнинг 1

февралидан бошлаб тўрт йил мобайнида суғурта ташкилоти тугатилган ёки у суғурта фаолиятини тўхтатган ҳолларда даромад (фойда) солиғининг суммаси ушбу Фармонга мувофиқ берилган бутун имтиёзли давр учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

Фармонда белгилаб қўйилдики, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф-харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташланади. 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар харидорларга хизмат қиладиган банкларнинг кафолатлари ёки экспорт шартномаларининг сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда олдиндан ҳақ олмасдан ва аккредитив очмасдан эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишлари мумкин.

4. Суғурта фаолияти классификатори - суғурталовчилар ҳамда суғурта брокерлари суғурта фаолиятини лицензиялаш жараёнида уларнинг фаолият йўналишларини белгилашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган меъёрий ҳужжатдир. Суғурта фаолияти классификаторида келтирилган класслар ёрдамида суғурталовчиларнинг суғурта хизмат турлари бўйича суғурта шартномалари тузилади.

Суғурта хизматларини кўрсатиш икки хил йўл билан амалга оширилади:

- ихтиёрий;
- мажбурий.

Суғурта фаолияти классификаторида иккала турда амалга ошириладиган суғурта турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар: жавобгарлик суғуртаси, мулкий суғурта ва ҳаёт суғуртасига бўлинади.

Мамлакатимиз суғурта компаниялари томонидан амалга ошириладиган суғурта турлари бўйича классификатор ҳам 2002 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сонли Қарорининг 1-иловаси - “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомга 1-илова сифатида суғурта фаолияти классификатори тасдиқланган.

Мазкур суғурта фаолияти классификаторининг қабул қилиниши суғурта компаниялари учун суғурта фаолиятини амалга оширишда асос ҳисобланади. Суғурта компаниялари суғурта фаолияти учун лицензия олишда Молия вазирлиги томонидан қўйиладиган талабларда ҳам фаолият юритмоқчи бўлган суғурта хизматлари бўйича суғурта шартомларидан нусха тақдим этилдиши шарт ҳамда аризада суғурта класслари номлари ҳам келтирилади. Келтирилган суғурта турлари бўйича бошқа талаблар ҳам ўрнатилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сонли Қарорининг 1-иловаси - Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини

лицензиялаш тўғрисидаги Низом ҳақида бўлиб, унинг 1-иловасида суғурта фаолияти классификаторининг таркиби ҳамда тармоғи келирилган.

Суғурта фаолияти КЛАССИФИКАТОРИ
1. Ҳаётни суғурта қилиш тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
I класс	Ҳаёт ва аннуитетлар	Қуйидаги ҳолларда суғурта суммалари тўлаш бўйича суғурталовчининг мажбуриятларини назарда тутувчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами: - суғурта қилинувчининг суғурта муддати тамом бўлгунгача ёки суғурта шартномасида белгиланган ёшгача яшаши; - суғурта қилинувчининг вафот этиши; шунингдек суғурта шартномаси амал қилиши давридаги жорий тўловлар (аннуитетлар), III класс бундан мустасно
II класс	Никоҳ ва туғилиш	Никоҳга киришда ёки бола туғилганда суғурта суммаси тўланишини таъминловчи, бир йилдан ортиқ муддатга амал қилувчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами
III класс	Ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш	Умрбод рента тўланиши билан биргаликда ҳаётни суғурта қилиш турлари жами
IV класс	Соғлиқни суғурта қилиш	Кўрсатиб ўтилган суғурта даври камида беш йилдан кам бўлмаган муддатга ёки суғурта қилинувчининг пенсия ёшига етгунига қадар белгиланиши шарти билан бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса ёки касаллик ёки касалланиш туфайли қаттиқ шикастланиш натижасида меҳнатга лаёқатлиликни йўқотганда суғурта суммалари тўланишини таъминловчи ҳаётни суғурта қилиш турлари жами. Бунда шартномада кўрсатилган суғурта даври суғурталовчи томонидан бир томонлама тартибда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас

2. Умумий суғурта тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
1-класс	Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш	Қуйидаги ҳолларда: а) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиқнинг қаттиқ шикастланиши, ёхуд; б) бахтсиз ҳодиса ёки муайян турдаги бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этган тақдирда, ёхуд; в) касаллик ёки муайян турдаги касаллик натижасида меҳнат қобилиятини йўқотиш, шу жумладан ишлаб

		чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари, бироқ 2-класс ва IV класс бўйича суғурта шартномаларини истисно қилган ҳолда, суғурта қилинган шахсга суғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси ёки пул компенсацияси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
2-класс	Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш	Суғурта таъминотининг белгилаб қўйилган пул суммаси тўланишини ёки касаллик ёки соғлиқнинг издан чиқиши муносабати билан суғурта қилдирувчининг пул компенсацияси (ёки унинг ҳам, бунинг ҳам комбинацияси)ни таъминловчи суғурта турлари жами, бироқ ҳаётни суғурта қилиш тармоқларининг IV класси бўйича шартномаларни истисно қилган ҳолда
3-класс	Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш	Транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар, ҳаракатланадиган темир йўл таркиби бундан мустасно, йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
4-класс	Ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш	Ҳаракатланадиган темир йўл таркиби йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
5-класс	Авиация суғуртаси	Ҳаво кемаси, ҳаво кемасининг машина асбоб-ускуналари, жиҳозлари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
6-класс	Денгиз суғуртаси	Денгиз ва ички дарё кемалари, кемаларнинг машина асбоб-ускуналари, асбоб-ускуналари, инвентари, эҳтиёт қисмлари йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
7-класс	Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш	Транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишда юклар, багаж ва бошқа мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
8-класс	Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш	Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк (3 ва 7- классларда кўрсатилганлар бундан мустасно) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
9-класс	Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш	8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилгандан бошқа) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
10-класс	Автофуқаролик жавобгарлигини	Ер усти транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлардан фойдаланиш

	суғурта қилиш	оқибатида, ташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
11-класс	Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш	Ҳаво кемасидан фойдаланиш оқибатида, авиаташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
12-класс	Денгиз суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш	Денгиз ва ички кемалардан фойдаланиш оқибатида, денгиз ташувчисининг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
13-класс	Умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш	10, 11 ва 12-классларда кўрсатилмаган таваккалчиликлар оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
14-класс	Кредитларни суғурта қилиш	Суғурта қилдирувчининг дебитори ночорлиги (банкротлик) ёки дебиторнинг суғурта қилдирувчи олдидаги қарзларни қайтариш мажбурияти бажарилмаслиги (ночорликдан ташқари) натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
15-класс	Кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш	Суғурта қилдирувчининг ўзига берилган кафолатни бажариши мажбурияти натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
16-класс	Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш	Қуйидаги ҳолларда: а) суғурта қилдирувчининг бизнеси (хўжалик фаолияти) узилиб қолиши ёки суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилаётган бизнес (хўжалик фаолияти) кўлами камайиши натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда; б) олдиндан назарда тутилмаган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда (17-классда кўрсатилгандан ташқари); в) шартномалар тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш натижасида мазкур даражанинг а) ва б) бандларида кўрсатилгандан бошқа нобудгарчиликларга учраганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами
17-класс	Ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш	Суд муҳокамаси билан боғлиқ кўрилган харажатлар натижасида суғурта қилдирувчи зарар кўрганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари жами

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу : Суғуртада тариф сиёсати

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

РЕЖА:

1. Рақобат шароитида суғурта хизматларига нарх-навони шаклланиш хусусиятлари ва суғурта тарифи тушунчаси.
2. Суғурта тариф ставкасининг тузилиши ва таркиби. Брутто ва нетто-ставкани ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари ва умумий тамойиллари.

1. Рисклар трансферини функционал мазмун-моҳиятига кўра ўзаро узвий боғлиқ бўлган суғурта хизматларини ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш саъй-ҳаракатлари мажмуаси, деб таъкидлаш мумкин. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектларининг талабларига кўра, уларни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Бу жараёнда рисклар юз бериши оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарларни қоплашда суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти ортмоқда.

Шунга кўра, рисклар трансферида тарифларни оптимал даражада белгилаш суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Рисклар трансферида тарифларни белгилаш қатор услубиятларга, хусусан, эҳтимоллик назариясига биноан суғуртачиларда шакллантирилган маълумотлар базасига асосланган дир.

Хусусан, тарифларни белгилашда ҳар бир шартнома бўйича қуйидаги:

- суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли;
- суғурта мукофотининг ўртача катталиги;
- тўланиши эҳтимол бўлган суғурта қопламасининг ўртача суммаси каби омиллар эътиборга олинади.

Рисклар трансфери бўйича тарифларни аниқлаш услубиятларида объектларнинг ўзига хослиги тўлиқ акс этмаган. Шуни таъкидлаш керакки, тарифларни белгилашда унга таъсир этувчи қатор омиллар қатъий эътиборга олинган услубиятнинг самараси кутилган даражада бўлиши мумкин. Хусусан, бундай услубият:

- суғурта объектларини таснифлаш (гуруҳлаш);
- ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос томонларини аниқлаштириш;
- ўзига хос хусусиятларни сон жиҳатдан баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш;
- ҳар бир гуруҳ объектларининг умумий томонларини акс эттирган маълумотлар базасини шакллантириш;
- тарифларини ҳисоблашнинг дастурий таъминотини йўлга қўйиш каби бир қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади.

Суғурта фаолиятида зарарлилик кўрсаткичилари ўзгариши суғуртачининг суғурталанувчилардан ундирган мукофотлари суммаси жамлаши ва уларни инвестициялар бозорида жойлаштириши жараёнидаги воситачи сифатидаги роли билан ҳам изоҳланади.

Инвестицион фаолиятдан олинган фойда суммаси суғурта компаниясининг тариф сиёсатига таъсир этувчи муҳим омил саналади. Қайд этиш лозимки, суғурта операцияларидан кўрилган зарарни инвестиция

фаолиятидан олинган фойда ҳисобидан субсидия қилинишига бўлган муносабат ҳам турличадир. Хусусан, бундай фаолият, бир томондан, маблағлар тақчиллигида рақобатга мос бўлган тариф сиёсатини юритиш учун айнан инвестициялар бозорида қулай конъюнктуранинг юзага келиши ҳисобига захирани талаб даражасида шакллантириш имкониятини юзага келтирса, бошқа томондан, айнан шундай фаолиятдан олинган даромад ҳисобига техник натижаларни тенглаштириш учун суғурта фондидан жалб этиладиган маблағлар етарли даражада бўлишини таъминловчи омил сифатида қаралаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозимдир. Мазкур ҳолат суғуртачининг ўз жавобгарлигига қабул қилган риск бўйича назорати сустлашувининг омили бўлмаслиги лозим.

Ҳозирга қадар, суғурта амалиётида мажбуриятлар ҳажми, эркин активларнинг тузилиши ва баҳоси, молиявий кафиллик таъминланганлиги, суғурта портфелининг рационал шаклланиши билан боғлиқ бўлган рисклар тақсимоти, суғурта захиралари шакллантирилиши борасида ягона бир концепция ишлаб чиқилмаган. Шу боис суғурта ташкилотлари бу муаммоларни эмпирик тарзда ҳал этишга мажбур бўлмоқда.

Ҳар қандай суғурта тури бўйича тарифлар ҳисоб-китоби (актуар ҳисоб-китоблар)да аниқ суғурта объектининг қиймати ҳисоблаб чиқилади. Умуман актуар ҳисоб-китоблар ёрдамида суғурта хизматини ҳамда суғуртачи томонидан суғурталанувчига кўрсатиладиган хизматининг қанча туриши аниқланади.

Суғуртани амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш «актуар калькуляция» (actuary) деб аталади. Унинг ёрдамида шартнома бўйича суғурта мукофотлари ҳамда суғуртачининг иш юритиш харажатлари суммаси, яъни мазкур хизмат таннархи ҳисоблаб чиқилади. Суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китобларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд ва улар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- баҳоланаётган риск доимо эҳтимоллик характерига эга бўлиши;
- айрим йилларда умумий қонуниятга зид туркум тасодифий ҳодисалар юз бериши, уларнинг таъсири, ўз навбатида, суғурта ташкилотидан талаб этиладиган суғурта қопламаси тўлови суммасининг сезиларли ўзгаришини тақозо этиши;
- суғуртачи томонидан кўрсатилаётган хизмат таннархи суғурта муносабатлари йиғиндисидан келтирилиб чиқарилиши;
- суғуртачи ихтиёрида бўладиган махсус захирани ажратиш, унинг оптимал ҳажмини аниқлаш талаб этилиши;
- суғурта шартномалари кўрсаткичларини (инглизча «storno») башорат қилиш ҳамда улар бўйича эксперт баҳоси талаб этилиши;
- қарз (ссуда) фоизлари меъёрларини ва аниқ вақт оралиғида уларнинг ўзгариш анъаналарини тадқиқ этиш тақозо этилиши;
- суғурта ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда тўлиқ ёки қисман зарарлар юзага келиши ҳамда улар катталигининг кенглик ва вақтда тақсимланишига махсус жадваллар ёрдамида ўзгартиришлар киритиш талаби намоён бўлиши;
- эквивалентлик тамойилига амал қилиш, яъни суғурта мукофотлари ва

суғурта ташкилоти томонидан тариф даврида кўрсатилаётган суғурта таъминоти ўртасида ўзаро тенглик ўрнатилиши тақозо этилиши;

- умумий суғурта доирасида рискларни аниқлаштириш ва уларни гуруҳлаш талаб этилиши кабилар.

Суғурта тўловлари ҳажмининг ҳисоб-китоблари айнан бир мамлакат, алоҳида бир ҳудуднинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда, шунингдек риск юз бериши эҳтимолининг вақт ва кенгликдаги хилма-хиллиги асосида аниқланади. Масалан, суғурталанган объектлар сони 100 та, ҳар бир объект бўйича суғурта суммаси 2 млн. сўм бўлса, риск эҳтимоли 2 фоиз даражасида (0,02 х 100 х 2 млн. сўм) ҳамда зарар суғурта суммасига тенг ёки ундан катта бўлганида, мазкур умумий суғурта доирасидаги бу суғурта тури бўйича йиллик суғурта қопламаси, яъни нетто-ставка айнан 4 млн. сўмни ташкил этади.

Аниқланган суғурта қопламасини суғурталанган объектлар сонига бўлсак, умумий суғурта захирасига ҳар бир суғурталанувчи томонидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти 40 минг сўм (0,02 х 2 млн. сўм) эканлиги аниқланади. Ҳар бир суғурталанувчи айнан шунча суғурта мукофотини тўлаши керак. Суғурта суммасининг бирлиги сифатида 1000, 100 ёки 1 сўм олиниши мумкин.

Тариф ставкаси ёрдамида ҳар бир суғурталанувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича тўлаши керак бўлган суғурта мукофоти аниқланади. Бунинг учун шартномада қайд этилган суғурта суммаси тариф ставкасига кўпайтирилади. Масалан, тариф ставкаси ҳар 100 сўмдан 2 сўм даражасида белгиланган бўлса, шартнома бўйича суғурта суммаси 5 млн. сўмга тенг бўлганда, суғурта мукофотининг катталиги қуйидагича аниқланади:

(2 сўм х 5 млн. сўм) : 100 сўм = 100 000 сўм.

Суғурта тарифи ставкаси суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланади. Унинг тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги муҳимдир. Суғуртачи суғурта тарифи асосида ундирилган суғурта мукофотлари ҳисобидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди, яъни суғурта фаолиятини амалга ошириш харажатларини қоплайди.

Суғурта рисклари сезиларли даражада кам юз берган ёки суғурта ҳодисаси оқибатида кўрилган зарар кўлами катта бўлмаган йиллар ҳисобига суғуртачининг даромад (фойда) олиш эҳтимоли ортади. Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, аниқ натижалар ҳисоб-китобида ҳисобот даври давомида хабар қилинган, аммо суғурта қопламаси амалга оширилмаган зарар суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий кўрсаткичларига ҳам сезиларли таъсир этади.

Суғурта тарифининг риск юз бериши эҳтимолига нисбатан юқори даражада кўрсатилиши бир томондан, мижоз билан суғурта шартномаси тузилмай қолишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, суғуртачининг суғурта бозоридаги рақобатбардошлигига ҳам салбий таъсир этади. Ва, аксинча, тариф ставкасининг паст даражада белгиланиши суғуртачи маблағларининг тақчиллигини келтириб чиқариши оқибатида, суғурталанувчи кўрган

зарарнинг суғурта қопламаси амалга оширилмай қолинишига олиб келиши мумкин, аммо, бундай ҳолат амалиётда деярли учрамайди.

2. Суғурта мукофотларининг ставкалари тариф даври учун ҳисоблаб чиқилади, яъни тариф ҳисоблари асосида белгиланган давр учун эквивалентлик таъминланади. Шундай қилиб, ҳар қандай суғурта тури бўйича тариф ставкаси брутто-ставка сифатида қаралади ва у икки қисмдан: нетто-ставка (суғурта қопламаси тўловлари учун захира суммаси) ва суғуртачининг фаолият юритиш харажатларидан (одатда у «юк» деб аталади) иборат бўлади. Брутто-ставкада бу иккала қисмнинг нисбати, уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, турлича фоизларда белгиланиши мумкин. Нетто-ставка брутто-ставканинг асосини ташкил этади ва унинг ҳиссасига, суғурта турига қараб, 60-95 фоизгача улуш тўғри келиши мумкин. «Юк» ҳисобига эса, шунга мос равишда одатда 5-40 фоиз улуш белгиланади.

Суғурта шартномаси бўйича қанча суғурта тури суғурталанаётган бўлса, нетто-ставка ҳам шунча қисмдан иборат бўлади. Масалан, ҳаётни аралаш суғурталаш бўйича нетто-ставка белгиланган давргача яшаганлиги учун, ўлим ҳолати юз берганлиги учун, меҳнат фаолиятини йўқотиш ҳолати учун каби нетто-ставкалардан ташкил топади.

«Юк»да суғурта ишини олиб бориш харажатлари акс этади. У қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- маъмурий-хўжалик харажатлари (унинг асосини ташкилот штатидаги ходимларга тўланадиган маошлар суммаси ташкил этади);
- суғурта полисларини жойлаштирганлиги учун ҳақлар;
- суғурта агентлари, менежерлар учун ҳақлар.

Тўлов шакллари, одатда брутто-ставка ёки «юк»ка нисбатан фоизларда аниқланади. Фоиз тўловларидан ташқари рағбатлантиришлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича «юк» суғурта ишини юритиш харажатларидан ташқари огоҳлантириш захирасига ажратмалар қилиш ва режалантирилган фойда суммаларини ҳам ўзида акс эттиради. Брутто-ставкани ҳисоблашда, дастлаб нетто-ставка аниқлаб олинади, сўнгра унга «юк» (одатда брутто-ставкага нисбатан фоизларда) қўшиб ҳисобланади. Брутто-ставка қўйидагича аниқланади:

$$\text{МС}= \frac{НС}{100 - Ю(\%)},$$

Бу ерда, МС - брутто-ставка;

НС - нетто-ставка;

Ю(%) - юк (фоизларда ифодаланади).

Мажбурий суғурта турлари бўйича тарифлар меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилса, ихтиёрий суғуртада эса, суғуртачи томонидан мустақил равишда аниқланади.

Тарифни аниқлаш услубияти, тариф ставкаси ва унинг дастлабки

маълумотлар манбаси, нетто-ставка ва «юк» улушлари кўрсатилган ҳолда тариф ҳисоб-китоблари махсус ваколатли Давлат органига тақдим этилади. Мазкур орган томонидан рухсат берилганидан сўнг суғурта ташкилоти ўзи ҳисоблаб чиққан суғурта тарифини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир суғурта шартномаси бўйича суғурта тарифининг ҳажми суғурта объектини тавсифловчи қатор ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланади.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича тариф ставкасини аниқлашда нетто-ставка ҳисоб-китоби муҳим ҳисобланади. Айнан унинг ҳисобидан суғурталанувчилар кўрган зарарнинг қоплама тўловлари амалга оширилиши назарда тутилади.

Суғурта ташкилоти мукофот ундирилиши ҳисобига суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида суғурталанувчи кўрган зарарни қоплаш учун етарли миқдордаги суммани жамлаб олиши муҳимдир. Масалан, ҳар йили суғуртага қабул қилинган 1000 хонадондан 6 таси бутунлай ёниб кетиши ҳодисаси рўй беради деб фараз қилсак, ҳар бир хонадоннинг баҳоси 1 млн. сўм бўлса, бу ҳолатда суғуртачи (1 млн. х 6) 6 млн. сўм миқдоридаги пул фондига эга бўлиши талаб этилади. Бу суғурта қопламаси суммасини суғурталанган объектлар сонига бўлиш орқали ҳар бир суғурталанувчига тўғри келадиган (6 млн. сўм : 1000 = 6 минг сўм) суғурта мукофоти аниқланади. Айнан шу сумма аниқ бир суғурта объекти учун ҳисоблаб чиқилган нетто-ставкадир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан нетто-ставкани ҳисоблаш амалиётда бирмунча мураккаброқдир[1]. Негаки, суғурталанган объектнинг (бир қисми ёки батамом) зарар кўрганлиги даражаси, суғурта ҳодисалари (ёнғин, сув тошқини ва бошқа) сонининг йиллар бўйича тафовути, шунингдек, бошқа қатор далилларни эҳтимолликка асосланиб, башорат қилиш ва ҳисобга олиш керак бўлади. Мол-мулк (бино, уй хайвонлари, қишлоқ хўжалиги экинлари)нинг турли суғурта ҳодисалари (ёнғин, касалликлар, совуқ ва шу кабилар) юз бериши оқибатида, зарар кўриши ёки ҳалокатга учраши эҳтимоли турличадир. Шундан келиб чиқиб, объектларнинг шартномада қайд этилиши назарда тутилаётган суғурта ҳодисаларидан суғурталаш бўйича тариф ставкалари ҳам турлича белгиланиши мумкин.

Нетто-ставка икки қисмдан - суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи ва риск «юки»дан шакллантирилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи - энг катта эҳтимолликка кўра, суғурталанган объектлар суммасининг тўланган суғурта қопламаси суммаси нисбатидан келиб чиқади. Масалан, бир автомобилнинг нархи 10 млн. сўм, уни таъмирлаш 3 млн. сўм, йўл ҳалокати ҳодисаси доимийлиги коэффициенти (ДАН маълумотига кўра) 0,2 бўлса, суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи (ССЗК = 3 млн. сўм : 10 млн. х 0,2 х 100 = 6 сўм ёки 6 %) 6 фоизни ташкил этади.

---

[1]Худди Европа мамлакатларидаги каби суғуртачилар иштирокидаги суғурта компаниялари ассоциациялари ва махсус (масалан, «Assamlee Pleniere des Socieetes d'Assurances Dommages» каби) техник ташкилотлар томонидан суғурта «маҳсулот»ларини кўрилиши эҳтимол бўлган зарарлар бўйича ишончли даражада тарификациялаш сингари фаолият Ўзбекистонда йўлга қўйилганича йўқ.

Риск қопламаси тўловининг катталиги суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоллиги даражасига боғлиқ бўлади. Риск бўйича суғурта мукофоти унинг юз бериш эҳтимоллигининг вақт ва кенгликдаги ҳолатидан келтириб чиқарилади. Ҳаёт суғуртаси тармоғида риск эҳтимоли мижозлар жинси ва ёшига кўп жиҳатдан алоқадор бўлса, умумий суғурта тармоғида эса, нисбатан доимий риск мавжуддир. Аммо маълум вақт оралиғида риск катталиги ўзгариши ҳам кузатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу : Суғурта бозори ва уни давлат томонидан тартибга солиш

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

РЕЖА:

1. Суғурта бозори тушунчаси ва унинг иштирокчилари.
2. Суғурта бозорининг турлари ва уларга умумий тавсифнома.
3. Суғурта бозори инфратузилмасининг суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти.
4. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги ва шакллари.
5. Давлат суғурта назорати: унинг функция ва вазифалари.
6. Суғурта фаолиятини лицензиялаш тартиби.

1. Маълумки, ҳар қандай бозорда сотувчи ва харидор бўлади ҳамда улар ўртасида тегишли товарлар (хизматлар) айирбошланади. Худди шундай, суғурта бозорида ҳам сотувчи (суғурталовчи) ва харидор (потенциал суғурталанувчи) иштирок этади. Бу ерда потенциал суғурталанувчи тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, башарти, потенциал суғурталанувчини тўғридан тўғри суғуртананувчи, деб атасак катта хатога йўл қўйган бўламиз. Негаки, амалдаги қонунларга мувофиқ, суғурта компаниялари билан бевосита шартнома тузган, фуқаролик салоҳиятига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга суғурталанувчилар дейилади. Аксинча, суғурта “маҳсулотини” сотиб олишга эҳтиёжи бор, аммо ҳали суғурталовчилар билан тегишли суғурта муносабатларига киришмаган шахслар потенциал суғурталанувчилар деб аталади. Энди, суғурталовчилар ҳақида гапирадиган бўлсак, суғурталовчи - бу мамлакат худудида суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган ҳамда суғурталаш ўзи учун асосий фаолият тури ҳисобланган юридик шахслардир. Кўриниб турибдики, суғурта компанияси тегишли фаолият юритиши учун ваколатли давлат органининг лицензиясига эга бўлиши ва суғуртага боғлиқ бўлмаган операциялар билан шуғулланмаслиги зарур.

Суғурта ташкилоти даромади(фойдаси)ни аниқлашнинг келтирилган услубиятини жорий этиш масаласига (7-жадвал) тўхталадиган бўлсак, бу борада суғурта ишини амалга ошириш харажатларига киритилган суғурта хизматларни ташкил этиш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги янги Низомни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келади.

Таклиф этилаётган услубиятга кўра, келтирилган маълумотларда ишлаб топилган суғурта мукофотлари суммаси 1232223,0 бўлган бўлса, шундан 910786,8 бевосита суғурталаш мукофотлари, 6741,1 қайта

суғурталаш бўйича мукофотлари ва ниҳоят, 314695,1 сўмини ўзлаштирилмаган мукофотлар суммаси ташкил этган.

Тўланган суғурта қопламалари 1188750,1 қайта суғурталаш шартномаларига биноан қоплама тўловлари бўйича зарарлар 506,3; кўрилган зарарларнинг нетто қисми 1189256,4; қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича ҳисобланган воситачилик тўловлари 840,8; қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг нетто қисми 840,8; суғурта ишини юритиш харажатлари 5136,5; ҳисобланган воситачилик ҳамда брокерлар сийловлари, қайта суғурталаш тантьемлари ва йиғимлари 321,4; зарарларни қоплаш захирасига ўтказилган маблағлар 1153961,8 минг сўмни ташкил қилган.

Келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда суғурта хизматини кўрсатишдан тушган ялпи фойдани аниқлаш учун ишлаб топилган мукофотларнинг нетто қисми (1232223), кўрилган зарарларнинг нетто қисми (1189256,4), қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг

1-жадвал

Суғурта ташкилотлари даромад ва харажатларини ҳисоблаш:

	(сўм ҳисобида)
(+) Бевосита суғурталаш бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари	910786.8
(+) Қайта суғурталаш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари	6741.1
(+) Ўзлаштирилмаган мукофотлари захирасини ўзгартириш	314695.1
(=) Ишлаб топилган мукофотлар	1232223
(-) Тўланган суғуртавий қопламалар	1188750.1
(-) Қайта суғурталаш шартномаларига биноан қилинган қоплама тўловлари бўйича зарарлар	506.3
(+) Қайта суғурталашга тақдим этилган шартномаларга кўра, қайта суғурталовчилар томонидан қилинган қопламалар бўйича зарарлар	-
(=) Кўрилган зарарларнинг нетто қисми	1189256.4
(+) Қайта суғурталашга тақдим этилган шартномаларга кўра ҳисобланган қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловлари	-
(+) Қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича ҳисобланган воситачилик тўловлари	840.8
(=) Қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларининг нетто қисми	840.8
(-) Суғурта ишини юритиш харажатлари	5136.5
(-) Қайта суғурталаш ва ретроцессияга ўтказилган рисклар бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари	-
(-) Бевосита суғурталаш бўйича суғуртавий тўловлари (суғурта қопламалари)	-
(-) Ҳисобланган воситачилик ва брокерлар сийловлари. Қайта суғурталаш тантьемлари ва йиғимлари	321.4
(-) Зарарларни қоплаш захирасига ўтказилган маблағлар	1153961.8
(-) Қайта суғурталашга қабул қилинган рисклар бўйича қилинган қоплама тўловларнинг улуши	-

Бунда суғурта хизматини кўрсатиш(сотиш)дан тушган ялпи фойда қуйидагича ҳисобланади:

(=) Ишлаб топилган мукофотларининг нетто қисми	1232223
(+) Кўрилган зарарларнинг нетто қисми	1189256.4
(+) Қайта суғурталаш бўйича воситачилик тўловларнинг нетто қисми	840.8
(-) Суғурта ишини юритиш харажатлари	5136.5
(-) Давр харажатлари	226235.7
(-) Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари	-
(=) Асосий фаолиятдан олинган фойда	189246.4
(+) Операцион. Инвестицион ва молиявий фаолиятдан олинган даромад	214343.3
(+) Операцион. Инвестицион ва молиявий фаолият учун қилинган харажат	-
(=) Солиқ тўлангунга қадар бўлган даромад(фойда) ёки зарар	25096.9
Манба: «Ўзагросуғурта» ДАСКнинг 2002 йил кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.	

нетто қисми (840,8) йиғиндисидан суғурта ишини юритиш харажатлари (5136,5), давр харажатлари (226235,7), хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари жамисини айириш орқали асосий фаолиятдан олинган фойда (189246,4 минг сўм) ҳисоблаб топилади. Шундан сўнг, инвестицион-молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар йиғиндисини қўшиш орқали балансдаги (25096,9 минг сўм) фойда суммаси аниқланади.

5. Суғурта ташкилотларини инвестицион фаолияти ва унинг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қайта таҳрирдаги Қонунида инвестицияга қуйидагича таъриф берилган: “инвестиция - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”[4], сифатида таърифланади.

Юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, “инвестициялар” тушунчаси “капитал қўйилмалар”, “инвестицияларнинг мулкий шакли”, “капитал”, “кредит” ва бошқа тушунчаларга қараганда кенгроқ, “сиғимлироқ” тушунча ҳисобланади[5]. Капитал қўйилмалар инвестиициларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда инвестицияларнинг таркибида капитал қўйилмиалардан ташқари айланма маблағ (восита)лар ҳам мавжуд. Демак, кўриниб турибдики, капитал қўйилмалар тушунчаси айнан инвестициялар

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1998. 24 декабр. //Солиқлар ва божхона хабарлари. 4-сон, 1999. 3-б.

[5] Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: “Молия” нашриёти, 2003. 28-б.

тушунчасини англатмайди.[6] Умумлаштирадиган бўлсак, инвестициялар бу фақат узоқ муддатли капитал қўйилмалар бўлибгина қолмасдан, балки қисқа муддатли қўйилмаларни ҳам ўз ичига олади. Демак, инвестициялар - мулкчиликнинг барча кўринишларидаги моддий ва номоддий бойликларни иқтисодий-ижтимоий даромад олиш мақсадида муомалага киритишдир.

"Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра "чет эл инвесторлари асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари"[7], деб эътироф этилади.

Суғурта компаниялари асосий фаолияти Билан бир қаторда инвестция фаолиятини хам амалга ошириш имкониятига эгадир. Одатда, суғурта компанияларининг суғуртавий хизмат кўрсатиш ўзига хос хусусиятга эга яъни, мижоз дастлаб суғурталовчига суғурта бадалини шартнома тузилиши Билан тўлайди. Суғурта шартномаси муддатининг тугаши хизмат тўлиқ кўрсатилганлигини билдиради. Демак, суғурта компанияларида молия ресурсларининг харакати хусусиятлари шунга олиб борадики, суғурта компаниялари ихтиёрида шартномани амал қилиш мобайнида қўшимча даромад олиш мақсадида инвестициялаш мумкин бўлган вақтинчалик мажбуриятдан холи бўлган катта миқдорда вақтинча бўш маблағлар тўпланади. Суғурталовчилар бу маблағларни қўшимча даромад олиш мақсадида турли объектларга инвестиция қилишлари мумкин.

Суғурта ташкилотлари тасарруфида ката миқдордаги молиявий ресурсларни тўпланиши, уларни иқтисодиётни ривожланишида мухим рол ўйнашини кўрсатади. Суғурта қилувчилар томонидан молия ресурсларининг тўпланиши суғуртани фаол инвестицион сиёсат йўли Билан иқтисодиётнинг асосий омилига айлантиради. Бошқача сўз Билан айтганда, суғурталовчилар турли полис эгаларидан олинган пассив пул маблағларни молия бозорида харакат қилувчи актив капиталига айлантиришади.

Суғурта омпанияси инвестицион имкониятларини қуйидаги омиллар белгилайди:

- йиғиладиган суғурта мукофотлари хажми;
- суғурта портфели хажми;
- амалга оширилаётган суғурта хизматининг фойдалилиги ёки зарарлилиги;
- суғурта резервларини шакллантиришга давлат томонидан қўйиладиган талаблар;
- тузилган суғурта шартномалари муддати;

---

[6] Инвестиции: Учебное пособие /Г.П. Подшиваленко, Н.И. Лахметкина, М.В. Макарова и др. –М.: КНОРУС, 2004. С.7. (Финансовая академия при Правительстве РФ).

[7] Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғисида"ги Қонуни, 1998. 30 апрел. //Халқ сўзи. 1999. 12 январ. 7-сон. 1-б.

- ўзлик маблағлари хажми.

Суғурта компаниясининг инвестицион имкониятлари тахминан шундай деярли шаклланиб боради. Инвестицион имконият асосий қисми «Ўзлик маблағлар”га тўғри келади. Суғурта резерви эса домий равишда суғурта қопламалари тўланишига қараб ўзгариб туради.

Суғурта компаниясининг инвестицион портфели тизими, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаши лозим ва у одатда суғурта назорати меъёрлари билан белгиланади. Унда суғурта захираларининг вақтинчалик бўш турган маблағларини жойлаштириш тартиби белгиланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, суғурта компаниялари бўш маблағларини турли объектларга инвестиция қилиш имконияти туғилди. 1993 йилнинг 6 майида қабул қилинган “Суғурта тўғрисда”ги Қонуннинг 25-моддасида “Суғурта ташилотлари ўз молияий манбаларини бошқа йўл билан фойдаланишга хақлидир”, деб кўрсатилган эди. Аммо 2002 йилнинг 5 апрелидаги иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг VIII-сессиясида қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ “суғурталовчилар суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас” деб белгиланган. Демак, суғурталовчиларнинг инвестиция фаолияти қатъий чекланган. Шунингдек, Ушбу қонуннинг юқорида кўрсатиб ўтилган моддасида суғурталовчилар махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартиб ва шартлардаги инвестиция фаолияти билан шуғулланишларига рухсат берилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда тасдиқланган, №1571 рақам Билан давлат рўйхатидан ва 2006 йил 22 апрелда тасдиқланган, №1565 рақами билан давлат рўйхатидан ўтган буйруқларига асосан, суғурта компаниялари томонидан суғурта резервларини ташкил қилиш ва инвестициялашнинг тартиблари белгилангандир.

Жумладан, унда республика суғурта компанияларининг суғурта активларини жойлаштириш тартиблари, инвестициялашнинг қонунчиликда белгиланган қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим:

1. Диверсификация;
2. Қайтишлилиги;
3. Ликвидлилиги;
4. Фойдалилиги.[8]

Инвестицион фаолиятнинг диверсификацияси биринчи навбатда суғурта компанияси инвестицион портфелининг барқарорлигини кўзда тутади. Маълумки, суғурта компаниялари уларга ўз маблағларини қўйиши мумин бўлган инвестицион лойихалар тшплами сармоя бозорининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Хозирги пайтда суғурталовчиларнинг вақтинчалик бўш турган маблағлари тижорат банклари депозитларига, қимматли қоғозларга жойлаштирилиши, корхона ва кўчмас мулкларга инвестиция қилиниши мумкин. Инвестиция портфел таркиби ва тизимини

[8] Приказ Министерства Финансов Республики Узбекистан, зарегистрирован №1565 от 22.04.2006 «Об утверждении положения о порядке определения предельно допустимого размера обязательств по отдельным рискам, свокупного размера обязательств и нормативов платежеспособности страховщиков»

тартибга солиш одатда киритилган маблағларнинг турлари бўйича минимум ва максимумни белгилаш йўллари орқали амалга оширилади. Шу Билан бирга, дунёнинг етакчи компанияларининг тажрибасига кўра, компания инвестицион портфелининг корхонап ва кўчмас мулклар устав фондига инвестициялари 15%, қимматли қоғозларга инвестициялари 25-60%, тижорат банклари депозитларига маблағлари 15-30%, инвестициянинг бошқа туцрларига 1-12% дан ошмайдиган миқдорларда жойлаштирадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар маблағлар йаланишини тўғри ташил этиш мухим ахамиятга эга. Чунки, маблағлар айланиши энг маъқул вариантини топиш пировард натижада корхона фаолиятини фойда билан якунлашига олиб келади.

Суғурта фаолиятида жорий натижалар суғурта бадаллари кўринишида суғурта компаниялари хисоб – рақамига келиб тушган пул маблағлари айланиши хисобидан даромад келиш имконияти юзага келади.

Ушбу даромадлар суғурта компанияларини суғурта захираларини шакллантириш орқали харажатлар қисмини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Суғурта фаолиятининг жорий тахлил пул маблағлари тушуми орқали ўзига олётган мажбуриятлар адективлилигини белгилайди.

5. Инвестицион фаолиятда мавжуд рисклар ҳақида тушунча ва унга ноқулай омилларнинг таъсири.

Ҳар қандай инвестицион лойихани амалга оширишда асосий риск сифатида хизматлар бозорда кучли рақобатчининг бўлишидир. Умуман олганда компания учун қуйидаги турдаги рисклар мавжуд бўлиб улар лойихани амалиётга жорий этишда ўз таъсир доираларини ўтказишлари мумкин.

Сиёсий рисклар –бу турдаги рисклар давлатдаги сиёсий жараён билан бевосита боғлиқ бўлиб ўз ичига қуйидагиларни олади;

- харбий харакатлар натижасида фаолият кўрсата олмаслик;
- кутилмаган ходисаларнинг рўй бериши натижасида вақтинчалик фаолиятни юрита олмаслик.
- солиқ қонунчилигида ўзгаришлар.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий ахволнинг тинчлигига қарамасдан кўринишдаги рисклар давлатимизга чегарадош бўлган давлатлардаги нотинч ахвол сабабли мавжуд бўлиб қолди.

Риск даражасини камайтириш тадбирлари.

- давлат органлари билан компания акциядорлари ўртасидаги алоқани мустахкамлаш.
- ишбилармон мухитини яратишуқий рисклар – бу рисклар қонунчилик базасининг номукаммаллиги, хужжатларни тўғри тузиш, расмийлаштирилмаслиги билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари учун барча қонунчилик базаси мукаммал ишлаб чиқилганлигига қарамасдан бу турдаги

рискни инобатга олмаслик мумкин эмас. Бунинг асосий сабаби бюрократиянинг мавжудлиги.

Аммо компания фаолиятини Давлат қўллаб қувватлаётгани бу турдаги риск даражасини пасайишига олиб келади.

Риск даражасини камайтириш чора тадбирлари бўлиб;

- хужжатларни аниқ шаклларини юритиш;
- хужжатларни расмийлаштиришда бу соха мутахасисларини жалб этиш;
- юкори малакали юрист ва таржимонлар учун қўйшимча молиявий ресурсларни ажратиш.

Техник рисклар - бу турдаги рисклар ишларни амалга оширишдаги қийинчиликлар ва техник лойиханинг мавжуд эмаслигидан вужудга келади.

Асбоб ускуналарга тендер эълон қилингандан бошлаб, товар етказиб берувчининг техник хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахасислар мавжудлигига хам инобатга олинади. Бу сезиларли равишда техник риск даражасини камайтиришга хизмат қилиши мумкин. Ишлаб чиқариш риски – бу турдаги риск таклиф этилаётган хизматнинг сифати пастлиги, юқори малакали мутахасисларнинг мавжуд эмаслиги бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, компания лойихасини амалиётга жорий этиш учун етарли даражада юқори малакали мутахасисларга эга бўлса, бу турдаги риск даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Рискни камайтириш даражасини бўйича чора тадбирлари:

- Лойихани амалга оширишда аниқ қалендар режалаштириш ва бошқаришни йўлга қўйиш;
- Таклиф этилаётган хизматлар устидан доимий назоратни ўрнатиш;
- Юқори малакали кадрларни тайёрлаб бориш.

Экологик рисклар – бу турдаги рисклар атроф мухитни ифлосланиши, атмосфера ва сувга хар хил чиқиндиларнинг чиқиши натижасида юзага келади. Биз шуғурланаётган соха учун бу турдаги риск даражаси анча пастдир. Маркетинг риски – бу турдаги рисклар бозорни яхши ўрганилмаганлиги, бахо сиёсатининг тўғри юритилмаганлиги маркетинг стратегиясини нотўғри эканлаганлиги билан боғлиқ.

Риск даражасини камайтириш;

- Кучли маркетинг хизматини жорий этиш;
- Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- Эгилувчан тариф сиёсатини ишлаб чиқиш.

Молиявий рисклар – бу турдаги рисклар молиявий натижаларини йўқотилган, истемолчининг тўловга лаёқатсизлигидан, талабнинг қатийэмаслигидан, рақобатчилар томонидан нархни камайтиришлар, оборот мабағларининг етишмаслигини келиб чиқишни мумкин.

Рискни даражасини камайтириш чора-тадбирлари.

- Истемолчилар талабини ўрганиш;
- Сифат устида тўлиқ назоратни ўрнатиш;

- Инвестицион ва кредит ресурсларини янги йўналишларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни кўриш;
- Инвестицион – молиявий стратегияни ишлаб чиқариш.

Табиий рисклар – бу турдаги рисклар табиатда хар хил бахтсиз ходисаларнинг рўй бериши, ер қимирлаши, сув тошиши сел келиши, ёнғин чиқиши, эпидемия тарқалиши билан боғликдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида инвестиция фаолияти хамда инвестиция фаолияти билан шуғулланиш тартиблари кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонуннинг 4-моддасида инвестицияларни амалга ошириш шакллари хақида тўхталиб ўтилган, яъни инвесторлар инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

- юридик шахс тузиш ёи уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, жумладан мол-мулкни ёки акцияларни олиш;
- қимматли қоғозлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;
- концессиялари, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;
- мулк хуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш сохалари объектларига, турар жойларга мулк хуқуқини, шунингдек ерга хамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш хуқуқини қонун хужжатларига мувофиқ олиш.

Инвесторлар инвестицияларни қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда хам амалга оширишлари мумкин.

Инвестор инвестициялаш мақсади, йўналиши, тури ва хажмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тариқасида, танлов савдосини ўтказиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этади.

Агар қонун хужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестор, ўзига зарур бўлган мол-мулкни юридик ва жисмоний шахслардан ўзаро келишув асосида белгиланадиган шартларда хажми ва номенлатурасини чекламаган тарзда олишга хақли.

Инвестор қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа хуқуқларга хам эга бўлиши мумин.

Қонуннинг 14-моддасига асосан инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- инвестиция фаолиятининг қонунчили негизи такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;
- нормалар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;

- ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;

- инвестиция лойихаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган ивестиция лойихаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш;

- инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда хам амалга оширилади.

2002 йилнинг 5 аперлдаги Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII-сессиясида қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида - суғурталовчилар махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартиб ва шартларда инвестиция фаолияти билан шуғулланишларига рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2000 йилнинг 28 июнида 66-сонли буйруқ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси худудида суғурта ташкилотларининг захираларини жойлаштириш тўғрисидаги вақтинчалик низоми”ни 952-рақам билан давлат рўйхатига олинган эди. Ушбу низом 2000 йилнинг 5 августидан юридик кучга киритилган бўлиб 2005 йил 31 деабргача амал қилди.

Бу низомнинг ўз кучини йўқотиш Молия Вазирлиги томонидан замон талабларига жавоб берадиган, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан холда янги низомни ишлаб чиқилишини талаб этди. 2006 йилда суғурта компанияларининг ўз резервларини ташкил этиш ва инвестициялаш, компанияларнинг тшлов қобилиятини аниқлаш бўйича иккита низом қабул қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган, 2006 йил 22 аперлда №1565-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган “Алохида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлар, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп хажмини ва суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида низом”, 2006 йил 2 майдан кучга кирган;

- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган, 2006 йил 6 майда №1571-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган “Суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини шакллантириш хамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисида низом”, 2006 йил 16 майдан кучга кирган.

Ушбу низомда суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти давлат томонидан тартибга солинган. Жумладан, унда Республика иқтисодиётида устав ва суғурта маблағлари қисмини инвестициялаш қонунчилик йўли билан белгиланиши ва қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари юқоридаги №1565 низомга ўз маблағларини диверсификация, қайтувчанлик. Фойдалилик ва ликвидлилик принциплари асосида жойлаштирадилар.

2006 ийил 22 апрелда қабул қилинган №1565 низом суғурта компаниялари томонидан олиниши мумкин бўлган мажбуриятларининг чегаралари, суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти масалаларини ўз ичига қамраб олган. Ушбу низомда келтирилган айрим мухим масалаларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Низомга кўра алохида суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп хажми ўз маблағлари ва суғурта захираларининг 10%дан ошмаслиги лозим. Суғурталовчи ушбу меъёрдан ортиқ мажбуриятни, қабул қилинган мажбурият бўйича ортиқча таваккалчиликни мазур Низомга мувофиқ равишда қайта суғурталанган холда қабул қилиши мумкин. Алохида таваккалчилик бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари тўланган суғурта муофотига пропорционал тарзда аниқланади, агарда суғурта шартномасида алохида таваккалчиликлар бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари хажми кўрсатилмаган бўлган тақдирда.

Мазкур Низом мақсадида суғурталовчининг жами мажбуриятлари деганда биз, 5 та энг катта таваккалчиликлар бўйича суғурталовчи мажбуриятларининг энг кўп хажми тушинилади. Умумий суғурта тармоғида суғурталовчининг жами мажбуриятлари хажми ўзлик маблағлари миқдорининг икки баробаридан ошмаслиги шарт.

Суғурталовчининг тўлов қобилиятини аниқлаш учун охирги хисобт санасига суғурталовчининг баланс маълумотлари, шунингдек, хисоб-китоб асосида аниқланадиган маълумотлардан фойдаланилади. Суғурталовчининг тўлов қобилияти кўрсаткичи мазкур Низом асосида ўрнатилган суғурталовчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва ликвидлиги хисобига олинган активлар ўртасидаги нисбат меъёрларининг бажарилиши хисобланади. Тўлов қобилиятини суғурта фаолияти хажмларига мувофиқ равишда таъминлаш учун суғурталовчилар йўл қўйиладиган активларнинг хақиқий хажми даражасини белгиланган тартибда мувофиқлаштириб бориши зарур.

Республика суғурта компанияларида суғурта захираларни шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган, 2006 йил 6 майда №1571-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган « Суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини шакллантириш хамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисида низоми»га асосан амалга оширилади.

Суғурта захираларининг шаклланиши бўйича қуйидаги қонун-қоидалар мавжуд:

- хамма захиралар махсус хисоб-китоблар асосида шаклланади;
- захиралар суғурта олиб бораётган валютада шаклланади;
- суғурта захиралари хар бир аниқ тўлаш муддатига шаклланади;
- захиралар фақат суғурта шартномаси бўйича эмас, қайта суғурталашда қабул қилинган шартномалар бўйича хам шаклланиши мумкин.

Суғурталовчилар ўзига қабул қилган суғурта мажбуриятларини бажариш учун йиғилган суғурта мукофотларидан келгусида суғурта тўловлари учун барча суғурта турлари бўйича керакли суғурта

захираларини шакллантиришади. Суғурта захиралари суғурталовчининг суғурталановчилар билан тузган суғурта шартномалари бўйича шу вақтдаги бажарилмаган мажбуриятларининг хажмини кўрсатиб туради.

Хориж мамлакатларида қабул қилинган суғурта захираларининг шаклланиши техникасига кўра, суғурта қилувчи бўйнига олган хар бир мажбурият тури суғурта захирасига мос келадиган тури билан қопланади. Хаёт суғуртаси бўйича амалдаги шартномалар шароитига боғлиқ холда математик захиралар, йиллик рента захиралари, фонд захиралари ва иштирок этиш захиралари шаклланади. Суғуртанинг бошқа турлари бўйича -мукофот захиралари ва зарар захиралари шаклланади. Суғурта захиралари хажми амалдаги шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суммани бутун холда қоплаши зарур. Шунинг учун уларнинг хажмини аниқлаш учун суғурта қилувчининг операцияларини чуқур тахлили ва математик хисоб китоблар зарур.

Техник маблағлар суғурта қилувчи томонидан алохида суғурта шартномаси ва бутун суғурта портфели бўйича бир муддатга хисоб-китоб қилинган суғурта тўловлари бўйича молиявий мажбуриятларни бажариш керак бўлган маблағлар йиғиндиси. Улар суғурта захираларининг қисми бўлиб хаёт суғуртасидан ташқари суғурта турлари буйича хисоб-китоб қилинади.

«Суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини шакллантириш хамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисида низоми»га мувофиқ суғурталовчи ўзининг балансида мажбурият ёки актив(шароитдан келиб чиқиб) сифатида акс эттириладиган қуйидаги техник захираларни шакллантиришга мажбурдир:

- ишлаб топилмаган мукофотлар захираси (умумий суғурта сохасида фаолият амалга
оширилганда);
- мукофотлар захираси (хаёт суғуртаси сохасида фаолият амалга оширилганда);
- зарарлар захираси. Суғурта ходисаси оқибатида юзага келган ва суғурта шартномасининг шартлари бўйича қопланиши лозим бўлган зараралар хажмига мувофиқ равишда аниқланади ва қуйидагилардан ташкил топади:

■хабар қилинган лекин, бартараф этилмаган зараралар захираси;

■содир бўлган лекин, хабар қилинмган зараралар захираси;

■Суғурталовчи Давсуғуртаназорат билан келишган холда қўшимча равишда, қуйидаги захираларни ташкил этиши мумкин:

■олдини-олиш чора-тадбирлари захираси;
■халокатлар захираси;
■зарарлиликнинг тебраниши захираси ;
■активларнинг номувофиқлик захираси ;
■бошқа захира турлари.

Инвестициларни уларни турли хил белгилари бўйича туркумлаш ёки таснифлаш мумкин. Уларни таснифлашда турли мақсадлар қўйилади. Масалан, инвестицияларни келажак натижаларини баҳолашда, улар бўйича кутиладиган самараларни аниқлашда, уларни ишлаб чиқаришда иштирокида, уларни соҳа ва йўналишларини аниқлашда ва. ҳ.к. шунга ўхшаш белгилари бўйича уларни батафсил туркимини белгилаш амалда қўланилади.

Кўпгина ҳолларда инвестициялар қуйдаги таснифий белгилар бўйича туркумланади.

1. Инвестицияларни киритиш объектлари бўйича.
2. Инвестицияларни банд қилиш муддатлари бўйича.
3. Реал секторни қайта ишлаб чиқариш бўйича.
4. Инвестицияларни якуний натижалари бўйича.
5. Мулкчилик шакиллари бўйича.
6. Мақсадлар бўйича.
7. Рисклар даражалари бўйича.
8. Инвестицияларни киритиш субъектлари бўйича.
9. Молиявий воситалар турлари бўйича.
10. Молиявий таъминлаш жиҳатлари бўйича.
11. Молиялаштириш манбалари, усуллари ва механизмлари бўйича.
12. Молиялаштириш манбалари , механизмлари ва усуллари бўйича.
13. Инвестиция жараёнини иштирокчилари ва уларни ҳиссалари бўйича инвестициялар таснифланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу: Шахсий суғуртанинг мазмуни ва турлари

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

РЕЖА:

1. Шахсий суғуртанинг моҳияти ва ривожланиш тарихи.
2. Шахсий суғуртанинг турлари.
3. Фуқароларни бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш.

1. Шахсий суғурта – бахтсиз ҳодисалар ёхуд табиий ҳодисалар рўй бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига шикаст етказилиши билан боғлиқ уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган суғуртанинг мустақил тармоғи. Шахсий суғурта фуқаролар бошига кулфат тушганда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, шахсий суғурта ижтимоий ҳимоянинг ҳаётий тажрибада синалган ишончли шаклидир.

Шахсий суғуртанинг, хусусан унинг ажралмас бўғини бўлган фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғуртасининг жорий этилиши бир неча асрлик тарихга эга. 1541 йилда Европада мавжуд бўлган денгиз ҳуқуқи қоидаларига кўра, кема эгалари шу кема капитанларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашлари шарт бўлган.

Шахсий суғуртанинг баъзи белгилари қадимги римликларга ҳам маълум бўлган. Ўша пайтда Диана ва Антони мухлисларининг диний жамияти бўлган. Унга аъзо бўлиб кирган шахслар аъзолик бадалини тўлашган. Жамият аъзоларидан вафот этганда уни кўмиш билан боғлиқ харажатлар жамият ҳисобидан амалга оширилган ва ҳатто, пул маблағларининг муайян қисми вафот этган шахснинг меросхўрларига берилган.

1699 йил Англияда шахсий суғурта билан шуғулланадиган дастлабки суғурта ташкилоти барпо этилган ва у аввало бева аёллар ҳамда етим болаларни суғуртасини амалга оширган. Бу жамиятнинг номи “Экватебл” деб аталган. XVIII асрда эса Германияда суяк синиши ҳолатларидан ҳимоялаш бўйича ўзаро ёрдам уюшмалари ташкил этилган. 1849 йили Англияда темир йўлларда бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича дастлабки «Railway Death Rassengers Company» номли суғурта компанияси тузилди.

Шахсий суғурта бўйича суғурталанувчи сифатида ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Шахсий суғурта – бу инсон ҳаётига, унинг меҳнат қобилияти ва саломатлигига таҳдид соладиган турли хавф-хатарлардан ҳимояланишнинг муҳим шакли.

Ҳозирги пайтда шахсий суғурта суғурта фаолиятининг йирик тармоғи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий давлатларда шахсий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари бошқа суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларига нисбатан юқори салмоққа эга. Масалан, АҚШда жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмида шахсий суғуртанинг ҳиссаси 50,0 фоиздан юқоридир.

Ўтган асрнинг бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Россия суғурта ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатган ва улар аҳолига шахсий суғурта хизматларини кўрсатишган.

1917 йилдан 1990 йилгача мамлакатимизда шахсий суғурталаш ишлари давлат суғурта органлари (Госстрах) томонидан амалга оширилган. Ана шу даврда суғурта шартлари, қоидалари ва тарифлари марказда-Москвада ишлаб чиқилар ва аксарият ҳолларда маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятлар ҳисобга олинмас эди.

1991 йилда Ўзбекистоннинг ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қўлга киритиши ҳаётимизнинг барча жабҳалари қаторида суғурта соҳасини ҳам бозор муносабатлари тамойилларига мос равишда ривожланиши учун шароит яратди. Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодиётда рўй берган кескин ўзгаришлар қисқа муддат бўлсада пулнинг қадрсизланишига, пировардида, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келди. Шубҳасиз, бу ҳолат шахсий суғуртанинг аҳоли ўртасидаги оммавийлигига путур етказди. Натижада, бу суғурта турлари бўйича суғурта шартномалари сони ва суғурта мукофотлари миқдори камайди. Масалан, 1993 йилда шахсий суғуртанинг алоҳида тури бўлган ҳаёт суғуртаси бўйича жами 1770356 дона шартнома тузилган ҳолда бу кўрсаткич 1994 йилда 406864 донага камайган.

Бундай салбий вазиятни олдини олиш ва аҳолининг шахсий суғуртага бўлган ишончини тиклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг омонотлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида” 1995 йилнинг 20 декабрида ПФ № 1327-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, 1996 йилдан бошлаб аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида турган ҳаётни, болаларни суғурта қилиш, никоҳ кунида бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари тўловларини босқичма-босқич индексация қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Давлат суғурта муасасалари томонидан 1996 йилнинг 1 январидан 1 июлигача бўлган муддатда фуқароларнинг 400,0 мингдан зиёд шартномалари индексация қилинди.

Ўзбекистон Республикасида шахсий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг 921-моддасида акс эттирилган. Унга кўра, шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақт-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади. Шунингдек, кодексда шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади, деб кўрсатилган.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

- суғурталанган шахс тўғрисида;
- суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;
- суғурта пули миқдори тўғрисида;
- суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;
- шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

2. Суғурталанувчининг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти билан боғлиқ мулкий манфаатлари шахсий суғуртанинг объекти ҳисобланади. Суғурталовчи ва суғурталанувчилар ҳамда суғурталанган шахслар шахсий суғурта субъектларидир.

Шахсий суғурта, одатда, фуқароларни қуйидаги хавф-хатарлардан ҳимояланишини назарда тутади:

- суғурталанувчининг ёки суғурталанган шахснинг вафот этиши;
- меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотиши;
- нафақа ёшига етиши билан фуқаронинг фаол меҳнат фаолиятини тугаши.

Юқорида қайд этилган ҳамма ҳолатларда суғурта ҳодисасини рўй бериши суғурталанувчининг ёки суғурталанган шахснинг даромадини камайишига сабаб бўлади.

Илмий-иқтисодий адабиётларда шахсий суғурта турлича таснифланади. Мутахассислар ўртасида кенг тарқалган фикрларга кўра, шахсий суғурта 2 та кичик тармоққа бўлинади:

- ҳаёт суғуртаси;
- соғлиқни суғурталаш;

Соғлиқни суғурталаш, ўз навбатида, 2 та гуруҳга бўлинади:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- тиббий суғурта.

Шахсий суғуртани ҳаёт суғуртасига ва соғлиқни суғуртасига бўлинишига асосий сабаб суғурта суммаларини жамғарилиб борилишидир.Ҳаёт суғуртаси узоқ муддатли бўлиб, унда шартнома бўйича белгиланган суғурта суммаси ҳар йили жамғарилиб боради.

Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда суғурта суммалари жамғарилмайди, муддати 1 йилдан ошмайди.

2002 йилнинг 28 майидан эътиборан “Суғурта фаолияти тўғрисида” қонуннинг қабул қилиниши билан суғурта 2 та тармоққа бўлинди:

- ҳаёт суғуртаси;
- умумий суғурта.

Қонунга асосан суғурталовчиларнинг фаолияти суғуртанинг қайси тармоғига ихтисослашганлигига қараб алоҳида лицензияланадиган бўлди. Ҳаёт суғуртасини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган суғурталовчилар умумий суғурта турларини ўтказишга ҳақли эмас ёки аксинча.

Шахсий суғурта ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади.

Ихтиёрий шахсий суғурта турларига қуйидагилар киради:

- ҳаёт суғуртаси;
- фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- фуқароларнинг соғлиғини ва касалликлардан суғурталаш;
- фуқарони маълум ёшгача етишиш суғуртаси;
- вафот этиш ҳолатидан узоқ муддатли суғурта;
- тиббий суғурта;
- чет элга кетувчиларни касалликлардан суғурта;
- мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.

Мажбурий тарзда амалга ошириладиган шахсий суғурта турларига қуйидагилар киради:

- йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш;
- солиқ органлари ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртаси;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртаси.

Мажбурий давлат суғуртасини 2003 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ўтказиб келмоқда. Ушбу суғурта турлари бўйича суғурта тарифи бир суғурталанувчига бир йилга энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида белгиланган. 2005 йил 1 февраль ҳолатига бу сумма 1306 сўмни ташкил этади (2004 йил 1 августдан энг кам иш ҳақи 6530,0 сўм миқдорида белгиланган). Суғурта мукофотлари суғурталанувчи учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари, асосан, қуйидаги суғурта турларини амалга оширишади:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- ихтиёрий тиббий суғурта ва касал бўлиш ҳолатидан суғурта;
- чет элга кетаётган шахсларни суғуртаси;
- ҳаёт суғуртаси.

Юқорида қайд этилган суғурта турлари ичида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш кенг тарқалган бўлиб, улар “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари,

“Мадад” суғурта агентлиги каби бир қатор суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

20012 йил 1 июнь ҳолатига мамлакатимизда 37 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарияти бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, ва фақат 2 таси ҳаёт суғуртаси бўйича тегишли лицензияларга эга.

Суғурта бозорида мижозларни жалб этиш бўйича рақобат бўлганлиги туфайли ихтиёрий шахсий суғурта турлари бўйича тариф ставкалари турличадир. Масалан, “Ўзбекинвест” компаниясида 20-25 ёшлардаги шахсларни 100,0 минг сўмга суғурталаш учун тариф ставкаси ана шу суғурта суммасига нисбатан 1,125 фоизни, ёши 55-60 да бўлган фуқаролар учун эса тариф ставкаси 1,575 фоизни ташкил этади. “Ўзагросуғурта” суғурта компаниясида мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш бўйича тариф ставкаси суғурта суммасига нисбатан 0,2 фоиз миқдорида белгиланган.

“Кафолат” суғурта компаниясида талабаларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғуртаси бўйича тариф ставкаси суғурта суммасига нисбатан 0,5 фоизни ташкил этади.

3. Шахсий суғурта турлари таркибида фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш алоҳида ўринга эга. Шу боис, биз ушбу суғурта тури билан яқиндан танишамиз. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш бўйича шартнома қонунга кўра юридик ва жисмоний шахсларни ёзма аризаси асосида тузилади. Шартнома тузишдан олдин суғурта ташкилоти ўз мижозларига суғурта хизматини таклиф этади. Юридик ва жисмоний шахслар суғурта шартномаси тузишдан олдин албатта суғурталовчининг молиявий ҳолати, лицензияси мавжудлиги билан қизиқиши лозим.

Суғурта шартномаси тузишдан олдин суғурта ташкилоти вакили суғурталаётган шахсларни фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш қоидалар билан таништириши лозим. Мазкур суғурта тури бўйича фуқароларни бахтсиз ҳодиса рўй бериш натижасида соғлиғи ва ҳаётини сақлаш билан боғлиқ манфаат суғурта объекти ҳисобланади. Суғурталовчи, одатда, асаб ва рухий касалликка дучор бўлган, фалаж, кўзи ожиз шахслар, эшитиш қобилияти заиф бўлган ва ногирон шахслар билан суғурта шартномасини тузмайди.

Суғурталанган шахснинг ҳаётига ва соғлиғига қуйидаги бахтсиз ҳодисаларни рўй бериши натижасида шикаст етганда ва тасдиқланганда суғурта суммалари берилиши мумкин:

- жароҳат олганда;
- суякларни синиши, чиқиши;
- ички органларни зарарланиши;
- куйиши;
- тери қатламларини совуқ уриши;
- элект токи таъсирида жароҳатланиши;

- кимёвий моддалар ва зарарли ўсимлик таъсирида зарарланиши;
- тиш синиши.

Бундан ташқари юқорида қайд этилган ҳолатлар натижасида ўлим холати юз берганда хам суғурта суммаси тўланади.

Қуйидаги ҳодисаларни рўй бериши оқибатида суғурталанган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилса ёхуд ўлимга олиб келса суғурта суммаси тўланмайди:

- ядро портлаши;
- радиация ва нурланиш;
- суғурталанган шахснинг атайин ҳатти-ҳаракати натижасида бахтсиз ҳодисалар юз берганда, ўз жонига қасд қилганда ва жиноий ҳаракатлар натижасида рўй бериши.

Суғурта мукофоти суғурта ташкилотининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг у шартномада кўрсатилган муддат ичида фуқароларга суғурта полисини бериши шарт. Агар суғурта полиси йўқотилган тақдирда суғурта ташкилоти суғурталаган шахсга унинг дубликатини беради.

Суғурталанувчиларнинг ҳуқуқлари:

- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталанган шахс суғурта ташкилотидан суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар олиши;
-суғурта полиси йўқотилганда унинг дубликатини олиш.

Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда суғурталанган шахслар яна қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- суғурта суммасини олишда низолар пайдо бўлганда мустақил экспертни жалб этиш;
- суғурталанувчи билан келишилган ҳолда амалдаги суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасини муддатдан олдин бекор қилиш.

Суғурталанувчи мажбуриятлари:

- суғурта шартномасида кўрсатилган муддат ва шартларда суғурта мукофотларини тўлаш;
- суғурталанган шахсларга суғурта шартномаси шартлари тўғрисида маълумотлар бериш.

Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

-суғурта ҳодисалари суғурталовчи томонидан тан олинмаганда суғурта суммаларини тўламаслик;
- суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта мукофоти тўланмаса суғурта шартномасини бекор қилиш.

Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш қоидалари ва суғурта шартномаси шартлари билан суғурталанувчини таништириш;
- суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта полисини бериш;
- суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта суммасини тўлаш;

- суғурта суммасини тўлашдан воз кечилганда, у ҳолда 10 кун муддатда суғурталанувчига ёзма равишда хабар бериш.

Суғурта ҳодисаси рўй берганда бу ҳақида суғурталанган шахслар қисқа муддатда суғурталовчига хабар бериши лозим. Бахтсиз ҳодиса рўй берганда суғурталанган шахслар суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- суғурта полиси;
- даволаш профилактика муассасидан бахтсиз ҳодиса натижасида суғурталанган шахснинг даволанганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

Зарурият бўлганда суғурталовчи суғурта суммасини тўлаш масаласини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни сўрашга ҳам ҳақли.

Бахтсиз ҳодисалар рўй бериш натижасида ўлим ҳодисаси рўй берганда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- суғурта полиси;
- ФХДЁ бўлимидан ўлим ҳолати рўй бергани тўғрисида маълумотнома;
- меросхурлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

агар ўлим ҳодисаси йўл-транспорти натижасида рўй берган бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлиги органидан олинган маълумотнома

- шахсни тасдиқловчи ҳужжат.

Суғурталовчи зарурият бўлганда юқоридаги ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни сўрашга ҳам ҳақли.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу : Мол-мулк суғуртаси

Кафедранинг 2013 йил “___” _____ ___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К., Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

РЕЖА:

1. Умумий суғурта тармоғининг мол-мулкларни суғурталашга оид класслари.
2. Юридик шахслар мол-мулкини суғуртасида иштирок этаётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Суғурта ҳодисаси юз берганда томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш.

1. Юридик шахсларнинг мол-мулкини суғурталаш суғурта ташкилотлари томонидан "Суғурта фаолияти классификатори"га мувофиқ, умумий суғурта тармоғининг 8-класси - "Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш"да қайд этилган шартларда, яъни ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари асосида амалга оширилади. Шунингдек, мазкур классификаторнинг 9-класси ҳам мол-мулкларни суғурта қилишга оид бўлиб, у "Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш" деб аталади. 9-класснинг мазмуни 8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жамидан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юридик шахсларнинг мол-мулкини суғурта қилиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8 ва 9-класслар бўйича лицензия олган барча суғурта ташкилотлари ҳақлидир.

Юридик шахсларнинг мол-мулкини суғурта қилиш суғурталовчилар билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Суғурта шартномаси - томонларнинг аниқ юридик ва молиявий муносабатларини белгилаб берувчи хужжатдир. Шартномада франшиза қўлланилиши мумкин. Франшиза-юридик шахслар кўрган зарарнинг муайян қисми бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта ташкилоти ана шу қисм доирасида жавобгар бўлмайди ва у тўланиши керак бўлган суғурта қопламасидан чегириб ташланади.

Суғурталовчи юридик шахсларга тегишли мол-мулкларни ёнғин, зилзила, тошқин, сув босиши, кўчки, бўрон, ер чўкиши, ички санитария техникаси тизимлари бузилиши натижасида тўлиқ ёки қисман нобуд бўлганда суғурта қопламасини, суғурталанувчи бўлган юридик шахслар эса суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш ва шартноманинг бошқа шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мана шу қайд этилган ҳолатлар суғурта ташкилоти ва юридик шахслар ўртасида мол-мулкни суғурталаш бўйича тузилган шартноманинг предметини ташкил этади.

Сутурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти сутурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган пайтдан эътиборан кучга киради. Сўнг

суғурта полиси суғурталанувчига шартномада кўрсатилган муддат ичида берилади.

2. Юридик шахсларнинг ҳамда суғурталовчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади.

Суғурталанувчи бўлган юридик шахсларнинг мажбуриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Суғурта объектини кўздан кечириш учун имконият яратиб бериш;
- Суғурта мукофотларини ўз вақтида тўлаш;
- Шартнома тузилаётганда суғурталовчига суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамият касб этувчи ўзига маълум барча ҳолатлар ҳақида, шунингдек мазкур суғурта объекти бўйича тузилган ёки тузилажак ҳамма суғурта шартномалари тўғрисида маълумот бериш;
- Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанган мулкига зарар етказилишининг олдини олиш ва зарарни камайтириш учун зарур чораларни кўриш ва суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида суғурта шартномасида кўрсатилган муддатларда хабар бериш.

Юридик шахслар суғурталанган мулкини кўздан кечириш учун суғурталовчига тақдим қилиши ёки мулкнинг барча зарарланган қисмларининг фотосурати ёки видео суратини олдириши ва тиклаш ишлари бошлангунга қадар ўзи қиладиган ишларни суғурталовчи билан келишиб олиши керак.

Юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- бутун мулкни ва айрим объектларни томонларнинг қўшимча келишуви ёки янги суғурта шартномаси шартлари асосида қўшимча суғурталаш;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;
- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари борасида маслаҳатлар олиш;
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

Юридик шахслар олдида суғурта шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисини бериш ва шартнома тузишда асосланилган суғурталаш қоидалари билан таништириш;
- суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома асосида суғурта қопламаси тўлаш;
- суғурталанувчи билан бўладиган муносабатларда маҳфийликни таъминлаш.

Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- агар суғурта ҳодисаси:

а) суғурталовчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқариш учум атайлаб қилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида юз берган бўлса;

б) суғурталанувчи таваккалчиликдаги жиддий ўзгаришлар ҳақида суғурталовчини бохабар қилган бўлмаса;

в) суғурталанувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига хабар бермаган ёки етказилган зарар тафсилотлари, тури ва миқдорини аниқлашда суғурталовчи ёхуд унинг вакили иштирок этишига тўсқинлик қилган бўлса;

г) суғурталанувчи зарарни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, суғурта товони тўлашни рад этиш;

- суғурта шартномасининг муддати мобайнида суғурталанган мулкнинг аҳволи ва қийматини, шунингдек суғурталанувчи ўз мулки ҳақида маълум қилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш;
- суғурталанувчидан суғурта ҳодисаси ҳақида хабар келишини кутиб ўтирмасдан, суғурта ҳодисаси етказган зарарни кўздан кечириш ва баҳолашга киришиш;
- суғурта ҳодисаси юз бериш хавфининг даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Суғурталанувчи бўлган юридик шахслар суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатда тўламаганда шартнома юридик кучини йўқотиши мумкин.

Агар суғурталанган мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишига қуйидагилар сабаб бўлса суғурта ташкилоти суғурта жавобгарлигидан озод этилиши мумкин:

а) суғурталанувчининг мажбуриятлари кучга киргунга қадар мулкда мавжуд бўлган ҳамда суғурталанувчи ёки унинг вакилларига маълум бўлган камчилик ва нуқсонлар;

б) суғурталанган мулкдан фойдаланиш қоидаларининг суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан бузилиши натижасида зарар етказилиши;

в) суғурталанувчининг ёки унинг шартнома бўйича суғурталанган мулк ишониб топширилиши мумкин бўлган ходимларидан, вакилларидан ёки бошқа шахслардан бирининг эҳтиётсизлиги, виждонсизлиги, носамимийлиги, шунингдек мулкка мулкдорлик ёхуд эгалик ҳуқуқининг қаллоблик йўли билан бошқа шахсга ўтказилиши;

г) доимий таъсир кўрсатувчи фойдаланиш омиллари (эскириш, занглаб чириш) ва об-ҳаво омиллари таъсирида ёхуд суғурталанган нарсалардан фойдаланмаслик оқибатида аста-секин зарарланиш;

д) суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;

е) енгил алангаланадиган модда ва материалларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;

з) суғурталанувчи зарарланган нарсаларни ёки уларнинг қолдиқларини суғурталовчига кўрсатишдан бош тортган тақдирда, бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган нарсалар бундан мустасно дир;

и) уруш ёки уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилингани-қилинмаганидан қатъи назар), ғалаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, ноқонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш, суиқасд, қўпорувчилик ҳаракати, амалда ёки қонуний мавжуд бўлган ҳукуматнинг ёки бирор ҳокимият органининг

фармойиши билан мусодара қилиш, реквизиция, бузиш ёки зарарлантириш, ядро реакцияси, ядро нурланиши ёхуд радиоактив зарарланиш.

Ички санитария техникаси тизимлари бузилганда қуйидаги:

а) агар фалокат суғурталанувчининг эҳтиётсизлиги ёки ношуд ҳатти-ҳаракатлари туфайли юз берган;

б) башарти фалокат учинчи шахсларнинг атайлаб қилган ёки атайлаб қилмаган хатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган ҳолларда суғурта ташкилоти етказилган зарар учун жавоб бермайди.

3. Суғурта қопламаси суғурта-ланувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги ёзма аризаси, шунингдек, ваколатли органлардан олинган тегишли ҳужжатлар асосида тўланади. Бундай ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги суғурталовчига ушбу ҳужжатлар билан тасдиқланмаган зарар учун товон тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси содир бўлгани ҳақида ариза бергач, комиссия тузилиб, унинг таркибига суғурталанувчининг, суғурталовчининг, зарур ҳолларда эса ваколатли ташкилотларнинг ҳам вакиллари киритилади.

Комиссия муайян муҳлат ичида зарарланиш сабаблари ва микдорини аниклайди. Комиссия суғурта ҳодисасини эътироф эттан тақдирда йўқотиш ва зарарлар микдори, шунингдек тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасининг микдори аниқланади. Томонлар буни далолатномада қайд этадилар.

Мазкур далолатнома суғурталанувчига суғурталовчи томонидан сутурта товони тўланиши учун асос бўлади.

Зарар сабаблари ва микдори хусусида томонлар ўртасида низолар пайдо бўлган ҳолларда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

Суғурталанувчи зарарни қоплаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

-суғурта ҳодисаси юз берган сана ва унинг тавсифи;

-суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталанувчи қилган ишлар;

-зарар миқдори ва суғурталанувчи даъво қилаётган суғурта товонининг миқдори. Бунда тегишли рўйхат ва сумма кўрсатилиши керак;

-зарарни қоплаш учун учинчи шахслардан олинган товон микдори.

Мабодо зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суд қарорига кўра зарар айбдор шахс томонидан қопланадиган бўлса суғурталанувчи суғурта товони олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қуйидаги ҳолларда суғурта товони тўланмайди:

-агар суғурталанувчи зарар етказилишига олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни атайлаб ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли содир этган ёки уларга йўл қўйган бўлса;

-башарти зарар келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширилаётган бўлса, текширув тамом бўлгунга қадар.

Мабодо суғурталанувчи ёки наф олувчи шахс зарар учун айбдор ёки учинчи шахслардан товон олган бўлса, суғурталовчи суғурта шартларига

кўра тўланиши лозим бўлган пул билан айбдор ёхуд учинчи шахслардан олинган пул ўртасидаги фарқнинг ўзини тўлайди.

Шартнома имзолагандан сўнг таваккалчилик даражасида рўй берган ва суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини оширадиган барча ўзгаришлар суғурталовчига суғурта шартларини ўзгартириш ҳамда қўшимча суғурта мукофоти тўланиши талаб қилиш ҳуқуқини беради. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлашдан бош тортган тақдирда мазкур шартнома юридик кучини йўқотади, тўланган суғурта мукофоти эса қайтариб берилмайди.

Шартномада келишилган зарарларни қоплаш учун суғурталовчи томонидан амалга оширилган ҳар бир тўлов мажбуриятлар чегарасини ана шу тўлов микдорида, аммо агар масъулият чегарасини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, далолатномада қайд этилган зарар микдоридан кўп бўлмаган ҳажмда камайтиради.

Шартнома томонлар унда курсатилган мажбуриятларини бажармай қўйгунларига қадар кучда бўлади.

Томонлардан бирининг камида 30 кун олдин бериладиган ёзма аризасига биноан шартнома исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Агар суғурталанувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишини маълум қилса, суғурта мукофоти унга қайтарилмайди.

Суғурта шартномаси бекор қилинишини суғурталовчи талаб этган тақдирда:

а) суғурталанувчига суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб микдорда қайтарилади, бунда ўтган даврда қилинган харажатлар суғурта мукофотидан ушлаб қолинади;

б) башарти суғурта шартномаси бекор қилинишининг талаб этилишига ушбу шартномада келишилган шартларнинг суғурталанувчи томонидан бузилиши сабаб бўлса, фақат суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб микдорда қайтарилади.

Суғурта товони тўлаш ҳақида далолатнома тузилгандан кейин суғурталанувчининг зарар етказилиши учун жавобгар шахсларга нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўланган пул микдорида суғурталовчига ўтади. Суғурталанувчи зарар етказган шахсга бўлган даъвосидан ёки унга нисбатан бўлган талабларнинг амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечганда, шунингдек регресс талабни қўйиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни суғурталовчига беришдан бош тортганда суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек пролонгация, бекор қилиш ёки тўхтатиш томонларнинг розилиги билан ўзаро хабар берилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилмоғи даркор.

Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи барча низо ва келишмовчиликлар томонларнинг музокара олиб бориши йўли билан ҳал этилади, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса тегишли муддат ичида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қараб чиқиш учун хўжалик судига оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу : Жавобгарлик суғуртаси ва уни ўтказиш тартиби

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

РЕЖА:

1. Жавобгарлик суғуртасида суғурта объекти ва субъекти. Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг зарурлиги ва асосий шартлари ва суғурта тарифи.
2. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг мохияти ва уни амалга ошириш тартиби.
3. Касбий жавобгарликни суғуртаси ҳақида тушунча. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартнома тузиш.
4. Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғуртаси бўйича суғурта тарифини аниқлаш ва суғурта даъволарини кўриб чиқилиши.
5. Аудиторнинг касбий жавобгарлигини суғуртаси бўйича суғурта тарифларини аниқлаш ва суғурта даъволарини кўриб чиқилиши.

1. Бозор муносабатлари шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг учинчи шахслар манфаатига зарар етказиш хавфи кучаяди. Бу хавфнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарар етказган шахсларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Ана шундай жавобгарликни суғурта қилишнинг кенг тарқалган турларидан бири – транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахсларга зарар етказиш фуқаролик жавобгарлигини суғурталашдир.

Маълумки транспорт юқори хавфни келтириб чиқарувчи манбалардан бири ҳисобланади.

Траспорт ҳайдовчиси транспорт воситасини бошқариш жараёнида учинчи шахсларнинг муайян манфаатларига, соғлиғига зарар етказиши мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган шахслар, кўп ҳолатларда айбдорлардан зарарни ундириб ололмайдилар. Ғайри қонуний ҳаракат туфайли юридик ёки жисмоний шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган айбдор шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонун ҳужжатларида зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Зарар етказган шахс агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа зарарни тўлашдан озод этилиши мумкин.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасининг доимо ошиб бориши транспорт воситаларининг янада такомиллашиши жаҳонда автомобиллар сонининг мунтазам ўсишига олиб келаяпти.

Афсуски транспорт воситалари сонининг кўпайиши салбий оқибатларга олиб келади. Яъни, йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ/

Ҳозирги шароитда юридик ва жисмоний шахсларнинг учинчи шахслар манфаатига зарар етказиш хавфи кучаймоқда. Бу хавфнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарар етказган шахсларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Ана шундай жавобгарликни суғурта қилишнинг кенг тарқалган

турларидан бири – транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахсларга зарар етказиш фуқаролик жавобгарлигини суғурталашдир.

Маълумки транспорт юқори хавфни келтириб чиқарувчи манбалардан бири ҳисобланади.

Траспорт ҳайдовчиси транспорт воситасини бошқариш жараёнида учинчи шахсларнинг муайян манфаатларига, соғлиғига зарар етказиши мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган шахслар, кўп ҳолатларда айбдорлардан зарарни ундириб ололмайдилар. Ғайри қонуний ҳаракат туфайли юридик ёки жисмоний шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган айбдор шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонун ҳужжатларида зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Зарар етказган шахс агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа зарарни тўлашдан озод этилиши мумкин.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасининг доимо ошиб бориши транспорт воситаларининг янада такомиллашиши жаҳонда автомобиллар сонининг мунтазам ўсишига олиб келаяпти.

Ўзбекистон Республикасида енгил автобил ишлаб чиқариш саноатининг саноатининг ривожланиши маълум бир маънода транспорт воситалари суғуртасини ҳамда транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасини ривожланишига ва суғурта компанияларига маълум бир маънода аниқ вазифаларни юклаши табиий албатта. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Республикамиз худудида енгил автомобиллар сонининг кескин равишда ўсиб бориши жамиятимиз ва унинг вакиллари учун фойдали ҳисобланади. Лекин шу билан бир қаторда шуни унутмаслик керакки, автотраспорт сонинг кескин равишда ортиб бориши ўз-ўзидан йўлларимиз ҳудудида ҳунук ва нохуш ходисаларни юзага келтириши мумкин.

Барчамизга маълумки 2008 йил 22 октябрда Ўзбекистонда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. 2009 йилнинг 22 январидан бошлаб транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш (ФЖМС) полисига эга бўлмаганлар, энг кам иш ҳақи миқдорида, мансабдор шахслар эса энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида жарима тўладилар.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда жабрланувчининг мулкига зарар етганда энг кўпи билан $1050, жабрланувчининг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етганда эса энг кўпи билан $1950 миқдордаги маблағни кўзда тутади. Суғурта қопламаси суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига етказилган зарар миқдорида, лекин юқорида қайд этилган қийматдан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

Бунда ўз-ўзидан нега зарарнинг барчаси тўланмайди деган савол туғилади? Зарарнинг ҳаммаси ҳам қопланиши мумкин, лекин бунинг учун суғурталанувчи мажбурий суғуртадан ташқари фуқаролик жавобгарлигини

ихтиёрий суғурталаш полисига эга бўлиши керак. Чунки етказилган зарар ўрнатилган лимитдан юқори бўлиш ҳолатлари ҳам кам эмас.

Масалан, суғурталанувчи фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш полисига эга бўлса, Қонунга мувофиқ жабрланувчининг мулкига зарар етказилганда суғурта қопламаси $1050га тенг миқдорда чегараланади, етказилган зарар миқдори $3000 ни ташкил этади. Бу ҳолда суғурта компанияси фақат кўзда тутилган $1050 ни тўлайди, қолган қийматни эса суғурталанувчи ўз ёнидан тўлашига тўғри келади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурта полиси қиймати биринчи навбатда транспорт воситасининг тури ва қувватига боғлиқ (йиллик база ставкаси). Масалан, енгил авомобиль двигателининг ҳажми, автобус ва микроавтобуснинг йўловчи сиғими, юк автомобилининг юк кўтариш қобилияти қанчалик катта бўлса, полис нархи ҳам шунча юқори бўлади.

Кейин қуйидагиларга кўра суғурта полиси нархини орттирувчи ва пасайтирувчи коэффицентлар қўлланилади:

- транспорт воситаси рўйхатга олинган жой;
- транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахслар сони;
- ўтган давр ва ҳайдовчи стажи давомида суғурта ҳодисаларининг рўй берган ёки бермаганлиги;
- транспорт воситасидан фойдаланишнинг мавсумийлиги;
- қоида бузиш ҳолатларининг мавжудлиги;
- ҳайдовчининг ёши.

Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича максимал суғурта мукофоти йиллик база ставкасига мувофиқ равишда унинг беш баробаридан юқори бўлмаслиги керак.

Шунга кўра, агар суғурталанувчи, масалан, дивигател ҳажми 1200-2000 $см^3$ атрофида бўлган енгил автомобил эгаси бўлса ва ундан такси сифатида фойдаланилмаса, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг йиллик полиси миқдори юқорида қайд этилган омилларга кўра $10,8 дан $67,5 гача бўлган қийматни ташкил этади.

Шу билан бирга, 1941-1945 йилги уруш қатнашчилари ёки партизанлари ёҳуд уларга тенглаштирилган шахслар, 1941-1945 йилдаги уруш даври меҳнат фахрийлари, болалигида ота-оналаридан бири ёки қайта турмушга чиқмаган бева аёл билан бирга концентрацион лагерда бўлган собиқ асирлар, харбий хизматни ўташ чоғида ярадор, контузияси ёки ногирон бўлган ва шунинг натижасида ҳаок бўлган ёки фронтда орттирилган касаллик оқибатида вафот этган харбий хизматчиларнинг фарзандлари, Чернобиль АЭСидаги авария натижасида жабрланганлар, нафақадагилар ва ногиронлар учун суғурта мукофоти нархининг 50 фоизи миқдорида чегирма белгиланади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурталанувчи йўл-транспорт ҳодисаси айбдори бўлиб қолса ва учинчи бир шахсга зарар етказса, бундай вақтда

суғурталанувчи ёки суғурталанувчининг ваколатига эга бўлган шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўгандан сўнг 72 соатдан кечигмаган ҳолда суғурта компаниясининг, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳодиса содир бўлган ва транспорт воситаси рўйхатга олинган худудлардаги бўлимларини ёзма равишда воқеадан хабардор қилиши лозим.

Шунингдек, суғурта компаниясига суғурта полисининг асли ёки нусхасини илова қилган ҳолда суғурта тўловини тўлаш ҳақидаги ариза, етказилган зарар факти ва миқдорини, мулкка етказилган зарар вақти ва миқдорини, жабрланувчининг шахсини, ворислик ёки ҳуқуққа эгаликнинг кучга киришини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек, ворисларнинг шахсини ва ҳуқуққа эгаликнинг давлат рўйхатидан ўтганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Ўз навбатида, суғурта компанияси 15 кун муддатдан кечиктирмаган ҳолда суғурта қопламасини тўлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши ва ўз қарорини суғурталанувчига маълум қилиши шарт. Суғурта қопламаси тўлаш рад қилинганда, рад қилиш тўғрисидаги қарорда асословчи далиллар кўрсатилган бўлиши шарт.

Суғурталанувчи, биринчи навбатда, ўз ташаббуси ёки суғурта компаниясининг талаби билан зарарланган мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиш ҳолатларини аниқлаш ва қопланиши талаб этиладиган зарар миқдорини аниқлаш мақсадида кўриб чиқиш ва мустақил экспертизадан ўтказиш учун суғурта компаниясига тақдим этиши шарт.

Суғурта компанияси эса, ўз навбатида, агар ўзаро ёзма равишда бошқа муддат келишилмаган бўлса, зарарланган мулк ёки унинг қолдиқларини беш кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида кўриб чиқиши ва мустақил экпертизаси ўтказиши даркор.

Суғурта компанияси зарланган мулкни ёки унинг қолдиқларини кўриб чиқмаса ва юқорида қайд этилган муддат ичида мустақил экспертиза ўтказмаса, суғурталанувчи шундай экспертизани мустақил равишда ташкил этиши мумкин.Бундан ташқари, бундай ҳолда суғурталанувчи суғурта компаниясига зараланган мулк ёки унинг қолдиқларини тақдим этмасликка ҳақлидир, суғурта компанияси эса мазкур мустақил экспертиза натижаларига эътироз билдириши мумкин эмас.

Суғурта тўлови учун асос бўлган мустақил экспертиза қиймати суғурта компанияси томонидан қопланувчи зарар таркибига киритилади, аммо ҳар қандай тақдирда ҳам умумий тўлов ўрнатилган суғурта суммасидан ошмаслиги керак. Шуни унутмаслик керакки, суғурта қопламасини тўлаш суғурта компанияси томонидан зарарнм қоплаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин 5 кундан кечиктирмай амалга оширилади

Бошқа вариант. Мижоз жабрланувчига етказган зарарни ўз ёнидан тўлайди, суғурта компанияси эса ўрнатилган лимит (суғурта миқдори) доирасида мижознинг харажатини қоплайди. Аммо шарти шундаки, бу ишни мижоз ўз суғурта компаниясининг ёзма розилиги асосида амалга оширган бўлса ва унга етказилган зарарни қоплаганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган бўлиши керак. Агар мижоз зарарни қисман қоплаган бўлса,

суғурта компанияси суғурта тўловининг тегишли қисмини мижозига, қолган қисмини эса жабрланганга (унинг вориси ёки ҳуқуқа эгалик қилувчи шахсга) юқоридаги шартга асосан тўлайди. Яна бир вариант мавжуд. Жабрланувчи ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мулкига етказилган зарарни қоплашни сўраб ёзма равишда ўзи полис олган суғурта компаниясига мурожат қилади. Ўз навбатида, ушбу компаниянинг суғурта қопламасини тўлаш билан боғлиқ барча ҳаражатларини қоплайди. Бу суғурта ҳолати зарарни бевосита бартараф этиши деб аталади. Таъкидлаш жоизки, суғурта компанияси мижозининг ташаббуси ёки суғурта компаниясининг талаби билан қабул қилинган зарарни бартараф этиш ёки камайтириш бўйича кечиктириб бўлмас чоралар билан боғлиқ мижознинг барча талаб қилинган ва исботланган (суд харажатлари, жарималар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлардан ташқари) харажатларини қоплайди.

Мамлакатимиз суғурта тарихида шу кунга қадар ушбу суғурта тури бўйича фаолият юритувчи бирор суғурта компаниясининг банкротга учраш ҳолати кузатилмаган. Аммо шунга қарамай, келажакда бу ҳолатнинг юзага келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси бугунги кунда хизмат бурчини бажараётган пайтида жароҳат олган ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кўзда тутади. Меҳнат Кодекси иш берувчининг ходимига етган зиён учун жавобгар эканини белгилаган. Маълумки, Меҳнат Кодексининг 189- ва 192-моддаларига биноан, иш берувчи олган жароҳати, касб касаллиги ёки меҳнат жараёни билан боғлиқ равишда соғлиғига етган зарарни, шунингдек боқувчисини йўқотганлик учун етган зарарни белгиланган тартибда тўлиқ қоплаши шарт.

Кўриниб турибдики, хизмат бурчини ўтаётган пайтда жароҳат олган ходимларни моддий жиҳатдан ҳимоялаш иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади. Ходимнинг хизмат бурчини ўтаётган пайтда олган жароҳати учун иш берувчи жавобгар ҳисобланади.

Шу билан бирга, иш берувчи қоплаши керак бўлган зарар ҳажми доим ҳам иш берувчининг молиявий имкониятларига мос келавермайди ёки иш берувчининг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки иш берувчи қоплаши керак бўлган зиарар ҳажмига бир вақтда ва ҳар ойда тўланиши керак бўлган конпенсация тўловлари кириши мумкин. Масалан, Меҳнат Кодексининг 190-моддасига биноан, ходимнинг соғлиғига етган зарар учун қопланиши керак бўлган маблағ ходим жароҳат олган вақтга қадар олган ойлик ўртача иш ҳақига қўшимча равишда, ходим олган жароҳат даражасига қараб белгиланган ойлик фоиз, жароҳат олиши билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш, шунингдек, бир марталик нафақа кўринишидаги тўловдан иборат. Бир марталик нафақа ҳажми жамоа шартномасида, агар шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда жароҳат олган ходимга тўланадиган бир марталик нафақа ҳажми жарохатланган ходимнинг бир йиллик ўртача иш ҳақидан кам

бўлмаслиги, ҳалок бўлган ходимнинг оила аъзоларига бериладиган бир марталик нафақа ҳажми эса халок бўлган ходимнинг олтита ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Шу муносабат билан, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун барча иш берувчиларга уларнинг ходимлари хизмат бурчини ўтаётган пайтда ҳаёти ёки саломатлигига зиён етган тақдирда мажбурий тарзда суғурта ҳимоясини тақдим этишни кўзда тутади.

Қонун ходимларнинг хизмат бурчини ўтаётган пайтда ҳаёти ёки саломатлигига зиён етиши ёки касб касаллигига учраши, ҳалок бўлиши ёҳуд касб касаллиги оқибатида вафот этиши боис иш берувчининг жавобгарлиги юзага келган ҳолларда суғурта компаниялари томонидан даврий ва бир марталик тўловларни тўлаш учун зарур маблағларни тўлашларини таъминловчи мураккаб тизим учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли мулкчилик шаклидаги 34 та суғурта компанияси фаолият кўрсатмокда. Жумладан, “Ўзбекинвест” ЭИМСК жадал ривожланаётган суғурта компанияларидан биридир. 1994 йилда ташкил этилган ушбу компания бугун барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида кенг ҳудудий филиаллар тармоғига ва суғурта бўлимларига эга.

Суғурта қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Умумий суғурталаш” нинг 17 тоифаси бўйича суғурта қилиш ва қайта суғурталаш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берадиган лицензиясига эга ушбу компания асосий эътиборини бугунги кундаги долзарб вазифа – иш берувчининг фукаролигини мажбурий суғурта қилиш кўламини кенгайтиришга қаратмоқда.

Суғуртанинг ушбу турининг мажбурийлиги биринчи навбатда мамлакатнинг барча иш берувчиларини қамраб олиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида суғуртанинг ушбу тури бўйича минимал суғурта тарифларини қўллаш имконини яратади. Моҳиятан, мажбурий суғуртанинг бу тури мамлакат иш берувчилари ўртасидаги жабр кўрган иш берувчилар кўрган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган маблағларни қайта тақсимлаш механизми сифатида иш кўради.

Бу механизм биринчи навбатда жабр кўрган ходимлар кўрган зарарни қонунда белгиланган суғурта суммаси доирасида қоплаш кафолатини таъминлайди. Иккинчидан, мажбурий суғурта иш берувчи ўзининг жабр кўрган ходмига зарарни қоплаб берганда ҳам молиявий барқарорлиги сақланиб қолиши ва иш берувчининг фаолиятини қўллаб-қувватловчи реал усул бўлиб хизмат қилади.

Мазкур суғурта турига асосан иш берувчи, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш шартномаси бўйича суғурталовчи, аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи ушбу мажбурий суғурта турининг субъектлари саналади. Жисмоний шахс билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс иш берувчи деб тан олинади.

Меҳнат жароҳати, касб касаллиги ёки хизмат бурчини бажараётган вақтда саломатлигига зиён ктиб, суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим жабрланувчи ҳисобланади.

Наф олувчи – ходим ўз хизмат бурчини ўтаётган вақтда ҳалок бўлган ҳолларда суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Масалан, ҳалок бўлганннинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар, шунингдек, ўн олти ёшга етмаган фарзандлари, отасининг ўлимидан кейин туғилган боласи, ҳалок бўлган кишининг ишламайдиган ё бўлмаса, болалар тарбияси билан банд бўлган хотини (ёки эри), ёки ҳалок бўлган кишининг фарзандлари, уч ёшга етмаган ука ва сингиллари, набираларини тарбиялаётган оиланинг бошқа аъзоси ёки ҳалок бўлганнинг ўлими кунида унинг қарамоғида бўлиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Меҳнат жароҳати, касб касаллиги ёки хизмат бурчини бажараётган вақтда саломатлигига зиён ктиб, суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим жабрланувчи ҳисобланади.

Наф олувчи – ходим ўз хизмат бурчини ўтаётган вақтда ҳалок бўлган ҳолларда суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Масалан, ҳалок бўлганннинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар, шунингдек, ўн олти ёшга етмаган фарзандлари, отасининг ўлимидан кейин туғилган боласи, ҳалок бўлган кишининг ишламайдиган ё бўлмаса, болалар тарбияси билан банд бўлган хотини (ёки эри), ёки ҳалок бўлган кишининг фарзандлари, уч ёшга етмаган ука ва сингиллари, набираларини тарбиялаётган оиланинг бошқа аъзоси ёки ҳалок бўлганнинг ўлими кунида унинг қарамоғида бўлиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурталовчи умумий суғурта соҳасида фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномалари ёки аннуитет шартномаларини тузиш, иш берувчи ёки жабрланувчи (наф олувчи)ларнинг суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги талабларини белгиланган тартибда кўриб чиқишга ваколатланган алоҳида бўлинмаларга эга бўлиши керак. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчиларга ҳам шунга ўхшаш талаблар қўйилган. Ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритиётган суғурталовчилар аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчилар сифатида иш кўришлари мумкин.

Юқорида кўрсатилган суғурта субъектларининг мажбурий суғуртанинг ушбу турини амалга ошириш чоғида ўзаро муносабатда бўлиш тартиблари ва шартлари Қонунда белгилаб қўйилган. Суғурта субъектлари ўзаро муносабатлари тартиби ва шартлари мажбурий суғурталашнинг иш механизмини ташкил этади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш жараёнини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич мажбурий суғурта шартномаси имзоланган пайтдан суғурта ҳодисаси содир бўлган кун ёки мажбурий суғурта шартномаси тугаган санагача давом этади.

Иккинчи босқич мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юзага келган пайтдан бошланади.

Биричи босқич суғурта муносабатларида фақат суғуртанинг ушбу турини амалга оширган суғурталовчи ва иш берувчи каби субъектлар қатнашади. Мазкур босқичда мажбурий суғурта шартномаси тузилади ва суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта мукофоти тўланади. Суғурта шартномасига биноан, суғурталовчи келишилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта ҳодисаси юзага келганда иш берувчи ва жабрланувчи, ёки наф олувчига суғурта шартномасида келишилган суғурта суммаси доирасида суғурта тўловларини тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Таъкидлаш керакки, мажбурий суғурта шартномасининг асосий шартлари Қонуннинг ўзи билан мувофиқлаштирилади. Мазкур шартлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 177-сонли Қарори билан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш Қоидалари тасдиқланган.

Ушбу Қоидалар мажбурий суғурталашнинг мазкур турини амалга оширишнинг умумий қоидалари, суброгация, суғурталовчини алмаштириш ёки аннуитетлар шартномасига кўра суғурталовчини ўзгартириш, якуни қоидалар каби умумий шартларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, Қоидалар фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасига тегишли шартларни ҳам ўз ичига олади. Бу шартлар мажбурий суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш ва муддатидан аввал бекор қилиш, суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва уни тўлаш қоидалари, мажбурий суғурта шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш тартиби, кўрилган зарар ҳажмини аниқлаш ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қопламасини тўлаш, шунингдек, аннуитетлар шартномасига тегишли, аннуитетлар шартномасини тузиш тартибини белгиловчи шартлар, суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва аннуитетлар шартномаси бўйича қайтариб сотиб олиш суммаси, аннуитетлар шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажзбуриятлари, аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар шаклида суғурта қопламаларини тўлаш тартиби, аннуитетлар шартномасини ўзгартириш ва муддатидан аввал бекор қилиш тартибидан иборат.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси ошкора шартнома ҳисобланади ва бир йил муддатга тузилади. Лекин агар иш берувчининг фаолияти бир йилдан кам муддат давом этиши мўлжалланган бўлса, у ҳолда шартнома иш берувчи томсонидан ушбу фаолиятни олиб бориш муддатига тузилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурта мукофоти қуйида келтирилган формулалар орқали аниқланади:

Шартнома 1 йил муддатга тузилганда:

СМҚ = СС х ЙБС х СТК / 100

Шартнома 1 йилдан кам муддатга тузилганда:

СҚМ = СС х ЙБС х СТК / 100 / 365 х К

Бу ерда:

СМҚ – Суғурта мукофоти қиймати;

СС – Суғурта суммаси;

ЙБС – Йиллик базавий ставка;

СТК – Суғурта тарифининг мос коэффиценти;

К – Шартнома тузиладиган кунлар сони.

Мажбурий суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта суммаси қуйидагича белгиланади:

- мажбурий суғурта шартномаси тузилаётган санага келиб бир йилдан кўп фаолият олиб борган иш берувчи учун – иш берувчининг барча ходимларининг ушбу шартнома тузилгунигача ўтган ўн икки ойда олган йиллик иш ҳақи ҳажмида;
- ўз фаолиятини янгитдан бошлаётган иш берувчи учун – барча ходимларнинг мажбурий суғурта шартномаси тузилгандан кейин келадиган ўн икки ой учун оладиган иш ҳақи ҳажмида. Бунда йиллик иш ҳақи миқдори биринчи ойдаги иш ҳақини ўн иккига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади;
- ўз фаолиятини камида бир йил аввал бошлаган иш берувчи учун иш берувчининг барча ходимлари иш берувчининг ушбу фаолиятини амалга ошириш муддатида олган иш ҳақи ҳажмида.

Мажбурий суғурта бўйича суғурта мукофоти суғурта тарифлари асосида ҳисобланади. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта тарифи икки таркибий қисмдан шакллантирилади: базавий ставка ва иш берувчи олиб бораётган фаолиятнинг хавфлилик даражасига қараб базавий ставкага кўпайтириладиган коэффицент.

Базавий ставка иш берувчилар ва суғурталовчилар учун ягона ҳисобланади ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги шартномаси бўйича суғурта суммасининг йиллик 0,1% миқдорида белгиланади.

Базавий ставкага кўпайтириладиган коэффицент иш берувчи олиб борадиган фаолиятнинг хавфлилик даражасига қараб белгиланади. Фаолият хавфлилик даражаси Классификацияга мувофиқ белгиланади.

Иш берувчининг фаолият турининг хавфлилик даражаси Классификацияси Қоидалари асосида тасдиқланган. Ушбу Классификацияга биноан, иқтисодиёт соҳалари касбий хатарларнинг 20 та синфига ажратилган. ҳар бир синф бўйича тегишли коэффицентлар белгиланган. Агар иш берувчи Классификацияда келтирилмаган фаолият тури Билан шуғулланаётган бўлса, фаолиятнинг бу турига нисбатан касбий хатарлар синфлари бўйича ўртача суғурта тарифларига тенг 3,400 ҳажмидаги коэффицент қўлланилади.

Шунингдек, суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта тарифлари таркиби ҳам белгиланган бўлиб, бунда суғурта мукофоти ҳажмидаги неттоғставка ва суғурта мукофоти ҳажмида мажбурий суғуртани амалга ошириш ҳаражатлари улуши белгилаб берилади. Суғурта тарифи таркибига мувофиқ, тариф ставкасининг 70% иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича тўловлар ва 30% иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш харажатлари (шу жумладан, суғурта ҳодисаларининг олдини олишга оид огоҳлантириш тадбирлари заҳирасига чегирмалар тарифининг 5% ни ташкил этади) дан иборат.

Бундан ташқари, мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифлари коэффицентини қўллаш тартиби 1 йилдан кам муддатга шартномалар тузилишини ҳам ҳисобга олади. Мажбурий суғурта шартномаси 1 йилдан кам муддатга тузилганда Ушбу шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти ҳажми суғурта суммасининг йиллик базавий ставкага, суғурта тарифининг тегишли коэффиценти ва мажбурий суғурта шартномаси йилнинг неча кунига тузилаётганига қараб кунлар сони улушига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Шунингдек, Қоидалар Билан қуйидаги ҳужжатларнинг намуналари тасдиқланган:

- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси ва аннуитетлар шартномаси;
- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасини тузиш ва аннуитетлар шартномаси ҳақидаги аризалар;
- иш берувчинин фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурта полиси ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси бланкалари;
- суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги ариза;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса ва боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ зарарларни қоплаш ҳақидаги буйруқлар.

Юқорида таъкидланганидек, иккинчи босқичда суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юзага келганда бошланади. Қонунга мувофиқ суғурта ҳодисаси бу – мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган вақтда ходимнинг жароҳат олиши, касб ксаллиги ёки хизмат бурчини бажараётган вақтида саломатлигига етган зарарларни қоплаш бўйича иш берувчининг жавобгарлиги юзага келганини тасдиқловчи ҳолатдир.

Иккинчи босқичда мажбурий суғурта муносабатлари томонларига жабрланувчи, наф олувчи ва аннуитет шартномаси бўйича суғурталовчи қўшилади. Суғурта ҳодисаси юзага келганда жабрланувчи ва наф олувчи мажбурий суғурта шартномасига асосан суғурта қопламасини олувчиларга айланадилар.

Мажбурий суғурта бўйича суғурта қопламаси қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- жабрланувчининг меҳнат жараёнида жароҳат олгунига қадар бўлган ўртача ойлик иш ҳақига ходимнинг касбий лаёқатини йўқотиш ёки касб касаллиги даражасига нисбатан фоизлар кўринишидаги ҳар ойлик тўловлар;
- ҳалок бўлганннинг ўртача ойлик иш ҳақидан унинг ўзига тегишли бўлган ҳамда унинг қарамоғида бўлиб, меҳнатга лаёқатли бўлган , лекин етказилган зарарни қоплашга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга тегишли улуши чегириб ташланган ҳар ойлик тўловлар;
- жабрланувчи ёки манфаат кўрувчига қонунчиликда белгиланган ҳолларда бир марталик нафақа тўловлари;
- мажбурий суғурта шартномасида белгиланган ҳажмда Дафн маросимлари харажатлари;
- иш берувчининг қонунчиликка мувофиқ қўшимча харажатлари.

Шуни таъкидлаш зарурки, суғурта қопламаларини тўлаш муддатига қараб уни тўлаш тартиби белгиланади. Агар етказилган зарарни қоплаш бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган тўловларни кўзда тутса, у ҳолда суғурта тўловлари бевосита жабрланган ёки наф олувчига тўланади.

Агар етказилган зарарни қоплаш бир йилдан кўп муддатга мўлжалланган тўловларни кўзда тутса, у ҳолда суғурта тўловлари суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи суғурталовчи Билан аннуитетлар шартномасини тузиши шарт ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича олган суғурта тўловларини фақат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотларини тўлашга сарф қилиши керак. Бу ҳолда суғурта муносабатларига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳам қўшилади. Суғурта тўловлари мунтазам асосда ва бир йилдан ортиқ муддатга тўланиши муносабати билан иш берувчи ва ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурталовчи ўртасида аннуитетлар шартномаси тузилади. Шу тариқа, кейинчалик жабрланувчи ёки манфаат кўрувчи аннуитетлар шартномаси бўйича мунтазам равишда зарарни қоплаш ҳисобига тўловлар олади.

Ануитетлар шартномаси бўйича суғурта суммаси жабрланувчи ёки манфаат кўрувчига етказилган зарарнинг қонунчиликка мувофиқ равишда қоплаб берилиши керак бўлган ҳажмда белгиланади.

Ануитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотлари иш берувчи томонидан аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта муддатининг ҳаммаси учун бир мартада тўлаб берилади.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда республикада мажбурий суғуртанинг ижтимоий йўналтирилган тизими қурилмоқда. Бу тизим мамлакат иқтисодиётининг замонавий талабларига тўла жавоб беради. Мажбурий суғурта турларининг манна шундай тизимларининг татбиқ этилиши яқин йиллар ичида мамлакат суғурта бозорини ривожлантиришга қудратли туртки беради ва мажбурий суғуртанинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашда иштирокини кенгайтиради.

3. Касбий жавобгарликни суғурталаш суғуртачининг суғурта объектига келтирилган зарарни тўлиқ ёки қисман қоплаш миқдорида суғурта тўловлари бўйича мажбуриятларни кўзда тутувчи суғурта турларини ифода этади.

Бунда жисмоний шахснинг мулкий манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади. Ушбу объектни суғурта қилиш тўғрисида фуқаролик қонунчилиги томонидан белгиланган тартибда жисмоний шахснинг учинчи шахс томонидан суғурталанган касбий фаолиятни амалга ошириш муносабати билан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятлари билан боғлиқ суғурта шартномаси тузилади. Касбий фаолиятга талаблар ва уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар томонидан белгиланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш касбий фаолиятни амалга оширишда учинчи шахсга зарар етказиши мумкин бўлган турли шахслар тоифаларининг мулкий манфаатларини суғурта қилиш турларини бирлаштиради. Кўпинча

шифокорлар, нотариуслар, баҳоловчилар, экспертлар, қўриқчилар, адвокатлар ва бошқаларнинг касбий жавобгарлиги суғурта қилинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашда бошқа суғурта турларидан фарқли уларок суғурта ҳолатининг бошланиши ташқи омилларга (табиий офатлар ва кесин ўзгаришлар, учинчи шахс ҳаракатлари ва ҳоказолар) эмас, балки муайян касбий фаолиятни амалга оширадиган шахс малакасига боғлиқ. Суғуртачи суғурта шартномаси тузганидан сўнг касбий фаолият билан шуғулланувчи шахс эҳтиёткорлик билан иш тутиши ва касбий кўникмаларни намоён этиши лозим.

Кўпчилик ҳолатларда суғурта ҳолатининг бошланиши суднинг мутахассиснинг мижозга моддий зарар етказганлиги ва унинг миқдори учун мулкий жавобгарлигини белгиловчи қарори қонуний кучга киргандан кейин тан олинади. Бундан ташқари, суғуртачининг учинчи шахсга эътирозларни судгача ҳал этишда етказган зарари учун жавобгарлигининг белгиланиши ҳам фақат суғуртачи томонидан етказилган зарар аниқ исботланганда суғурта ҳолати сифатида тан олиниши мумкин. Бунда суғурта шартномасида суғуртачи жавобгарлигининг пайдо бўлиши асосли эканлигини тан олиш ва зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш суғуртачи ёки ваколатли вакили иштирокида амалга оширилиши келишиб олинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг ҳар бир тури маълум бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан асосланган ўз хусусиятларига эга. Ҳар бир маълум касбнинг ўзига хос хусусиятлари касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда ҳисобга олинади. Бу борада суғуртачининг ўз касбий мажбуриятларини бажаришга виждонан, мулоҳаза билан ва асосли ёндошуви касбий жавобгарликни суғурталашда умумий принцип саналади. Акс ҳолда суғуртачи суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз жавобгарлигидан озод этилиши мумкин.

Хорижий амалиётда касбий жавобгарликни суғурталашнинг айрим турлари мажбурий асосда амалга оширилади, яъни юридик ёки жисмоний шахслар (масалан, шифокорлар, риэлтерлар, баҳоловчилар, нотариуслар ва бошқалар) касбий жавобгарликни суғурталаш полисисиз маълум бир касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Бу борада суғурталанувчи - касбий фаолиятни амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс, суғуртачи - суғурта фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳамда корхонанинг касбий жавобгарликни суғурталаш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга юридик шахс суғурта ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланади. Ушбу суғурта субъектлари суғурта мажбуриятларининг асосий томонлари, яъни суғурта шартномаси томонларидир. Бундан ташқари, жабр кўрган шахс (суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган) ҳам касбий жавобгарликни суғурталаш субъектлари сирасига киради. Одатда, жабр кўрган шахс, агарда суғурта шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, етказилган зарар миқдорида суғурта тўлови олишга ҳаққи бор.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда жабр кўрганлар (фойда олувчилар) суғурталанувчига ҳам суғуртачига маълум

қилинмайди. Ушбу ҳолатда суғурта шартномасида бу шартнома кимнинг фойдасига тузилганлиги айтилмаган ёки у суғурта қилувчи ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлсада, суғурта тўлови олиш ҳуқуқига фойда олувчи фақатгина суғурта қилувчи унинг олдида жавобгар бўлган шахсгина (ёки унинг меросхўри) ҳисобланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларида суғуртачининг суғурталанувчи ёки унинг ходими ваколатига нисбатан кафолатлари кўзда тутилмаган.

Суғуртачи учинчи шахсга суғурталанувчи томонидан қонунуий ва меъёрий ҳужжатлар бузилиши, суғурталанувчининг атайин ҳаракатлари натижасида зарар етказилса суғурталанувчи мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланмайди. Суғурталанувчининг ҳаракатларидаги ниятни исботлаш суғуртачи зиммасига юклатилади. Суғурталанувчининг нияти суднинг қонуний кучга кирган қарори, ҳукми билан аниқланади. Агарда суғурталанувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта мукофоти тўғрисидаги масала суд қарори ва ҳукмигача тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига биноан шахсий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолияти суғурта қилиш шартномасини тузишга мажбур. Нотариус ўз мажбуриятларини суғурта шартномасини тузмасдан туриб бажариш ҳуқуқига эга эмас.

Нотариуснинг қонунучилик томонидан белгиланган тартибда учинчи шахсга нотариал фаолиятни амалга оширишда етказилган зарарни қоплашга доир мажбуриятлари билан мулк манфаатлари суғурта объектлари ҳисобланади.

Нотариусларнинг касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларига мувофиқ суғурта қилувчи суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта мукофотини тўлаганидан кейин суғурталанувчига суғурта шартномасининг амал қилиниш даврида аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни қонунга хилоф равишда амалга оширишган (ёки керакли нотариал ҳаракталари бажармаган) суғурта қилувчи ўз касбий мажбуриятларини тегишли тарзда бажармагани оқибатида юзага келган эътирозлар бўйича зарарни қоплаш мажбуриятларини қабул қилади.

Суғурта қилувчининг зарарни қоплаш мажбурияти нотариус мижозларига нотариус томонидан ўзининг касбий мажбуриятларини амалга оширишдаги эътиборсиз ҳаракатлари, хатолари ёки керакли нотариал ҳатти-ҳаракатларни бажарилмаслиги натижасида юзага келган зарар етказилган ҳолатларда пайдо бўлади. Суғуртачи одатда амалдаги қонунчиликка номувофиқ тарзда амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ёки суғурталанувчининг ғаразли ниятида керакли нотариал ҳаракатларни бажармаслик натижасида етказилган зарарни қопламайди. Нотариуснинг ғараз нияти суднинг қонуний кучга кирган қарори ва ҳукми билан аниқланади. Бунда суғурталанувчининг ҳаракатларида ғараз ният борлигини исботлаш суғуртачи зиммасига юкланади.

Суғурта ҳолати суғурталанувчининг зарарни қоплаш мажбурияти белгиланган пайтдан бошланади. Одатда суғурта ҳолати нотариусга учинч шахсга у томонидан бажарилган ноқонуний нотариал ҳаракатлар, хатолар ёки керакли нотариал ҳаракатларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашни юклайдиган суд органининг қарори кучга киргач, бошланган ҳисобланади. Суғурта шартномасида суғурта ҳолатини белгилаш ва мижознинг нотариусга зарарни қоплаш талаби билдирилган эътирози асосли бўлганда, уни суғурта йўли билан тўлаш мажбурияти кўзда тутилади. Суғурта ҳолатини аниқлаш суғурта шартномасида аниқ баён этилиши шарт.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси бўйича энг кам суғурта суммаси Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига мувофиқ бегиланган энг кам иш ҳақининг юз баравар миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси нотариуснинг ёзма аризаси асосида тузилади. Аризада одатда нотариус ҳақида суғурта хавфи даражасини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга маълумотлар, яъни касбий жавобгарлиги суғурта қилинаётган шахснинг исми шарифи, касби, касбий фаолияти бошланган сана, шахсий нотариал амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш санаси ва рақами, почта манзили, телефон, факс, телекс кўрсатилади. Ариза бериш пайтида нотариус фаолияти суғурталангани, аввал тузилган суғурта шартномаси тўхталиши нимага боғлиқлиги, нотариуснинг касбий фаолиятига таалуқли хатолар, эҳтиётсизлик ёки камчиликлар билан боғлиқ эътироз билдирилган маълумотлар кўрсатилади.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси нотариус касбий фаолиятини амалга оширишда ўз ҳаракатлари учун жавоб бергандагина, шахслар фойдасига тузилаган ҳисобланади. Суғурта шартномасини тузишда фойда олувчилар суғурталанувчи ёки суғуртачига маълум қилинмайди. Шундай бўлсада, суғурта шартномасида у кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган бўлса ёки шартнома нотариус ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлса ҳам суғурта тўлови олиш ҳуқуқига эга фойда олувчи фақатгина нотариус унинг олдида жавобгар бўлган шахс бўлиши мумкин.

Суғурта шартномаси одатда бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилади. Суғурта шартномаси агарда шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотлари тўланганидан кейин кучга киради.

Суғурта шартномасининг амал қилиниши шартномада кўрсатилган муддатда ёки суғурталанувчи томонидан суғурта суммаси тўлиқ тўланган ёхуд суғурталанувчи томонидан суғурта манфаатини йўқотган ҳолатда тўхтатилади. Суғурталанувчининг суғурта манфаатдорлиги нотариус ваколатини тўхтатганда йўқотилган саналади. Ушбу ҳолатда суғурталанувчи суғуртачига бу ҳақда ёзма билдиришнома ва суғурта манфаатдорлик йўқолганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Шартномани суғурталанувчининг суғурта манфаатдорлиги йўқотганлиги натижасида

муддатидан олдин тўхтатилиши суғуртачи суғурталанувчига суғурта мукофоти суғурта шартномасининг бекор қилинишининг ҳақиқий санасидан унда кўрсатилган амал қилиш санасигача қолган муддатга мутанносиб тарзда қайтаради.

Одатда суғурта шартномасида суғурталанувчининг қуйидаги мажбуриятлари кўзда тутилади: суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чора-тадбирларни қабул қилиш; суғуртачини унга суғурта ҳолати муносабати билан билдирилаётган барча эътироз ҳақида кечиктирмасдан (суғурта шартномасида келишилган муддатда) хабардор қилиш; суғуртачига суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатлари, етказилган зарар хусусиятлари ва миқдори ҳақида муҳокама қилиш имконини берадиган барча ахборотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиш.

Суғурта шартномасига мувофиқ суғуртачи унга суғурталанувчи номидан зарарни ундириш тўғрисида талаб қайд этилган эътирозлар билдирилган ҳолатда музокаралар олиб бориши ва етказилган зарарни қоплаш ҳақида битим тузиш, суғурта ҳолати ҳолатлари ва сабабларини ёки суғурталанувчининг розилигини кутмасдан зарар миқдорини аниқлаш учун чоралар кўриш, шунингдек, суд ва бошқа ваколатли органларда суғурталанувчи номидан ҳамда топшириғи бўйича иш юритиш ҳуқуқига эга.

Агарда нотариус рози бўлмаса ёки бошқа тарзда қайд этилган ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилса, суғуртачи суғурта тўловини тўлашдан бош тортиши мумкин.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасида суғурта мукофотини тўлаш муддатлари аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта шартномасига мувофиқ белгиланади ва суғурта суммаси миқдорига боғлиқ бўлади.

4. Суғурта мукофоти тариф ставкаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва танланган суғурта суммасига боғлиқ бўлади. Суғурта тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори коньюктураси, таваккалчилик даражаси, суғурта қилиш муддати ва суғурта суммаси миқдори ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бундан ташқари, суғурта мукофоти миқдори нотариус томонидан касбий ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва амалга оширилаётган нотариал ҳаркатлар турлари муносабати билан эътирозларни қонунда белгиланган тартибда қондириш тўғрисида маълумотлар аниқлигига боғлиқ бўлади. Нотариус ижро хатларини амалга ошириш чоғида суғуртачи оширувчи коэффицентларни қўллаши мумкин.

Ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофоти суғурталанувчи томонидан бир йўла ёки қисман нақд ёхуд нақдсиз йўли орқали шартнома тузилган кундан бошлаб келишилган муддат ичида тўланиши мумкин. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда эса суғурта суммаси суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Нотариусга эътирозлар у билан шартнома муносабатидан бўлган мижоз ва у билан шартнома муносабатида бўлмаган, бироқ етказилган зарар

сабабли эътироз билдириш ҳуқуқига эга шахслар томонидан билдирилиши мумкин.

Суғурта ҳолати содир бўлган чоғда суғурталанувчи суғурта шартномасида белгиланган муддатда бу ҳақда суғуртачига ёзма равишда хабар беришга мажбур.

Суғурта ҳолати содир бўлган чоғда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати содир бўлганини исботловчи барча керакли ҳужжатларни тақдим этади. Бунда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати билан боғлиқ унга маълум бўлган ёки пайдо бўлган маълумотлар ва вазиятларни хабар қилиши шарт. Суғуртачи тақдим этилган ҳужжатлар хақиқийлигини текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурта тўлови суғуртачи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат давомида суғурталанувчидан содир бўлган суғурта ҳолати ҳақида барча керакли ҳужжатларни олганидан кейин тўланади. Суғурта тўлови миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммасидан ошмаслиги керак. Суғуртачи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови суммасини камайтириш ҳуқуқига эга. Суғурта тўлови миқдори зарар ва эътироз билдирувчи томонидан қилинган сарф-ҳаражатлар, шунингдек, нотариус томонидан суғуртачининг ёзма равишдаги розилиги билан қилинган сарф-ҳаражатлар миқдори суммаси каби аниқланади. Бироқ суғурта шартномаси суғуртачининг ҳар бир суғурта ҳолати ва жабр кўрган киши томонидан билдирилган эътироз бўйича жавобгарлиги лимитини белгилаши мумкин. Агарда нотариусга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта тўловини тўлаш ҳақида масалани ҳал қилиш тўхтатилади.

Нотариуснинг бир йўла бир қанча мижозларининг зарарини қоплашда агарда унинг миқдори суғуртачи жавобгарлигининг умумий лимитидан ошса (суғурта суммасининг суғурта шартномаси бўйича миқдори), суғурта тўлови ҳар бир жабрланувчига етказилган зарар суммасига нисбатан суғуртачи жавобгарлигининг умумий лимитига мутаносиб равишда тўланади.

Шунингдек, суғурта шартномасида нотариус томонидан қопланиши лозим бўлган зарар миқдори - франшиза кўзда тутилиши мумкин. Ушбу ҳолатда компания нотариус томонидан франшиза миқдорида қопланиши лозим бўлган суммадан ошадиган зарарни қоплаш мажбуриятини қабул қилади.

Нотариус ҳаракатига билдирилган эътирозлар, шикоятлар, аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд ёки бошқа сарф-ҳаражатлар, агарда ушбу сарф-ҳаражатлар суғурталанувчи зиммасига юклатилган бўлса, суғуртачи томонидан суғуртачи жавобгарлиги лимити доирасида қопланади.

Суғурталанувчи суғурта шартномасига амал қилиш бекор қилинганидан кейин суғуртачи ундан суғурта шартномасига амал қилиш даврида суғурта ҳолати тўғрисида эътироз (билдириш) олган бўлсагина, суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Пул маблағлари суғуртачининг ҳисобрақамидан суғурталанувчи ҳисобрақамига ўтказилган кун суғурта суммаси тўлаш куни ҳисобланади.

Суғуртачи қуйидаги ҳолларда суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга: агарда суғурталанувчи сохта маълумотлар тақдим этган ва улар асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса; агарда зарар суғурталанувчи айби билан етказилган бўлса; агарда зарар суғуртачи ёки унинг мижозининг бевосита ғаразли нияти сабабли етказилган бўлса; агарда суғурталанувчи нотариал ҳаракатларни қонуний муддатлардан ташқари амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш, лицензиянинг амал қилиш муддати тугаши); агарда суғурталанувчи суғуртачининг суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳаракатларни амалга оширишига рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса; агарда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати содир бўлгани тўғрисида ўз вақтида хабар бермаса.

Агарда суғурта тўлови тўланганидан кейин ушбу тўлов нотариус ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан ғаразли ҳаракатлар натижасида қалбаки йўллар билан олинганлиги аниқланса, тўланган маблағнинг ҳаммаси уни тўлаган суғуртачига қайтарилади. Суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида юзага келадиган барча тортишувлар музокаралар йўли билан, ўзаро келишувга эришилмаса, судда ҳал этилади.

5. Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти миқдори суғурта суммаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда суғуртачининг тариф ставкаси бўйича ҳисобланади. Суғурта тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори коньюктураси, таваккалчилик даражаси, суғурталанувчи фаолияти турини суғурта қилиш муддати, танланган таваккалчилик ва таваккалчилик даражасига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Суғурта мукофоти аудиторлик хизматларни амалга оширишга доир режалаштирилаётган айланма маблағ асосида белгиланади. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати ёки шартномада белгиланган бошқа даврнинг тугаши билан одатда суғурта пули ва суғурта мукофоти миқдори суғурталанувчи фаолиятининг натижалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисобланади.

Суғурта мукофотини тўлаш тартиби томонлар келишуви бўйича белгиланади: бир йўла ёки қисман суғуртачининг ҳисобрақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан. Суғурта мукофоти суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида келишилган муддат ичида шартнома имзоланган кундан бошлаб тўланади. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда суғурта пули суғурта тўловининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Шартномани бир йилдан кам муддатга тузилганда суғурта мукофоти йиллик суғурта мукофоти суммасидан фоиз ҳисобида ажратилади. Суғурта шартномасига тўлиқ бир ой амал қилинмаган ҳолатда ҳам суғурта мукофоти тўлиқ тўланади. Шартномани бир йилдан ошиқ муддатга тузишда суғурта тўлови имтиёзли тариф ставкалари бўйича ҳисобланади.

Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда суғурта полисида суғурталанувчи томонидан ҳақиқатдан ҳам тўланган суғурта мукофоти ва унга тегишли суғурта пули кўрсатилади.

Суғурталанувчи суғуртачига ёзма равишда суғурта шартномасига амал қилиш муддати ичида таваккалчилик даражасидаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилиш шарт. Агарда таваккалчилик даражасининг ошиши суғурта мукофоти миқдорини ошириш заруратини юзага келтирганда суғуртачи суғурталанувчига қўшимча суғурта мукофоти учун ҳисоб билан бирга суғурта шартномасига киритилган тегишли қўшимчаларни ҳам жўнатади. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлаши ва мукофот учун ҳисобни ҳамда шартномага қўшимча матнини олган кундан бошлаб суғурта шартномасига келишилган муддат ичида қўшимчани имзолаши ёки суғурта шартномасини бузишни талаб қилиши мумкин.

Агарда суғурталанувчи кўрсатилган ҳатти-ҳаракатларни бажармаса, суғуртачи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор қилиш орқали етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурта шартномасини амал қилиш даври тугагандан кейин ва у бўйича суғурта ҳолати содир этилмаса суғурталанувчига шартнома бўйича тўланган суғурта мукофотининг бир қисми қайтарилади.

Суғурталовчининг жавобгарлиги унинг ҳисобрақамига суғурта мукофоти келиб тушган кундан бошланади, суғурта тўловини тўлаш бўйича суғуртачи жавобгарлигининг кучга кириши одатда суғурта полиси билан тасдиқланади. Суғурта полиси суғурталанувчига суғурта мукофотини суғуртачининг ҳисобрақамига суғурта шартномасида келишилган муддат ичида келиб тушган кундан бошлаб берилади.

Суғурта ҳолати содир этилганда ёки унинг бошланишига сабаб бўлувчи ҳолатларда, шунингдек, учинчи шахсдан эътирозлар келиб тушганда суғурталанувчи суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун керакли чораларни, зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш, зарар етказилган шахслар ҳаёти ва мулкини сақлашга оид барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чораларни кўриши, қисқа муддат ичида суғурта қилувчига ушбу ҳолатнинг содир этилгани ҳақида хабар бериши ва унга ушбу ишга таалуқли барча ҳужжатларни юбориши, суғурта қилувчига унинг оқибатлари, судда ишни кўриш ва ушбу ишга таалуқли бошқа фактлар ҳақида маълумот бериши, агарда суғурталанувчи суғурта ҳолати бўйича суғуртачи ва суғурталанувчининг манфаатларини судда ҳамда суддан ташқари тартибда ҳимоя қилиш учун ўз адвокатини ёки бошқа ваколатли шахсни тайинлаш керак деб ҳисобласа унга бу борада имкони борича ёрдам бериши, зарарни тўламаслиги, суғурта ҳолати бўйича суғурталанувчига билдирилган талабларни қисман ёки тўлиқ тан олмаслиги, бундай талабларни бартараф этиш бўйича суғурта қилувчининг розилигисиз ҳеч қандай мажбуриятларни қабул қилмаслиги, суғурталанувчи имкони борича суғурта қилувчининг зарар етказилган мулкни кўздан кечириш ва етказилган зарар миқдорини белгилашда иштирок этишини таъминлаши, суғурта ҳолатида етказилган зарар учун жавобгар бўлган учинчи шахсга нисбатан тескари талабларни таъминлашга оид барча чораларни кўриши, агарда суғурталанувчида зарарни мунтазам тўлашни тўхтатиши ёки унинг миқдорини қисқартириш имкони пайдо бўлганда, бу ҳақида суғуртачига

хабар бериши ва бундай тўловларни тўхтатиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Суғуртачи суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчининг суғурта ҳолати сабабли юзага келган мулкий йўқотишларининг ўрнини тўлдиради. Агарда шартномага амал қилиш даврида аҳамиятга эга бўлган суғурта ҳолати суғурта қилиш бошлангунга қадар аҳамиятга эга бўлган ёки таъсир қилишни бошлаган сабабларга кўра содир этилса, зарар суғурталанувчига шартномани тузиш пайтида ушбу суғурта ҳолатининг бошланишига сабаб бўлган сабаблар ҳақида унга маълум бўлмаганда тўланиши лозим.

Агар суғурта тўлови суғурта суммаси миқдорида тўланган бўлса, суғурта полисига амал қилиш тўлов тўланган пайтдан бошлаб бекор қилинади. Суғурта пули миқдорида тўлиқ тўланмаган суғурта тўлови тўланадиган суғурта полиси ўз кучини унга амал қилиш муддати охиригача суғурта суммаси ва тўланган сумма ўртасида фарқ миқдорида сақлаб қолинади.

Суғурта тўлови суғуртачи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат ичида суғурталанувчидан содир этилган суғурта ҳолати тўғрисидаги барча керакли ҳужжатлар олингандан кейин тўланади. Суғурта тўлови суғурталанувчининг исботланган жавобгарлиги миқдорида суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан ортиқ бўлмаган ҳолда тўланади.

Суғуртачининг ҳисобрақамидан суғурталанувчининг ҳисобрақамига пул ўтказилган кун суғурта тўлови тўланган кун ҳисобланади.

Суғуртачи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови миқдорини камайтириш ҳуқуқига эга.

Суғурталанувчи суғурта шартномасига амал қилиш бекор қилинганидан сўнг суғуртачига суғурта шартномасига амал қилиш даврида ундан суғурта ҳолати тўғрисида эътироз билдирилгандагина суғурта тўловини олиши мумкин.

Суғуртачи агарда суғурталанувчи атайлаб сохта маълумотлар тақдим этган ва улар асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса, зарар суғурталанувчи айби билан етказилмаган бўлса, зарар суғурталанувчи ёки корхонанинг бевосита ғаразли нияти оқибатида етказилган бўлса, суғурталанувчи текширувларни қонунда белгиланган муддатдан ташқари муддатда амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш, лицензияга амал қилиш муддатининг тугаши), аудиторлик текширувига малака шаҳодатномаларига эга бўлмаган ва аудиторларнинг касбий реестрига киритилмаган шахслар жалб қилинган бўлса, суғурталанувчи томонидан имзоланган ва белгиланган тартибда муҳр билан тасдиқланган аудиторлик хулосаси бўлмаса, суғурталанувчи суғуртачига суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса, суғурталанувчи ўз вақтида суғуртачига суғурта ҳолатининг содир этилгани тўғрисида хабар бермаган бўлса, суғурта тўловини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга.

Суғурта ҳолати туфайли етказилган зарар ҳажми суғурталанувчига суғурта ҳолати бўйича етказилган зарар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Зарар ҳажми махсус тайинланган давлат органи ёки суднинг жарима ёки бошқа моддий санкциялар қийматидан ёхуд суд томонидан қондирилган даъво талабаларидан келиб чиққан ҳолда қарор чиқарилганда, эътирозлар учинчи шахсга етказилган зарар қийматидан келиб чиқан ҳолда ихтиёрий қондирилганда аниқланади.

Қопланаётган зарар суммасига суғурта ҳолатида зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш учун мақсадга мувофиқ сарф-ҳаражатлар ҳам киритилиши мумкин, бироқ тўловларнинг умумий қиймати суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан ошмаслиги керак.

Суғурта тўловини тўлаган суғуртачига тўланган маблағ доирасида суғурта тўловини олган суғурталанувчига бошқа шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан эга бўлган талабларни талаб қилиш ҳуқуқи ўтади. Суғурталанувчи суғуртачига ўзидаги барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун керакли барча расмий ишларни бажариши керак. Агар қайд этилган шахслар етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни уларнинг айби билан (ҳужжатларни тақдим этмаслик ва ҳоказолар) амалга оширишнинг иложи бўлмаса, суғуртачи суғурта тўловларини тўлашдан озод этилади. Агарда ушбу тўловлар тўланган бўлса, қайд этилган шахслар суғуртачига олинган маблағларни уни олган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган фоизлар билан қайтариши шарт.

Суғурталанувчи суғуртачига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган даъво муддати ичида қонун ёки суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш учун асос бўлган ҳолатлар аниқланганда, тўланган пулни қайтаришга мажбур.

Агарда суғурта ҳолати содир этилган пайтда суғуртачи томонидан суғурталанган объект бўйича суғурталашнинг бошқа шартларига амал қилинган бўлса, суғурта тўлови суғурта маблағларига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади ва ушбу маблағлар учун аудитор жавобгарлиги ҳар бир суғурта қилувчи томонидан суғурталанган, ҳар бир суғурта қилувчи эса ўз улушига тўғри келадиган зарарнинг бир қисмини тўлайди, холос.

Суғурталанувчи ёки учинчи шахснинг суғурта ҳолати содир этилишига қаратилган ғаразли ҳатти-ҳаракатлари, суғурталанувчи ёки учинчи шахс томонидан суғурта ҳолати билан бевосита сабабли алоқада бўлган жиноятнинг атайин содир этилиши, суғурталанувчининг суғуртачига атайлаб суғурта объекти бўйича сохта маълумотларни бериши, суғурталанувчи томонидан зарарни етказишда айбдор бўлган шахсдан унинг ундирилиши, суғурталанувчи томонидан суғуртачига тузилган суғурта шартномаси бўйича таваккалчилик даражасининг ошганлиги тўғрисида маълум қилинмаслиги ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар суғуртачининг суғурта тўловини тўлашдан бош тортишига асос ҳисобланади. Суғурта шартномаси шартларида суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш учун қўшимча асослар ҳам кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу : Қайта суғурта

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

РЕЖА:

1. Қайта суғурта ҳақида тушунча.
2. Қайта суғуртанинг турлари ва шакллари.

1. Қайта суғурталаш - суғурталашга рискни қабул қилиш Билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш). Суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш). Қайта суғурталаш операциялари билан бир қаторда асосан, ихтисослашган қайта суғурталаш компаниялари амалга оширади. Қайта суғурталаш актив (рискни бериш) ва пассив (рискни қабул қилиб олиш) кўринишида бўлади. Бундан ташқари қайта суғурталаш нисбий ва нонисбий шаклда бўлади.

Айрим ҳолатларда қайта суғурталаш операциялари қайта суғурталовчи брокер - иккита томон, яъни суғурта компанияси ва қайта суғурталовчи компанияси ўртасидаги воситачидир.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир томондан суғурта компаниялари ўртасида ўзаро тузилиши ёки иккинчи томондан, суғурта компанияси ва ихтисослашган қайта суғурта қилиш компанияси ўртасида тузилиши мумкин. Бу ерда шартнома ўзи нима деган савол тўғилиши мумкин. ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 354 - моддасида "икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади" – деб кўрсатилган. Дастлаб, суғурта компанияси ўзининг молиявий қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини бошқа суғурта компаниясида ёки ихтисослашган қайта суғурта қилиш компаниясида суғурталаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарорни ижросини таъминлаш мақсадида суғурталовчи ихтисослашган суғурта компаниясига мурожаат қилади. Агар қайта суғурталовчи компания рискни қайта суғурта қилишга розилик билдирса, улар ўртасида қайта суғурталаш шартномаси тузилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шартнома шартларида, унда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, олинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан жавобгарлик, шартномани кучга кириши, амал қилиш ва бекор этилиши қоидалари мужассам бўлиши керак. Шунингдек, шартномада қайта суғурталаш мукофоти миқдори ва жавобгарлик ҳажми кўрсатилиши зарур. ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси буйича суғурталанувчи олдида ушбу шартнома буйича суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверади. Бироқ асосий суғурта шартномаси буйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома

буйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси буйича суғурталовчига ўтади.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир қатор ўзига хос белгиларга эгаки, бу ушбу шартномаларни савдо ва бошқа турдаги шартномалардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам қайта суғурта қилиш соҳасини назарий жиҳатдан қайси суғурта тармоғига киритиш ёхуд уни мустақил суғурта соҳаси сифатида қараш анча баҳс мунозарани талаб қилади.

Агар суғурта ҳодисаси руй берса, бу ҳақда суғурта компанияси қайта суғурталовчи компанияга дарҳол хабар қилиши керак. ўз навбатида, қайта суғурталовчи компания шартномада кўзда тутилган қопламани тўлаши шарт. Қайта суғурта қилиш компанияси шартнома буйича ўз мажбуриятларини тўла-тукис бажарса, у ҳолда шартнома ижро этилган ҳисобланади.

2. Цедент атамаси рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади. Бундан қайта суғурталашда цессия атамаси ҳам кенг қулланилади. Цессия – суғурта рискини қайта суғурталашга бериш жараёнидир.

Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради.

Қайта суғурталаш ишида унинг бир неча турларини учратиш мумкин. Жумладан, факультатив, облигатор ва факультатив-облигаторли қайта суғурталашдир. Факультатив қайта суғурталаш - нисбий қайта суғурталаш шартномасининг тури. Факультатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган риск буйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск буйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.

Облигаторли қайта суғурталаш халқаро амалиётда икки хил маънони билдиради:

1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валюта чиқиб кетишини олдини олади;

2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури буйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси. Факультатив-облигатор шартномаси - цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискини бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси.

Қайта суғурта қилиш операциялари нисбий ва нонисбий шаклда амалга оширилади. Нонисбий қайта суғурта қилишга нисбатан нисбий қайта суғурталаш анча илгари пайдо бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда нисбий қайта суғурталашни, баъзан, анъанавий қайта суғурталаш ҳам деб аташ қабул қилинган.

Нисбий қайта суғурта қилишнинг асосий моҳияти шундаки, қайта суғурталовчи компаниянинг рискни тақсимлашдаги улуши суғурта компанияси аниқлаган нисбат асосида олдиндан аниқланади. Ушбу нисбатга қараб, қайта суғурталаш мукофотининг ва суғурта компаниясининг тегишли улуши аниқланади. Нисбий қайта суғурта қилишнинг принципи "қайта суғурталовчи цедентнинг рискини бўлади" деган фикрдан иборат.

Суғурта иши амалиётида нисбий қайта суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

* Квотали қайта суғурта қилиш;
* Эксцедент қайта суғурта қилиш;
* Квотали-эксцедент қайта суғурта қилиш.

Нонисбий қайта суғурта қилишда қайта суғурталовчининг суғурта мукофоти ва қопламасидаги фоизлардаги иштироки принципи қулланилмайди. Нисбий қайта суғурта қилишда томонларнинг манфаати бир-бирига мос келади.

Қайта суғурта қилиш шартномасига хос бўлган белгилардан бири қайта суғурта қилиш буйича суғурта мукофотларини қайтариб олиш характерига эга эканлигидир. Қайта суғурта қилиш муносабатларининг узоқ йиллик ривожланиши жараёни давомида халқаро ва миллий даражаларда фойдаланиладиган қайта суғурта қилиш шартномаларининг бир неча хиллари шаклланган. Улар қуйидагилардир:

* факультатив қайта суғурта қилиш;
* облигаторли қайта суғурта қилиш;
* факультатив-облигаторли қайта суғурта қилиш;

Юқорида қайд қилинган қайта суғурта қилиш шартномаларидан энг оммавийси ва узоқ йиллардан бери қўлланиб келинаётгани - бу факультатив қайта суғурта қилиш шартномаларидир. Мазкур шартноманинг ижобий томони шундаки, бунда рискни қайта суғуртага берувчи – суғурта компанияси ҳам ва қайта суғурталовчи компания ҳам қанча миқдордаги рискни ўзига олиб қолиш ёки қабул қилиб олиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар. Аксинча, облигаторли қайта суғурта қилиш шартномалари буйича суғурта компанияси қабул қилиб олинган ҳар бир рискнинг тегишли қисмини қайта суғурта компаниясига бериши шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

ТАЯНЧ КОНСПЕКТ

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент - 2013

Мавзу : Суғуртанинг моҳияти, функциялари ва бозор муносабатларидаги ўрни

1. Табиий ва бошқа стихияли кучлар таъсири натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш, олдини олиш ҳамда огоҳлантириш учун мақсадли йўналишдаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисига суғурта дейилади.

Суғуртанинг характерли белгилари қуйидагилардан иборат:

-Суғурта рискини мавжудлиги. Риск-суғурта муносабатлари пайдо бўлишининг асосий шартидир. Риск бўлмас экан, суғуртанинг бўлиши мумкин эмас. Рискнинг ҳажми, миқдори эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари ёрдамида аниқланади. Суғурта рискларини таҳлил килиш уларни 2 та йирик гуруҳга бўлишни тақозо этади. Яъни, риск суғуртавий ва суғуртасиз бўлади. Суғурта шартномаларида ўз аксини топган рисклар суғуртавий рисклар дейилади. Риск баҳосини пулда ифодаланиши суғурта ставкасини ташкил этади. Риск доимий кўрсаткич эмас, балки у доимо ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар иқтисоддаги ва бошқа соҳадаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғликдир. Суғурта ташкилоти рискни ривожланишини, ҳолатини доимо кузатиши лозим, яъни тегишли статистик ҳисоб олиб бориши, йиғилган маълумотларни қайта ишлаши ва таҳлил қилиши керак.

Рискни баҳолаш учун уни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) Суғурталаниши мумкин бўлган рисклар.

2) Суғурталаниши мумкин бўлмаган рисклар.

Рискнинг энг катта гуруҳини суғурталаниши мумкин бўлган рисклар ташкил этади. Қуйида келтирилган мезонлар асосида суғурта рискини суғуртасиз рисклардан фарқ қилиш мумкин.

а) Риск тасодифий характерга эга бўлмоғи керак ;

б) Суғурта ҳодисаларини рўй бериш фактининг вақти ва маконининг номаълум бўлиши;

в) Хавф солиш манбасига кўра рисклар табиатнинг стихик кучлари билан боғлиқ рисклари ва моддий бойликни ўзлаштириш оқибатида инсониятни табиатга таъсири билан боғлиқ рисклар. Рискларни туркумлашда катта ҳалокатли рисклар алоҳида ўрин тутади. Чунки бундай рисклар рўй бериши натижасида кўплаб объектлар йирик миқдорда зарар кўриши мумкин. Катта ҳалокатли рискларга зилзила, цунами, кучли шамол мисол бўлиши мумкин. Юқорида айтилган рисклардан ташқари экологик, сиёсий ва махсус рисклар бўлиши мумкин.

Риск менежмент (рискни бошқариш) - рискни чегаралаш ёки камайтириш билан боғлиқ тадбирлар йиғиндиси. Амалиётда рискни бошқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Рискни аниқлаш	Рискни баҳолаш	Рискни назорат қилиш	Рискни молиялаштириш

Рискни аниқлаш, масалан ссуда олувчиларнинг ссудани ўз вақтида қайтариб бера олмаслик риски суғурталанади, риск даражаси аниқланади. Кредит олувчи шахснинг молиявий ҳолати қандай активларга эга эканлиги, лойиҳада ҳисоб-китоб қанчалик асосланганлиги ва хакозо.

Рискни баҳолаш - рискни ҳолатлари аниқланади, рискни содир бўлиш эҳтимолийлиги, актуар ҳисоб-китоблар, статистик кузатувлар, эҳтимоллар назарияси асосида баҳоланади ва суғурталанаётган объектга нисбатан риск даражаси аниқланиб суғурта тарифи ҳисобланади. Суғурта тарифининг ставкаси - бу риск баҳосидир.

Рискни назорат этиш - бу суғурта компаниясининг вакили томонидан суғурталанган объект ҳолатини, унинг сақланиш устидан кузатув ишларини олиб бориши. Шунингдек, унинг сақлаш хавфлилиги талабларига жавоб бериши текширилади. Қатор объектларни яхши саклаш учун зарур тавсия ва маслахатлар берилади.

Рискни молиялаштириш - бу рискни аниқлаш, баҳолаш ва назорат этиш билан боғлиқ ҳамма харажатларни қоплаш.

-Суғурта муносабатларининг тақсимлаш характерига эга эканлиги. Молия тушунчаси каби, суғурта ҳам ялпи ички маҳсулотни ва миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этади.

-Суғуртада зарарларни ҳудудлар бўйича ва муайян бир вақтда тақсимланиши. Бу суғуртанинг асосий белгиси бўлиб, ҳудудлар бўйича суғурта фондини суғурталанган хўжаликлар ўртасида тақсимлаш учун катта ҳудуд ва кўплаб суғурталаниши мумкин бўлган объектлар зарур бўлиши талаб этилади. Зарарларни маълум бир вақтда тақсимланиши суғурта ҳодисаларини тасодифий рўй бериш характерига эга эканлигидан келиб чиқади. Қатор йиллар мобайнида фавқулодда ҳодисалар эҳтимол рўй бермаслиги мумкин. Бу ҳолат суғурта ҳодисалари содир бўлмаган вақтда тегишли миқдорда суғурта заҳираларини ташкил этишни талаб қилади.

-Суғурта фондларига жалб этилган суғурта мукофотларини қайтариб бериш. Суғурта мукофотлари суғурта тарифи асосида аниқланади. Суғурта тарифи икки қисмдан иборат бўлиб, нетто-ставка (суғурта ҳодисалари рўй берганда зарарларни қоплашга ишлатилади) ва нетто-ставкага устамалардир (суғурта компанияси ишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қопланади). Нетто-ставка, асосан, суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталанувчига қайтариб берилади.

ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ, мажбурий суғурта турларига доир суғурта шартлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Ихтиёрий суғурталашга доир суғурта тарифларининг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

-Суғурта фонди маблағларининг, фақат, шу фондни ташкил этишда қатнашган субъектлар ўртасида тақсимланиши.

Суғурта муносабатларида қуйидаги томонлар қатнашадилар:

Суғурталовчи – суғурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ва тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар. Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим бўғини. ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунига кўра, суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс суғурталовчи деб ҳисобланади.

Суғурталовчилар турли мулк шаклига эга бўлиши мумкин (давлат суғурта ташкилотлари, акционерлик суғурта ташкилотлари ҳамда ўзаро суғурталаш жамиятлари). Суғурта фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар давлат органларининг тегишли лицензиясига эга бўлиши зарур.

Суғурталанувчи – суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабати ўрнатган ва тегишли суғурта мукофотларини тўловчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурта воситачилари – суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи юридик шахс. Мақоми бўйича воситачи суғурталанувчининг манфаатларини ҳимоя қилади. Кўрсатган хизматлари учун воситачи суғурталанувчидан эмас, балки суғурта компаниясидан тегишли воситачилик ҳақини олади.

2.Бозор муносабатлари такомиллашуви иқтисодий инфратузилманинг қарор топиши билан биргаликда кечадиган жараёндир. Суғурта фаолияти иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида бир томондан, ижтимоий кафолатни таъминласа, иккинчи томондан, шартномавий мажбурият ва тарифлар механизми орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизида иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимоясини ҳам ўз зиммасига олади.

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимол бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ҳамда ривожланди. Шундай англанилган зарурат - аниқ суғурта манфаатлари негизида суғурта муносабатлари юзага келди.

Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъи назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Таъкидлаш лозимки, суғурта муносабатлари - мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлар бўлиб, улар юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривож топиши жараёнида турли рискларнинг юз бериши эҳтимоли мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўзида намоён бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар субъектларнинг суғурта фаолиятига, хусусан, рисклар трансферига бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди.

Суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди. «Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади»[9]. «Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи

[9]Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

субъектлар... суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас»[10].

Шу ўринда, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да узлуксизликни таъминлаш имкониятини яратиш мақсадига йўналтирилган, мулкчилик шаклларига кўра, махсус қайта тақсимлаш муносабатлари тизими мавжудлиги иқтисодиёт субъектлари равнақига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда уларнинг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда даромад олишлари каби манфаатлари юзага чиқади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта фаолиятида талаб даражасидаги риск трансфери шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уни илмий асосда ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодиёт субъектларининг эркинликлари кенгайиб бораётган, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг янги турлари ўзлаштирилиши суғурта фаолиятида риск трансферининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда.

Суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлиқроқ очиб бериш учун илмий адабиётларда бу масалага бўлган ёндашувларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Уларда «суғурта-хизмат кўрсатиш индустрияси»[11] эканлиги қайд этилган, шунга асосланиб, кейинги йилларда халқаро иқтисодий атамашуносликда «хизматлар иқтисодиёти назарияси» қарор топаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Суғурта фаолиятида ўз моҳияти нуқтаи назаридан, айнан «хизмат» тушунчаси фундаментал ҳисобланади. Суғуртачи томонидан таклиф этилаётган «хизмат» ўзида дастлаб моддийликни акс эттирмайди, яъни у ўз мижозига фақат «ваъдани сотади». Шу нуқтаи назардан халқаро савдода унга «кўринмайдиган фаолият»[1] деб ҳам тасниф берилади. Суғурталанувчига шартнома тузилганлигини тасдиқловчи далил-ҳужжат сифатида «полис»[2] берилади холос. Суғурта шартномасида суғурталанувчига суғурта воқеасига кўра, кўриши эҳтимол бўлган зарарининг эквивалент қийматидаги пул тўлови (айрим ҳолларда мол-мулк кўринишида) таъминланиши назарда тутилади. Шартноманинг бажарилиши унда қайд этилган маълум давр оралиғида амалга оширилади.

Мамлакатимизда босқичма - босқич бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодиёт субъектларининг юксак даражадаги иқтисодий мустақиллиги, эркинлиги даражаси ортиб бораётган жараёнда доимо рисклар мавжуд бўлиши кузатилади. Улар манфаатларига зарар келтириши мумкин бўлган ва доимий такрорланиб турадиган рискларни қайта тақсимлаш, яъни

---

[3]Қаранг: Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. Президент И.Каримовнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 16 февраль.

[11] Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p. 1 b. 3.

[1]Қаранг: Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p.1 b. 4.

[2]Қаранг: Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих -ПЭЛ, 1996. I-X, с. 347.

[3] Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

ўзига хос бўлган махсус хизмат билан суғурта шуғулланади.

«Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда, ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади»[3].

3. Табиий ва бошқа стихияли ҳодисалар содир бўлиши натижасида келтирилган зарарларни қоплаш учун суғурта фондлари ташкил этилади. Суғурта фондлари ташкил этиш манбасига ва фойдаланиш йўналишига қараб, уч кўринишда бўлади:

-ўз-ўзини суғурталаш фондлари. Бу фонд ҳар бир хўжалик субъектида ташкил этилади ва ишлаб чиқаришда вақтинча юзага келган қийинчиликларни олдини олишга хизмат қилади;

-давлатнинг марказлашган суғурта фондлари. Марказлашган суғурта фондлари умумдавлат ресурслари ҳисобидан ташкил этилади. Бу фонддан асосан фавқулодда ҳодисалар рўй берганда пайдо бўлган зарарларни қоплашга ишлатилади;

-суғурта йўли билан ташкил этиладиган суғурта фондлари. Бу фонд суғурталанувчилар томонидан тўланган мукофотлар ҳисобидан ташкил этилади. Суғурта фонди фақат пулли шаклда ва у қатъий мақсадли йўналишда фойдаланилади, яъни суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлашга ишлатилади.

4. Суғуртанинг иқтисодий табиати унинг функцияларида ўз аксини топади. Молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан бир қаторда суғурта ҳам бир қатор функцияларни бажаради. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда суғуртанинг функциялари бир неча кўринишда талқин этилади. Масалан, и.ф.д., проф. В.М.Родионова раҳбарлигида чоп этилган “Финансы” ўқув қўлланмасида суғурта иккита функцияни бажариши кўрсатиб ўтилган. Бу функциялар қуйидагилардан иборат: қайта тақсимлаш ва назорат функцияси. И.ф.д., проф. Ҳ.Р.Собиров суғурта қуйидаги функцияларни бажаришини қайд этади: “хавф-хатар; огоҳлантириш; инвестиция; омонат; ахборот”.

Кўриниб турибдики, проф. Ҳ.Р.Собиров суғуртанинг 5 та функцияга эга эканлигини қайд этади. Фикримизча, бу функцияларнинг баъзилари тегишли баҳс-мунозарани талаб этади. Хусусан, суғуртанинг инвестиция функцияси. Инвестиция – суғурта ташкилотлари учун функция эмас, балки асосий суғурта фаолиятига қўшимча равишда амалга ошириладиган фаолиятдир. Инвестициясиз ҳам суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатишлари мумкин. Аммо, суғурта ташкилотлари вақтинча бўш турган маблағларини инвестиция қилиш орқали қўшимча даромад олади. Функция доимийлик характерига эга ва у ўзгармасдир. Собиқ совет ҳокимияти даврида давлат суғурта органларининг маблағлари инвестиция қилинмас эди. Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан суғурта ташкилотларида инвестиция фаолияти билан шуғулланишга имконият туғилди. Шунинг учун

биз инвестицияни суғуртанинг функцияси бўла олмайди, деб тасдиқлашимиз мумкин.

Айни шундай фикрларни ахборот функцияси ҳақида ҳам гапириш мумкин. Суғурталанувчиларга суғурта ташкилотлари ҳақида маълумот бериш бу суғуртанинг ахборот функцияси мавжудлигини англатмайди. Суғурта ташкилотларининг тижорат сирига кирувчи маълумотлари умуман ахборот сифатида берилмайди. Суғуртага ахборот функцияси хослиги унчалик ҳам ўз исботини топмаган.

Бизнинг фикримизча, суғурта қуйидаги функцияларни бажаради:

- Суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ функция.
- Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ функция.
- Назорат функцияси.

Юқорида қайд этилган функциялар суғурта фаолиятида доимий ҳисобланади ва ҳар қандай шароитда ўзгармасдир. Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун, албатта, суғурта ташкилотида етарли миқдорда пул маблағлари фонди бўлиши лозим. Агар, суғурталовчи пул фондини, яъни суғурта фондини ташкил этмаса, унинг молиявий аҳволи мураккаблашиши мумкин. Ташкил этилган суғурта фондининг маблағлари қатъий мақсадли характерга эга бўлиб, у фақат суғурта ҳодисалари рўй берганда қоплама бериш учун ишлатилади. Суғурта фондининг маблағларини бошқа мақсадларда ишлатиш мумкин эмас. Суғурта фонди маблағлари давлат томонидан олиб қўйилиши ва солиққа тортилиши мумкин эмас.

Мавзу : Суғурта соҳасида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчалар

1. Суғуртада фондини шаклланиши билан боғлиқ атама ва тушунчаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Суғурта муносабатларида қуйидаги томонлар қатнашадилар:

Суғурталовчи – суғурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ва тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар. Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим бўғини. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунига кўра, суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс суғурталовчи деб ҳисобланади.

Суғурталовчилар турли мулк шаклига эга бўлиши мумкин (давлат суғурта ташкилотлари, акционерлик суғурта ташкилотлари ҳамда ўзаро суғурталаш жамиятлари). Суғурта фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар махсус давлат органининг тегишли лицензиясига эга бўлиши зарур.

Суғурталанувчи – суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабати ўрнатган ва тегишли суғурта мукофотларини тўловчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурта воситачилари – суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик вазифасини бажарувчи юридик шахс. Мақоми бўйича воситачи суғурталанувчининг манфаатларини ҳимоя қилади. Кўрсатган хизматлари учун воситачи тегишли воситачилик ҳақини олади.

Риск- битта кутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Риск тушунчаси кўринишларининг хилма-хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, рискни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатишни имконияти бўлмаганлиги суғурта ишини ташкил этиш учун асос яратди. Шундай қилиб, риск суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт-шароит яратади. Риск-рискли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир.

Суғурта фанида риск тушунчасига турлича тарифлар берилган. Жумладан, риск-бу конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Риск суғурта объекти билан тўғридан тўғри боғланган. Объектга риск салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд нобуд қилиши мумкин. Шу туфайли риск - бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта рискларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади.

Риск баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; суғурта объекти; суғурта жавобгарлигининг тури.

Тиббий суғурта- аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки ихтиёрий бўлади.

Мулкий суғурта - турли кўринишдаги мол-мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар суғурта муносабатларининг объекти ҳисобланган, суғуртанинг мустақил тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол-мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол-мулкнинг соҳиблари, балки мол-мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Нетто-ставка - брутто-ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто-ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари ресурслари бўлиб, у брутто-ставканинг 90 фоизигача миқдорини ташкил этиши мумкин.

Мажбурий суғурта - суғурта муносабатлариннинг қонун кучига эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда суғуртага тортиладиган объектлар сони, суғурта жавобгарлигининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий суғуртани тегишли лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта компанияси ўтказиши мумкин. Шунингдек, мажбурий давлат суғурта турлари ҳам

мавжуд. Масалан, ҳарбий хизматчилар, давлат божхона ва солиқ хизмати ходимлари ҳамда бир қаторда шундай тоифадаги шахслар бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртасига тортилади. Бу суғурта тури бўйича суғурта мукофотлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Рискларни жойлаштириш:

1) суғурта манфаати туфайли юзага келадиган суғуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Рискларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш мос равишда тўғридан тўғри суғурталаш, қайта суғурталаш ва ретроцессияни англатади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рискларни жойлаштириш суғурта воситачилари орқали суғурта бозорида амалга оширилади;

2) суғурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли рискларни қисмларга бўлиб бир нечта суғурта компаниясида суғурталаш услуби. Бир қанча суғурта компаниялари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқади ва у суғурта шартномасидаги шартларни маъқуллаб, рискнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади. Кейин, брокер бошқа суғурта компанияларига мурожаат қилиб, рискнинг қолган қисмини ҳам жойлаштиради.

Суғурта - ҳар хил нохуш ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқароларнинг ҳаётида тегишли суғурта ҳодисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкий, шахсий ва жавобгарлик суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта - бу рискни тақсимлаш усулидир.

2. Суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ атамаларга қуйидагилар киради:

Бош полис- суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим «очиқ полис» ёки «полис-абонамент» дейилади. Мазкур бош полис асосида суғурталаш ташқи савдо юклари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатилган юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари) баён этилган аризани тақдим этса етарли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади.

Квотали қайта суғурталаш - суғурта компанияси қайта суғурталовчи компания билан келишган ҳолда унга рискларни бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали расмийлаштирилади. Қайта суғурталовчи компанияга суғурта мукофотини тегишли қисми берилади ва қайта суғурталовчи компания мутаносиб равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади.

Воситачилик ҳақи - мижозларни суғуртага тортганлиги учун суғурта компанияси томонидан воситачиларга (суғурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Воситачилик ҳақининг миқдори суғуртанинг турига ва келиб тушган мукофотнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда суғурта мукофотига нисбатан фоизларда тўланади.

Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.

Суғурта далолатномаси - суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган ҳужжат. Далолатномада мол-мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда суғурта ҳодисаси ва мол-мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнғинга қарши кураш, давлат автомобиль назорати, қишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма ҳулосаси илова этилади. Халқаро суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер ёки авария комиссари тузади ва моҳиятан авария сертификатига яқинлашади.

Суғурта мукофоти- суғурта хизматини кўрсатганлик учун тўланадиган ҳақ. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта суммасига нисбатан фоизларда аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори аниқ суммаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, автомобиль эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида суғурта мукофоти аниқ пул бирлигида кўрсатилади.

Суғурта пули - суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта компанияларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. ҳар қайси компания ўз суғурталанган рискни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади.

Суғурта объекти - шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти билан боғлиқ манфаати; мулкий суғуртада бинолар, қурилмалар, транспорт воситалари уй-жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлашга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаати; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз ҳатти-ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик масъулияти - масъулиятни суғурталашда суғурта объектлари бўлиб ҳисобланади. Рискни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассислари томонидан экспертиза қилиниши мумкин.

Суғурта шартномаси - икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида тузиладиган ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта қопламаси

ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.

3. Халқаро даражада қўлланиладиган суғуртага оид атамаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Абандон - тўлиқ миқдордаги суғурта суммасини олиш учун суғурталанувчининг суғурталанган мол-мулкдан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши (суғурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк қароқчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа-ҳодиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон суғурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Фақат, Англия қонунчилигида абандон учун суғурталовчининг розилиги талаб этилади.

Авария комиссари - суғурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Суғурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг характери ва миқдорини аниқлайди, ҳодиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Суғурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва телекс рақамлари суғурта компанияси томонидан бериладиган суғурта полисида кўрсатилади. Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси рўй бериши заҳоти авария комиссарига мурожаат қилиши зарур. Авария комиссари мол-мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва суғурта компаниясининг топшириғига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида суғурта компанияси учун авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди.

Авария сертификати - мол-мулк суғурта ҳодисаси туфайли зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва характерини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли воситачилик ҳақи ҳисобига суғурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати суғурталанувчининг суғурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда суғурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади.

Аджастер - суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан суғурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки юридик шахс. У суғурталанувчи билан унга тўланадиган суғурта қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер суғурта ҳодисасини рўй бериш сабабларини ўрганади ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари бўйича суғурта компаниясига эксперт хулосасини тузади ҳамда авария комиссари

функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтисослашган ташкилот амалга ошириши мумкин.

Актуарий - лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб-китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта заҳираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар институти фаолият кўрсатмоқда. Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд.

Актуар ҳисоб-китоблар - суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб-китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб-китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига асосланади, тариф ставкасини миқдори суғурта ҳодисалари рўй беришининг эҳтимолийлигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узоқ муддатли ҳаётни суғуртаси бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондини шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимолийлигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси ҳақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги жадвални тузиш мумкин. Бу жадвал асосида нафақани ва ҳаётни суғурталаш бўйича тариф ставкаларни ҳисоблаш мумкин.

Андеррайтер – 1) турли рискларни суғурталаш ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясини суғурта портфели шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясини аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан шуғулланадиган ёки манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс.

Андеррайтер сиёсати- суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида хулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат.

Аннуитет – рента ва нафақаларни суғурталашнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. Аннуитетнинг бир тури ҳисобланадиган фуқароларнинг йиллик даромадини суғуртаси бугунги кунда Буюк британияда, Францияда ва АҚШда кенг ривожланган.

Диспашер – денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда кўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб-китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун ҳақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди.

Европолис – Европа Иттифоқи мамлакатларида суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси.

Ковернота – суғурта воситачиси томонидан суғурталанувчига бериладиган ва суғурталанувчининг суғурта шартномаси тузишини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу ҳужжатда кўрсатилган муддат мобайнида суғурта брокери суғурталанувчига суғурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота суғурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди.

Мавзу : Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари

1. Жамиятда фуқаролар ва уларнинг жамоаси ўз фаолиятлари жараёнида бир-бирлари билан тегишли ижтимоий муносабатда бўладилар. Ушбу муносабатларни бир қолипга солиш учун уларни тартибга келтириш зарур, яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳатти-ҳаракат қилиш доирасини белгилаш зарур. Баён этилганлар тўлалигача суғуртага ҳам тааллуқлидир. Суғурта ижтимоий-иқтисодий қонуният сифатида ҳуқуқий томондан мустаҳкамланишни талаб этади. Суғурта фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади.

Суғурта соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киради. Бундай муносабатлар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, шартнома мажбуриятларини, шунингдек мулкий ҳамда шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Суғурта соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида шаклланадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар;
- фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.

Фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тегишли шартнома қоидаларига асосланади. Бунда бир томондан суғурта ташкилотининг фуқаро олдида,

иккинчи томондан фуқаронинг суғурта ташкилоти олдидаги бурч ва мажбуриятлари пайдо бўлади. Яъни, тузилган шартномага кўра, фуқаро ўз вақтида суғурта мукофотини тўлаши шарт. Суғурта ҳодисаси рўй берганда эса, суғурта ташкилоти суғурта шартномасида қайд этилган шарт ва муддатларда суғурта қопламаси (суммасини) фуқарога тўлаб бериши лозим. Кўриниб турибдики, шартнома –фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжат сифатида тарафларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий тартибга соляпти.

Суғурта ташкилотларининг бир-бирлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари суғурта пулини ва қайта суғурта қилиш билан боғлиқ тузилган шартномалар доирасида шаклланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, суғурта ташкилоти молиявий барқарорликни таъминлаш, бинобарин, суғурталанувчилар олдида ўз мажбуриятини бажаришини таъминлаш мақсадида суғурта пулида иштирок этиши ёхуд бошқа суғурта ташкилотлари ёки ихтисослашган қайта суғурта ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга кириши мумкин. ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 959-моддасида «суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин» деб алоҳида қайд этилган.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар махсус ваколатли давлат органининг суғурталанувчилар бўлган – фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш билан боғлиқдир. Амалиётда шундай ҳолатлар бўладики, суғурта ташкилоти суғурталанувчига суғурта ҳодисаси туфайли кўрилган зарарни қоплашдан асоссиз воз кечиши мумкин. Бундай пайтда ўз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя этиш мақсадида суғурталанувчи махсус ваколатли давлат органига мурожаат этиши мумкин.

Суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Махсус ваколатли органнинг суғурта ташкилотларига нисбатан пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Суғурта фаолияти» тўғрисидаги Қонунда ўз аксини топган. Махсус ваколатли давлат органи қонунда белгиланган тартибда суғурта ташкилотларининг фаолиятини назорат этиб боради. Зарурият бўлганда эса, суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя этиш мақсадида ундан суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш давлат томонидан суғурта муносабати қатнашчиларининг ҳатти-ҳаракатини ҳуқуқий нормалар воситасида амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳар хил олдиндан кўриб бўлмайдиган суғуртавий ҳимоя қилиш учун кўпчилик шахслар томонидан ташкил этиладиган махсус фонд ҳисобидан амалга ошириладиган суғурта фаолияти жараёнида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар мавжуд. Ушбу муносабатларни тартибга соладиган нормалар йиғиндисига суғурта ҳуқуқи дейилади.

2. Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини икки турга бўлиш мумкин:

- суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар;
- суғурта фаолиятини тартибга солувчи умумий қонунлар

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган ва шу йилнинг 28 майида амалиётга жорий этилган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонуни суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида 1993 йили Олий Мажлис “Суғурта тўғрисида” Қонун қабул қилган эди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур қонунга икки марта қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Табиийки, бу қонун ўша пайтда мавжуд бўлган иқтисодий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу қонун суғурта муносабатлари қатнашчилари учун бироз юмшатилган ҳолатда амал қилди. Жумладан, унда суғурта ташкилотлари тугатилган тақдирда уларнинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятини бажариш тартиби тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, бу қонунда қонунчилик талабларини бузганлик учун томонларнинг жавобгарлиги ўз аксини топмаган ҳамда давлат суғурта назорати органининг суғурта ташкилотларига нисбатан таъсир қилиш имконияти кескин чегараланган эди.

Баён этилган ҳолатлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги “Суғурта тўғрисида”ги Қонунни янгилаш ва такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Шуни эътиборга олиб, 2002 йилнинг 4-5 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги янгидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва қабул қилинди.

Маълумки, суғурта соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи 2002 йил апрель ойигача амалда бўлган қонун “Суғурта тўғрисида” деб аталади. ҳолбуки, биз фикр-мулоҳаза юритмоқчи бўлган қонуннинг номи эса “Суғурта фаолияти тўғрисида” дейилади ва шубҳасиз, бу ҳолат диққатимизни ўзига

жалб этди. Кўпчилик муҳтарам талабаларимизда ҳақли савол туғилиши мумкин: суғурта ва суғурта фаолияти тушунчалари ўртасида фарқ борми? Саволга жавобан биз мутахассислар айтамизки: фарқ бор. Суғуртанинг моҳиятини оддий тил билан ифодалайдиган бўлсак, олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳар хил ҳодисалар рўй бериши оқибатида юридик ва жисмоний шахслар кўрадиган зарарларни суғурта ташкилоти томонидан қоплаш билан боғлиқ муносабат. Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, суғурта ташкилоти ўз хизматини мижозларга тегишли ҳақ - суғурта мукофоти тўлаш эвазига кўрсатади. Суғурталовчи мижозлардан келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан мақсадли пул жамғармаларини ташкил этади ва бу жамғарма маблағлари фақат суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарларни қоплайди. Эътибор берган бўлсангиз, суғурта муносабатларида иккита томон иштирок этяпди: суғурта ташкилоти (суғурталовчи) ва юридик ҳамда жисмоний шахслар (суғурталанувчилар). Энди, суғурта фаолияти тушунчасига келсак, қонунда таъкидланишича, у суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фақатгина суғурталовчи ва суғурталанувчидан иборат эмас. Унда қайта суғурталовчилар, қайта суғурталанувчилар, суғурта брокерлари ва агентлари ҳам иштирок этади.

Янги қонуннинг эътиборга молик томонларидан бири, унда, аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг 4-моддасида суғурталовчиларнинг суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги қайд этилган. Қайд этиш жоизки, суғурта фаолияти ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари кечаётган ва тадбиркорлик ҳаракатларига кенг йўл очилаётган бир пайтда, тадбиркорлик тизимининг муҳим бўғинларидан бўлган-суғурталовчилар учун бундай чекловнинг қонун йўли билан белгиланишига сабаб нима? ўтган йиллар тажрибаси шундан далолат берадики, кўпгина суғурта ташкилотлари “суғурталовчи” ниқоби остида турли тижорат операцияларини, хусусан, савдо-воситачилик ишларини амалга оширдилар. Юридик ва жисмоний шахсларни суғурта қилиш ҳисобига келиб тушган суғурта мукофотлари, қоидага кўра, суғурта қопламаларини тўлашга мўлжалланган заҳира жамғармаларини ташкил этишга сарфланмасдан, балки суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга сарфланган ҳолатлар ҳам бўлган. Суғуртанинг энг асосий принципларидан бири-суғурталовчиларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлайдиган суғурта заҳираларига эга бўлишидир. Таассуфки, баъзи суғурталовчиларимиз, бундай заҳираларни шакллантирмаганликлари оқибатида мураккаб молиявий ҳолатни бошидан кечирганлиги сир эмас. Айниқса, бу кўп минг сонли суғурталанувчилар учун ноқулай вазиятни вужудга келтириши мумкин.

«Суғурта фаолияти тўғрисида» Қонуннинг диққатга сазовор жойларидан яна бири, унинг 10-моддасида суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини аниқ кўрсатиб қўйилганлигидир. Маълумки,

қонун ҳужжатларига мувофиқ, акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотлари ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинганлар. Аммо, узоқ вақт, аниқроғи, 1998 йилнинг биринчи ярмигача суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколати берилган давлат суғурта назорати органининг ташкил этилмаганлиги ва илгари Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган ташкилотларнинг фаолияти ҳеч ким томонидан назорат қилинмаганлиги оқибатида янги ташкил этилган суғурта ташкилотларини давлат рўйхатига олишда муаммолар пайдо бўлган.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун 29 та моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби суғуртавий ҳуқуқий муносабатларга бағишланган. Унда жами 47 та модда мавжуд. Кодекс суғурта ташилотлари билан суғурталанувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солса, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун суғурта ташкилотлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

3. Қонун ости ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари киради.

Мустақиллик даврида суғурта фаолияти билан боғлиқ бир қанча Президент фармонлари қабул қилинган. Улардан бири 1995 йилнинг 26 июлида ташкил этилган «Мадад» суғурта агентлиги фаолияти билан боғлиқ Президент фармонидир. Ушбу фармонга кўра, агентликнинг фаолият йўналишлари кўрсатилган ҳамда уни 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилганлиги таъкидланган. Шу ерда қайд этиш керакки, «Мадад» суғурта агентилигини ташкил этиш билан боғлиқ Президент Фармонини ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилган.

Шу билан бир қаторда 1997 йил 18 февралда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, 1997 йилнинг 25 февралида эса «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш бўйича Президент фармонлари қабул қилинган. Бу фармонларда қайд этилган компаниялар 5 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилган.

ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йил 31 январида «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу фармон суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, фармонда 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилиниши ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни

кўзлаган ҳолда мазкур ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шахобчаларини ташкил этишга, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Шуниси эътиборлики, солиқ олишдан бўшайдиган маблағларни таркибида давлат улуши бўлган суғурта ташкилотлари устав жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш чоғида мазкур маблағлар давлатга тегишли улуш миқдорига қўшиб ҳисоблайди. 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб тўрт йил мобайнида суғурта ташкилоти тугатилган ёки у суғурта фаолиятини тўхтатган ҳолларда даромад (фойда) солиғининг суммаси ушбу Фармонга мувофиқ берилган бутун имтиёзли давр учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

Фармонда белгилаб қўйилдики, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф-харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташланади. 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар харидорларга хизмат қиладиган банкларнинг кафолатлари ёки экспорт шартномаларининг сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда олдиндан ҳақ олмасдан ва аккредитив очмасдан эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишлари мумкин.

4. Суғурта фаолияти классификатори - суғурталовчилар ҳамда суғурта брокерлари суғурта фаолиятини лицензиялаш жараёнида уларнинг фаолият йўналишларини белгилашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган меъёрий ҳужжатдир. Суғурта фаолияти классификаторида келтирилган класслар ёрдамида суғурталовчиларнинг суғурта хизмат турлари бўйича суғурта шартномалари тузилади.

Суғурта хизматларини кўрсатиш икки хил йўл билан амалга оширилади:

- ихтиёрий;
- мажбурий.

Суғурта фаолияти классификаторида иккала турда амалга ошириладиган суғурта турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар: жавобгарлик суғуртаси, мулкий суғурта ва ҳаёт суғуртасига бўлинади.

Мамлакатимиз суғурта компаниялари томонидан амалга ошириладиган суғурта турлари бўйича классификатор ҳам 2002 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сонли Қарорининг 1-иловаси - “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомга 1-илова сифатида суғурта фаолияти классификатори тасдиқланган.

Мазкур суғурта фаолияти классификаторининг қабул қилиниши суғурта компаниялари учун суғурта фаолиятини амалга оширишда асос ҳисобланади. Суғурта компаниялари суғурта фаолияти учун лицензия

олишда Молия вазирлиги томонидан қўйиладиган талабларда ҳам фаолият юритмоқчи бўлган суғурта хизматлари бўйича суғурта шартомларидан нусха тақдим этилдиши шарт ҳамда аризада суғурта класслари номлари ҳам келтирилади. Келтирилган суғурта турлари бўйича бошқа талаблар ҳам ўрнатилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 413-сонли Қарорининг 1-иловаси - Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом ҳақида бўлиб, унинг 1-иловасида суғурта фаолияти классификаторининг таркиби ҳамда тармоғи келирилган.

Мавзу : Суғуртада тариф сиёсати

1. Рисклар трансферини функционал мазмун-моҳиятига кўра ўзаро узвий боғлиқ бўлган суғурта хизматларини ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш саъй-ҳаракатлари мажмуаси, деб таъкидлаш мумкин. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектларининг талабларига кўра, уларни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Бу жараёнда рисклар юз бериши оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарларни қоплашда суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти ортмоқда.

Шунга кўра, рисклар трансферида тарифларни оптимал даражада белгилаш суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Рисклар трансферида тарифларни белгилаш қатор услубиятларга, хусусан, эҳтимоллик назариясига биноан суғуртачиларда шакллантирилган маълумотлар базасига асосланган дир.

Хусусан, тарифларни белгилашда ҳар бир шартнома бўйича қуйидаги:

- суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли;
- суғурта мукофотининг ўртача катталиги;
- тўланиши эҳтимол бўлган суғурта қопламасининг ўртача суммаси каби омиллар эътиборга олинади.

Рисклар трансфери бўйича тарифларни аниқлаш услубиятларида объектларнинг ўзига хослиги тўлиқ акс этмаган. Шуни таъкидлаш керакки, тарифларни белгилашда унга таъсир этувчи қатор омиллар қатъий эътиборга олинган услубиятнинг самараси кутилган даражада бўлиши мумкин. Хусусан, бундай услубият:

- суғурта объектларини таснифлаш (гуруҳлаш);
- ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос томонларини аниқлаштириш;
- ўзига хос хусусиятларни сон жиҳатдан баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш;

- ҳар бир гуруҳ объектларининг умумий томонларини акс эттирган маълумотлар базасини шакллантириш;

- тарифларини ҳисоблашнинг дастурий таъминотини йўлга қўйиш каби бир қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади.

Суғурта фаолиятида зарарлилик кўрсаткичилари ўзгариши суғуртачининг суғурталанувчилардан ундирган мукофотлари суммаси жамлаши ва уларни инвестициялар бозорида жойлаштириши жараёнидаги воситачи сифатидаги роли билан ҳам изоҳланади.

Инвестицион фаолиятдан олинган фойда суммаси суғурта компаниясининг тариф сиёсатига таъсир этувчи муҳим омил саналади. Қайд этиш лозимки, суғурта операцияларидан кўрилган зарарни инвестиция фаолиятидан олинган фойда ҳисобидан субсидия қилинишига бўлган муносабат ҳам турличадир. Хусусан, бундай фаолият, бир томондан, маблағлар тақчиллигида рақобатга мос бўлган тариф сиёсатини юритиш учун айнан инвестициялар бозорида қулай конъюнктуранинг юзага келиши ҳисобига захирани талаб даражасида шакллантириш имкониятини юзага келтирса, бошқа томондан, айнан шундай фаолиятдан олинган даромад ҳисобига техник натижаларни тенглаштириш учун суғурта фондидан жалб этиладиган маблағлар етарли даражада бўлишини таъминловчи омил сифатида қаралаётганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозимдир. Мазкур ҳолат суғуртачининг ўз жавобгарлигига қабул қилган риск бўйича назорати сустлашувининг омили бўлмаслиги лозим.

Ҳозирга қадар, суғурта амалиётида мажбуриятлар ҳажми, эркин активларнинг тузилиши ва баҳоси, молиявий кафиллик таъминланганлиги, суғурта портфелининг рационал шаклланиши билан боғлиқ бўлган рисклар тақсимоти, суғурта захиралари шакллантирилиши борасида ягона бир концепция ишлаб чиқилмаган. Шу боис суғурта ташкилотлари бу муаммоларни эмпирик тарзда ҳал этишга мажбур бўлмоқда.

Ҳар қандай суғурта тури бўйича тарифлар ҳисоб-китоби (актуар ҳисоб-китоблар)да аниқ суғурта объектининг қиймати ҳисоблаб чиқилади. Умуман актуар ҳисоб-китоблар ёрдамида суғурта хизматини ҳамда суғуртачи томонидан суғурталанувчига кўрсатиладиган хизматининг қанча туриши аниқланади.

Суғуртани амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш «актуар калькуляция» (actuary) деб аталади. Унинг ёрдамида шартнома бўйича суғурта мукофотлари ҳамда суғуртачининг иш юритиш харажатлари суммаси, яъни мазкур хизмат таннархи ҳисоблаб чиқилади. Суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китобларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд ва улар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- баҳоланаётган риск доимо эҳтимоллик характерига эга бўлиши;

- айрим йилларда умумий қонуниятга зид туркум тасодифий ҳодисалар юз бериши, уларнинг таъсири, ўз навбатида, суғурта ташкилотидан талаб этиладиган суғурта қопламаси тўлови суммасининг сезиларли ўзгаришини тақозо этиши;

- суғуртачи томонидан кўрсатилаётган хизмат таннархи суғурта

муносабатлари йиғиндисидан келтирилиб чиқарилиши;

- суғуртачи ихтиёрида бўладиган махсус захирани ажратиш, унинг оптимал ҳажмини аниқлаш талаб этилиши;

- суғурта шартномалари кўрсаткичларини (инглизча «storno») башорат қилиш ҳамда улар бўйича эксперт баҳоси талаб этилиши;

- қарз (ссуда) фоизлари меъёрларини ва аниқ вақт оралиғида уларнинг ўзгариш анъаналарини тадқиқ этиш тақозо этилиши;

- суғурта ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда тўлиқ ёки қисман зарарлар юзага келиши ҳамда улар катталигининг кенглик ва вақтда тақсимланишига махсус жадваллар ёрдамида ўзгартиришлар киритиш талаби намоён бўлиши;

- эквивалентлик тамойилига амал қилиш, яъни суғурта мукофотлари ва суғурта ташкилоти томонидан тариф даврида кўрсатилаётган суғурта таъминоти ўртасида ўзаро тенглик ўрнатилиши тақозо этилиши;

- умумий суғурта доирасида рискларни аниқлаштириш ва уларни гуруҳлаш талаб этилиши кабилар.

Суғурта тўловлари ҳажмининг ҳисоб-китоблари айнан бир мамлакат, алоҳида бир ҳудуднинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда, шунингдек риск юз бериши эҳтимолининг вақт ва кенгликдаги хилма-хиллиги асосида аниқланади. Масалан, суғурталанган объектлар сони 100 та, ҳар бир объект бўйича суғурта суммаси 2 млн. сўм бўлса, риск эҳтимоли 2 фоиз даражасида (0,02 х 100 х 2 млн. сўм) ҳамда зарар суғурта суммасига тенг ёки ундан катта бўлганида, мазкур умумий суғурта доирасидаги бу суғурта тури бўйича йиллик суғурта қопламаси, яъни нетто-ставка айнан 4 млн. сўмни ташкил этади.

Аниқланган суғурта қопламасини суғурталанган объектлар сонига бўлсак, умумий суғурта захирасига ҳар бир суғурталанувчи томонидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти 40 минг сўм (0,02 х 2 млн. сўм) эканлиги аниқланади. Ҳар бир суғурталанувчи айнан шунча суғурта мукофотини тўлаши керак. Суғурта суммасининг бирлиги сифатида 1000, 100 ёки 1 сўм олиниши мумкин.

Тариф ставкаси ёрдамида ҳар бир суғурталанувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича тўлаши керак бўлган суғурта мукофоти аниқланади. Бунинг учун шартномада қайд этилган суғурта суммаси тариф ставкасига кўпайтирилади. Масалан, тариф ставкаси ҳар 100 сўмдан 2 сўм даражасида белгиланган бўлса, шартнома бўйича суғурта суммаси 5 млн. сўмга тенг бўлганда, суғурта мукофотининг катталиги қуйидагича аниқланади:

(2 сўм х 5 млн. сўм) : 100 сўм = 100 000 сўм.

Суғурта тарифи ставкаси суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланади. Унинг тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги муҳимдир. Суғуртачи суғурта тарифи асосида ундирилган суғурта мукофотлари ҳисобидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди, яъни суғурта фаолиятини амалга ошириш харажатларини қоплайди.

Суғурта рисклари сезиларли даражада кам юз берган ёки суғурта ҳодисаси оқибатида кўрилган зарар кўлами катта бўлмаган йиллар ҳисобига

суғуртачининг даромад (фойда) олиш эҳтимоли ортади. Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, аниқ натижалар ҳисоб-китобида ҳисобот даври давомида хабар қилинган, аммо суғурта қопламаси амалга оширилмаган зарар суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий кўрсаткичларига ҳам сезиларли таъсир этади.

Суғурта тарифининг риск юз бериши эҳтимолига нисбатан юқори даражада кўрсатилиши бир томондан, мижоз билан суғурта шартномаси тузилмай қолишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, суғуртачининг суғурта бозоридаги рақобатбардошлигига ҳам салбий таъсир этади. Ва, аксинча, тариф ставкасининг паст даражада белгиланиши суғуртачи маблағларининг тақчиллигини келтириб чиқариши оқибатида, суғурталанувчи кўрган зарарнинг суғурта қопламаси амалга оширилмай қолинишига олиб келиши мумкин, аммо, бундай ҳолат амалиётда деярли учрамайди.

2. Суғурта мукофотларининг ставкалари тариф даври учун ҳисоблаб чиқилади, яъни тариф ҳисоблари асосида белгиланган давр учун эквивалентлик таъминланади. Шундай қилиб, ҳар қандай суғурта тури бўйича тариф ставкаси брутто-ставка сифатида қаралади ва у икки қисмдан: нетто-ставка (суғурта қопламаси тўловлари учун захира суммаси) ва суғуртачининг фаолият юритиш харажатларидан (одатда у «юк» деб аталади) иборат бўлади. Брутто-ставкада бу иккала қисмнинг нисбати, уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, турлича фоизларда белгиланиши мумкин. Нетто-ставка брутто-ставканинг асосини ташкил этади ва унинг ҳиссасига, суғурта турига қараб, 60-95 фоизгача улуш тўғри келиши мумкин. «Юк» ҳисобига эса, шунга мос равишда одатда 5-40 фоиз улуш белгиланади.

Суғурта шартномаси бўйича қанча суғурта тури суғурталанаётган бўлса, нетто-ставка ҳам шунча қисмдан иборат бўлади. Масалан, ҳаётни аралаш суғурталаш бўйича нетто-ставка белгиланган давргача яшаганлиги учун, ўлим ҳолати юз берганлиги учун, меҳнат фаолиятини йўқотиш ҳолати учун каби нетто-ставкалардан ташкил топади.

«Юк»да суғурта ишини олиб бориш харажатлари акс этади. У қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- маъмурий-хўжалик харажатлари (унинг асосини ташкилот штатидаги ходимларга тўланадиган маошлар суммаси ташкил этади);
- суғурта полисларини жойлаштирганлиги учун ҳақлар;
- суғурта агентлари, менежерлар учун ҳақлар.

Тўлов шакллари, одатда брутто-ставка ёки «юк»ка нисбатан фоизларда аниқланади. Фоиз тўловларидан ташқари рағбатлантиришлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича «юк» суғурта ишини юритиш харажатларидан ташқари огоҳлантириш захирасига ажратмалар қилиш ва режалантирилган фойда суммаларини ҳам ўзида акс эттиради. Брутто-ставкани ҳисоблашда, дастлаб нетто-ставка аниқлаб олинади, сўнгра унга «юк» (одатда брутто-ставкага нисбатан фоизларда) қўшиб ҳисобланади. Брутто-ставка қўйидагича аниқланади:

$$МС = \frac{НС}{100 - Ю(\%)},$$

Бу ерда, МС - брутто-ставка;

НС - нетто-ставка;

Ю(%) - юк (фоизларда ифодаланади).

Мажбурий суғурта турлари бўйича тарифлар меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилса, ихтиёрий суғуртада эса, суғуртачи томонидан мустақил равишда аниқланади.

Тарифни аниқлаш услубияти, тариф ставкаси ва унинг дастлабки маълумотлар манбаси, нетто-ставка ва «юк» улушлари кўрсатилган ҳолда тариф ҳисоб-китоблари махсус ваколатли Давлат органига тақдим этилади. Мазкур орган томонидан рухсат берилганидан сўнг суғурта ташкилоти ўзи ҳисоблаб чиққан суғурта тарифини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир суғурта шартномаси бўйича суғурта тарифининг ҳажми суғурта объектини тавсифловчи қатор ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланади.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича тариф ставкасини аниқлашда нетто-ставка ҳисоб-китоби муҳим ҳисобланади. Айнан унинг ҳисобидан суғурталанувчилар кўрган зарарнинг қоплама тўловлари амалга оширилиши назарда тутилади.

Суғурта ташкилоти мукофот ундирилиши ҳисобига суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида суғурталанувчи кўрган зарарни қоплаш учун етарли миқдордаги суммани жамлаб олиши муҳимдир. Масалан, ҳар йили суғуртага қабул қилинган 1000 хонадондан 6 таси бутунлай ёниб кетиши ҳодисаси рўй беради деб фараз қилсак, ҳар бир хонадоннинг баҳоси 1 млн. сўм бўлса, бу ҳолатда суғуртачи (1 млн. х 6) 6 млн. сўм миқдоридаги пул фондига эга бўлиши талаб этилади. Бу суғурта қопламаси суммасини суғурталанган объектлар сонига бўлиш орқали ҳар бир суғурталанувчига тўғри келадиган (6 млн. сўм : 1000 = 6 минг сўм) суғурта мукофоти аниқланади. Айнан шу сумма аниқ бир суғурта объекти учун ҳисоблаб чиқилган нетто-ставкадир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан нетто-ставкани ҳисоблаш амалиётда бирмунча мураккаброқдир[1]. Негаки, суғурталанган объектнинг (бир қисми ёки батамом) зарар кўрганлиги даражаси, суғурта ҳодисалари (ёнғин, сув тошқини ва бошқа) сонининг йиллар бўйича тафовути, шунингдек, бошқа қатор далилларни эҳтимолликка асосланиб, башорат қилиш ва ҳисобга олиш керак бўлади. Мол-мулк (бино, уй хайвонлари, қишлоқ хўжалиги экинлари)нинг турли суғурта ҳодисалари (ёнғин, касалликлар, совуқ ва шу кабилар) юз бериши оқибатида, зарар кўриши ёки ҳалокатга учраши эҳтимоли турличадир. Шундан келиб чиқиб, объектларнинг шартномада қайд этилиши назарда тутилаётган суғурта

[1]Худди Европа мамлакатларидаги каби суғуртачилар иштирокидаги суғурта компаниялари ассоциациялари ва махсус (масалан, «Assamlee Pleniere des Socieetes d'Assurances Dommages» каби) техник ташкилотлар томонидан суғурта «маҳсулот»ларини кўрилиши эҳтимол бўлган зарарлар бўйича ишончли даражада тарификациялаш сингари фаолият Ўзбекистонда йўлга қўйилганича йўқ.

ҳодисаларидан суғурталаш бўйича тариф ставкалари ҳам турлича белгиланиши мумкин.

Нетто-ставка икки қисмдан - суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи ва риск «юки»дан шакллантирилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи - энг катта эҳтимолликка кўра, суғурталанган объектлар суммасининг тўланган суғурта қопламаси суммаси нисбатидан келиб чиқади. Масалан, бир автомобилнинг нархи 10 млн. сўм, уни таъмирлаш 3 млн. сўм, йўл ҳалокати ҳодисаси доимийлиги коэффициенти (ДАН маълумотига кўра) 0,2 бўлса, суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи (СС3К = 3 млн. сўм : 10 млн. х 0,2 х 100 = 6 сўм ёки 6 %) 6 фоизни ташкил этади.

Риск қопламаси тўловининг катталиги суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоллиги даражасига боғлиқ бўлади. Риск бўйича суғурта мукофоти унинг юз бериш эҳтимоллигининг вақт ва кенгликдаги ҳолатидан келтириб чиқарилади. Ҳаёт суғуртаси тармоғида риск эҳтимоли мижозлар жинси ва ёшига кўп жиҳатдан алоқадор бўлса, умумий суғурта тармоғида эса, нисбатан доимий риск мавжуддир. Аммо маълум вақт оралиғида риск катталиги ўзгариши ҳам кузатилади.

Мавзу : Суғурта бозори ва уни давлат томонидан тартибга солиш

1. Маълумки, ҳар қандай бозорда сотувчи ва харидор бўлади ҳамда улар ўртасида тегишли товарлар (хизматлар) айирбошланади. Худди шундай, суғурта бозорида ҳам сотувчи (суғурталовчи) ва харидор (потенциал суғурталанувчи) иштирок этади. Бу ерда потенциал суғурталанувчи тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, башарти, потенциал суғурталанувчини тўғридан тўғри суғуртананувчи, деб атасак катта хатога йўл қўйган бўламиз. Негаки, амалдаги қонунларга мувофиқ, суғурта компаниялари билан бевосита шартнома тузган, фуқаролик салоҳиятига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга суғурталанувчилар дейилади. Аксинча, суғурта “маҳсулотини” сотиб олишга эҳтиёжи бор, аммо ҳали суғурталовчилар билан тегишли суғурта муносабатларига киришмаган шахслар потенциал суғурталанувчилар деб аталади. Энди, суғурталовчилар ҳақида гапирадиган бўлсак, суғурталовчи - бу мамлакат худудида суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган ҳамда суғурталаш ўзи учун асосий фаолият тури ҳисобланган юридик шахслардир. Кўриниб турибдики, суғурта компанияси тегишли фаолият юритиши учун ваколатли давлат органининг лицензиясига эга бўлиши ва суғуртага боғлиқ бўлмаган операциялар билан шуғулланмаслиги зарур.

Суғурталовчилар бозорга ўзларини ишлаб чиқарган ўзига хос маҳсулоти - суғурта хизматини таклиф этадилар. Ушбу хизматлар юзлаб, минглаб суғурта компаниялари томонидан сотилиши мумкин. Ўз-ўзидан, бу ҳолат суғурта бозорида потенциал мижозларни жалб этиш учун суғурта компаниялари ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келади ва

“маҳсулот”нинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Энг асосийси, потенциал суғурталанувчи ҳар томонлама ўзининг талабини қондирадиган “маҳсулот”га эга бўлади. Баён этилганлар қуруқ гап эмас, балки бугунги кунда иқтисоди тараққий этган мамлакатлар бозорида руй бераётган оддий ҳақиқатдир. Юқорида зикр этилган фикрларни қуйидаги чизмада яққол кўриш мумкин.

Суғурта бозорининг моҳиятини чуқурроқ англаб олиш учун кундалик хаётимиздан оддий бир мисол келтирсак мақсадга мувофиқдир.

Ўзимиз ёки болаларимизга кийим-кечак сотиб олиш учун буюм бозорига борамиз. Айтайлик, бирорта кийим, аниқроғи, куйлак сотиб олмоқчимиз. Бозорда куйлакнинг ҳар хили мавжуд, баҳолари хам, нархи хам турлича. Биз, албатта, сифати яхшисини ва баҳоси арзонини сотиб оламиз. Суғурта бозорида ҳам айнан шу жараён юз беради.

1-чизма



Суғурта компанияси ўз маҳсулотини бозорда сотар экан, зиммасига катта масъулият олганлигини унутмаслиги керак. Чунки, суғурталовчи озгина суғурта мукофоти эвазига йирик микдордаги рискни қабул қилиб олади ва суғурта ҳодисаси руй берганда зиммасидаги суғурта қопламасини тўлаши шарт. Шу ўринда, биз суғурта компаниясига мурожаат қилишни истаган ёки муайян суғурта хизматига эҳтиёж сезган шахсларга суғурта шартномасини тузишдан олдин суғурта компаниясининг молиявий ахволи, баланси билан албатта танишиб чиқишларини маслаҳат қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бошқа товарлар ва хизматлар каби, суғурта хизматининг ҳам баҳоси талаб ва таклиф асосида пайдо бўлади ҳамда бу баҳо ўзининг пастки ва юқори чегараларига эга. Суғурта тушумларининг миқдори суғурта тўловлари ва суғурта ташкилотлари харажатлари миқдорига тенг бўлиши сугурта бахосининг пастки чегарасини билдиради. Бундай шароитда суғурта компанияси асосий фаолиятдан фойда ололмайди. Кўп ҳолларда суғурта бозоридаги кескин рақобат, суғурта ташкилотларининг потенциал мижозларни жалб этиш мақсадида тариф ставкаларини камайтиришга мажбур этади. Чет мамлакатларда, суғурталовчилар суғурта

фаолиятидан зарар кўрганда, бу зарар инвестициядан келадиган даромад ҳисобидан қопланади.

Суғурта хизмати баҳосининг юқори чегараси талаб ҳажми ва банк фоизининг миқдори билан аниқланади. Суғурта хизматининг маълум бир турига етарли даражада талаб мавжуд бўлганда, суғурта ташкилоти мазкур хизмат баҳосини юқори даражада сақлаб туриши мумкин. Лекин, вақт ўтиши билан бозорда суғурта хизмати кўрсатиш турларининг кўпайиши билан, ўз-ўзидан тариф ставкалари камаяди.

2. Суғурта бозори ҳудудий жойлашувига қараб халқаро, минтақавий ва миллий суғурта бозорларига бўлинади. Миллий суғурта бозори бирон-бир мамлакат ҳудудидаги суғурта муассасаларини ва уларни фаолиятини ўз таркибига олади. Жаҳондаги энг йирик миллий суғурта бозори Америка Қўшма штатларидир. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда йиғиладиган суғурта тушумларининг 43 фоиздан ортиғи АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда ҳаётни суғурта қилувчи 2600 дан ортиқ ва бошқа умумий турдаги суғурта хизматларини кўрсатувчи 3800 та компания фаолият кўрсатмоқда. Улардан баъзи бирлари дунё суғурта бозорида ҳам олдинги ўринлардадир. Масалан, “Пруденшиал оф Америка” компанияси мамлакат ички бозорида биринчи ва 1992 йил бошида мавжуд активлари, тўплаган суғурта мукофотлари бўйича учинчи ўринни эгаллади.

Минтақавий суғурта бозори деганда савдо, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўзаро яқин муносабатда бўлган бир нечта мамлакатларнинг ички бозори тушунилади. Европа Иттифоқининг суғурта бозори йирик минтақавий бозордир.

Халқаро суғурта бозори сифатида дунё миқёсида суғурта фаолиятини олиб борувчи алоҳида мамлакатларнинг ички бозори тушунилади. Жумладан, ҳозирги вақтда Япония суғурта бозорининг халқаро даражада мухим ўрни бор ва кейинги ўн йилликда Япония суғуртачилари дунё бозорида етакчилик қилиб келишмоқда. Маълумотларга қараганда, 1992 йили жаҳондаги энг йирик 20 та ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар ичида 9 таси ёки 45 фоизи Японияга тегишлидир. Бу компанияларнинг молиявий салоҳияти 869 млрд. долл. миқдорида баҳоланган.

Суғурта бозорлари ҳудудий бўлиниш билан бир қаторда суғурта турларига қараб ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Иқтисоди ривожланган мамлакатлар амалиётида суғурта бозори иккига бўлинади: 1) Ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ суғурта хизматлари бозори; 2) Умумий суғурта хизматлари бозори.

3. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Бу жараёнда суғурта фаолияти ҳам ривожланиб, равнақ топмоқда. Суғурта институти бозор инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида унинг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, суғурта фаолиятида рисклар трансфери ҳам ўз навбатида, бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

Шу ўринда, «инфратузилма» тушунчаси иқтисодий илмий луғатларда турлича: масалан, «асосий ишлаб чиқариш соҳалари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи иқтисодий тармоқлар йиғиндиси» ёки «маълум тармоққа хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчи тармоқлар мажмуаси» каби маъноларда қўлланилишини қайд этиш мумкин. Хусусан, суғурта бозори инфратузилмасининг мазмун-моҳиятини очиб беришда, иқтисодиёт субъектининг самарали фаолият юритиши учун кафолатли шарт-шароит яратувчи фаолият турлари мажмуаси назарда тутилади. Маълумки, суғурта маҳсулоти сотилишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд ва бу жараён:

- суғурта риски ҳақида ахборот тўплаш ва уни аниқлаштириш;
- суғурта шартномасини имзолаш ва унинг амал қилишини таъминлаш каби босқичларни ўз ичига олади.

Суғурта фаолиятида рисклар трансферининг мазкур босқичлари ўзига хос билимни талаб этади. Айни вақтда объектив ва субъектив сабабларга кўра, маълум қисқа давр оралиғида талаб этилаётган мутахассис компаниянинг штатлар бирлигига киритилиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланиши ҳам мумкин. Шунинг учун компания ўз фаолиятида, одатда бошқа соҳа мутахассислари хизматидан фойдаланади. Демак, таъкидлаш мумкинки, суғурта бозори инфратузилмаси унинг профессионал иштирокчилари ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифатида суғурта фаолиятида рисклар трансферининг самарадорлигини таъминловчи омил саналади.

Суғурта бозори инфратузилмасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш мумкинки, унинг таркибига суғурта воситачилари, суғуртачилар уюшмаси, авария комиссари, сюрвейер, актуарий, суғурта аудитори, махсус ихтисослашган маслаҳатчилар ҳамда баҳоловчи фирмалар каби субъектлар киради (1-чизма). Шу ўринда, Лондон суғурта бозори инфратузилмаси таркибига суғурта андеррайтерлари ҳам киритилганлигини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон суғурта бозорида ўзига хос ўринга эгадир. Масалан, актуарий суғурта хизматлари нархини аниқлашда қатнашувчи субъект саналади. Бунда, у катта сонлар ва эҳтимоллик қонунлари, шунингдек, статистик маълумотлардан фойдаланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта ташкилотлари актуарий фаолиятисиз суғурта хизматларига иқтисодий асосланган нархларнинг белгиланишини таъминлай олмайди. Актуарий суғурта фаолиятини стратегик режалаштириш, суғурта соҳалари, класс(тур)лари, шунингдек, компания бўйича суғурта портфели таркиби ва сифатининг таҳлили каби жараёнларда иштирок этади. Айрим давлатларда суғурта ташкилотининг ҳисоботи унинг ваколатли шахсларидан ташқари актуарий томонидан ҳам тасдиқланиши талаб этилади.

Суғурта бозори инфратузилмасининг яна бир асосий субъекти бу авария комиссаридир. У суғурта ҳодисаси юз берганидан сўнг шартнома шартларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятда иштирок этади. Таъкидлаш

мумкинки, авария комиссари суғурта ташкилоти билан тузган шартномаси асосида фаолият юритади. У суғурта ташкилотининг вакили сифатида суғурта ҳодисаси оқибатида зарар кўрган мулкни кўрикдан ўтказади, унинг кўлами ва сабабларини аниқлайди ҳамда авария сертификатини тузади. Баъзи мамлакатларда суғурта ташкилоти томонидан авария комиссарига маълум лимит доирасида йўқолган мулкни қидириш харажатларини амалга ошириш ҳуқуқи ҳам берилиши мумкин.

Мамлакатимизда аксарият ҳолларда суғурта ташкилотининг ўзи ёки ҳодисанинг турига қараб тегишли ташкилот (йўл патрул хизмати, баҳоловчи ташкилот ва бошқа)лар томонидан авария комиссарининг вазифаси бажарилмоқда. Бу ҳолат, албатта суғурта хизматининг сифатига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Мазкур жараёнда авария комиссари фаолиятининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши турли субъектларнинг суғуртага бўлган ишончлари ортишига омил бўлади.

Суғурта бозори инфратузилмасида авария комиссари билан «ёнма-ён» сюрвейер ва диспашерлар каби субъектлар ҳам фаолият кўрсатади. Сюрвейер - бу махсус эксперт бўлиб, у суғурта объектларини суғурта ташкилоти сўровига асосан кўрикдан ўтказувчи субъект саналади. У суғурталанувчи томонидан объектни кўрикдан ўтказиш учун жалб этилиши ҳам мумкин. Таъкидлаш лозимки, унинг авария комиссари билан ўзаро ўхшаш ҳамда ўзига хос фарқли томонлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари сюрвейернинг ихтисослашганлик даражаси одатда авария комиссарига нисбатан юқори саналади. Шунинг учун авария комиссари ҳам баъзан сюрвейер хизматидан фойдаланади.

Суғурта бозорида авария комиссари ва сюрвейер билан биргаликда диспашер ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Мазкур фаолият денгиз суғуртаси билан боғлиқлиги сабабли асосан денгиз бўйи давлатларида ривожланган. Мол-мулк ёки бошқа объектлар денгиз орқали манзилга етказилиш жараёнида юз бериши эҳтимол бўлган, турли рисклардан суғурталанади. Маълумки, денгиз транспортида бир неча субъектларнинг мол-мулки юкланган ҳамда улар суғурталанган бўлиши мумкин. Денгизда суғурта ходисаси юз бериши оқибатида мулкларнинг зарарланиши умумий авария деб номланади.

Умумий авария ҳолатида ҳар бир мулк эгаси қанча зарар кўрганлигини аниқлаш лозим бўлади. Айнан шундай фаолиятни диспашер амалга оширади, ҳамда у кўрилган зарарни ҳисоблаш ва уни холисона тақсимлаш билан шуғулланувчи мутахассис ҳисобланади. Зарарнинг ҳисоби бўйича тузилган хужжат диспаша деб номланади.

Суғурта бозори инфратузилмасида суғурта воситачилари профессионал иштирокчилар сифатида ўзига хос ўринни эгаллайди. Улар суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш борасида муҳим субъектлар ҳисобланади. Суғурта воситачиларининг таркибига суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари каби субъектлар

киради. Хусусан, суғурта агенти бу суғурта ташкилотининг номидан ёки унинг топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва унинг ижро этилишини ташкил этувчи юридик ёки жисмоний шахсдир. Суғурта брокери эса суғурталанувчининг номидан ёки унинг топшириғига асосан шартномани тузиш ва унинг амал қилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланади. Суғурта воситачилари суғурта маҳсулотини сотиш бўйича махсус тизимга эга бўлиб, суғурта бозорининг ўзига хос инфраструктурасини ташкил этади.

Суғуртачилар уюшмаси унга аъзо бўлган субъектларнинг манфаатларига хизмат қилиш мақсадида (масалан, 1985 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган Британия суғуртачилар ассоциацияси сингари) ташкил этилиши мумкин бўлган суғурта бозори инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми саналади. Мазкур уюшма(ассоциация)нинг вазифаси кенг кўламли бўлиб, у суғурта соҳасига оид билимларни оммалаштириш, махсус буклетлар, статистик маълумотларни нашр этиш каби йўналишларда фаолият кўрсатади.

Суғурта бозори инфратузилмасида аудиторлик ташкилотлари ҳам ўзига хос ўринга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ суғурта ташкилотлари ҳам аудиторлик текширувидан ўтишлари мажбурий қилиб белгилаб қўйилган. Аудиторлик текшируви суғурта ташкилотининг сўровига асосан амалга оширилади. Унинг натижасига кўра, аудитор суғурта ташкилотининг молиявий аҳволи юзасидан ўз хулосасини беради. Мазкур хулосада суғурта ташкилотининг молиявий ҳолати акс эттирилади. Суғурта ташкилоти аудитор тақдим этган хулосадан келиб чиқиб, ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда уни амалга оширади.

Суғурта фаолияти ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, махсус (масалан, тижорат банклари бухгалтерияси каби) бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шуни қайд этиш лозимки, суғурта фаолиятини текширувчи аудитор бу соҳа юзасидан махсус билимга эга бўлмаса, томонлар ўртасида келишмовчилик юзага келиши мумкин. Шу сабабдан, суғурта фаолиятини ривожлантиришда унинг ўзига хос бўлган бухгалтерия ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ташқари махсус ихтисослашган маслаҳатчилар ҳам суғурта бозори инфратузилмасининг субъекти сифатида фаолият юритишлари мумкин. Мазкур субъектлар жумласига ихтисослашган ва кенг қамровли маслаҳат бюролари, адвокатлик ҳамда баҳоловчи фирмаларни киритиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда маслаҳатчилик хизматининг ривожланганлик даражаси ҳозирда юқори эмас ва мазкур мутахассислар суғурта фаолиятида деярли иштирок этишмаяпти.

Ўзбекистонда 2004 йилнинг якунига кўра, суғурта мукофотлари 32,9 млрд. сўмга яқин суммани ташкил этди. 2005 йил бу кўрсаткичнинг янада ортиши кутилмоқда. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон суғурта бозорининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда суғурта бозорини янада ривожлантириш унинг хизматлари кўламини кенгайтиришни ҳамда уларнинг сифатини оширишни тақозо этади.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор инфратузилмаси суғурта бозори инфратузилмасини шакллантириш билан бир бутунликда кечадиган жараёндир. Ўзбекистонда суғурта бозори инфратузилмасининг шакллантирилиши бирмунча ўзгача тарзда кечмоқда.

Суғурта бозори инфратузилмасида алоҳида мустақил фаолият кўрсатиши лозим бўлган суғурта воситачилари, аудиторлари, суғурта объектларини баҳоловчи(эксперт)лар ҳамда бошқа субъектлар, хорижий амалиётдагидан фарқли равишда, мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотларининг ўзига бириктирилган. Гарчи, суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланиши суст кечаётган бўлсада, суғурта ташкилотларининг ўз инфратузилмасини ривожлантиришга бўлган ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Хусусан, бу борада «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг етакчи бўлаётганини, унинг қошида «Суғурта олами» номли суғурта бизнесини ўқитиш ва «Инновация ва суғурта хизматларини ривожлантириш» марказлари, «Ўзбекинвест Эксиминформ» маркетинг ҳамда «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентликлари «Ўзбекинвест Сармоялари» инвестицион компания шунингдек, бошқа шўъба корхоналар самарали фаолият кўрсатаётганлигини қайд этиш мумкин.

Суғурта бозори инфратузиласини шакллантириш ва унинг субъектлари фаолиятининг меъёрий-хуқуқий базасини такомиллаштириш Ўзбекистонда суғурта бозори тараққиётини янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. Хусусан, мамлакатимизда суғуртачилар уюшмасини ташкил этиш, актуарий, сюрвейер каби субъектларнинг фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу жараён суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг алоҳида ихтисослашувини ҳамда уларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади.

4. Суғурта ташкилотларининг фаолияти бошқа турдаги хужалик субъектлари фаолиятидан кескин фарқ қилади. Чунки, улар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва суғурта ҳодисалари рўй берганда етказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиладилар. Бу ҳолат, суғуртачилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди ва шунинг учун, улар давлат томонидан назорат остига олинмоғи зарурдир.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакллари. Сугурта фаолиятини давлат томонидан назоратга олишни шартли равишда учга булиш мумкин (1-чизмага қаранг).

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади.

1-чизма

Суғурта фаолиятини назорат қилиш шакллари



Масалан, Буюк британияда суғурта ишини Савдо ва саноат департаменти, Японияда Молия вазирлигининг суғурта булими, АҚШда эса махсус суғурта комиссариатлари назорат қилиб боради. Давлат, бундай назорат ишини олиб борар экан, аввало, мамлакатнинг суғурта соҳасига тааллуқли қонунларига ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига асосланади. Суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари, суғуртага ихтисослашган воситачилар давлат суғурта назоратининг объектлари ҳисобланади.

5. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш турли шаклларда, хусусан, махсус қонунлар қабул қилиш, солиқ солиш, алоҳида ҳукумат қарорлари билан мажбурий суғурталашни жорий қилиш ва ваколатли суғурта назорати хизматини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Суғурта билан шуғулланувчи ташкилотларга лицензиялар (рухсатномалар) бериш суғурта назорати хизматининг энг асосий вазифаларидан биридир. Лицензия (рухсатнома) бериш жараёнида суғурта назорати суғуртачининг бўлажак фаолиятини дастлабки текширувдан ўтказади. Яъни, низом жамғармаси ва ўз маблағларининг ҳолати ҳамда бу маблағларнинг ташкилот зиммасидаги мажбуриятларига ўзаро муносабати кўриб чиқилади. Суғурта фаолиятига лицензия (рухсатнома) беришнинг зарурияти суғуртанинг ўз моҳиятидан келиб чиқишини унутмаслик керак. Чунки, суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз берган вақтда суғурталанувчига шартномада кўрсатилган маблағни ўз вақтида тўлаши лозим. Суғурта фаолиятини назорат қилувчи органнинг бу борадаги ишлари нафақат суғурталанувчилар манфаатига мос тушади, балки бутун давлатнинг манфаатлари йўлида ҳам хизмат қилади.

Эътироф этиш лозимки, бугунги кунда мамлакатда суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия (рухсатнома) бериш тартиби ишлаб чиқилган. Суғурта ташкилотига бериладиган лицензия (рухсатнома) суғурталашнинг ҳар бир тури ёки бир-бирига яқин бўлган суғурта турлари

гуруҳлари учун берилади. Чунки, баъзи суғурта турлари бўйича операцияни амалга ошириш суғурталовчида етарли даражада молиявий маблағлар бўлишини талаб этади. Бундан ташқари, суғурта компанияси ишлаб чиққан бизнес-режада суғурта тарифи ставкаларини тўғри ҳисобланишига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Негаки, нотўғри ҳисоб-китоб қилинган тариф, пировард натижада, суғурта ташкилотини молиявий барқарорликсизга ёки тўлов қобилиятини ёмонлашувига олиб келади. Назаримизда, фақат суғурта компанияларини эмас, балки, қайта суғурталашга ихтисослашган ташкилотлар ва воситачилик идораларини ҳам фаолиятини лицензиялашни киритилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Биз мамлакатимизда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақида ўйлар эканмиз, яқин қўшни мамлакатлар, хусусан, Россия Федерациясида бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида бироз тўхтасак, фойдадан холи бўлмайди.

Бугунги кунда, Россия Федерациясида 1500 дан ортиқ суғурта ташкилоти фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг аксарияти суғурта фаолиятини назорат қилувчи Федерал хизматнинг лицензияларига эга. Суғурта фаолиятини назорат қилувчи бу ташкилот 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, у Россия суғурта бозорини тартибга келтириш бўйича етарли тажрибага эга бўлди, ўнлаб меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқди. Улардан энг муҳимлари “Россия худудида фаолият кўрсатувчи суғурта ташкилотларига лицензиялар бериш тартиби”, “Суғурта заҳираларини жойлаштириш тартиби” ва ҳоказолардир. Мазкур ташкилот ўзини қаттиққўллиги ва бошқа ҳаракатлари туфайли Россия ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта нуфузга эгадир. Энг асосийси, суғурта назорати хизмати ҳар йили Россия ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг етарли даражада кучлиларини рейтинг асосида аниқлаб, кенг халқ оммасига маълум қилиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, суғурта ташкилотлари суғурталанувчи олдидаги мажбуриятини бажара олмай қолганда, давлат суғурта назорати хизмати, мижозларнинг манфаатини кўзда тутадиган чоралар кўриши керак. Бозорда кўплаб суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатади, табиийки, бу ҳолат потенциал мижозларни жалб қилиш учун улар ўртасидаги рақобатни ҳам кучайишига олиб келади. Натижада, рақобатга бардош бермаган баъзи суғурта компаниялари “суғурта майдонидан” чиқиб кетади. Бунга жаҳон тажрибасидан ҳам мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, 1993 йил бошида АҚШда 103 та фуқаролар ҳаётини суғурталашга ихтисослашган компаниялар тўлов қобилиятини йўқотган, деб эълон қилинди. Қизиғи шундаки, бу компаниялар ичида молиявий жиҳатдан ишончли бўлган “Экзекьютив Лайф Иншуэранс” компанияси ҳам бор. Мутахассислар томонидан унинг активи бир неча миллиард АҚШ долларига баҳоланган. Бу ерда, шундай ўринли савол туғилиши мумкин. Хўш, халқаро суғурта бозорида кузатилган юқоридагидек ҳолат рўй бермаслиги учун, давлат қандай чора-тадбирлар кўриши мумкин?

Биринчидан ҳукумат ўзининг тегишли назорат органи орқали, суғурта компаниялари томонидан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини қатъий бажарилишини, шу жумладан, суғурта заҳираларини тўғри жойланишини назорат қилиб бориш муҳимдир. Иккинчидан, энди шаклланаётган Ўзбекистон суғурта бозорига молиявий жиҳатдан мустаҳкам хорижий суғурта компанияларининг кириб келишини тартибга солиш керак. Негаки, бу ҳолат маҳаллий суғурта компанияларининг рақобат бардошлигига салбий таъсир кўрсатиб, уларни банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

Суғурта ташкилотлари ўз зиммасига олган мажбуриятлари ҳажмига қараб, маълум фоиз ажратиш йўли билан марказлашган суғурта жамғармасини ташкил этсалар, мақсадга мувофиқдир. Ушбу жамғарма маблағлари қийин ҳолатга тушиб қолган суғурта ташкилотларига бериладиган ёки улар банкрот деб эълон қилинганда мажбуриятларини бажариши учун хизмат қилади. Бизнингча, бу жамғарма ташкил этилажак давлат суғурта назорати хизмати томонидан, суғурталовчилар уюшмаси вакилларини жалб қилган ҳолда бошқарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида суғурта фаолиятини лицензиялаш масалалари кўрсатиб ўтилган. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда махсус ваколатли давлат органи берадиган лицензиялар асосида амалга оширилади.

Лицензия суғурталовчига ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёхуд умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, умумий суғурта соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим турлари (класслари) бундан мустаснодир. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Лицензияда суғурталовчи амалга оширишни назарда тутаётган суғурта турлари (класслари) кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожланлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан суғурта фаолияти классификатори тасдиқланган. Унда ҳаётни суғурта қилиш тармоғи 4 та классдан, умумий суғурта тармоғи 17 та классдан иборат эканлиги кўрсатилган.

Суғурталовчининг лицензияси амал қилишининг тўхтатиб турилиши унинг янги суғурта шартномалари тузиши тақиқланишига, шу жумладан амалдаги суғурта шартномалари узайтирилишининг тақиқланишига сабаб бўлади. Бунда суғурталовчи илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини белгиланган тартибда бажаришга мажбурдир. Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш

кун ичида махсус ваколатли давлат органи суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги ариза билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат этиши шарт.

Суғурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органларининг ваколатлари тўхтатиб турилади ва махсус ваколатли давлат органи томонидан тайинлаган суғурталовчининг муваққат маъмуриятига ўтади. Муваққат маъмурият суд қарор чиқаргунга қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширади. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи махсус ваколатли давлат органига ҳамда суғурталовчини тугатиш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг аризаси йўлланган судга тақдим этилади. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўз фаолияти даврида харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас, суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), суғурталовчига тушаётган пулларни ҳисобга ёзиш ва илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустаснодир. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ишлаш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади. Ушбу модданинг қоидалари суғурталовчининг аризасига биноан лицензия бекор қилинган ҳолларга, шунингдек унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталовчининг бошқарув органи қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилишига тааллуқли эмас.

Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг пул маблағларидан шакллантирилади. Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Суғурталовчининг устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар суғурталовчининг муассислари томонидан тўланган бўлиши керак.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом тасдиқланди. Унга кўра, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабгорлари бўлишлари мумкин. Суғурталовчи ва суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддати, қоидага кўра, чекланмайди. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошланади.

Суғурта ташкилотлари лицензия олишлари учун қуйидаги талаб ва шартларга жавоб беришлари зарур:

-Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

-суғурта фаолиятини амалга оширишда олинган ахборотларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ махфийлигини таъминлаш;

-лицензияловчи орган талабига кўра суғурта фаолиятини амалга оширишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотларни тақдим этиш;
-лицензия талабгори раҳбари олий маълумотга ҳамда суғурта соҳасида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши керак;
-лицензия талабгори (лицензиат) раҳбари бошқа суғурта ташкилотларида раҳбар лавозимини эгаллашга ҳақли эмас.
а) суғурталовчилар учун:
устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг мавжуд бўлиши;
б) суғурта брокерлари учун:
суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга оширишда шартнома мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш;
суғурта шартномасининг лицензиат мижози учун қулай шартларда тузилиши ва бажарилиши;
суғурталашга доир воситачилик фаолиятини асосий фаолият тури сифатида амалга ошириш.
Лицензия олиш учун суғурта компанияси лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
а) суғурталовчилар учун:
юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган лицензия бериш тўғрисида ариза;
юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
раҳбар тўғрисидаги маълумотлар (олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси ва меҳнат дафтарчасидан кўчирма);
лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
устав фондининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган устав капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (банк маълумотномаси, мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бошқа ҳужжатлар);
суғурта фаолиятининг иқтисодий асосланиши, унга суғурталаш операцияларини ривожлантириш прогнозини, эҳтимол тутилган қайта суғурталаш битишувлари режасини, суғурта заҳираларининг ҳисоб-китоб режасини ўз ичига олувчи лицензияланаётган суғурта класси бўйича бизнес-режа киради;
суғурталашнинг лицензия талаб қилинадиган турлари бўйича қоидалар (шартлар), лицензияда қуйидагилар бўлади: суғурталаш субъектлари доирасини белгилаш ва суғурта шартномаси тузиш бўйича чеклашлар, суғурта объектларини белгилаш, суғурта ҳодисалари рўйхатини белгилаш - ушбу ҳолатлар рўй берганда суғурталовчининг суғурта тўловлари бўйича мажбуриятлари пайдо бўлади, (асосий ва қўшимча шартлар), олиб қўйиш

(таваккалчиларнинг ёки мол-мукларни) бунда суғурталовчи мажбуриятларни бажармасдан озод бўлади, суғурта мукофотлари тарифлари (ставкалари), суғурталашнинг энг кўп (энг кам) муддати, суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта мукофотларини тўлаш тартиби, томонларнинг суғурта шартномаси бўйича ўзаро мажбуриятлари ва суғурта шартномалари бўйича тўловни рад этишнинг мумкин бўлган ҳолатлари суғурта шартномаси бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби. Қоидаларга суғурта шартномалари намуналари илова қилиниши керак. Лицензия талабгори раҳбари томонидан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (шартлари) икки нусхада тақдим этилади, уларнинг бетлари тикилган ва рақамланган бўлиши керак. Фаолият тури фақат қайта суғурта қилишдан иборат бўлган лицензия талабгорлари мазкур бандда кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этадилар, суғурталаш қоидалари (шартлари)га оид хат боши бундан мустасно.

б) суғурта брокерлари учун:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури (унинг бир қисми) ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган лицензия бериш тўғрисида ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

устав капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (банк маълумотномаси, мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бошқа ҳужжатлар).

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар бир нусхада тақдим этилади.

Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади (1-иловага қаранг). Илова келтирилган схемадан кўриниб турибдики, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш жараёни 6 та босқични ўз ичига олиб, дастлаб лицензия талабгори зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва уни кўриб чиқиш учун Молия вазирлигига тақдим этади. Кейинги босқичда ҳужжатлар Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади ва кўриб чиқиш учун эксперт комиссияга берилади. Эксперт комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиқиб, суғурталовчига ёки суғурта брокерига лицензия бериш ёхуд лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда суғурта назорати давлат органига юклатилган суғурта фаолиятини лицензиялаш ваколати, пировардида, барча суғурталанувчиларнинг, яъни суғурта компаниялари мижозларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бундай тизимининг яратилганлиги нафақат суғурталанувчиларнинг, балки давлатнинг манфаатларига мос келади.

Мавзу : Суғурта ташкилоти молияси

Суғурта ташкилоти ҳаётни суғурта қилиш борасида тузилган ҳар бир шартномада турли даражадаги суғурта тарифини қўллаши ёки даромадлилик меъёрини ҳар бир шартнома бўйича мустақил равишда ҳисоблаб чиқиши ва белгилаши мумкин. Ҳаётни суғурта қилиш класслари бўйича даромадлилик меъёрлари қатъий белгиланган бўлиши, унинг тариф ставкаларига ўзгаришлар киритиш эса, давлатнинг ваколатли органи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Суғурта ташкилотларида асосий даромад ва харажатлар ҳисоби ўзига хослиги билан фарқ қилади. Суғуртани амалга ошириш, қонунчиликда ман этилмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш натижасида ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағларининг жами унинг даромади ҳисобланади.

Суғурта ташкилоти даромадларини гуруҳлашнинг турли вариантлари мавжуд. Улар ичида манбаларга кўра, олинган даромадларни уч гуруҳга бўлишга асосланган вариант кенг қўлланилади (1-чизма):

а) суғурта фаолиятидан олинган даромадлар. Суғурта операцияларини амалга оширишдан олинган даромадлар суғуртачи даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Бу даромадларнинг асосий қисми суғурта шартномалари бўйича ундирилган мукофотлар ҳисобига шакллантирилади. Суғурта ташкилотининг мукофот тушумлари ҳажмига суғурта мажбуриятлари портфелининг таркиби ва тузилиши, тариф сиёсати, маркетинг стратегияси ҳамда бошқа қатор омиллар ўзаро боғлиқликда таъсир этади. Масалан, ишлаб чиқилган маркетинг стратегиясини унга мос бўлган тариф сиёсатисиз амалга ошириб бўлмайди, ўз навбатида, муваффақиятли амалга оширилган маркетинг стратегияси суғурта портфели баланслашувини таъминлайди ва аксинча.

Суғурта ташкилотлари даромадларининг манбалари ва таркиби



Суғурта ташкилотининг мукофот тушумларига бозор конъюнктураси, инфляция суръати, меъёрий қонунчилик базаси, амалдаги солиққа тортиш тизими, суғурта бозорининг монополлашганлик даражаси, кредит фоизи динамикаси, мамлакатдаги ижтимоий ҳимоянинг ҳолати ва бошқа қатор омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Юқорида санаб ўтилган омиллар таъсирининг қандайлигидан қатъий назар амалиётда суғурта ташкилотининг мукофот тушумлари оқими ортиши ёки камайиши ҳодисаси кузатилади.

Ўзаро келишув шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти суғурта рискининг маълум улуши бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу жараёнда у суғурта операцияларини биргаликда суғурталаш механизми орқали суғурта мукофотининг мос бўлган қисми ўз ҳисобига ўтказилишидан ҳам даромад олиши мумкин.

Суғурта ташкилотининг яна бир даромад манбаи қайта суғурта тизимида қатнашиш орқали мукофотлар улушини ундиришдир. Бу улушнинг қандай катталикда бўлиши қайта суғурталашнинг ривожланганлик даражаси, унга бўлган талаб, қайта суғурталовчиларнинг касбий етуклиги каби омиллар ҳамда бирламчи суғурта бозори кўлами, суғурта рискларининг ҳажми кабиларнинг таъсирига боғлиқликда кечади.

Суғурта ташкилоти қайта суғурталашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлса, у суғурта ҳодисаси юз берганда шартнома шартларига биноан қайта суғурталашга ўтказилган рисклар бўйича зарар қопламасидаги улушини ҳам ундириб олади.

Суғурта ташкилоти воситачилик вазифасини ҳам бажариши мумкин. Масалан, рискни қайта суғурталашга ўтказиш жараёнида суғуртачи воситачилик ҳақини ундириб олади. Суғурта ташкилоти айрим ҳолатларга кўра, рискни бошқа суғуртачига сийлов этиши орқали воситачилик ва брокерлик рағбатлантиришларини олишдан ҳам даромад кўриши мумкин.

Тенг улушдаги қайта суғурталаш шартномасида қайта суғуртачига тантьем тўловлари ҳам назарда тутилиши суғуртачининг қайта суғурталовчининг фойдасида ўз улушига эга бўлиши шаклидир.

Б) инвестиция жойлаштирилувидан олинган даромадлар. Суғурта ташкилотининг ушбу фаолияти тўғридан-тўғри суғурта фаолияти билан боғлиқ эмас. Суғуртачининг инвестиция жойлаштириш имконияти суғурта мукофотлари ҳисобидан юзага келади. Одатда, суғурта мукофотлари маълум вақт оралиғида суғуртачи ихтиёрида бўлиши даврида амалдаги меъёрий қоидаларга асосланиб, даромад активларига жойлаштирилиши унга инвестиция даромадларини келтиради. Инвестиция имкониятлари бўйича узоқ муддатга ҳаётни суғурталаш захиралари кўпроқ манфаатлидир.

Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятидан оладиган даромадлари таркиби:

- банк жамғармалари фоизлари;
- акциялардан дивиденд фоизлари;
- қимматли қоғозлардан даромадлар;
- кўчмас мулкдан олинган даромадлар кабилардан иборат бўлади.

Бу фаолиятнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, суғуртачи ўз мижозларига бонус тўловларини айнан инвестиция жойлаштирилувидан оладиган манбалари ҳисобидан тўлайди.

Инвестиция бозорлари ривожланган мамлакатларда ушбу фаолиятдан суғуртачининг олган даромадлари айрим суғурталаш турлари бўйича суғурта операцияларини амалга оширишда юзага келган зарарларни қоплаш имкониятини бермоқда.

Шу нуқтаи назардан суғурта ташкилоти инвестиция фаолиятини самарали олиб бориши унинг даромад манбалари таркибида муҳим аҳамият касб этади.

В) суғурта ташкилотининг бошқа даромадлари. Суғуртачи суғурта операцияларини амалга ошириши ва инвестиция жойлаштирилувидан ташқари бошқа фаолиятдан ҳам даромад олиши мумкин.

Бундай даромаднинг манбалари:

- депо мукофотлар ҳисобига ўтказилган фоиз суммалари;
- регресс тартибида олинган суммалар;
- асосий фондлар, моддий бойликлар ва бошқа активларни сотишдан олинган фойда;
- ижарачилик фаолиятидан олинган даромадлар;
- суғурта захираларининг қайтим суммалари;
- ўқитиш, маслаҳат ишларини олиб бориш бўйича ундирилган тўловлар ҳисобланади.

Суғуртачининг суғурта хизматларини сотувидан ташқари олган даромадлари асосан ўз филиалларига иш қоғозларини (ҳисобот бланклари ва шу кабиларни) тайёрлаб бериш, уларнинг янги «маҳсулот»ини реклама қилиш кабилар ҳисобига олинади. Айрим ҳолларда улар ижара муносабатлари орқали ҳам шакллантирилади. Суғуртачининг сотувдан ташқари даромадларини ҳажми суғурта ташкилотининг катталигига боғлиқдир.

Сотувдан ташқари даромадларни олиш учун амалга оширилган харажатларни суғурта фаолиятига ёки суғуртадан бошқа фаолиятга тааллуқли эканлигини аниқлаш мураккаб кечади. Шунингдек, суғурта ташкилоти маълум бир суғурта тури бўйича суғурталашни амалга оширмаётган бўлса-да, уни йўлга қўйиш юзасидан харажатларни сотувдан ташқари даромадлари ҳисобига бажаради.

Маълумки, суғуртада рисклар трансформацияси жараёнида ҳамда бош ташкилот ва филиаллар (якуний молиявий натижа баланси ёки ҳисоб рақамига эгалигига кўра) ўртасида масъулият тақсимотининг механизми турличадир.

Суғурта фаолияти – суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида суғурталанувчининг зарарини қоплаш билан боғлиқ бўлган ўзига хос иқтисодий фаолият туридир. Суғурта ҳодисаси юз бериши ёки бермаслигига кўра қоплама тўлашнинг илмий асосланганлик (ўрганилган, ҳисобланган, аниқланган) меъёрини белгилаш ва кўрилган зарарни суғурта ташкилотининг захира фондидан тўлаш мақсадга мувофиқдир.

Суғурта ҳодисасининг йиллар бўйича юз бериши эҳтимоллиги турличадир. Айрим аниқ бир йилда бу ҳодисаларнинг сони кўп бўлиши ҳам мумкин. Айнан шу йил бўйича суғурта ташкилотининг фаолияти зарар билан тугаши мумкин. Захира фондининг маблағи етишмаслиги ҳолатида суғурта ташкилотида қолган даромад ҳисобидан унинг ҳар йилги захира фондига ажратма меъёрини қайта кўриб чиқиш зарур. Статистик маълумотларга асосланиб, қайд этиш керакки, суғуртанинг кўп турлари бўйича амалга оширилган суғурта қопламаси ундирилган мукофотлари суммасига нисбатан паст фоизларни ташкил этади. Шунга асосланиб, тарифларни ошириш эмас, балки унинг таркибини ўзгартириш мантиқан тўғри бўлади.

Қайта суғурталаш шартномасини тузишда қайта суғурталовчи (халқаро терминда «цедент») қайта суғурталаш мукофотининг маълум қисмини ёки ҳаммасини депонентга ўтказиши назарда тутилиши мумкин. У шартнома даври тугаши ҳамда суғурта ҳодисаси юз бермаган тақдирда мазкур мукофотлар ҳисобидан олинган депо фоизлари билан биргаликда қайта суғурталовчи ҳисобига ўтказилади. Унинг ҳажми (фоизда) шартномада қайд этилган бўлади.

Шундай кафолат берилиши қайта суғурталаш мукофотларини молиявий захира сифатида ишлатиш имкониятини оширади.

Фуқаролик қонунчилигига биноан суғурта ташкилоти ўз мижози манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида суғурта ҳодисасига сабабчи бўлган айбдор шахсга регресс даъво қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Одатда

регресс тартибидаги сумма суғуртачи ўз кафиллигини бажариб бўлганидан кейин ундирилади. Бундай фаолият натижасида ундирилган сумма суғурта ташкилотининг суғурта таъминоти тўловлари бўйича харажатларини қоплаш учун манба ҳисобланади.

Суғурта ташкилоти хўжалик юритувчи субъект сифатида ўз фаолиятида фойдаланилаётган асосий фондларини сотиш ҳуқуқига эгадир. Шунда фаолият бўйича суғуртачининг фойдаси асосий фондни сотишдан олган тушум суммаси билан мулкнинг баланс (қолдиқ) баҳосида ҳисобдан чиқариш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Суғурта ташкилотининг мулки ижарага берилиши мумкин. Масалан, кўчмас мулк объектлари ҳамда асосий фондлардан айрим ҳолларда ижара объекти сифатида фойдаланилади. Бу фаолият натижасида ундирилган ижара тўлови ҳам суғуртачининг даромади ҳисобланади.

Суғурта ташкилотининг яна бир даромад манбаи ўқитиш, маслаҳат ишлари учун ундирилган тўловлар суммаси, шунингдек, риск-менежмент бўйича хизматлар кўрсатиши, дастур «маҳсулот»ларини ўрнатиб бериши кабилар ҳисобланади. Бу даромадлар суғуртага тўғридан-тўғри дахлдор бўлмаса-да, аммо у билан узвий боғлиқликда шаклланади.

Суғурта ташкилоти даромадининг шаклланиш механизми, таркиби ва тузилишини ўрганиш унинг ўзига хос фаолият тури эканлигини намоён этади.

2. Суғуртачининг жами маблағлар сарфи суғурта «маҳсулот»и таннархини ташкил этади. У амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади ҳамда суғуртачи харажатларнинг таркибини белгилаши учун асос ҳисобланади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда суғуртачининг жами харажатлари ва уларнинг таркибини аниқлаштириш ҳам талаб этилади.

Суғурта ташкилоти харажатларининг таркиби ҳам хилма-хилдир (2-чизма). Суғурта ташкилотининг харажатлари саккиз турдан иборат бўлиб, ҳар бир тур ўз навбатида, асосий ва мақсадли фаолият ҳамда харажатларнинг амалга оширилиши вақтига қараб гуруҳланади. Суғурта ташкилоти харажатларининг турларига тўхталадиган бўлсак, улар ўз аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) суғуртани амалга ошириш харажатлари. Бу харажатлар суғуртачи фаолиятини молиялаштириш учун амалга оширилади. Суғурта ташкилоти фаолиятини таҳлил этишда мазкур харажатлар таркибини маълум белгиларига кўра гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Суғуртачининг фаолияти жараёнида маблағлар сарф этилиши юзасидан белгиланган вазифаларга кўра, суғурта ташкилоти даромади ва зарарлари ҳақидаги ҳисоботига мос равишда суғурта ишини юритиш харажатлари таркибини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- шартномаларни тузиш ва бажариш харажатлари;
- инвестиция фаолияти бўйича харажатлар;
- бошқарув харажатлари.

Б) суғурта ишини юритиш харажатлари сарфланишига кўра

қуйидагича бўлиш мумкин:

- иш ҳақи тўловлари;
- давлат фондларига ажратмалар, ходимларни тайёрлаш харажатлари, реклама ҳамда маркетинг харажатлари, хўжалик харажатлари ва бошқалар;

Суғурта ишини юритиш харажатларининг юзага келиши даврига кўра, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- суғурта шартномасини тузиш учун олдиндан қилинган (иш қоғозларини тайёрлаш, статистик маълумотларни йиғиш, тариф ҳисоб-китоблари ва шу каби) харажатлар;
- суғурта шартномаси тузиш даврида қилинган (халқаро терминда «acquisition») харажатлар;
- суғурта шартномаси амал қилиш даврида қилинган (масалан, рискни қайта суғурталашга ўтказиш бўйича) харажатлар;
- суғурта ҳодисаси юз берганда (сабабларини ўрганиш ва унинг оқибатларини тугатиш учун) қилинадиган харажатлар.

Суғурта ишини юритиш харажатларини, шунингдек, айрим суғурта тури ёки шартномасига дахлдор бўлган ўзгарувчан ва барча тузилган суғурта шартномалари портфелига алоқадор бўлган доимий каби гуруҳларга ҳам бўлиш мумкин.

Халқаро амалиётда суғурта ташкилотининг харажатлари аквизиция (оммавий-ташкилий комплекс тадбирлар), инкассация (суғуртанинг айрим турлари бўйича мукофотларнинг нақд пулларда қабул қилиниши), ликвидация (суғурта ҳодисаси юз берганлиги юзасидан суғурталанувчи аризасида баён қилинган талабларнинг қондирилиши) ва бошқарувга оид каби турлардан иборатдир.

Суғурта ташкилоти даромад ва харажатларини суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги ўрни ва ролига қараб таснифлаш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагичадир:

- суғурта ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ бўлган (суғурта операциялари ҳамда инвестиция жойлаштирилуви бўйича) даромад ва харажатлар;
- суғурта ҳимояси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган бошқа даромад ва харажатлар.

Суғурта ташкилотининг даромад ва харажатлари таркиби ҳамда уларни ҳисоблаш кўп жиҳатдан миллий суғурта қонунчилиги меъёрларига ҳам боғлиқдир. Шунингдек, суғурта ташкилотининг даромад ва харажатларига амалдаги солиқ қонунчилигига биноан тўланадиган даромад(фойда) солиғининг солиқ базасини аниқлаш услубияти ҳамда ставкалари даражаси ҳам таъсир этади.

Мавзу : Шахсий суғуртанинг мазмуни ва турлари

Шахсий суғурта – бахтсиз ҳодисалар ёхуд табиий ҳодисалар рўй бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига шикаст етказилиши билан боғлиқ уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган

суғуртанинг мустақил тармоғи. Шахсий суғурта фуқаролар бошига кулфат тушганда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, шахсий суғурта ижтимоий ҳимоянинг ҳаётий тажрибада синалган ишончли шаклидир.

Шахсий суғуртанинг, хусусан унинг ажралмас бўғини бўлган фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғуртасининг жорий этилиши бир неча асрлик тарихга эга. 1541 йилда Европада мавжуд бўлган денгиз ҳуқуқи қоидаларига кўра, кема эгалари шу кема капитанларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашлари шарт бўлган.

Шахсий суғуртанинг баъзи белгилари қадимги римликларга ҳам маълум бўлган. Ўша пайтда Диана ва Антони мухлисларининг диний жамияти бўлган. Унга аъзо бўлиб кирган шахслар аъзолик бадалини тўлашган. Жамият аъзоларидан вафот этганда уни кўмиш билан боғлиқ харажатлар жамият ҳисобидан амалга оширилган ва ҳатто, пул маблағларининг муайян қисми вафот этган шахснинг меросхўрларига берилган.

1699 йил Англияда шахсий суғурта билан шуғулланадиган дастлабки суғурта ташкилоти барпо этилган ва у аввало бева аёллар ҳамда етим болаларни суғуртасини амалга оширган. Бу жамиятнинг номи “Экватебл” деб аталган. XVIII асрда эса Германияда суяк синиши ҳолатларидан ҳимоялаш бўйича ўзаро ёрдам уюшмалари ташкил этилган. 1849 йили Англияда темир йўлларда бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича дастлабки «Railway Death Rassengers Company» номли суғурта компанияси тузилди.

Шахсий суғурта бўйича суғурталанувчи сифатида ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Шахсий суғурта – бу инсон ҳаётига, унинг меҳнат қобилияти ва саломатлигига таҳдид соладиган турли хавф-хатарлардан ҳимояланишнинг муҳим шакли.

Ҳозирги пайтда шахсий суғурта суғурта фаолиятининг йирик тармоғи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий давлатларда шахсий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари бошқа суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларига нисбатан юқори салмоққа эга. Масалан, АҚШда жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмида шахсий суғуртанинг ҳиссаси 50,0 фоиздан юқоридир.

Ўтган асрнинг бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Россия суғурта ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатган ва улар аҳолига шахсий суғурта хизматларини кўрсатишган.

1917 йилдан 1990 йилгача мамлакатимизда шахсий суғурталаш ишлари давлат суғурта органлари (Госстрах) томонидан амалга оширилган. Ана шу даврда суғурта шартлари, қоидалари ва тарифлари марказда-Москвада ишлаб чиқилар ва аксарият ҳолларда маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятлар ҳисобга олинмас эди.

1991 йилда Ўзбекистоннинг ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қўлга киритиши ҳаётимизнинг барча жабҳалари қаторида суғурта соҳасини ҳам бозор муносабатлари тамойилларига мос равишда ривожланиши учун

шароит яратди. Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодиётда рўй берган кескин ўзгаришлар қисқа муддат бўлсада пулнинг қадрсизланишига, пировардида, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келди. Шубҳасиз, бу ҳолат шахсий суғуртанинг аҳоли ўртасидаги оммавийлигига путур етказди. Натижада, бу суғурта турлари бўйича суғурта шартномалари сони ва суғурта мукофотлари миқдори камайди. Масалан, 1993 йилда шахсий суғуртанинг алоҳида тури бўлган ҳаёт суғуртаси бўйича жами 1770356 дона шартнома тузилган ҳолда бу кўрсаткич 1994 йилда 406864 донага камайган.

Бундай салбий вазиятни олдини олиш ва аҳолининг шахсий суғуртага бўлган ишончини тиклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг омонотлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида" 1995 йилнинг 20 декабрида ПФ № 1327-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, 1996 йилдан бошлаб аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида турган ҳаётни, болаларни суғурта қилиш, никоҳ кунида бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари тўловларини босқичма-босқич индексация қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Давлат суғурта муасасалари томонидан 1996 йилнинг 1 январидан 1 июлигача бўлган муддатда фуқароларнинг 400,0 мингдан зиёд шартномалари индексация қилинди.

Ўзбекистон Республикасида шахсий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг 921-моддасида акс эттирилган. Унга кўра, шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақт-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади. Шунингдек, кодексда шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади, деб кўрсатилган.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

- суғурталанган шахс тўғрисида;
- суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;
- суғурта пули миқдори тўғрисида;
- суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;
- шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи,

суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

2. Суғурталанувчининг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти билан боғлиқ мулкий манфаатлари шахсий суғуртанинг объекти ҳисобланади. Суғурталовчи ва суғурталанувчилар ҳамда суғурталанган шахслар шахсий суғурта субъектларидир.

Шахсий суғурта, одатда, фуқароларни қуйидаги хавф-хатарлардан ҳимояланишини назарда тутади:

- суғурталанувчининг ёки суғурталанган шахснинг вафот этиши;
- меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотиши;
- нафақа ёшига етиши билан фуқаронинг фаол меҳнат фаолиятини тугаши.

Юқорида қайд этилган ҳамма ҳолатларда суғурта ҳодисасини рўй бериши суғурталанувчининг ёки суғурталанган шахснинг даромадини камайишига сабаб бўлади.

Илмий-иқтисодий адабиётларда шахсий суғурта турлича таснифланади. Мутахассислар ўртасида кенг тарқалган фикрларга кўра, шахсий суғурта 2 та кичик тармоққа бўлинади:

- ҳаёт суғуртаси;
- соғлиқни суғурталаш;

Соғлиқни суғурталаш, ўз навбатида, 2 та гуруҳга бўлинади:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- тиббий суғурта.

Шахсий суғуртани ҳаёт суғуртасига ва соғлиқни суғуртасига бўлинишига асосий сабаб суғурта суммаларини жамғарилиб борилишидир.Ҳаёт суғуртаси узоқ муддатли бўлиб, унда шартнома бўйича белгиланган суғурта суммаси ҳар йили жамғарилиб боради.

Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда суғурта суммалари жамғарилмайди, муддати 1 йилдан ошмайди.

2002 йилнинг 28 майидан эътиборан “Суғурта фаолияти тўғрисида” қонуннинг қабул қилиниши билан суғурта 2 та тармоққа бўлинди:

- ҳаёт суғуртаси;
- умумий суғурта.

Қонунга асосан суғурталовчиларнинг фаолияти суғуртанинг қайси тармоғига ихтисослашганлигига қараб алоҳида лицензияланадиган бўлди. Ҳаёт суғуртасини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган суғурталовчилар умумий суғурта турларини ўтказишга ҳақли эмас ёки аксинча.

Шахсий суғурта ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади.

Ихтиёрий шахсий суғурта турларига қуйидагилар киради:

- ҳаёт суғуртаси;

- фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- фуқароларнинг соғлиғини ва касалликлардан суғурталаш;
- фуқарони маълум ёшгача етишиш суғуртаси;
- вафот этиш ҳолатидан узоқ муддатли суғурта;
- тиббий суғурта;
- чет элга кетувчиларни касалликлардан суғурта;
- мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.

Мажбурий тарзда амалга ошириладиган шахсий суғурта турларига қуйидагилар киради:

- йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш;
- солиқ органлари ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртаси;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртаси.

Мажбурий давлат суғуртасини 2003 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ўтказиб келмоқда. Ушбу суғурта турлари бўйича суғурта тарифи бир суғурталанувчига бир йилга энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида белгиланган. 2005 йил 1 февраль ҳолатига бу сумма 1306 сўмни ташкил этади (2004 йил 1 августдан энг кам иш ҳақи 6530,0 сўм миқдорида белгиланган). Суғурта мукофотлари суғурталанувчи учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари, асосан, қуйидаги суғурта турларини амалга оширишади:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- ихтиёрий тиббий суғурта ва касал бўлиш ҳолатидан суғурта;
- чет элга кетаётган шахсларни суғуртаси;
- ҳаёт суғуртаси.

Юқорида қайд этилган суғурта турлари ичида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш кенг тарқалган бўлиб, улар “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари, “Мадад” суғурта агентлиги каби бир қатор суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

20012 йил 1 июнь ҳолатига мамлакатимизда 37 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарияти бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, ва фақат 2 таси ҳаёт суғуртаси бўйича тегишли лицензияларга эга.

Суғурта бозорида мижозларни жалб этиш бўйича рақобат бўлганлиги туфайли ихтиёрий шахсий суғурта турлари бўйича тариф ставкалари турличадир. Масалан, “Ўзбекинвест” компаниясида 20-25 ёшлардаги шахсларни 100,0 минг сўмга суғурталаш учун тариф ставкаси ана шу суғурта суммасига нисбатан 1,125 фоизни, ёши 55-60 да бўлган фуқаролар учун эса

тариф ставкаси 1,575 фоизни ташкил этади. “Ўзагросуғурта” суғурта компаниясида мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш бўйича тариф ставкаси суғурта суммасига нисбатан 0,2 фоиз миқдорида белгиланган.

“Кафолат” суғурта компаниясида талабаларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғуртаси бўйича тариф ставкаси суғурта суммасига нисбатан 0,5 фоизни ташкил этади.

3. Шахсий суғурта турлари таркибида фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш алоҳида ўринга эга. Шу боис, биз ушбу суғурта тури билан яқиндан танишамиз. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш бўйича шартнома қонунга кўра юридик ва жисмоний шахсларни ёзма аризаси асосида тузилади. Шартнома тузишдан олдин суғурта ташкилоти ўз мижозларига суғурта хизматини таклиф этади. Юридик ва жисмоний шахслар суғурта шартномаси тузишдан олдин албатта суғурталовчининг молиявий ҳолати, лицензияси мавжудлиги билан қизиқиши лозим.

Суғурта шартномаси тузишдан олдин суғурта ташкилоти вакили суғурталаётган шахсларни фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш қоидалар билан таништириши лозим. Мазкур суғурта тури бўйича фуқароларни бахтсиз ҳодиса рўй бериш натижасида соғлиғи ва ҳаётини сақлаш билан боғлиқ манфаат суғурта объекти ҳисобланади. Суғурталовчи, одатда, асаб ва рухий касалликка дучор бўлган, фалаж, кўзи ожиз шахслар, эшитиш қобилияти заиф бўлган ва ногирон шахслар билан суғурта шартномасини тузмайди.

Суғурталанган шахснинг ҳаётига ва соғлиғига қуйидаги бахтсиз ҳодисаларни рўй бериши натижасида шикаст етганда ва тасдиқланганда суғурта суммалари берилиши мумкин:

- жароҳат олганда;
- суякларни синиши, чиқиши;
- ички органларни зарарланиши;
- куйиши;
- тери қатламларини совуқ уриши;
- элект токи таъсирида жароҳатланиши;
- кимёвий моддалар ва зарарли ўсимлик таъсирида зарарланиши;
- тиш синиши.

Бундан ташқари юқорида қайд этилган ҳолатлар натижасида ўлим холати юз берганда хам суғурта суммаси тўланади.

Қуйидаги ҳодисаларни рўй бериши оқибатида суғурталанган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилса ёхуд ўлимга олиб келса суғурта суммаси тўланмайди:

- ядро портлаши;
- радиация ва нурланиш;

- суғурталанган шахснинг атайин ҳатти-ҳаракати натижасида бахтсиз ҳодисалар юз берганда, ўз жонига қасд қилганда ва жиноий ҳаракатлар натижасида рўй бериши.

Суғурта мукофоти суғурта ташкилотининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг у шартномада кўрсатилган муддат ичида фуқароларга суғурта полисини бериши шарт. Агар суғурта полиси йўқотилган тақдирда суғурта ташкилоти суғурталаган шахсга унинг дубликатини беради.

Суғурталанувчиларнинг ҳуқуқлари:

- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталанган шахс суғурта ташкилотидан суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар олиши;

-суғурта полиси йўқотилганда унинг дубликатини олиш.

Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда суғурталанган шахслар яна қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- суғурта суммасини олишда низолар пайдо бўлганда мустақил экспертни жалб этиш;

- суғурталанувчи билан келишилган ҳолда амалдаги суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасини муддатдан олдин бекор қилиш.

Суғурталанувчи мажбуриятлари:

- суғурта шартномасида кўрсатилган муддат ва шартларда суғурта мукофотларини тўлаш;

- суғурталанган шахсларга суғурта шартномаси шартлари тўғрисида маълумотлар бериш.

Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

-суғурта ҳодисалари суғурталовчи томонидан тан олинмаганда суғурта суммаларини тўламаслик;

- суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта мукофоти тўланмаса суғурта шартномасини бекор қилиш.

Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш қоидалари ва суғурта шартномаси шартлари билан суғурталанувчини таништириш;

- суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта полисини бериш;

- суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта суммасини тўлаш;

- суғурта суммасини тўлашдан воз кечилганда, у ҳолда 10 кун муддатда суғурталанувчига ёзма равишда хабар бериш.

Суғурта ҳодисаси рўй берганда бу ҳақида суғурталанган шахслар қисқа муддатда суғурталовчига хабар бериши лозим. Бахтсиз ҳодиса рўй берганда суғурталанган шахслар суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- суғурта полиси;

- даволаш профилактика муассасидан бахтсиз ҳодиса натижасида суғурталанган шахснинг даволанганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

Зарурият бўлганда суғурталовчи суғурта суммасини тўлаш масаласини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни сўрашга ҳам ҳақли.

Бахтсиз ҳодисалар рўй бериш натижасида ўлим ҳодисаси рўй берганда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- суғурта полиси;
- ФХДЁ бўлимидан ўлим ҳолати рўй бергани тўғрисида маълумотнома;
- меросхурлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

агар ўлим ҳодисаси йўл-транспорти натижасида рўй берган бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлиги органидан олинган маълумотнома

- шахсни тасдиқловчи ҳужжат.

Суғурталовчи зарурият бўлганда юқоридаги ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни сўрашга ҳам ҳақли.

Мавзу : Мол-мулк суғуртаси

Юридик шахсларнинг мол-мулкини суғурталаш суғурта ташкилотлари томонидан “Суғурта фаолияти классификатори”га мувофиқ, умумий суғурта тармоғининг 8-класси - “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш”да қайд этилган шартларда, яъни ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари асосида амалга оширилади. Шунингдек, мазкур классификаторнинг 9-класси ҳам мол-мулкларни суғурта қилишга оид бўлиб, у “Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш” деб аталади. 9-класснинг мазмуни 8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жамидан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юридик шахсларнинг мол-мулкини суғурта қилиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8 ва 9-класслар бўйича лицензия олган барча суғурта ташкилотлари ҳақлидир.

Юридик шахсларнинг мол-мулкини суғурта қилиш суғурталовчилар билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Суғурта шартномаси - томонларнинг аниқ юридик ва молиявий муносабатларини белгилаб берувчи хужжатдир. Шартномада франшиза қўлланилиши мумкин. Франшиза-юридик шахслар кўрган зарарнинг муайян қисми бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта ташкилоти ана шу қисм доирасида жавобгар бўлмайди ва у тўланиши керак бўлган суғурта қопламасидан чегириб ташланади.

Суғурталовчи юридик шахсларга тегишли мол-мулкларни ёнғин, зилзила, тошқин, сув босиши, кўчки, бўрон, ер чўкиши, ички санитария техникаси тизимлари бузилиши натижасида тўлиқ ёки қисман нобуд бўлганда суғурта қопламасини, суғурталанувчи бўлган юридик шахслар эса суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш ва шартноманинг бошқа шартларини

бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мана шу қайд этилган ҳолатлар суғурта ташкилоти ва юридик шахслар ўртасида мол-мулкни суғурталаш бўйича тузилган шартноманинг предметини ташкил этади.

Сутурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти сутурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган пайтдан эътиборан кучга киради. Сўнг суғурта полиси суғурталанувчига шартномада кўрсатилган муддат ичида берилади.

2. Юридик шахсларнинг ҳамда суғурталовчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади.

Суғурталанувчи бўлган юридик шахсларнинг мажбуриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Суғурта объектини кўздан кечириш учун имконият яратиб бериш;
- Суғурта мукофотларини ўз вақтида тўлаш;
- Шартнома тузилаётганда суғурталовчига суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамият касб этувчи ўзига маълум барча ҳолатлар ҳақида, шунингдек мазкур суғурта объекти бўйича тузилган ёки тузилажак ҳамма суғурта шартномалари тўғрисида маълумот бериш;
- Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанган мулкига зарар етказилишининг олдини олиш ва зарарни камайтириш учун зарур чораларни кўриш ва суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида суғурта шартномасида кўрсатилган муддатларда хабар бериш.

Юридик шахслар суғурталанган мулкини кўздан кечириш учун суғурталовчига тақдим қилиши ёки мулкнинг барча зарарланган қисмларининг фотосурати ёки видео суратини олдириши ва тиклаш ишлари бошлангунга қадар ўзи қиладиган ишларни суғурталовчи билан келишиб олиши керак.

Юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- бутун мулкни ва айрим объектларни томонларнинг қўшимча келишуви ёки янги суғурта шартномаси шартлари асосида қўшимча суғурталаш;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;
- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари борасида маслаҳатлар олиш;
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

Юридик шахслар олдида суғурта шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисини бериш ва шартнома тузишда асосланилган суғурталаш қоидалари билан таништириш;
- суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома асосида суғурта қопламаси тўлаш;
- суғурталанувчи билан бўладиган муносабатларда маҳфийликни таъминлаш.

Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- агар суғурта ҳодисаси:

а) суғурталовчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқариш учум атайлаб қилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида юз берган бўлса;

б) суғурталанувчи таваккалчиликдаги жиддий ўзгаришлар ҳақида суғурталовчини бохабар қилган бўлмаса;

в) суғурталанувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига хабар бермаган ёки етказилган зарар тафсилотлари, тури ва миқдорини аниқлашда суғурталовчи ёхуд унинг вакили иштирок этишига тўсқинлик қилган бўлса;

г) суғурталанувчи зарарни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, суғурта товони тўлашни рад этиш;

- суғурта шартномасининг муддати мобайнида суғурталанган мулкнинг аҳволи ва қийматини, шунингдек суғурталанувчи ўз мулки ҳақида маълум қилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш;
- суғурталанувчидан суғурта ҳодисаси ҳақида хабар келишини кутиб ўтирмасдан, суғурта ҳодисаси етказган зарарни кўздан кечириш ва баҳолашга киришиш;
- суғурта ҳодисаси юз бериш хавфининг даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Суғурталанувчи бўлган юридик шахслар суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатда тўламаганда шартнома юридик кучини йўқотиши мумкин.

Агар суғурталанган мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишига қуйидагилар сабаб бўлса суғурта ташкилоти суғурта жавобгарлигидан озод этилиши мумкин:

а) суғурталанувчининг мажбуриятлари кучга киргунга қадар мулкда мавжуд бўлган ҳамда суғурталанувчи ёки унинг вакилларига маълум бўлган камчилик ва нуқсонлар;

б) суғурталанган мулкдан фойдаланиш қоидаларининг суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан бузилиши натижасида зарар етказилиши;

в) суғурталанувчининг ёки унинг шартнома бўйича суғурталанган мулк ишониб топширилиши мумкин бўлган ходимларидан, вакилларидан ёки бошқа шахслардан биринг эҳтиётсизлиги, виждонсизлиги, носамимийлиги, шунингдек мулкка мулкдорлик ёхуд эгалик ҳуқуқининг қаллоблик йўли билан бошқа шахсга ўтказилиши;

г) доимий таъсир кўрсатувчи фойдаланиш омиллари (эскириш, занглаб чириш) ва об-ҳаво омиллари таъсирида ёхуд суғурталанган нарсалардан фойдаланмаслик оқибатида аста-секин зарарланиш;

д) суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;

е) енгил алангаланадиган модда ва материалларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;

з) суғурталанувчи зарарланган нарсаларни ёки уларнинг қолдиқларини суғурталовчига кўрсатишдан бош тортган тақдирда, бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган нарсалар бундан мустасноди р;

и) уруш ёки уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилингани-қилинмаганидан қатьи назар), ғалаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, ноқонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш, суиқасд, қўпорувчилик ҳаракати, амалда ёки қонуний мавжуд бўлган ҳукуматнинг ёки бирор ҳокимият органининг фармойиши билан мусодара қилиш, реквизиция, бузиш ёки зарарлантириш, ядро реакцияси, ядро нурланиши ёхуд радиоактив зарарланиш.

Ички санитария техникаси тизимлари бузилганда қуйидаги:

а) агар фалокат суғурталанувчининг эҳтиётсизлиги ёки ношуд ҳатти-ҳаракатлари туфайли юз берган;

б) башарти фалокат учинчи шахсларнинг атайлаб қилган ёки атайлаб қилмаган хатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган ҳолларда суғурта ташкилоти етказилган зарар учун жавоб бермайди.

3. Суғурта қопламаси суғурта-ланувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги ёзма аризаси, шунингдек, ваколатли органлардан олинган тегишли ҳужжатлар асосида тўланади. Бундай ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги суғурталовчига ушбу ҳужжатлар билан тасдиқланмаган зарар учун товон тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси содир бўлгани ҳақида ариза бергач, комиссия тузилиб, унинг таркибига суғурталанувчининг, суғурталовчининг, зарур ҳолларда эса ваколатли ташкилотларнинг ҳам вакиллари киритилади.

Комиссия муайян муҳлат ичида зарарланиш сабаблари ва микдорини аниклайди. Комиссия суғурта ҳодисасини эътироф эттан тақдирда йўқотиш ва зарарлар микдори, шунингдек тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасининг микдори аниқланади. Томонлар буни далолатномада қайд этадилар.

Мазкур далолатнома суғурталанувчига суғурталовчи томонидан сутурта товони тўланиши учун асос бўлади.

Зарар сабаблари ва микдори хусусида томонлар ўртасида низолар пайдо бўлган ҳолларда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

Суғурталанувчи зарарни қоплаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

-суғурта ҳодисаси юз берган сана ва унинг тавсифи;

-суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталанувчи қилган ишлар;

-зарар миқдори ва суғурталанувчи даъво қилаётган суғурта товонининг миқдори. Бунда тегишли рўйхат ва сумма кўрсатилиши керак;

-зарарни қоплаш учун учинчи шахслардан олинган товон микдори.

Мабодо зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суд қарорига кўра зарар айбдор шахс томонидан қопланадиган бўлса суғурталанувчи суғурта товони олиш ҳуқуқидан махрум бўлади.

Қуйидаги ҳолларда суғурта товони тўланмайди:

-агар суғурталанувчи зарар етказилишига олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни атайлаб ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли содир этган ёки уларга йўл қўйган бўлса;

-башарти зарар келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширилаётган бўлса, текширув тамом бўлгунга қадар.

Мабодо суғурталанувчи ёки наф олувчи шахс зарар учун айбдор ёки учинчи шахслардан товон олган бўлса, суғурталовчи суғурта шартларига кўра тўланиши лозим бўлган пул билан айбдор ёхуд учинчи шахслардан олинган пул ўртасидаги фарқнинг ўзини тўлайди.

Шартнома имзолагандан сўнг таваккалчилик даражасида рўй берган ва суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини оширадиган барча ўзгаришлар суғурталовчига суғурта шартларини ўзгартириш ҳамда қўшимча суғурта мукофоти тўланиши талаб қилиш ҳуқуқини беради. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлашдан бош тортган тақдирда мазкур шартнома юридик кучини йўқотади, тўланган суғурта мукофоти эса қайтариб берилмайди.

Шартномада келишилган зарарларни қоплаш учун суғурталовчи томонидан амалга оширилган ҳар бир тўлов мажбуриятлар чегарасини ана шу тўлов микдорида, аммо агар масъулият чегарасини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, далолатномада қайд этилган зарар микдоридан кўп бўлмаган ҳажмда камайтиради.

Шартнома томонлар унда курсатилган мажбуриятларини бажармай қўйгунларига қадар кучда бўлади.

Томонлардан бирининг камида 30 кун олдин бериладиган ёзма аризасига биноан шартнома исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Агар суғурталанувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишини маълум қилса, суғурта мукофоти унга қайтарилмайди.

Суғурта шартномаси бекор қилинишини суғурталовчи талаб этган тақдирда:

а) суғурталанувчига суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб микдорда қайтарилади, бунда ўтган даврда қилинган харажатлар суғурта мукофотидан ушлаб қолинади;

б) башарти суғурта шартномаси бекор қилинишининг талаб этилишига ушбу шартномада келишилган шартларнинг суғурталанувчи томонидан бузилиши сабаб бўлса, фақат суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб микдорда қайтарилади.

Суғурта товони тўлаш ҳақида далолатнома тузилгандан кейин суғурталанувчининг зарар етказилиши учун жавобгар шахсларга нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўланган пул микдорида суғурталовчига ўтади. Суғурталанувчи зарар етказган шахсга бўлган даъвосидан ёки унга нисбатан бўлган талабларнинг амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечганда, шунингдек регресс талабни қўйиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни суғурталовчига беришдан бош тортганда суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек пролонгация, бекор қилиш ёки тўхтатиш томонларнинг розилиги билан ўзаро хабар берилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилмоғи даркор.

Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи барча низо ва келишмовчиликлар томонларнинг музокара олиб бориши йўли билан ҳал этилади, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса тегишли муддат ичида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қараб чиқиш учун хўжалик судига оширилади.

Мавзу : Жавобгарлик суғуртаси ва уни ўтказиш тартиби

Бозор муносабатлари шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг учинчи шахслар манфаатига зарар етказиш хавфи кучаяди. Бу хавфнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарар етказган шахсларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Ана шундай жавобгарликни суғурта қилишнинг кенг тарқалган турларидан бири – транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахсларга зарар етказиш фуқаролик жавобгарлигини суғурталашдир.

Маълумки транспорт юқори хавфни келтириб чиқарувчи манбалардан бири ҳисобланади.

Траспорт ҳайдовчиси транспорт воситасини бошқариш жараёнида учинчи шахсларнинг муайян манфаатларига, соғлиғига зарар етказиши мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган шахслар, кўп ҳолатларда айбдорлардан зарарни ундириб ололмайдилар. Ғайри қонуний ҳаракат туфайли юридик ёки жисмоний шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган айбдор шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонун ҳужжатларида зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Зарар етказган шахс агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа зарарни тўлашдан озод этилиши мумкин.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасининг доимо ошиб бориши транспорт воситаларининг янада такомиллашиши жаҳонда автомобиллар сонининг мунтазам ўсишига олиб келаяпти.

Афсуски транспорт воситалари сонининг кўпайиши салбий оқибатларга олиб келади. Яъни, йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ/

Ҳозирги шароитда юридик ва жисмоний шахсларнинг учинчи шахслар манфаатига зарар етказиш хавфи кучаймоқда. Бу хавфнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарар етказган шахсларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Ана шундай жавобгарликни суғурта қилишнинг кенг тарқалган турларидан бири – транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахсларга зарар етказиш фуқаролик жавобгарлигини суғурталашдир.

Маълумки транспорт юқори хавфни келтириб чиқарувчи манбалардан бири ҳисобланади.

Траспорт ҳайдовчиси транспорт воситасини бошқариш жараёнида учинчи шахсларнинг муайян манфаатларига, соғлиғига зарар етказиши мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган шахслар, кўп ҳолатларда айбдорлардан зарарни ундириб ололмайдилар. Ғайри қонуний ҳаракат туфайли юридик ёки жисмоний шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган айбдор шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонун ҳужжатларида зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Зарар етказган шахс агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа зарарни тўлашдан озод этилиши мумкин.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасининг доимо ошиб бориши транспорт воситаларининг янада такомиллашиши жаҳонда автомобиллар сонининг мунтазам ўсишига олиб келаяпти.

Ўзбекистон Республикасида енгил автобил ишлаб чиқариш саноатининг саноатининг ривожланиши маълум бир маънода транспорт воситалари суғуртасини ҳамда транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасини ривожланишига ва суғурта компанияларига маълум бир маънода аниқ вазифаларни юклаши табиий албатта. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Республикамиз худудида енгил автомобиллар сонининг кескин равишда ўсиб бориши жамиятимиз ва унинг вакиллари учун фойдали ҳисобланади. Лекин шу билан бир қаторда шуни унутмаслик керакки, автотраспорт сонинг кескин равишда ортиб бориши ўз-ўзидан йўлларимиз ҳудудида ҳунук ва нохуш ходисаларни юзага келтириши мумкин.

Барчамизга маълумки 2008 йил 22 октябрда Ўзбекистонда “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. 2009 йилнинг 22 январидан бошлаб транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш (ФЖМС) полисига эга бўлмаганлар, энг кам иш ҳақи миқдорида, мансабдор шахслар эса энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида жарима тўладилар.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда жабрланувчининг мулкига зарар етганда энг кўпи билан $1050, жабрланувчининг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етганда эса энг кўпи билан $1950 миқдордаги маблағни кўзда тутади. Суғурта қопламаси суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига етказилган зарар миқдорида, лекин юқорида қайд этилган қийматдан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

Бунда ўз-ўзидан нега зарарнинг барчаси тўланмайди деган савол туғилади? Зарарнинг ҳаммаси ҳам қопланиши мумкин, лекин бунинг учун суғурталанувчи мажбурий суғуртадан ташқари фуқаролик жавобгарлигини ихтиёрий суғурталаш полисига эга бўлиши керак. Чунки етказилган зарар ўрнатилган лимитдан юқори бўлиш ҳолатлари ҳам кам эмас.

Масалан, суғурталанувчи фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш полисига эга бўлса, Қонунга мувофиқ жабрланувчининг мулкига

зарар етказилганда суғурта қопламаси $1050га тенг миқдорда чегараланади, етказилган зарар миқдори $3000 ни ташкил этади. Бу ҳолда суғурта компанияси фақат кўзда тутилган $1050 ни тўлайди, қолган қийматни эса суғурталанувчи ўз ёнидан тўлашига тўғри келади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурта полиси қиймати биринчи навбатда транспорт воситасининг тури ва қувватига боғлиқ (йиллик база ставкаси). Масалан, енгил авомобиль двигателининг ҳажми, автобус ва микроавтобуснинг йўловчи сиғими, юк автомобилининг юк кўтариш қобилияти қанчалик катта бўлса, полис нархи ҳам шунча юқори бўлади.

Кейин қуйидагиларга кўра суғурта полиси нархини орттирувчи ва пасайтирувчи коэффицентлар қўлланилади:

- транспорт воситаси рўйхатга олинган жой;
- транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахслар сони;
- ўтган давр ва ҳайдовчи стажи давомида суғурта ҳодисаларининг рўй берган ёки бермаганлиги;
- транспорт воситасидан фойдаланишнинг мавсумийлиги;
- қоида бузиш ҳолатларининг мавжудлиги;
- ҳайдовчининг ёши.

Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича максимал суғурта мукофоти йиллик база ставкасига мувофиқ равишда унинг беш баробаридан юқори бўлмаслиги керак.

Шунга кўра, агар суғурталанувчи, масалан, дивигател ҳажми 1200-2000 $см^3$ атрофида бўлган енгил автомобил эгаси бўлса ва ундан такси сифатида фойдаланилмаса, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг йиллик полиси миқдори юқорида қайд этилган омилларга кўра $10,8 дан $67,5 гача бўлган қийматни ташкил этади.

Шу билан бирга, 1941-1945 йилги уруш қатнашчилари ёки партизанлари ёҳуд уларга тенглаштирилган шахслар, 1941-1945 йилдаги уруш даври меҳнат фахрийлари, болалигида ота-оналаридан бири ёки қайта турмушга чиқмаган бева аёл билан бирга концентрацион лагерда бўлган собиқ асирлар, харбий хизматни ўташ чоғида ярадор, контузияси ёки ногирон бўлган ва шунинг натижасида ҳаок бўлган ёки фронтда орттирилган касаллик оқибатида вафот этган харбий хизматчиларнинг фарзандлари, Чернобиль АЭСидаги авария натижасида жабрланганлар, нафақадагилар ва ногиронлар учун суғурта мукофоти нархининг 50 фоизи миқдорида чегирма белгиланади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурталанувчи йўл-транспорт ҳодисаси айбдори бўлиб қолса ва учинчи бир шахсга зарар етказса, бундай вақтда суғурталанувчи ёки суғурталанувчининг ваколатига эга бўлган шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўгандан сўнг 72 соатдан кечигмаган ҳолда суғурта компаниясининг, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳодиса

содир бўлган ва транспорт воситаси рўйхатга олинган худудлардаги бўлимларини ёзма равишда воқеадан хабардор қилиши лозим.

Шунингдек, суғурта компаниясига суғурта полисининг асли ёки нусхасини илова қилган ҳолда суғурта тўловини тўлаш ҳақидаги ариза, етказилган зарар факти ва миқдорини, мулкка етказилган зарар вақти ва миқдорини, жабрланувчининг шахсини, ворислик ёки ҳуқуққа эгаликнинг кучга киришини тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек, ворисларнинг шахсини ва ҳуқуққа эгаликнинг давлат рўйхатидан ўтганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Ўз навбатида, суғурта компанияси 15 кун муддатдан кечиктирмаган ҳолда суғурта қопламасини тўлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши ва ўз қарорини суғурталанувчига маълум қилиши шарт. Суғурта қопламаси тўлаш рад қилинганда, рад қилиш тўғрисидаги қарорда асословчи далиллар кўрсатилган бўлиши шарт.

Суғурталанувчи, биринчи навбатда, ўз ташаббуси ёки суғурта компаниясининг талаби билан зарарланган мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиш ҳолатларини аниқлаш ва қопланиши талаб этиладиган зарар миқдорини аниқлаш мақсадида кўриб чиқиш ва мустақил экспертизадан ўтказиш учун суғурта компаниясига тақдим этиши шарт.

Суғурта компанияси эса, ўз навбатида, агар ўзаро ёзма равишда бошқа муддат келишилмаган бўлса, зарарланган мулк ёки унинг қолдиқларини беш кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида кўриб чиқиши ва мустақил экпертизаси ўтказиши даркор.

Суғурта компанияси зарланган мулкни ёки унинг қолдиқларини кўриб чиқмаса ва юқорида қайд этилган муддат ичида мустақил экспертиза ўтказмаса, суғурталанувчи шундай экспертизани мустақил равишда ташкил этиши мумкин.Бундан ташқари, бундай ҳолда суғурталанувчи суғурта компаниясига зараланган мулк ёки унинг қолдиқларини тақдим этмасликка ҳақлидир, суғурта компанияси эса мазкур мустақил экспертиза натижаларига эътироз билдириши мумкин эмас.

Суғурта тўлови учун асос бўлган мустақил экспертиза қиймати суғурта компанияси томонидан қопланувчи зарар таркибига киритилади, аммо ҳар қандай тақдирда ҳам умумий тўлов ўрнатилган суғурта суммасидан ошмаслиги керак. Шуни унутмаслик керакки, суғурта қопламасини тўлаш суғурта компанияси томонидан зарарнм қоплаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин 5 кундан кечиктирмай амалга оширилади

Бошқа вариант. Мижоз жабрланувчига етказган зарарни ўз ёнидан тўлайди, суғурта компанияси эса ўрнатилган лимит (суғурта миқдори) доирасида мижознинг харажатини қоплайди. Аммо шарти шундаки, бу ишни мижоз ўз суғурта компаниясининг ёзма розилиги асосида амалга оширган бўлса ва унга етказилган зарарни қоплаганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган бўлиши керак. Агар мижоз зарарни қисман қоплаган бўлса, суғурта компанияси суғурта тўловининг тегишли қисмини мижозига, қолган қисмини эса жабрланганга (унинг вориси ёки хуқуқа эгалик қилувчи шахсга) юқоридаги шартга асосан тўлайди. Яна бир вариант мавжуд. Жабрланувчи

ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мулкига етказилган зарарни қоплашни сўраб ёзма равишда ўзи полис олган суғурта компаниясига мурожат қилади. Ўз навбатида, ушбу компаниянинг суғурта қопламасини тўлаш билан боғлиқ барча ҳаражатларини қоплайди. Бу суғурта ҳолати зарарни бевосита бартараф этиши деб аталади. Таъкидлаш жоизки, суғурта компанияси мижозининг ташаббуси ёки суғурта компаниясининг талаби билан қабул қилинган зарарни бартараф этиш ёки камайтириш бўйича кечиктириб бўлмас чоралар билан боғлиқ мижознинг барча талаб қилинган ва исботланган (суд харажатлари, жарималар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлардан ташқари) харажатларини қоплайди.

Мамлакатимиз суғурта тарихида шу кунга қадар ушбу суғурта тури бўйича фаолият юритувчи бирор суғурта компаниясининг банкротга учраш ҳолати кузатилмаган. Аммо шунга қарамай, келажакда бу ҳолатнинг юзага келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси бугунги кунда хизмат бурчини бажараётган пайтида жароҳат олган ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кўзда тутади. Меҳнат Кодекси иш берувчининг ходимига етган зиён учун жавобгар эканини белгилаган. Маълумки, Меҳнат Кодексининг 189- ва 192-моддаларига биноан, иш берувчи олган жароҳати, касб касаллиги ёки меҳнат жараёни билан боғлиқ равишда соғлиғига етган зарарни, шунингдек боқувчисини йўқотганлик учун етган зарарни белгиланган тартибда тўлиқ қоплаши шарт.

Кўриниб турибдики, хизмат бурчини ўтаётган пайтда жароҳат олган ходимларни моддий жиҳатдан ҳимоялаш иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади. Ходимнинг хизмат бурчини ўтаётган пайтда олган жароҳати учун иш берувчи жавобгар ҳисобланади.

Шу билан бирга, иш берувчи қоплаши керак бўлган зарар ҳажми доим ҳам иш берувчининг молиявий имкониятларига мос келавермайди ёки иш берувчининг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки иш берувчи қоплаши керак бўлган зиарар ҳажмига бир вақтда ва ҳар ойда тўланиши керак бўлган конпенсация тўловлари кириши мумкин. Масалан, Меҳнат Кодексининг 190-моддасига биноан, ходимнинг соғлиғига етган зарар учун қопланиши керак бўлган маблағ ходим жароҳат олган вақтга қадар олган ойлик ўртача иш ҳақига қўшимча равишда, ходим олган жароҳат даражасига қараб белгиланган ойлик фоиз, жароҳат олиши билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш, шунингдек, бир марталик нафақа кўринишидаги тўловдан иборат. Бир марталик нафақа ҳажми жамоа шартномасида, агар шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда жароҳат олган ходимга тўланадиган бир марталик нафақа ҳажми жарохатланган ходимнинг бир йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги, ҳалок бўлган ходимнинг оила аъзоларига бериладиган бир марталик нафақа ҳажми эса халок бўлган ходимнинг олтита ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Шу муносабат билан, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Қонун барча иш берувчиларга уларнинг ходимлари хизмат бурчини ўтаётган пайтда ҳаёти ёки саломатлигига зиён етган тақдирда мажбурий тарзда суғурта ҳимоясини тақдим этишни кўзда тутади.

Қонун ходимларнинг хизмат бурчини ўтаётган пайтда ҳаёти ёки саломатлигига зиён етиши ёки касб касаллигига учраши, ҳалок бўлиши ёҳуд касб касаллиги оқибатида вафот этиши боис иш берувчининг жавобгарлиги юзага келган ҳолларда суғурта компаниялари томонидан даврий ва бир марталик тўловларни тўлаш учун зарур маблағларни тўлашларини таъминловчи мураккаб тизим учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли мулкчилик шаклидаги 34 та суғурта компанияси фаолият кўрсатмокда. Жумладан, “Ўзбекинвест” ЭИМСК жадал ривожланаётган суғурта компанияларидан биридир. 1994 йилда ташкил этилган ушбу компания бугун барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида кенг ҳудудий филиаллар тармоғига ва суғурта бўлимларига эга.

Суғурта қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Умумий суғурталаш” нинг 17 тоифаси бўйича суғурта қилиш ва қайта суғурталаш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берадиган лицензиясига эга ушбу компания асосий эътиборини бугунги кундаги долзарб вазифа – иш берувчининг фукаролигини мажбурий суғурта қилиш кўламини кенгайтиришга қаратмокда.

Суғуртанинг ушбу турининг мажбурийлиги биринчи навбатда мамлакатнинг барча иш берувчиларини қамраб олиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида суғуртанинг ушбу тури бўйича минимал суғурта тарифларини қўллаш имконини яратади. Моҳиятан, мажбурий суғуртанинг бу тури мамлакат иш берувчилари ўртасидаги жабр кўрган иш берувчилар кўрган зарарларни қоплаш учун мўлжалланган маблағларни қайта тақсимлаш механизми сифатида иш кўради.

Бу механизм биринчи навбатда жабр кўрган ходимлар кўрган зарарни қонунда белгиланган суғурта суммаси доирасида қоплаш кафолатини таъминлайди. Иккинчидан, мажбурий суғурта иш берувчи ўзининг жабр кўрган ходмига зарарни қоплаб берганда ҳам молиявий барқарорлиги сақланиб қолиши ва иш берувчининг фаолиятини қўллаб-қувватловчи реал усул бўлиб хизмат қилади.

Мазкур суғурта турига асосан иш берувчи, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш шартномаси бўйича суғурталовчи, аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи ушбу мажбурий суғурта турининг субъектлари саналади. Жисмоний шахс билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс иш берувчи деб тан олинади.

Меҳнат жароҳати, касб касаллиги ёки хизмат бурчини бажараётган вақтда саломатлигига зиён ктиб, суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим жабрланувчи ҳисобланади.

Наф олувчи – ходим ўз хизмат бурчини ўтаётган вақтда ҳалок бўлган ҳолларда суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Масалан, ҳалок бўлганннинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар, шунингдек, ўн олти ёшга етмаган фарзандлари, отасининг ўлимидан кейин туғилган боласи, ҳалок бўлган кишининг ишламайдиган ё бўлмаса, болалар тарбияси билан банд бўлган хотини (ёки эри), ёки ҳалок бўлган кишининг фарзандлари, уч ёшга етмаган ука ва сингиллари, набираларини тарбиялаётган оиланинг бошқа аъзоси ёки ҳалок бўлганнинг ўлими кунида унинг қарамоғида бўлиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Меҳнат жароҳати, касб касаллиги ёки хизмат бурчини бажараётган вақтда саломатлигига зиён ктиб, суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим жабрланувчи ҳисобланади.

Наф олувчи – ходим ўз хизмат бурчини ўтаётган вақтда ҳалок бўлган ҳолларда суғурта қопламасини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир. Масалан, ҳалок бўлганннинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар, шунингдек, ўн олти ёшга етмаган фарзандлари, отасининг ўлимидан кейин туғилган боласи, ҳалок бўлган кишининг ишламайдиган ё бўлмаса, болалар тарбияси билан банд бўлган хотини (ёки эри), ёки ҳалок бўлган кишининг фарзандлари, уч ёшга етмаган ука ва сингиллари, набираларини тарбиялаётган оиланинг бошқа аъзоси ёки ҳалок бўлганнинг ўлими кунида унинг қарамоғида бўлиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурталовчи умумий суғурта соҳасида фаолият олиб бориш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномалари ёки аннуитет шартномаларини тузиш, иш берувчи ёки жабрланувчи (наф олувчи)ларнинг суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги талабларини белгиланган тартибда кўриб чиқишга ваколатланган алоҳида бўлинмаларга эга бўлиши керак. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчиларга ҳам шунга ўхшаш талаблар қўйилган. Ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият юритиётган суғурталовчилар аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчилар сифатида иш кўришлари мумкин.

Юқорида кўрсатилган суғурта субъектларининг мажбурий суғуртанинг ушбу турини амалга ошириш чоғида ўзаро муносабатда бўлиш тартиблари ва шартлари Қонунда белгилаб қўйилган. Суғурта субъектлари ўзаро муносабатлари тартиби ва шартлари мажбурий суғурталашнинг иш механизмини ташкил этади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш жараёнини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич мажбурий суғурта шартномаси имзоланган пайтдан суғурта ҳодисаси содир бўлган кун ёки мажбурий суғурта шартномаси тугаган санагача давом этади. Иккинчи босқич мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юзага келган пайтдан бошланади.

Биричи босқич суғурта муносабатларида фақат суғуртанинг ушбу турини амалга оширган суғурталовчи ва иш берувчи каби субъектлар қатнашади. Мазкур босқичда мажбурий суғурта шартномаси тузилади ва суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта мукофоти тўланади. Суғурта шартномасига биноан, суғурталовчи келишилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта ҳодисаси юзага келганда иш берувчи ва жабрланувчи, ёки наф олувчига суғурта шартномасида келишилган суғурта суммаси доирасида суғурта тўловларини тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Таъкидлаш керакки, мажбурий суғурта шартномасининг асосий шартлари Қонуннинг ўзи билан мувофиқлаштирилади. Мазкур шартлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 177-сонли Қарори билан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш Қоидалари тасдиқланган.

Ушбу Қоидалар мажбурий суғурталашнинг мазкур турини амалга оширишнинг умумий қоидалари, суброгация, суғурталовчини алмаштириш ёки аннуитетлар шартномасига кўра суғурталовчини ўзгартириш, якуни қоидалар каби умумий шартларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, Қоидалар фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасига тегишли шартларни ҳам ўз ичига олади. Бу шартлар мажбурий суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш ва муддатидан аввал бекор қилиш, суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва уни тўлаш қоидалари, мажбурий суғурта шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш тартиби, кўрилган зарар ҳажмини аниқлаш ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қопламасини тўлаш, шунингдек, аннуитетлар шартномасига тегишли, аннуитетлар шартномасини тузиш тартибини белгиловчи шартлар, суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва аннуитетлар шартномаси бўйича қайтариб сотиб олиш суммаси, аннуитетлар шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажзбуриятлари, аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар шаклида суғурта қопламаларини тўлаш тартиби, аннуитетлар шартномасини ўзгартириш ва муддатидан аввал бекор қилиш тартибидан иборат.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси ошкора шартнома ҳисобланади ва бир йил муддатга тузилади. Лекин агар иш берувчининг фаолияти бир йилдан кам муддат давом этиши мўлжалланган бўлса, у ҳолда шартнома иш берувчи томсонидан ушбу фаолиятни олиб бориш муддатига тузилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда суғурта мукофоти қуйида келтирилган формулалар орқали аниқланади:

Шартнома 1 йил муддатга тузилганда:

СМҚ = СС х ЙБС х СТК / 100

Шартнома 1 йилдан кам муддатга тузилганда:

СҚМ = СС х ЙБС х СТК / 100 / 365 х К

Бу ерда:

СМҚ – Суғурта мукофоти қиймати;

СС – Суғурта суммаси;

ЙБС – Йиллик базавий ставка;

СТК – Суғурта тарифининг мос коэффиценти;

К – Шартнома тузиладиган кунлар сони.

Мажбурий суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта суммаси қуйидагича белгиланади:

- мажбурий суғурта шартномаси тузилаётган санага келиб бир йилдан кўп фаолият олиб борган иш берувчи учун – иш берувчининг барча ходимларининг ушбу шартнома тузилгунигача ўтган ўн икки ойда олган йиллик иш ҳақи ҳажмида;
- ўз фаолиятини янгитдан бошлаётган иш берувчи учун – барча ходимларнинг мажбурий суғурта шартномаси тузилгандан кейин келадиган ўн икки ой учун оладиган иш ҳақи ҳажмида. Бунда йиллик иш ҳақи миқдори биринчи ойдаги иш ҳақини ўн иккига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади;
- ўз фаолиятини камида бир йил аввал бошлаган иш берувчи учун иш берувчининг барча ходимлари иш берувчининг ушбу фаолиятини амалга ошириш муддатида олган иш ҳақи ҳажмида.

Мажбурий суғурта бўйича суғурта мукофоти суғурта тарифлари асосида ҳисобланади. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта тарифи икки таркибий қисмдан шакллантирилади: базавий ставка ва иш берувчи олиб бораётган фаолиятнинг хавфлилик даражасига қараб базавий ставкага кўпайтириладиган коэффицент.

Базавий ставка иш берувчилар ва суғурталовчилар учун ягона ҳисобланади ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги шартномаси бўйича суғурта суммасининг йиллик 0,1% миқдорида белгиланади.

Базавий ставкага кўпайтириладиган коэффицент иш берувчи олиб борадиган фаолиятнинг хавфлилик даражасига қараб белгиланади. Фаолият хавфлилик даражаси Классификацияга мувофиқ белгиланади.

Иш берувчининг фаолият турининг хавфлилик даражаси Классификацияси Қоидалари асосида тасдиқланган. Ушбу Классификацияга биноан, иқтисодиёт соҳалари касбий хатарларнинг 20 та синфига ажратилган. ҳар бир синф бўйича тегишли коэффицентлар белгиланган. Агар иш берувчи Классификацияда келтирилмаган фаолият тури Билан шуғулланаётган бўлса, фаолиятнинг бу турига нисбатан касбий хатарлар синфлари бўйича ўртача суғурта тарифларига тенг 3,400 ҳажмидаги коэффицент қўлланилади.

Шунингдек, суғуртанинг ушбу тури бўйича суғурта тарифлари таркиби ҳам белгиланган бўлиб, бунда суғурта мукофоти ҳажмидаги неттоғставка ва суғурта мукофоти ҳажмида мажбурий суғуртани амалга ошириш ҳаражатлари улуши белгилаб берилади. Суғурта тарифи таркибига мувофиқ, тариф ставкасининг 70% иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича тўловлар ва 30% иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш харажатлари (шу жумладан, суғурта ҳодисаларининг олдини олишга оид огоҳлантириш тадбирлари заҳирасига чегирмалар тарифининг 5% ни ташкил этади) дан иборат.

Бундан ташқари, мажбурий суғурта бўйича суғурта тарифлари коэффицентини қўллаш тартиби 1 йилдан кам муддатга шартномалар

тузилишини ҳам ҳисобга олади. Мажбурий суғурта шартномаси 1 йилдан кам муддатга тузилганда Ушбу шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти ҳажми суғурта суммасининг йиллик базавий ставкага, суғурта тарифининг тегишли коэффициенти ва мажбурий суғурта шартномаси йилнинг неча кунига тузилаётганига қараб кунлар сони улушига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Шунингдек, Қоидалар Билан қуйидаги ҳужжатларнинг намуналари тасдиқланган:

- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси ва аннуитетлар шартномаси;
- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасини тузиш ва аннуитетлар шартномаси ҳақидаги аризалар;
- иш берувчинин фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурта полиси ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси бланкалари;
- суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги ариза;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса ва боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ зарарларни қоплаш ҳақидаги буйруқлар.

Юқорида таъкидланганидек, иккинчи босқичда суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юзага келганда бошланади. Қонунга мувофиқ суғурта ҳодисаси бу – мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган вақтда ходимнинг жароҳат олиши, касб ксаллиги ёки хизмат бурчини бажараётган вақтида саломатлигига етган зарарларни қоплаш бўйича иш берувчининг жавобгарлиги юзага келганини тасдиқловчи ҳолатдир.

Иккинчи босқичда мажбурий суғурта муносабатлари томонларига жабрланувчи, наф олувчи ва аннуитет шартномаси бўйича суғурталовчи қўшилади. Суғурта ҳодисаси юзага келганда жабрланувчи ва наф олувчи мажбурий суғурта шартномасига асосан суғурта қопламасини олувчиларга айланадилар.

Мажбурий суғурта бўйича суғурта қопламаси қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- жабрланувчининг меҳнат жараёнида жароҳат олгунига қадар бўлган ўртача ойлик иш ҳақига ходимнинг касбий лаёқатини йўқотиш ёки касб касаллиги даражасига нисбатан фоизлар кўринишидаги ҳар ойлик тўловлар;
- ҳалок бўлганннинг ўртача ойлик иш ҳақидан унинг ўзига тегишли бўлган ҳамда унинг қарамоғида бўлиб, меҳнатга лаёқатли бўлган , лекин етказилган зарарни қоплашга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга тегишли улуши чегириб ташланган ҳар ойлик тўловлар;
- жабрланувчи ёки манфаат кўрувчига қонунчиликда белгиланган ҳолларда бир марталик нафақа тўловлари;
- мажбурий суғурта шартномасида белгиланган ҳажмда Дафн маросимлари харажатлари;
- иш берувчининг қонунчиликка мувофиқ қўшимча харажатлари.

Шуни таъкидлаш зарурки, суғурта қопламаларини тўлаш муддатига қараб уни тўлаш тартиби белгиланади. Агар етказилган зарарни қоплаш бир

йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган тўловларни кўзда тутса, у ҳолда суғурта тўловлари бевосита жабрланган ёки наф олувчига тўланади.

Агар етказилган зарарни қоплаш бир йилдан кўп муддатга мўлжалланган тўловларни кўзда тутса, у ҳолда суғурта тўловлари суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи суғурталовчи Билан аннуитетлар шартномасини тузиши шарт ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича олган суғурта тўловларини фақат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотларини тўлашга сарф қилиши керак. Бу ҳолда суғурта муносабатларига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳам қўшилади. Суғурта тўловлари мунтазам асосда ва бир йилдан ортиқ муддатга тўланиши муносабати билан иш берувчи ва ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурталовчи ўртасида аннуитетлар шартномаси тузилади. Шу тариқа, кейинчалик жабрланувчи ёки манфаат кўрувчи аннуитетлар шартномаси бўйича мунтазам равишда зарарни қоплаш ҳисобига тўловлар олади.

Ануитетлар шартномаси бўйича суғурта суммаси жабрланувчи ёки манфаат кўрувчига етказилган зарарнинг қонунчиликка мувофиқ равишда қоплаб берилиши керак бўлган ҳажмда белгиланади.

Ануитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотлари иш берувчи томонидан аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта муддатининг ҳаммаси учун бир мартада тўлаб берилади.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда республикада мажбурий суғуртанинг ижтимоий йўналтирилган тизими қурилмоқда. Бу тизим мамлакат иқтисодиётининг замонавий талабларига тўла жавоб беради. Мажбурий суғурта турларининг манна шундай тизимларининг татбиқ этилиши яқин йиллар ичида мамлакат суғурта бозорини ривожлантиришга қудратли туртки беради ва мажбурий суғуртанинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашда иштирокини кенгайтиради.

3. Касбий жавобгарликни суғурталаш суғуртачининг суғурта объектига келтирилган зарарни тўлиқ ёки қисман қоплаш миқдорида суғурта тўловлари бўйича мажбуриятларни кўзда тутувчи суғурта турларини ифода этади.

Бунда жисмоний шахснинг мулкий манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади. Ушбу объектни суғурта қилиш тўғрисида фуқаролик қонунчилиги томонидан белгиланган тартибда жисмоний шахснинг учинчи шахс томонидан суғурталанган касбий фаолиятни амалга ошириш муносабати билан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятлари билан боғлиқ суғурта шартномаси тузилади. Касбий фаолиятга талаблар ва уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар томонидан белгиланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш касбий фаолиятни амалга оширишда учинчи шахсга зарар етказиши мумкин бўлган турли шахслар тоифаларининг мулкий манфаатларини суғурта қилиш турларини бирлаштиради. Кўпинча шифокорлар, нотариуслар, баҳоловчилар, экспертлар, қўриқчилар, адвокатлар ва бошқаларнинг касбий жавобгарлиги суғурта қилинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашда бошқа суғурта турларидан фарқли уларок суғурта ҳолатининг бошланиши ташқи омилларга (табиий офатлар ва кесин ўзгаришлар, учинчи шахс ҳаракатлари ва ҳоказолар) эмас, балки муайян касбий фаолиятни амалга оширадиган шахс малакасига боғлиқ. Суғуртачи суғурта шартномаси тузганидан сўнг касбий фаолият билан шуғулланувчи шахс эҳтиёткорлик билан иш тутиши ва касбий кўникмаларни намоён этиши лозим.

Кўпчилик ҳолатларда суғурта ҳолатининг бошланиши суднинг мутахассиснинг мижозга моддий зарар етказганлиги ва унинг миқдори учун мулкий жавобгарлигини белгиловчи қарори қонуний кучга киргандан кейин тан олинади. Бундан ташқари, суғуртачининг учинчи шахсга эътирозларни судгача ҳал этишда етказган зарари учун жавобгарлигининг белгиланиши ҳам фақат суғуртачи томонидан етказилган зарар аниқ исботланганда суғурта ҳолати сифатида тан олиниши мумкин. Бунда суғурта шартномасида суғуртачи жавобгарлигининг пайдо бўлиши асосли эканлигини тан олиш ва зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш суғуртачи ёки ваколатли вакили иштирокида амалга оширилиши келишиб олинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг ҳар бир тури маълум бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан асосланган ўз хусусиятларига эга. Ҳар бир маълум касбнинг ўзига хос хусусиятлари касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда ҳисобга олинади. Бу борада суғуртачининг ўз касбий мажбуриятларини бажаришга виждонан, мулоҳаза билан ва асосли ёндошуви касбий жавобгарликни суғурталашда умумий принцип саналади. Акс ҳолда суғуртачи суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз жавобгарлигидан озод этилиши мумкин.

Хорижий амалиётда касбий жавобгарликни суғурталашнинг айрим турлари мажбурий асосда амалга оширилади, яъни юридик ёки жисмоний шахслар (масалан, шифокорлар, риэлтерлар, баҳоловчилар, нотариуслар ва бошқалар) касбий жавобгарликни суғурталаш полисисиз маълум бир касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Бу борада суғурталанувчи - касбий фаолиятни амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс, суғуртачи - суғурта фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳамда корхонанинг касбий жавобгарликни суғурталаш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга юридик шахс суғурта ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланади. Ушбу суғурта субъектлари суғурта мажбуриятларининг асосий томонлари, яъни суғурта шартномаси томонларидир. Бундан ташқари, жабр кўрган шахс (суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган) ҳам касбий жавобгарликни суғурталаш субъектлари сирасига киради. Одатда, жабр кўрган шахс, агарда суғурта шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, етказилган зарар миқдорида суғурта тўлови олишга ҳаққи бор.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда жабр кўрганлар (фойда олувчилар) суғурталанувчига ҳам суғуртачига маълум қилинмайди. Ушбу ҳолатда суғурта шартномасида бу шартнома кимнинг фойдасига тузилганлиги айтилмаган ёки у суғурта қилувчи ёхуд бошқа шахс

фойдасига тузилган бўлсада, суғурта тўлови олиш ҳуқуқига фойда олувчи фақатгина суғурта қилувчи унинг олдида жавобгар бўлган шахсгина (ёки унинг меросхўри) ҳисобланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларида суғуртачининг суғурталанувчи ёки унинг ходими ваколатига нисбатан кафолатлари кўзда тутилмаган.

Суғуртачи учинчи шахсга суғурталанувчи томонидан қонунуий ва меъёрий ҳужжатлар бузилиши, суғурталанувчининг атайин ҳаракатлари натижасида зарар етказилса суғурталанувчи мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланмайди. Суғурталанувчининг ҳаракатларидаги ниятни исботлаш суғуртачи зиммасига юклатилади. Суғурталанувчининг нияти суднинг қонуний кучга кирган қарори, ҳукми билан аниқланади. Агарда суғурталанувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта мукофоти тўғрисидаги масала суд қарори ва ҳукмигача тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига биноан шахсий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолияти суғурта қилиш шартномасини тузишга мажбур. Нотариус ўз мажбуриятларини суғурта шартномасини тузмасдан туриб бажариш ҳуқуқига эга эмас.

Нотариуснинг қонунучилик томонидан белгиланган тартибда учинчи шахсга нотариал фаолиятни амалга оширишда етказилган зарарни қоплашга доир мажбуриятлари билан мулк манфаатлари суғурта объектлари ҳисобланади.

Нотариусларнинг касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларига мувофиқ суғурта қилувчи суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта мукофотини тўлаганидан кейин суғурталанувчига суғурта шартномасининг амал қилиниш даврида аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни қонунга хилоф равишда амалга оширишган (ёки керакли нотариал ҳаракталари бажармаган) суғурта қилувчи ўз касбий мажбуриятларини тегишли тарзда бажармагани оқибатида юзага келган эътирозлар бўйича зарарни қоплаш мажбуриятларини қабул қилади.

Суғурта қилувчининг зарарни қоплаш мажбурияти нотариус мижозларига нотариус томонидан ўзининг касбий мажбуриятларини амалга оширишдаги эътиборсиз ҳаракатлари, хатолари ёки керакли нотариал ҳатти-ҳаракатларни бажарилмаслиги натижасида юзага келган зарар етказилган ҳолатларда пайдо бўлади. Суғуртачи одатда амалдаги қонунчиликка номувофиқ тарзда амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ёки суғурталанувчининг ғаразли ниятида керакли нотариал ҳаракатларни бажармаслик натижасида етказилган зарарни қопламайди. Нотариуснинг ғараз нияти суднинг қонуний кучга кирган қарори ва ҳукми билан аниқланади. Бунда суғурталанувчининг ҳаракатларида ғараз ният борлигини исботлаш суғуртачи зиммасига юкланади.

Суғурта ҳолати суғурталанувчининг зарарни қоплаш мажбурияти белгиланган пайтдан бошланади. Одатда суғурта ҳолати нотариусга учинч шахсга у томонидан бажарилган ноқонуний нотариал ҳаракатлар, хатолар

ёки керакли нотариал ҳаракатларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашни юклайдиган суд органининг қарори кучга киргач, бошланган ҳисобланади. Суғурта шартномасида суғурта ҳолатини белгилаш ва мижознинг нотариусга зарарни қоплаш талаби билдирилган эътирози асосли бўлганда, уни суғурта йўли билан тўлаш мажбурияти кўзда тутилади. Суғурта ҳолатини аниқлаш суғурта шартномасида аниқ баён этилиши шарт.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси бўйича энг кам суғурта суммаси Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасига мувофиқ бегиланган энг кам иш ҳақининг юз баравар миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси нотариуснинг ёзма аризаси асосида тузилади. Аризада одатда нотариус ҳақида суғурта хавфи даражасини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга маълумотлар, яъни касбий жавобгарлиги суғурта қилинаётган шахснинг исми шарифи, касби, касбий фаолияти бошланган сана, шахсий нотариал амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш санаси ва рақами, почта манзили, телефон, факс, телекс кўрсатилади. Ариза бериш пайтида нотариус фаолияти суғурталангани, аввал тузилган суғурта шартномаси тўхталиши нимага боғлиқлиги, нотариуснинг касбий фаолиятига таалуқли хатолар, эҳтиётсизлик ёки камчиликлар билан боғлиқ эътироз билдирилган маълумотлар кўрсатилади.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси нотариус касбий фаолиятини амалга оширишда ўз ҳаракатлари учун жавоб бергандагина, шахслар фойдасига тузилаган ҳисобланади. Суғурта шартномасини тузишда фойда олувчилар суғурталанувчи ёки суғуртачига маълум қилинмайди. Шундай бўлсада, суғурта шартномасида у кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган бўлса ёки шартнома нотариус ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлса ҳам суғурта тўлови олиш ҳуқуқига эга фойда олувчи фақатгина нотариус унинг олдида жавобгар бўлган шахс бўлиши мумкин.

Суғурта шартномаси одатда бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилади. Суғурта шартномаси агарда шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотлари тўланганидан кейин кучга киради.

Суғурта шартномасининг амал қилиниши шартномада кўрсатилган муддатда ёки суғурталанувчи томонидан суғурта суммаси тўлиқ тўланган ёхуд суғурталанувчи томонидан суғурта манфаатини йўқотган ҳолатда тўхтатилади. Суғурталанувчининг суғурта манфаатдорлиги нотариус ваколатини тўхтатганда йўқотилган саналади. Ушбу ҳолатда суғурталанувчи суғуртачига бу ҳақда ёзма билдиришнома ва суғурта манфаатдорлик йўқолганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Шартномани суғурталанувчининг суғурта манфаатдорлиги йўқотганлиги натижасида муддатидан олдин тўхтатилиши суғуртачи суғурталанувчига суғурта мукофоти суғурта шартномасининг бекор қилинишининг ҳақиқий санасидан

унда кўрсатилган амал қилиш санасигача қолган муддатга мутанносиб тарзда қайтаради.

Одатда суғурта шартномасида суғурталанувчининг қуйидаги мажбуриятлари кўзда тутилади: суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чора-тадбирларни қабул қилиш; суғуртачини унга суғурта ҳолати муносабати билан билдирилаётган барча эътироз ҳақида кечиктирмасдан (суғурта шартномасида келишилган муддатда) хабардор қилиш; суғуртачига суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатлари, етказилган зарар хусусиятлари ва миқдори ҳақида муҳокама қилиш имконини берадиган барча ахборотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиш.

Суғурта шартномасига мувофиқ суғуртачи унга суғурталанувчи номидан зарарни ундириш тўғрисида талаб қайд этилган эътирозлар билдирилган ҳолатда музокаралар олиб бориши ва етказилган зарарни қоплаш ҳақида битим тузиш, суғурта ҳолати ҳолатлари ва сабабларини ёки суғурталанувчининг розилигини кутмасдан зарар миқдорини аниқлаш учун чоралар кўриш, шунингдек, суд ва бошқа ваколатли органларда суғурталанувчи номидан ҳамда топшириғи бўйича иш юритиш ҳуқуқига эга.

Агарда нотариус рози бўлмаса ёки бошқа тарзда қайд этилган ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилса, суғуртачи суғурта тўловини тўлашдан бош тортиши мумкин.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасида суғурта мукофотини тўлаш муддатлари аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта шартномасига мувофиқ белгиланади ва суғурта суммаси миқдорига боғлиқ бўлади.

4. Суғурта мукофоти тариф ставкаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва танланган суғурта суммасига боғлиқ бўлади. Суғурта тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори коньюктураси, таваккалчилик даражаси, суғурта қилиш муддати ва суғурта суммаси миқдори ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бундан ташқари, суғурта мукофоти миқдори нотариус томонидан касбий ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва амалга оширилаётган нотариал ҳаркатлар турлари муносабати билан эътирозларни қонунда белгиланган тартибда қондириш тўғрисида маълумотлар аниқлигига боғлиқ бўлади. Нотариус ижро хатларини амалга ошириш чоғида суғуртачи оширувчи коэффицентларни қўллаши мумкин.

Ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофоти суғурталанувчи томонидан бир йўла ёки қисман нақд ёхуд нақдсиз йўли орқали шартнома тузилган кундан бошлаб келишилган муддат ичида тўланиши мумкин. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда эса суғурта суммаси суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Нотариусга эътирозлар у билан шартнома муносабатидан бўлган мижоз ва у билан шартнома муносабатида бўлмаган, бироқ етказилган зарар сабабли эътироз билдириш ҳуқуқига эга шахслар томонидан билдирилиши мумкин.

Суғурта ҳолати содир бўлган чоғда суғурталанувчи суғурта шартномасида белгиланган муддатда бу ҳақда суғуртачига ёзма равишда хабар беришга мажбур.

Суғурта ҳолати содир бўлган чоғда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати содир бўлганини исботловчи барча керакли ҳужжатларни тақдим этади. Бунда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати билан боғлиқ унга маълум бўлган ёки пайдо бўлган маълумотлар ва вазиятларни хабар қилиши шарт. Суғуртачи тақдим этилган ҳужжатлар хақиқийлигини текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурта тўлови суғуртачи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат давомида суғурталанувчидан содир бўлган суғурта ҳолати ҳақида барча керакли ҳужжатларни олганидан кейин тўланади. Суғурта тўлови миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммасидан ошмаслиги керак. Суғуртачи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови суммасини камайтириш ҳуқуқига эга. Суғурта тўлови миқдори зарар ва эътироз билдирувчи томонидан қилинган сарф-ҳаражатлар, шунингдек, нотариус томонидан суғуртачининг ёзма равишдаги розилиги билан қилинган сарф-ҳаражатлар миқдори суммаси каби аниқланади. Бироқ суғурта шартномаси суғуртачининг ҳар бир суғурта ҳолати ва жабр кўрган киши томонидан билдирилган эътироз бўйича жавобгарлиги лимитини белгилаши мумкин. Агарда нотариусга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта тўловини тўлаш ҳақида масалани ҳал қилиш тўхтатилади.

Нотариуснинг бир йўла бир қанча мижозларининг зарарини қоплашда агарда унинг миқдори суғуртачи жавобгарлигининг умумий лимитидан ошса (суғурта суммасининг суғурта шартномаси бўйича миқдори), суғурта тўлови ҳар бир жабрланувчига етказилган зарар суммасига нисбатан суғуртачи жавобгарлигининг умумий лимитига мутаносиб равишда тўланади.

Шунингдек, суғурта шартномасида нотариус томонидан қопланиши лозим бўлган зарар миқдори - франшиза кўзда тутилиши мумкин. Ушбу ҳолатда компания нотариус томонидан франшиза миқдорида қопланиши лозим бўлган суммадан ошадиган зарарни қоплаш мажбуриятини қабул қилади.

Нотариус ҳаракатига билдирилган эътирозлар, шикоятлар, аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд ёки бошқа сарф-ҳаражатлар, агарда ушбу сарф-ҳаражатлар суғурталанувчи зиммасига юклатилган бўлса, суғуртачи томонидан суғуртачи жавобгарлиги лимити доирасида қопланади.

Суғурталанувчи суғурта шартномасига амал қилиш бекор қилинганидан кейин суғуртачи ундан суғурта шартномасига амал қилиш даврида суғурта ҳолати тўғрисида эътироз (билдириш) олган бўлсагина, суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Пул маблағлари суғуртачининг ҳисобрақамидан суғурталанувчи ҳисобрақамига ўтказилган кун суғурта суммаси тўлаш куни ҳисобланади.

Суғуртачи қуйидаги ҳолларда суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга: агарда суғурталанувчи сохта маълумотлар тақдим этган ва улар

асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса; агарда зарар суғурталанувчи айби билан етказилган бўлса; агарда зарар суғуртачи ёки унинг мижозининг бевосита ғаразли нияти сабабли етказилган бўлса; агарда суғурталанувчи нотариал ҳаракатларни қонуний муддатлардан ташқари амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш, лицензиянинг амал қилиш муддати тугаши); агарда суғурталанувчи суғуртачининг суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳаракатларни амалга оширишига рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса; агарда суғурталанувчи суғуртачига суғурта ҳолати содир бўлгани тўғрисида ўз вақтида хабар бермаса.

Агарда суғурта тўлови тўланганидан кейин ушбу тўлов нотариус ёки бошқа манфаатдор шахслар томонидан ғаразли ҳаракатлар натижасида қалбаки йўллар билан олинганлиги аниқланса, тўланган маблағнинг ҳаммаси уни тўлаган суғуртачига қайтарилади. Суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида юзага келадиган барча тортишувлар музокаралар йўли билан, ўзаро келишувга эришилмаса, судда ҳал этилади.

5. Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти миқдори суғурта суммаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда суғуртачининг тариф ставкаси бўйича ҳисобланади. Суғурта тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори коньюктураси, таваккалчилик даражаси, суғурталанувчи фаолияти турини суғурта қилиш муддати, танланган таваккалчилик ва таваккалчилик даражасига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Суғурта мукофоти аудиторлик хизматларни амалга оширишга доир режалаштирилаётган айланма маблағ асосида белгиланади. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати ёки шартномада белгиланган бошқа даврнинг тугаши билан одатда суғурта пули ва суғурта мукофоти миқдори суғурталанувчи фаолиятининг натижалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисобланади.

Суғурта мукофотини тўлаш тартиби томонлар келишуви бўйича белгиланади: бир йўла ёки қисман суғуртачининг ҳисобрақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан. Суғурта мукофоти суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида келишилган муддат ичида шартнома имзоланган кундан бошлаб тўланади. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда суғурта пули суғурта тўловининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Шартномани бир йилдан кам муддатга тузилганда суғурта мукофоти йиллик суғурта мукофоти суммасидан фоиз ҳисобида ажратилади. Суғурта шартномасига тўлиқ бир ой амал қилинмаган ҳолатда ҳам суғурта мукофоти тўлиқ тўланади. Шартномани бир йилдан ошиқ муддатга тузишда суғурта тўлови имтиёзли тариф ставкалари бўйича ҳисобланади.

Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолатда суғурта полисида суғурталанувчи томонидан ҳақиқатдан ҳам тўланган суғурта мукофоти ва унга тегишли суғурта пули кўрсатилади.

Суғурталанувчи суғуртачига ёзма равишда суғурта шартномасига амал қилиш муддати ичида таваккалчилик даражасидаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилиш шарт. Агарда таваккалчилик даражасининг ошиши суғурта мукофоти

миқдорини ошириш заруратини юзага келтирганда суғуртачи суғурталанувчига қўшимча суғурта мукофоти учун ҳисоб билан бирга суғурта шартномасига киритилган тегишли қўшимчаларни ҳам жўнатади. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлаши ва мукофот учун ҳисобни ҳамда шартномага қўшимча матнини олган кундан бошлаб суғурта шартномасига келишилган муддат ичида қўшимчани имзолаши ёки суғурта шартномасини бузишни талаб қилиши мумкин.

Агарда суғурталанувчи кўрсатилган ҳатти-ҳаракатларни бажармаса, суғуртачи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор қилиш орқали етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Суғурта шартномасини амал қилиш даври тугагандан кейин ва у бўйича суғурта ҳолати содир этилмаса суғурталанувчига шартнома бўйича тўланган суғурта мукофотининг бир қисми қайтарилади.

Суғурталовчининг жавобгарлиги унинг ҳисобрақамига суғурта мукофоти келиб тушган кундан бошланади, суғурта тўловини тўлаш бўйича суғуртачи жавобгарлигининг кучга кириши одатда суғурта полиси билан тасдиқланади. Суғурта полиси суғурталанувчига суғурта мукофотини суғуртачининг ҳисобрақамига суғурта шартномасида келишилган муддат ичида келиб тушган кундан бошлаб берилади.

Суғурта ҳолати содир этилганда ёки унинг бошланишига сабаб бўлувчи ҳолатларда, шунингдек, учинчи шахсдан эътирозлар келиб тушганда суғурталанувчи суғурта ҳолати сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун керакли чораларни, зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш, зарар етказилган шахслар ҳаёти ва мулкини сақлашга оид барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чораларни кўриши, қисқа муддат ичида суғурта қилувчига ушбу ҳолатнинг содир этилгани ҳақида хабар бериши ва унга ушбу ишга таалуқли барча ҳужжатларни юбориши, суғурта қилувчига унинг оқибатлари, судда ишни кўриш ва ушбу ишга таалуқли бошқа фактлар ҳақида маълумот бериши, агарда суғурталанувчи суғурта ҳолати бўйича суғуртачи ва суғурталанувчининг манфаатларини судда ҳамда суддан ташқари тартибда ҳимоя қилиш учун ўз адвокатини ёки бошқа ваколатли шахсни тайинлаш керак деб ҳисобласа унга бу борада имкони борича ёрдам бериши, зарарни тўламаслиги, суғурта ҳолати бўйича суғурталанувчига билдирилган талабларни қисман ёки тўлиқ тан олмаслиги, бундай талабларни бартараф этиш бўйича суғурта қилувчининг розилигисиз ҳеч қандай мажбуриятларни қабул қилмаслиги, суғурталанувчи имкони борича суғурта қилувчининг зарар етказилган мулкни кўздан кечириш ва етказилган зарар миқдорини белгилашда иштирок этишини таъминлаши, суғурта ҳолатида етказилган зарар учун жавобгар бўлган учинчи шахсга нисбатан тескари талабларни таъминлашга оид барча чораларни кўриши, агарда суғурталанувчида зарарни мунтазам тўлашни тўхтатиши ёки унинг миқдорини қисқартириш имкони пайдо бўлганда, бу ҳақида суғуртачига хабар бериши ва бундай тўловларни тўхтатиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Суғуртачи суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчининг суғурта ҳолати сабабли юзага келган мулкий йўқотишларининг ўрнини тўлдиради. Агарда шартномага амал қилиш даврида аҳамиятга эга бўлган суғурта ҳолати суғурта қилиш бошлангунга қадар аҳамиятга эга бўлган ёки таъсир қилишни бошлаган сабабларга кўра содир этилса, зарар суғурталанувчига шартномани тузиш пайтида ушбу суғурта ҳолатининг бошланишига сабаб бўлган сабаблар ҳақида унга маълум бўлмаганда тўланиши лозим.

Агар суғурта тўлови суғурта суммаси миқдорида тўланган бўлса, суғурта полисига амал қилиш тўлов тўланган пайтдан бошлаб бекор қилинади. Суғурта пули миқдорида тўлиқ тўланмаган суғурта тўлови тўланадиган суғурта полиси ўз кучини унга амал қилиш муддати охиригача суғурта суммаси ва тўланган сумма ўртасида фарқ миқдорида сақлаб қолинади.

Суғурта тўлови суғуртачи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат ичида суғурталанувчидан содир этилган суғурта ҳолати тўғрисидаги барча керакли ҳужжатлар олингандан кейин тўланади. Суғурта тўлови суғурталанувчининг исботланган жавобгарлиги миқдорида суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан ортиқ бўлмаган ҳолда тўланади.

Суғуртачининг ҳисобрақамидан суғурталанувчининг ҳисобрақамига пул ўтказилган кун суғурта тўлови тўланган кун ҳисобланади.

Суғуртачи агарда суғурталанувчи суғурта шартномаси шартларини тегишли равишда бажармаса, суғурта тўлови миқдорини камайтириш ҳуқуқига эга.

Суғурталанувчи суғурта шартномасига амал қилиш бекор қилинганидан сўнг суғуртачига суғурта шартномасига амал қилиш даврида ундан суғурта ҳолати тўғрисида эътироз билдирилгандагина суғурта тўловини олиши мумкин.

Суғуртачи агарда суғурталанувчи атайлаб сохта маълумотлар тақдим этган ва улар асосида суғурта шартномаси тузилган бўлса, зарар суғурталанувчи айби билан етказилмаган бўлса, зарар суғурталанувчи ёки корхонанинг бевосита ғаразли нияти оқибатида етказилган бўлса, суғурталанувчи текширувларни қонунда белгиланган муддатдан ташқари муддатда амалга оширган бўлса (лицензияни чақириб олиш, лицензияга амал қилиш муддатининг тугаши), аудиторлик текширувига малака шаҳодатномаларига эга бўлмаган ва аудиторларнинг касбий реестрига киритилмаган шахслар жалб қилинган бўлса, суғурталанувчи томонидан имзоланган ва белгиланган тартибда муҳр билан тасдиқланган аудиторлик хулосаси бўлмаса, суғурталанувчи суғуртачига суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга рози бўлмаса ёки бошқача йўл билан тўсқинлик қилса, суғурталанувчи ўз вақтида суғуртачига суғурта ҳолатининг содир этилгани тўғрисида хабар бермаган бўлса, суғурта тўловини тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга.

Суғурта ҳолати туфайли етказилган зарар ҳажми суғурталанувчига суғурта ҳолати бўйича етказилган зарар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Зарар ҳажми махсус тайинланган давлат органи ёки суднинг

жарима ёки бошқа моддий санкциялар қийматидан ёхуд суд томонидан қондирилган даъво талабаларидан келиб чиққан ҳолда қарор чиқарилганда, эътирозлар учинчи шахсга етказилган зарар қийматидан келиб чиқан ҳолда ихтиёрий қондирилганда аниқланади.

Қопланаётган зарар суммасига суғурта ҳолатида зарарнинг олдини олиш ёки камайтириш учун мақсадга мувофиқ сарф-ҳаражатлар ҳам киритилиши мумкин, бироқ тўловларнинг умумий қиймати суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан ошмаслиги керак.

Суғурта тўловини тўлаган суғуртачига тўланган маблағ доирасида суғурта тўловини олган суғурталанувчига бошқа шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан эга бўлган талабларни талаб қилиш ҳуқуқи ўтади. Суғурталанувчи суғуртачига ўзидаги барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун керакли барча расмий ишларни бажариши керак. Агар қайд этилган шахслар етказилган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни уларнинг айби билан (ҳужжатларни тақдим этмаслик ва ҳоказолар) амалга оширишнинг иложи бўлмаса, суғуртачи суғурта тўловларини тўлашдан озод этилади. Агарда ушбу тўловлар тўланган бўлса, қайд этилган шахслар суғуртачига олинган маблағларни уни олган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган фоизлар билан қайтариши шарт.

Суғурталанувчи суғуртачига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган даъво муддати ичида қонун ёки суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш учун асос бўлган ҳолатлар аниқланганда, тўланган пулни қайтаришга мажбур.

Агарда суғурта ҳолати содир этилган пайтда суғуртачи томонидан суғурталанган объект бўйича суғурталашнинг бошқа шартларига амал қилинган бўлса, суғурта тўлови суғурта маблағларига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади ва ушбу маблағлар учун аудитор жавобгарлиги ҳар бир суғурта қилувчи томонидан суғурталанган, ҳар бир суғурта қилувчи эса ўз улушига тўғри келадиган зарарнинг бир қисмини тўлайди, холос.

Суғурталанувчи ёки учинчи шахснинг суғурта ҳолати содир этилишига қаратилган ғаразли ҳатти-ҳаракатлари, суғурталанувчи ёки учинчи шахс томонидан суғурта ҳолати билан бевосита сабабли алоқада бўлган жиноятнинг атайин содир этилиши, суғурталанувчининг суғуртачига атайлаб суғурта объекти бўйича сохта маълумотларни бериши, суғурталанувчи томонидан зарарни етказишда айбдор бўлган шахсдан унинг ундирилиши, суғурталанувчи томонидан суғуртачига тузилган суғурта шартномаси бўйича таваккалчилик даражасининг ошганлиги тўғрисида маълум қилинмаслиги ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар суғуртачининг суғурта тўловини тўлашдан бош тортишига асос ҳисобланади. Суғурта шартномаси шартларида суғурта тўловини тўлашдан бош тортиш учун қўшимча асослар ҳам кўзда тутилган.

Мавзу : Қайта суғурта

Қайта суғурталаш - суғурталашга рискни қабул қилиш Билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш). Суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш). Қайта суғурталаш операциялари билан бир қаторда асосан, ихтисослашган қайта суғурталаш компаниялари амалга оширади. Қайта суғурталаш актив (рискни бериш) ва пассив (рискни қабул қилиб олиш) кўринишида бўлади. Бундан ташқари қайта суғурталаш нисбий ва нонисбий шаклда бўлади.

Айрим ҳолатларда қайта суғурталаш операциялари қайта суғурталовчи брокер - иккита томон, яъни суғурта компанияси ва қайта суғурталовчи компанияси ўртасидаги воситачидир.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир томондан суғурта компаниялари ўртасида ўзаро тузилиши ёки иккинчи томондан, суғурта компанияси ва ихтисослашган қайта суғурта қилиш компанияси ўртасида тузилиши мумкин. Бу ерда шартнома ўзи нима деган савол тўғилиши мумкин. ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 354 - моддасида "икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади" – деб кўрсатилган. Дастлаб, суғурта компанияси ўзининг молиявий қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини бошқа суғурта компаниясида ёки ихтисослашган қайта суғурта қилиш компаниясида суғурталаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарорни ижросини таъминлаш мақсадида суғурталовчи ихтисослашган суғурта компаниясига мурожаат қилади. Агар қайта суғурталовчи компания рискни қайта суғурта қилишга розилик билдирса, улар ўртасида қайта суғурталаш шартномаси тузилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шартнома шартларида, унда иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, олинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан жавобгарлик, шартномани кучга кириши, амал қилиш ва бекор этилиши қоидалари мужассам бўлиши керак. Шунингдек, шартномада қайта суғурталаш мукофоти миқдори ва жавобгарлик ҳажми кўрсатилиши зарур. ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси буйича суғурталанувчи олдида ушбу шартнома буйича суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверади. Бироқ асосий суғурта шартномаси буйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома буйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси буйича суғурталовчига ўтади.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир қатор ўзига хос белгиларга эгаки, бу ушбу шартномаларни савдо ва бошқа турдаги шартномалардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам қайта суғурта қилиш соҳасини

назарий жиҳатдан қайси суғурта тармоғига киритиш ёхуд уни мустақил суғурта соҳаси сифатида қараш анча баҳс мунозарани талаб қилади.

Агар суғурта ҳодисаси руй берса, бу ҳақда суғурта компанияси қайта суғурталовчи компанияга дарҳол хабар қилиши керак. ўз навбатида, қайта суғурталовчи компания шартномада кўзда тутилган қопламани тўлаши шарт. Қайта суғурта қилиш компанияси шартнома буйича ўз мажбуриятларини тўла-тукис бажарса, у ҳолда шартнома ижро этилган ҳисобланади.

2. Цедент атамаси рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади. Бундан қайта суғурталашда цессия атамаси ҳам кенг қулланилади. Цессия – суғурта рискини қайта суғурталашга бериш жараёнидир.

Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради.

Қайта суғурталаш ишида унинг бир неча турларини учратиш мумкин. Жумладан, факультатив, облигатор ва факультатив-облигаторли қайта суғурталашдир. Факультатив қайта суғурталаш - нисбий қайта суғурталаш шартномасининг тури. Факультатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган риск буйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск буйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.

Облигаторли қайта суғурталаш халқаро амалиётда икки хил маънони билдиради:

1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валюта чиқиб кетишини олдини олади;

2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури буйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси. Факультатив-облигатор шартномаси - цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискини бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси.

Қайта суғурта қилиш операциялари нисбий ва нонисбий шаклда амалга оширилади. Нонисбий қайта суғурта қилишга нисбатан нисбий қайта суғурталаш анча илгари пайдо бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда нисбий қайта суғурталашни, баъзан, анъанавий қайта суғурталаш ҳам деб аташ қабул қилинган.

Нисбий қайта суғурта қилишнинг асосий моҳияти шундаки, қайта суғурталовчи компаниянинг рискни тақсимлашдаги улуши суғурта компанияси аниқлаган нисбат асосида олдиндан аниқланади. Ушбу нисбатга қараб, қайта суғурталаш мукофотининг ва суғурта компаниясининг тегишли улуши аниқланади. Нисбий қайта суғурта қилишнинг принципи "қайта суғурталовчи цедентнинг рискини бўлади" деган фикрдан иборат.

Суғурта иши амалиётида нисбий қайта суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

* Квотали қайта суғурта қилиш;
* Эксцедент қайта суғурта қилиш;
* Квотали-эксцедент қайта суғурта қилиш.

Нонисбий қайта суғурта қилишда қайта суғурталовчининг суғурта мукофоти ва қопламасидаги фоизлардаги иштироки принципи қулланилмайди. Нисбий қайта суғурта қилишда томонларнинг манфаати бир-бирига мос келади.

Қайта суғурта қилиш шартномасига хос бўлган белгилардан бири қайта суғурта қилиш буйича суғурта мукофотларини қайтариб олиш характерига эга эканлигидир. Қайта суғурта қилиш муносабатларининг узоқ йиллик ривожланиши жараёни давомида халқаро ва миллий даражаларда фойдаланиладиган қайта суғурта қилиш шартномаларининг бир неча хиллари шаклланган. Улар қуйидагилардир:

* факультатив қайта суғурта қилиш;
* облигаторли қайта суғурта қилиш;
* факультатив-облигаторли қайта суғурта қилиш;

Юқорида қайд қилинган қайта суғурта қилиш шартномаларидан энг оммавийси ва узоқ йиллардан бери қўлланиб келинаётгани - бу факультатив қайта суғурта қилиш шартномаларидир. Мазкур шартноманинг ижобий томони шундаки, бунда рискни қайта суғуртага берувчи – суғурта компанияси ҳам ва қайта суғурталовчи компания ҳам қанча миқдордаги рискни ўзига олиб қолиш ёки қабул қилиб олиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар. Аксинча, облигаторли қайта суғурта қилиш шартномалари буйича суғурта компанияси қабул қилиб олинган ҳар бир рискнинг тегишли қисмини қайта суғурта компаниясига бериши шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

Хорижий манбалар

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент – 2013

Statement of Guidance

Asset Management & Investment Strategy For Insurance Companies

1. Statement of Objectives

To ensure that assets are managed in a sound and prudent manner that is consistent with the risk profile of the company and its liquidity needs. Insurance companies must hold sufficient assets to support their liabilities. All insurance companies are required to have an investment strategy, the complexity of which is dependant upon the nature of the business underwritten. Indeed some insurance companies may outsource this function and thus parts of the requirements below may be inapplicable.

2. Asset and Liability Management

Licensees must maintain the minimum net worth as prescribed by the Law, or the minimum regulatory net worth set by the Authority which ever is the greater. A licensee must hold sufficient assets of appropriate nature, term and liquidity to ensure that they are able to meet their liabilities as they fall due. Licensees should conduct a detailed analysis of the management of the asset/liability relationship in the development and the review of their investment policies and procedures.

3. Segregation of assets

Licensees who carry out both long-term and general business must keep separate accounts in respect of its long-term business. In accordance with the regulatory law all premiums paid into separate accounts shall be kept segregated from one another and independent of all other funds of the insurer, and are not chargeable with any liability arising from any other business of the insurer.

4. The Investment Process

4.1. The actual composition of an asset portfolio should be the product of a well-structured investment process with appropriate steps for implementation. The investment process should include the following:

4.1.1 A statement of the strategic investment policy;

4.1.2 Systems that allow the identification, measurement and assessment of investment risks and the aggregation of these risks at different levels, for example

for any separate portfolios held, for the insurance company and where appropriate for the group as a whole.
4.1.3 Adequate procedures for the measurement and assessment of investment performance;
4.1.4 Adequate and timely internal communication of information on investment activities;
4.1.5 Procedures to identify and control the dependence on and vulnerability of the insurer to key personnel and systems; and
4.1.6 Procedures should be clearly specified for any changes to the implementation of the investment strategy.
4.2. In addition, licensees should include the following in its investment process unless it is considered non-applicable given the size and complexity of the entity:
4.2.1 Key control structures, such as the segregation of duties, approvals, verifications and reconciliations. Remuneration policies should be designed to avoid potential incentives for unauthorised risk taking;
4.2.2 Internal procedures to review the appropriateness of the investment policies and procedures;
4.2.3 Rigorous and effective audit procedures and monitoring activities to identify and report weaknesses in investment controls and compliance;
5. The Investment Strategy The investment strategy should contain the following features:

5.1. The asset allocation in terms of the asset mix over the investment categories selected. In general, no more than 20% of the actuarially determined reserves should be invested in equities without the prior approval of the Authority. In addition, property and casualty insurers should cover their technical reserves with short-term liquid assets;
5.2. Any limits on asset allocation by geographical area, markets, sectors, counter-parties and currency;
5.3. The overall approach to the selection of individual securities and other investment titles. The asset portfolio mix should pay due consideration to the risk profile of the insurer and its liquidity needs.
5.4. Details, where applicable, of any restrictions on assets;
5.5. Details on the company's approach to the use of derivatives and/or structured products, including evidence of adequate internal controls and monitoring of derivative positions and any restrictions in the use of derivatives and/or structured products. The use of derivative contracts must be specifically approved by the Authority; and
5.6. In the case of active management, a definition of the scope for investment flexibility, usually through the setting of quantitative asset exposure limits.
6. Operational issues Operational policies for the implementation of the investment strategy should include: 6.1. Identification of who is authorised to undertake asset transactions;

6.2. Any restrictions on portfolio managers, for example, risk limits within the overall investment policy;

6.3. The selection and use of brokers;
6.4. Details of custodial arrangements;
6.5. The methodology and frequency of the performance measurement and analysis; 6.6. The agreed form and frequency of transaction reporting; and
6.7. In the case of outsourcing, a contract setting out the policies, procedures and quantitative limits of the investment.
7. Monitoring and Control Specific aspects of this are the risk management function, internal controls, investment activity reports and audit function.

7.1. Risk Management

The risk management function should assess the adherence to the approved investment policy and also assess the appropriateness of the investment policy to changes in market conditions and other risk factors. This should include a review of the asset/liability and liquidity position. The reporting of the risk management function should be with sufficient frequency to provide adequate information to judge the changing nature of the insurer's asset profile, the risks that stem from it and the implications for the company's solvency.

7.2. Internal Controls
Adequate systems of internal control are required to ensure investment activities are properly supervised. Procedures should ensure:

7.2.1 Reconciliation between front office and back office, and accounting systems;
7.2.2 Observation of any restrictions on transactions;
7.2.3 Agreement of all parties to a transaction;
7.2.4 Prompt completion of formal documentation;
7.2.5 Reconciliation of positions reported by brokers;
7.2.6 Proper settlement and reporting of positions, and the identification of late payments or late receipts;
7.2.7 Conformance of asset transactions with prevailing market terms and conditions;
7.2.8 Independent checking of rates and/or prices; and that
7.2.9 Authority and dealing limits are not exceeded and all breaches can be immediately identified.
7.3. Investment Activity Reports Regular and timely reports should be produced which describe the company's exposure. Reports should include:
7.3.1 Details of, and commentary on, investment activity in the period and the relevant period end position;
7.3.2 Details of position by asset type;
7.3.3 An analysis of credit exposures by counterparty;
7.3.4. Details of the relative position of assets and liabilities.

Insurance Company Investment Activities and Their Optimal Diversification

Insurance is an important, dynamically developing area of each modern economy representing a stabilization factor of its evolution. Its basic function is coverage against negative impacts of random events. The base of insurance is the

risk transfer from the insured to the insurer, and this transfer, via which the insurer takes upon himself various risks of the insureds, is the ground and purpose of insurance. The presented article points out that, alongside the insurance activities, the importance of the insurance company‘s investment activities is growing. The insurance companies accumulate substantial funds in the form of insurance reserves, which are then invested on the financial markets, thus making insurers some of the most important institutional investors. This me-ans that insurers must be oriented towards the highest returns on insurance reserves. This article‘s aim is to briefly delimit the basis of insurance reserves, define an insurance company‘s investment activities and, based on this analysis, delimit the investment portfolio risk and it‘s management. The article is structured to fit this goal. In the first part, the insurance reserves are defined as a reserve system which serves as an equilibrator of the time disaccord between premium receipts and benefit pay-outs and between loss development random deviations. Insurance reserves are an indispensable requirement of insurance relations and they represent the most important part in an insurance company‘s financial means. In the next part, the insurance companies‘ investment activities are delimited. The insurer‘s business activity lies in the particularity that the insurance company first accumulates the funds and only subsequently bears the costs accompanying the claim settlement. The time period in which the insurer has these substantial funds in the form of insurance reserves at his disposal is being used for investments into various areas of the econo-my. Since the insurance reserves represent foreign capital, the insurance companies must, whilst pursuing their appreciation, also keep in mind their security, which is indicated by the investment portfolio risk. The investment portfolio risk is linked to correct investment and insurance investment portfolio management issues.

Keywords: insurance reserves, insurance company investment activities, investment portfolio, risk, risk management

1. allinsurance.ru/
2. www.insuranceisrael.com/rus/katalog.html
3. symixins.narod.ru/
4. ins.org.ru/catalog/
5. www.insur-info.ru/press/ratings
6. insuranc.ru/
7. www.sluchay.ru/
8. insurance4you.ru/
9. www.insur-responses.ru/
10. www.prostrahovanie.ru/
11. www.ask.com/Страхование+Сайт
12. www.prostrahovanie.ru
13. strahovka73.ru/
14. www.renins.com/
15. podborstrahovki.ru/
16. avtostrahovka-osago-autoinsurance-kasko.ru/strahovanie-avtomobile...
17. strachovshik.ru/

18. www.ins-union.ru/
19. www.fssn.ru/
20. neva-strahovanie.ru/
21. StrahovkaSite.ru - САЙТ О СТРАХОВАНИИ
22. strahovkasite.ru/
23. www.alfastrah.ru/
24. www.strahovatel.com.ua/guide/links/
25. horskazan.ru/publ/stati_sajta/pensionnoe...ob.../11-1-0-51
26. www.artrussian.com/srtaxovanietop.top
27. ins.org.ru/catalog/45/
28. www.znay.ru/
29. www.biu.by/
30. www.reso.ru/
31. rosgostrah.ru/straxovye-kompanii/
32. com-seo.ru/avtostrahovanie-kasko-autoinsurance-osago-topcompany...
33. navigator.economicus.ru/cgi-ise/resources.cgi?subj...sort...
34. www.makc.ru/
35. www.gutains.ru/
36. www.vsego.ru/catalog.phtml?kat=101
37. siteinsurance.ru/
38. www.uralsibins.ru/
39. www.asv.org.ru/
40. www.uralweb.ru/catalog/insurance.html
41. www.vaclavak.ru/strahovanie-v-chehii.html
42. straxovoi-agent.ru/
43. mobikit.ru/portfolio/431/
44. www.open-ins.ru/
45. www.soglasie.ru/
46. www.sib-insur.ru/
47. www.vsk.ru/
48. strahovanie.ucoz.ru/news/2
49. www.rosno.ru/
50. www.osagovrn.ru/
51. russia-strax.ru/
52. dms-exchange.ru/
53. www.garantins.ru/
54. www.trade-credit-insurance.ru/
55. www.sinofon.ru/?p=1
56. kupipolis.ru/
57. www.d2insur.ru/
58. www.russian-top.ru/straxovanie.html
59. www.ir-magazine.ru/.../t206096-dizain-dlya-joomla-sait-o-strakhova...
60. insurance.milana.pp.ru/
61. www.ins-forum.ru/links.php

Аннотация

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг суғурта сохасида туб ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий ислохотлар туфайли тармокда ракобат асосида фаолият курсатадиган турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари вужудга келди. Бугунги кунда суғурта бозор инфратузилмасининг мухим бугини сифатида иктисодиётни ривожланиши учун хизмат килмокда.

Ўзбекистоннинг суғурта бозорини бошкаришда миллий манфаатларига мос келадиган катор вазифаларни муваффакиятли амалга оширишда иктисодий фаолиятнинг узаро уйгун дастаклари мажмуи-бозор институтларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга устуворлик бериш мухим омиллардан бири хисобланади.

Республикамизда тулаконли суғурта бозорини барпо этиш ва уни баркарор ривожланишини таъминлаш учун етарли даражада иктисодий ва хукукий асослар яратилди.

“Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби ўз олдимизга қўйган бошқа муҳим мақсадлар барчамизга яхши маълум”[12]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2012 йилни юртимизда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинганини асослади. Бу эса албатта оилаларни ижтимоий химоялашга эътибор қататиш зарурлигини ифодалайди. Ижтимоий химояни таъминлашда суғуртанинг айниқса шахсий суғуртанинг ўрни беқиёсдир. Шундан келиб чиқиб, суғурта муносабатларини ривожлантириш асосида суғурта бозорининг кўламини кенгайтириш айни пайтда долзарбдир. Янги суғурта ташкилотларининг пайдо бўлиши, суғурта ташкилотларининг узоқ қишлоқ жойларида ўз филиал ва бўлинмаларини очилиши, бунинг исботидир. Суғурта бозорига хизматлар таклиф этувчи суғурта компаниялари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, бу борадаги чора-тадбирлар тобора чуқур кўриниш олмокда.

Молия-кредит тизими ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган суғурта миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ва барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

“Суғурта иши” фани талабаларга мазкур соҳанинг назарий ва амалий асосларини пухта эгаллаб олиш имкониятини беради. Ушбу фанда суғуртанинг иқтисодий моҳияти, суғурта соҳасида қўлланиладиган атама ва тушунчалар каби долзарб масалалар ўз аксини топган. “Суғурта иши” фанининг асосий мақсади Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш шароитида суғурта маркетингини ташкил этишнинг назарий ва амалий асосларини ўрганишдан иборат.

[12]Каримов И.А. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2012

“Суғурта иши” фанининг ўқув дастурида курс иши белгиланмаган ва у талабалар томонидан бажарилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

ФОЙДАЛИ МАСЛАХАТЛАР

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент – 2013

Реферат бажариш юзасидан фойдали маслахатлар

Реферат муваффақиятли бажариш учун талабалар фан тўғрисида яхши тасаввурга эга бўлишлари зарур. Бунда асосан рефератнинг ғоявий, назарий даражасига, шунингдек, унинг ёзилиши ва расмийлаштириш тартибига эътибор беришлари керак.

Талабалар ўзи танлаган мавзуси моҳияти ва мазмунини ёритишда, мустақил холда, Президентимиз И.А.Каримов асарларидан фойдаланиши муҳим ҳисобланади. Рефератни бажариш жараёнида иқтисодчи олимларнинг асарларидан кенг фойдаланиши, уларнинг асосий ғояларига алоҳида эътибор бериши керак. Бу ерда талаба таҳлил қилаётган назарий фикрларни аниқ мисол ва маълумотлар билан асосласа мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Талабалар мавзуни танлагандан сўнг, унга тегишли манбаларни қараб чиқиш, дарслик ва ўқув қўлланма характеридаги адабиётлардан фойдаланиши ишнинг сифатини оширади. Талабалар буни ўқув йили давомида амалга ошириши керак. Лекин уларнинг кўпчилиги якуний назоратга ажратилган қисқа муддат давомида рефератни бажаришга ҳаракат қиладилар, бу эса кутилган натижани бермайди, бажарилган ёзма иш эса сифатсиз бўлади. Рефератни ёзиш борасида тавсия этилган йўриқларга риоя қилиш мавзу мазмунини тўғри таърифлаб бериш, унинг моҳиятидан четга чиқмаслик имкониятини беради.

Рефератни ёзиш жараёнида талабалар тавсия этилган адабиёт ва материалларни тўғридан-тўғри кўчириб олиши мумкин эмас. Балки улардан илмий ва ижобий ёндашув асосида фойдаланиш зарур. Рефератни мустақил бажариш энг муҳим талаблардан бири бўлишига қарамай, баъзи талабалар эски маълумот ва материаллардан фойдаланса, бошқа бирлари эса, мавзу устида ҳалол, ижодий иш олиб бориш ўрнига, ижобий бахо олган ёзма ишлардан нусха кўчирадилар. Рефератни шу таҳлитда бажариш ҳеч қандай наф келтирмайди, талабаларнинг билим даражасини оширмайди, натижада бундай иш қониқарсиз баҳоланади.

Талабалар реферат мавзусида кўрсатилган адабиётлар рўйхати билан чекланмасада рус ва бошқа хорижий тиллардаги адабиёт ва материалларни мустақил равишда кенг фойдаланиши зарур.

Мавзуни танлаш, ишлаб чиқариш амалиёти режасини тузиш, адабиётлар тўплаш ва улардан фойдаланиш

“Суғурта иши” фанидан реферат мавзусини танлаб олиш ва суғурта амалиёти режасини тузиш талабаларнинг мустақил равишда бажарадиган илмий ишининг дастлабки муҳим қисмидир. Ишнинг даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мавзуни тўғри танлашга боғликдир. Бинобарин бу ишга жиддий, маъсулиятни сезган ҳолда ёндошиш зарур.

Талабалар мавзуни танлаганда қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўйиши керак. Таҳлил қилинаётган мавзусини катта қизиқиш билан ўрганиши, ўзининг билим даражасини кенгайтириши ва уни келажакда мамлакатимиз суғурта бозори ривожланишини таъминланиши учун амалиётга татбиқ қила олиш имконига эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Айниқса, талабалар мавзусини ўз мутахассислиги йўналишига қараб танланса-бу ишнинг муваффақиятли бажарилиши ва ижобий баҳоланишида алохида аҳамиятга эга бўлади.

Рефератда режа саволлари мантиқан бир-бирларига боғланган бўлиши, яъни ҳар бир кейинги савол олдинги саволнинг мантиқий давоми бўлиб, бир бутунни ташкил этиши керак. Шунда режадаги саволларга ёзилган жавоб мавзунинг моҳиятини очиб бера олади.

Рефератнинг охирига таҳлил қилган мавзуга дахлдор бўлган муаммоларни келажакда ҳал этиш йўл-йўриқларига ва уни ривожлантириш имкониятларига эътибор бериш керак. Ҳар бир реферат ана шундай талабларга жавоб бериши зарур.

Иш режаси тузилгандан сўнг уни бажариш муддатини аниқ белгилаш керак. Адабиёт танлаш, уни ўрганиш, қайта ишлаш ва ёзма иш матнининг хомаки ҳамда охирги вариантларни тайёрлаш учун сарф қилинадиган вақт миқдори ва бажарилиш муддатини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Белгиланган муддатга қараб ишни бажариш шошма-шошарликга йўл қўймайди, балки талабанинг пишиқ-пухта иш олиб боришни таъминлайди ва унга ёзма ишни ўз вақтида ниҳоясига етказиб топширишга имкон беради.

Рефератни бажариш вақтида мазкур мажмуада кўрсатилган мавзуга оид адабиётлар билан чекланмасдан, айрим масалаларни батафсил баён қилиш имконини берадиган қўшимча адабиётлардан ҳам фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Талабалар реферат учун қўшимча маълумотларни турли суғурта компанияларидан олиши мумкин.

Шундай қилиб, рефератнинг ҳам ижобий ҳам салбий томонларини таҳил қилиш, талабаларга танланган муаммо бўйича чуқур, назарий ва амалий бўлимларга эга бўлишга кўмаклашади ва уларни келажакда етук суғурта сохасидаги мутахассислар бўлиб етишишига ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

“СУҒУРТА ИШИ” ФАНИДАН

МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР

Кафедранинг 2013 йил “___” _____
___ - сон йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган
Каф. муд._____доц.Очилов И.К

Тайёрлади: Очилов И.К.,
Кенжаев И.Ғ

Тақризчи: доц. Камолов О.

Тошкент-2013

Ўзбекистон Республикасининг
Қ О Н У Н И

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Суғурта ва суғурта фаолияти

Суғурта деганда юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

4-модда. Суғурта соҳалари ва турлари (класслари)

Суғурта қуйидаги соҳаларга бўлинади:

ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта пулларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини(аннуитетларни) қамраб олади;

умумий суғурта (шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш, ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари).

Суғурта таваккалчиликлари ёки улар гуруҳларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ суғурта соҳалари суғурта турларига (классларига) бўлинади. Суғурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5-модда. Суғурта фаолияти субъектлари

Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади.

Суғурталовчилар, суғурта воситачилари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланадилар.

Суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти суғурта воситачилари ҳисобланадилар.

6-модда. Суғурталовчи

Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс суғурталовчи деб хисобланади.

Суғурталовчи суғурта ҳодисалари юзага келишини бартараф этиш ва олдини олишга оид чора-тадбирларни махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва шартларда молиялаштириш хақли.

Суғурталовчилар суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Қуйидагилар бундан мустаснодир:

махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартиб ва шартлардаги инвестиция фаолияти;

суғурта соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолият;

суғурта агенти сифатидаги суғурта воситачилиги.

7-модда. Суғурта брокери

Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади.

Суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суғурта брокернинг фаолияти бундан мустаснодир.

8-модда. Қайта суғурта брокери

Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади.

9-модда. Суғурта агенти

Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла олмайдилар.

Суғурталовчилар ўзлари ваколат берган суғурта агентларининг реестрларини юритишлари лозим.

10-модда. Махсус ваколатли давлат органи

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органи:

ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар жаминнинг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини акс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади;

суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди;

суғурталовчилар томонидан ҳисоб-китобни юритиш, суғурта захираларининг маблағларини шакллантириш ва жойлаштиришга оид ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди;

суғурталовчининг ижрочи этувчи органи раҳбарларига ва бош бухгалтерига қўйиладиган ижро этилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилайди;

суғурталовчилар томонидан молиявий ҳисоботларни шакли, тартиби ва муддатларини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек уларнинг амал қилишини тугатади;

ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устав фондида ва бошқарув органларида иштирок этишга, шунингдек суғурта воситачиси сифатида иш юритишга ҳақли эмаслар.

11-модда. Суғурталовчиларни тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

Суғурталовчилар қонунларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади.

Суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

12-модда. Суғурталовчиларнинг устав фонди

Суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шакллантирилади.

Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчининг устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар суғурталовчининг муассислари томонидан тўланган бўлиши керак.

13-модда. Суғурталовчиларнинг фирма номига қўйиладиган талаблар

Суғурталовчиларнинг фирма номида илгари ташкил этилган суғурталовчиларнинг номи билан бир хил ёки улар билан чалкаштириб юбориладиган даражада ўхшаш белгилар қўлланилишига йўл қўйилмайди, суғурталовчиларнинг филиаллари, шунингдек унитар корхона шаклида бошқа суғурталовчилар томонидан ташкил этилган суғурталовчиларнинг номлари бундан мустаснодир.

14-модда. Суғурталовчининг фирма номини, ташкилий-ҳуқуқий шаклини ёки жойлашган манзилини ўзгартириш

Суғурталовчининг фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган манзили ўзгарган тақдирда суғурталовчи бу ҳақда суғурта қилдирувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали, ўз ижросидаги бир йилдан ортиқ муддатли суғурта шартномалари бўйича эса – ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

15-модда. Суғурта фаолиятини лицензиялаш

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган

тартибда махсус ваколатли давлат органи берадиган лицензиялар асосида амалга оширилади.

Лицензия суғурталовчига ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёхуд умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, умумий суғурта соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим турлари (класслари) бундан мустаснодир. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Лицензияда суғурталовчи амалга оширишни назарда тутаётган суғурта турлари (класслари) кўрсатилади.

16-модда. Суғурталовчининг лицензияси амал қилиши тўхтатиб турилишининг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчининг лицензияси амал қилишининг тўхтатиб турилиши унинг янги суғурта шартномалари тузиши тақиқланишига, шу жумладан амалдаги суғурта шартномалари узайтирилишининг тақиқланишига сабаб бўлади. Бунда суғурталовчи илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини белгиланган тартибда бажаришга мажбурдир.

17-модда. Суғурталовчининг лицензияси амал қилиши тугатилишининг ўзига хос хусусиятлари

Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш кун ичида махсус ваколатли давлат органи суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги ариза билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат этиши шарт.

Суғурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органларининг ваколатлари тўхтатиб турилади ва махсус ваколатли давлат органи томонидан тайинлаган суғурталовчининг муваққат маъмуриятига ўтади. Муваққат маъмурият суд қарор чиқаргунга қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширади.

Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи махсус ваколатли давлат органига ҳамда суғурталовчини тугатиш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг аризаси йўлланган судга тақдим этилади.

Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўз фаолияти даврида харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас, суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), суғурталовчига тушаётган пулларни ҳисобга ёзиш ва илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустаснодир.

Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ишлаш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари суғурталовчининг аризасига биноан лицензия бекор қилинган ҳолларга, шунингдек унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёхуд таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталовчининг бошқарув органи қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилишига тааллуқли эмас.

18-модда. Суғурталовчиларни қайта ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчиларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш махсус ваколатли давлат органининг рухсатномаси билан амалга оширилиши мумкин.

Суғурталовчи қайта ташкил этишга рухсатнома олиш учун махсус ваколатли давлат органига тегишли ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталовчи бошқарув органининг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

тузилаётган суғурталовчининг баланси ва фаолиятининг тахминий молиявий натижалари;

қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шартномасининг лойиҳаси (қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётганда).

Суғурталовчиларни қайта ташкил этишни ўтказиш учун берилган ариза зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида махсус ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилиши керак.

Махсус ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор тўғрисида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Махсус ваколатли давлат органи қуйидаги ҳолларда суғурталовчиларни қайта ташкил этишга розилик беришни рад қилишга ҳақли, агар:

суғурталовчини қайта ташкил этиш натижасида янгитдан ташкил қилинадиган суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигига доир талаблар бузилиши мумкин бўлса;

суғурталовчиларнинг қайта ташкил этилиши суғурта бозорида рақобатнинг чекланишига ёки бартарая этилишига олиб келиши мумкин бўлса;

суғурталовчиларни қайта ташкил этишга рухсатнома берилиши сўраб тақдим қилинган ҳужжатларда ишончсиз маълумотлар бўлса ёхуд бу ҳужжатлар қонун ҳужжатларига номувофиқ бўлса;

суғурталовчиларни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларига зид бўлса.

Қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилганда суғурталовчи (суғурталовчилар) лицензиясининг амал қилиши тугатилади. Қайта ташкил этиш натижасида янгитдан тузилган суғурталовчиларга лицензияларни бериш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва

ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилаётган даври учун ҳамда янгитдан тузилган суғурталовчилар лицензия олгунга қадар бўлган даврда улар янги суғурта шартномаларини тузишга, амалдаги суғурта шартномаларини узайтиришга ҳақли эмаслар, илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммаларига олинган, ҳуқуқий ворислик тартибида шзларига ўтган мажбуриятларни бажариш ҳоллари бундан мустаснодир.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётганда ўзига бошқа суғурталовчи қўшилаётган суғурталовчи, агар қўшиб олиш натижасида лицензиянинг шартлари ўзгармаса, амалдаги лицензияни сақлаб қолади.

19-модда. Суғурталовчиларни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчи ўзининг муассислари (иштирокчилари) ёки суғурталовчининг таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқарув органи қарорига биноан тугатилаётганда махсус ваколатли давлат органининг рухсатномаси талаб қилинади.

Муассислар (иштирокчилар) ёхуд суғурталовчининг таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқарув органи томонидан тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин суғурталовчи махсус ваколатли давлат органига тугатишга рухсатнома олиш учун ариза билан ёзма равишда мурожаат этган ҳолда қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги қарор;

мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотлар;

суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санагача бўлган, аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган баланс ҳисоботи;

суғурталовчини тугатиш муддатлари ва шартлари кўрсатилган ҳолдаги тугатиш режаси.

Суғурталовчини тугатишга рухсатнома олиш учун берилган ариза зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кун ичида махсус ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилиши керак.

Махсус ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор тўғрисида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Махсус ваколатли давлат органи суғурталовчини тугатиш учун рухсатнома бериш билан бир вақтда суғурталовчининг тақдим этилган тугатиш режасига ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Махсус ваколатли давлат органи қуйидаги ҳолларда суғурталовчини тугатишга рухсатнома беришни рад этишга ҳақли, агар:

тугатиш натижасида суғурта қилдирувчиларнинг ҳамда суғурталовчи кредиторларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилса;

суғурталовчини тугатишга рухсатнома берилиши учун тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз маълумотлар бўлса ёки бу ҳужжатлар қонун ҳужжатларига номувофиқ бўлса.

20-модда. Тугатилаётган суғурталовчи кредиторларининг талабларини қаноатлантириш навбати

Тугатилаётган суғурталовчи кредиторларининг талаблари тугатишни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек тугатиладиган суғурталовчининг асосий вазифаларини таъминлаш заруратидан келиб чиқадиган харажатлар тўланганидан сўнг қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

биринчи навбатда – ҳаётни суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта қилдирувчиларнинг талаблари;

иккинчи навбатда – суғурта қилдирувчиларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

учинчи навбатда – бошқа суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

тўртинчи навбатда – бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Кўрсатилган талаблар тўлиқ қаноатлантирилгандан кейин ижтимоий суғурта бўйича талаблар ҳамда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблари қаноатлантирилади;

бешинчи навбатда - суғурталовчининг бошқа кредиторлари талаблари.

21-модда. Суғурталовчининг суғурта заҳиралари

Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи активлари олиб қўйилиши мумкин эмас.

22-модда. Суғурталовчилар тўлов қобилиятининг кафолатлари

Суғурталовчилар айрим таваккалчиликлар бўйича йўл қўйиладиган энг кўп миқдордан ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдоридан ортиқ мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари мумкин эмас, уларнинг бу мажбуриятларни бажариш қобилияти тўловга қобилиятлилик нормативларига ва молиявий барқарорликнинг бошқа талабларига мувофиқ қайта суғурта қилинган ҳоллар бундан мустаснодир. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмиш суғурталовчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилишга ҳақлидирлар.

23-модда. Суғурталовчилар бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчилар, суғурта брокерлари ва қайта суғурта брокерлари махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритадилар.

24-модда. Монополистик фаолиятга йўл қўйилмаслиги

Суғурта бозорида рақобатни чеклаш ёки бартараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига қараганда асоссиз афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта қилдирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига ўз уюшмалари (иттифоқлари) ва бошқа бирлашмаларидан суғурта бозорини монополлаштиришга қаратилган битимларга эришиш йўлида фойдаланиш тақиқланади.

25-модда. Ахборот олиш ҳуқуқи

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, шунингдек тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар суғурталовчиларнинг сўровига кўра суғурта ҳодисаларининг юз бериши сабаблари ва ҳолатлари тўғрисидаги ҳамда суғурта товони миқдорлари суғурталовчи томонидан аниқланиши мақсадида етказилган зарар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни тақдим этишлари шарт.

Махсус ваколатли давлат органи суғурталовчилар ёки суғурта брокерларидан қабул қилинган пул маблағлари ва мажбуриятларининг миқдорлари ҳақидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни ўз ваколати доирасида талаб қилиб олишга ҳақли. Бундай ахборотни талаб қилиб олиш ёзма равишда, сўров сабаблари кўрсатилган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

Махсус ваколатли давлат органи ўзи олган ахборотнинг сир тутилишига риоя этиши шарт, ахборотнинг ошкор қилиниши қонунда рухсат этилган ҳоллар бундан мустасно.

26-модда. Суғурта сири

Суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, суғурта қилдирувчиларнинг ва суғурталанган шахсларнинг соғлиғи, суғурталанган мол-мулк, суғурта пули, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар ошкор қилиниши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар суғурта қилдирувчи, шунингдек суғурталанган шахслар ва наф олувчилар ўзларига

тааллуқли маълумотларга доир ёзма розилик берганда учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги маълумотномалар суғурта қилдирувчиларнинг розилигини олмаган ҳолда суғурталовчилар томонидан судга, прокурорга, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда эса суриштирув ва тергов органларига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Тузилган суғурта шартномалари ва амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномалар суғурта қилдирувчи – жисмоний шахс вафот этган тақдирда қуйидагиларга берилади:

Суғурта қилдирувчи ўз васиятномасида кўрсатган шахсга;

суд ва нотариусга – уларнинг иш юритувида бўлган меросга оид ишлар бўйича суднинг қарори бўйича ёки нотариуснинг ўз муҳри билан тасдиқланган ёзма сўрови асосида. Нотариуснинг ёзма сўровига суғурта қилдирувчи вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси илова қилинган бўлиши керак;

консулга – унинг иш юритувида бўлган меросга оид ишлар юзасидан.

27-модда. Чет эл суғурта ташкилотларининг фаолияти

Чет эл суғурта ташкилотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахслар - суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишлари мумкин.

Чет эл суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суғурта қилишни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машиналар ҳамда механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Бунда ана шундай суғурта шартномаларини тузиш суғурталовчилар ва суғурта воситачилари – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари орқали амалга оширилади.

28-модда. Низоларни ҳал этиш

Суғурта фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29-модда. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И.Каримов**

Т.Д/Qonun/8-ses/SUQUR -FA

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

52-БОБ. СУҒУРТА

914 - модда. Ихтиёрий ва мажбурий сугурта
915 - модда. Мулкий сугурта шартномаси
916 - модда. Сугурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар
917 - модда. Мол-мулкни сугурта қилиш
918 - модда. Зарар етказганлик учун жавобгарликни сугурта қилиш
919 - модда. Шартнома бўйича жавобгарликни сугурта қилиш
920 - модда. Тадбиркорлик хавфини сугурта қилиш
921 - модда. Шахсий сугурта шартномаси
922 - модда. Мажбурий сугурта
923 - модда. Мажбурий сугуртани амалга ошириш
924 - модда. Мажбурий сугурта тўгрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари
925 - модда. Сугурталовчи
926 - модда. Сугурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг сугурта қилдирувчи ва наф олувчи томонидан бажарилиши
927 - модда. Сугурта шартномасининг шакли
928 - модда. Бош полис бўйича сугурталаш
929 - модда. Сугурта шартномасининг мухим шартлари
930 - модда. Сугурта шартномаси шартларини сугурта қоидаларида белгилаб қўйиш
931 - модда. Сугурта шартномаси тузилаётганда сугурта қидирувчи тақдим этадиган маълумотлар
932 - модда. Сугурталовчининг сугурта хавфини бахолаш хуқуқи
933 - модда. Сугурта сири
934 - модда. Сугурта пули
935 - модда. Мол-мулкнинг сугурта қиймати
936 - модда. Тўлиқ бўлмаган мулкий сугурта
937 - модда. Қўшимча мулкий сугурта
938 - модда. Сугурта қийматидан ортиқ миқдорда сугурта қилиш оқибатлари
939 - модда. Қўшалоқ сугурта
940 - модда. Турли хилдаги сугурта хавфларидан мулкий сугурта
941 - модда. Биргаликда сугурта қилиш
942 - модда. Сугурта мукофоти ва сугурта бадаллари
943 - модда. Сугурта шартномасининг хақиқий эмаслиги
944 - модда. Сугурталанган шахсни алмаштириш
945 - модда. Наф олувчини алмаштириш
946 - модда. Сугурта қилдирувчини алмаштириш
947 - модда. Сугурта шартномаси амал қилишининг бошланиши

948 - модда. Сугурта шартномасининг муддатидан илгари бекор бўлиши

949 - модда. Сугурта шартномасининг амал қилиш даврида сугурта хавфининг ортиши оқибатлари

950 - модда. Сугурталанган мол-мулкка бўлган хуқуқларнинг бошқа шахсга ўтиши

951 - модда. Сугурта ходисаси юз бергани тўғрисида сугурталовчини хабардор қилиш

952 - модда. Сугурта ходисасидан кўриладиган зарарни камайтириш

953 - модда. Сугурта қилдирувчи, наф олувчи ёки сугурталанган шахснинг айби билан сугурта ходисаси юз беришининг оқибатлари

954 - модда. Сугурталовчини сугурта товонини ва сугурта пулини тўлашдан озод қилиш асослари

955 - модда. Сугурта товони ёки сугурта пулини тўлашни рад этиш

956 - модда. Шахсий сугурта шартномаси бўйича сугурта пулини тўлаш

957 - модда. Сугурта қилдирувчининг зарар қопланишига бўлган хуқуқларининг сугурталовчига ўтиши (суброгация)

958 - модда. Сугурталанган мол-мулкка бўлган хуқуқларнинг сугурталовчига ўтказилиши

959 - модда. Қайта сугурта қилиш

960 - модда. Икки томонлама сугурта

961 - модда. Мажбурий давлат сугуртаси

914-модда. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта

Суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкини ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

915-модда. Мулкий суғурта шартномаси

Мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган

бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;

фуқаролик жавобгарлиги хавфи - бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

тадбиркорлик хавфи - тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

916-модда. Суғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар

Ғайриқонуний манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди. Қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди. Гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни суғурталашга йўл қўйилмайди. Суғурта шартномаларининг ушбу модда биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларига зид бўлган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

917-модда. Мол-мулкни суғурта қилиш

Мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, ижарачи, пудратчи, сақловчи, воситачи ва бошқа шу кабилар фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Суғурталанган мол-мулкнинг асралишидан суғурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси ҳақиқий эмас.

Наф олувчи фойдасига мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси наф олувчининг исми ёки номи кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда суғурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган полис берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни суғурталовчига тақдим этиш зарур.

918-модда. Зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурта қилиш

Бошқа шахсларнинг ҳаёти,соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахснинг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфи суғурталанган шахс суғурта шартномасида кўрсатилиши лозим. Агар бу шахс шартномада кўрсатилмаган бўлса, суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталанган ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси, ҳатто шартнома зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлган суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд шартномада у кимнинг фойдасига тузилгани кўрсатилмаган тақдирда ҳам, зарар етказилиши мумкин бўлган шахслар (наф олувчилар) фойдасига тузилган деб ҳисобланади.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик уни суғурта қилиш мажбурий бўлгани сабабли суғурталанган тақдирда, шунингдек қонунда ёки бундай жавобгарликни суғурта қилиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда суғурта шартномаси ўз фойдасига тузилган деб ҳисобланувчи шахс зарарни суғурта пули доирасида тўлаш тўғрисида бевосита суғурталовчига талаб қўйишга ҳақли.

919-модда. Шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилишга қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўзининг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин. Ушбу талабга мувофиқ бўлмаган суғурта шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик хавфи, бу шартнома шартларига кўра суғурта қилдирувчи қайси тараф олдида тегишли жавобгарликни зиммасига олиши лозим бўлса, ўша тараф - наф олувчи фойдасига, ҳатто суғурта шартномаси бошқа шахс фойдасига тузилган ёхуд унда кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган тақдирда ҳам, суғурталанган ҳисобланади.

920-модда. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш

Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича фақат суғурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи ва фақат унинг фойдасига суғурталаниши мумкин.

Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Суғурта қилдирувчи бўлмаган шахснинг фойдасига тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш шартномаси суғурта қилдирувчи фойдасига тузилган ҳисобланади.

921-модда. Шахсий суғурта шартномаси

Шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки

соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади.

Суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

922-модда. Мажбурий суғурта

Қонунда қуйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин:

қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;

бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи.

Суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади.

Қонунда мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.

Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки унда белгиланган тартибда хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида давлатга қарашли мол-мулкка эга бўлган юридик шахсларга бу мулкни суғурталаш мажбурияти юкланиши мумкин.

Мол-мулкни суғурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси билан тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолларда, бундай суғурта ушбу модданинг маъноси жиҳатидан мажбурий ҳисобланмайди ва ушбу Кодекснинг 924-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди.

923-модда. Мажбурий суғуртани амалга ошириш

Мажбурий суғурта бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи билан суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади.

Мажбурий суғурта суғурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оширилади, йўловчиларни мажбурий суғурталаш бундан мустасно бўлиб, бу суғурта қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар, улар суғурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

924-модда. Мажбурий суғурта тўғрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари

Қонун бўйича фойдасига мажбурий суғурта амалга оширилиши лозим бўлган шахс, агар суғурта амалга оширилмагани унга маълум бўлса, суғурта қилдирувчи сифатида зиммасига суғурталаш мажбурияти юкланган шахс уни амалга оширишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Агар суғурта қилдирувчи сифатида суғурталаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс уни амалга оширмаган бўлса ёки суғурта шартномасини наф олувчининг аҳволини қонунда белгиланган шартларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларда тузган бўлса, у суғурта ҳодисаси юз берганида башарти тегишлича суғурталанган тақдирда суғурта товони тўлашга асос бўлиши керак бўлган шартларда жавобгар бўлади.

925-модда. Суғурталовчи

Тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва тегишли турдаги суғуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суғурталовчилар сифатида суғурта шартномаларини тузиши мумкин.

Суғурта ташкилотларига қўйиладиган талаблар, уларга лицензия бериш ва уларнинг фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

926-модда. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг суғурта қилдирувчи ва наф олувчи томонидан бажарилиши

Наф олувчи фойдасига суғурта шартномаси тузиш, шу жумладан у суғурталанган шахс бўлганда ҳам, суғурта қилдирувчини, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёхуд суғурта қилдирувчининг зиммасидаги мажбуриятлар фойдасига шартнома тузилган шахс томонидан бажарилмаган бўлса, ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Наф олувчи мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ёхуд шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни талаб қилганида суғурталовчи ундан, шу жумладан суғурталанган шахс наф олувчи бўлган тақдирда ҳам, суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни, шу билан бирга суғурта қилдирувчининг зиммасида бўлган, лекин у бажармаган мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Илгари бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларни бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик оқибатлари хавфи наф олувчининг зиммасида бўлади.

927-модда. Суғурта шартномасининг шакли

Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд - суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда - биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.

Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шаклларини қўлланишга ҳақли.

928-модда. Бош полис бўйича суғурталаш

Бир турдаги мол-мулк (товарлар, юклар ва ҳоказонинг) турли туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартларда мунтазам суғурталаш суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига биноан битта суғурта шартномаси - бош полис асосида амалга оширилиши мумкин. Суғурта қилдирувчи бош полиснинг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг ҳар бир туркуми тўғрисида суғурталовчига бундай полисда шартлашилган маълумотларни унда назарда тутилган муддатда, агар муддат назарда тутилмаган бўлса - улар олинганидан кейин дарҳол хабар қилиши шарт. Агар ҳатто бундай маълумотларни олиш пайтигача суғурталовчи тўлаши лозим бўлган зарар кўриш эҳтимоли ўтиб кетган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бу мажбуриятдан озод бўлмайди.

Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи бош полиснинг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг алоҳида туркумлари бўйича суғурта полисларини бериши шарт.

Суғурта полисининг мазмуни бош полисга номувофиқ бўлган тақдирда, суғурта полиси афзал кўрилади.

929-модда. Суғурта шартномасининг муҳим шартлари

Мулкий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида;

юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

суғурта пули миқдори тўғрисида;

суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;

суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

суғурталанган шахс тўғрисида;

суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

суғурта пули миқдори тўғрисида;

суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

930-модда. Суғурта шартномаси шартларини суғурта қоидаларида белгилаб қўйиш

Суғурта шартномасини тузиш шартлари суғурталовчи ёхуд суғурталовчилар бирлашмаси томонидан қабул қилинган, маъқулланган ёки тасдиқланган тегишли турдаги суғуртанинг стандарт қоидалари (суғурта қоидалари)да белгилаб қўйилиши мумкин.

Суғурта қоидаларида мавжуд бўлган ва суғурта шартномаси (полиси) матнига киритилмаган шартлар, агар шартномада (полисда) шундай қоидалар қўлланилиши тўғридан-тўғри кўрсатилган ва қоидаларнинг ўзи шартнома (полис) билан битта ҳужжатда ёки унинг орқа томонида баён қилинган ёхуд унга илова қилинган бўлса, суғурта қилувчи (наф олувчи) учун мажбурийдир. Илова қилинган тақдирда, шартномани тузиш пайтида суғурта қилдирувчига суғурта қоидалари топширилгани шартномада ёзув билан тасдиқлаб қўйилиши лозим.

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи суғурта қоидаларининг айрим бандларини ўзгартириш ёки чиқариб ташлаш ва қоидаларда бўлмаган бандларни шартномага киритиш тўғрисида келишишлари мумкин.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, суғурта шартномасида (полисида) кўрсатиб ўтилган тегишли турдаги суғурта қоидаларини, ҳатто агар бу қоидалар ушбу моддага кўра унинг учун мажбурий бўлмаса ҳам, важ қилиб келтиришга ҳақли.

931-модда. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи тақдим этадиган маълумотлар

Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Суғурта шартномаси (полиси)нинг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади.

Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қандайдир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида суғурта қилдирувчи суғурталовчига била туриб ёлғон маълумот берганлиги аниқланса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва ушбу Кодекс 123-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар қўлланилишини талаб қилишга ҳақли.

Агар суғурта қилдирувчи айтиб қўймаган ҳолатлар ўтиб кетган бўлса, суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

932-модда. Суғурталовчининг суғурта хавфини баҳолаш ҳуқуқи

Мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурият бўлган тақдирда унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида экспертиза тайинлашга ҳақли.

Шахсий суғурта шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган шахс соғлиғининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширтиришга ҳақли.

Ушбу модда асосида суғурталовчи томонидан суғурта хавфини баҳолаш бошқа ҳолатни исботлашга ҳақли бўлган суғурта қилдирувчи учун мажбурий эмас.

933-модда. Суғурта сири

Суғурталовчи суғурта қилдирувчи,суғурталанган шахс ва наф олувчи, уларнинг соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги, шунингдек бу шахсларнинг мулкий аҳволи тўғрисидаги ўз касб фаолияти натижасида ўзи олган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Суғурта сирини бузганлик учун суғурталовчи бузилган ҳуқуқларнинг тури ва бузиш хусусиятига қараб ушбу Кодекснинг 985, 1021 ва 1022-моддалари қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

934-модда. Суғурта пули

Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (суғурта пули) суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига кўра ушбу модда қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (суғурта қийматидан) ошмаслиги лозим, қуйидагилар шулар жумласига киради:

мол-мулк учун - унинг суғурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий қиймати;

тадбиркорлик хавфи - суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятидан кўриши мумкин бўлган зарар.

Шахсий суғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни суғурталаш шартномаларида суғурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар.

935-модда. Мол-мулкнинг суғурта қиймати

Суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади.

Мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи бу қиймат борасида била туриб чалғитилган ҳол бундан мустасно.

936-модда. Тўлиқ бўлмаган мулкий суғурта

